

ЗИГМУНД ФРЕЙД

Садриддин Шамс тайёрлади
@PsixoBLOGuz телеграм канал

ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, БИРОДАР!

Австриялик машхур файласуф, психолог ва психиатр Зигмунд Фрейд (тўлиқ исми шарифи Сигизмунд Шломо Фрейд) 1856 йилнинг 6 май куни ўша пайтда Австрия империяси таркибига кирувчи Моравиянинг Фрайберг шаҳарчасида таваллуд топган. Ҳозир Пришибор деб номланган бу шаҳарча Чехия ҳудудида жойлашган. Олим туғилган Шлоссергассе кўчасига энди унинг номи берилган.

Олимнинг отаси Якоб Фрейд иккинчи бор уйланганида қирқ ёшда, бўлғуси она – Амалия Натансон йигирмада эди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Германиядан чиққан яҳудийлар оиласидан бўлиб, Якоб Фрейд вофурушлик билан шуғулланар, оиланинг иқтисодий аҳволи бозордаги нарх-навонинг кўтарилиши ва пасайишига қараб ўзгариб турарди. Шунга кўра, Зигмунд уч ёшга тўлганида оила тирикчилик вазидан аввал Лейпцигга, бир йилдан сўнг Венага кўчиб ўтишга мажбур бўлади.

Ота-онанинг ўқиш-ёзишга лаёқатли бу ўғилдан умидлари катта эди. Шунинг учун ҳам унинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор беришди. Натижада, Зигмунд 9 ёшидаёқ гимназияга ўқишга киради. Бу пайтда оиладаги фарзандлар 8 нафар бўлиб (уларнинг икки нафари аввалги никоҳдан эди), Зигмунднинг ўқиши учун барча шароитлар яратиб берилганди. У, айниқса, адабиёт ва фалсафага бошқача қизиқиш билан қарар, Шекспир, Кант, Гегель, Шопенгауэр, Ницше асарлари мутолааси билан “илм тиши” чиққанди. Ўспирин Фрейд немис тилини мукамал билиши баробарида грек ва лотинчани ҳам ўрганган, француз, инглиз, испан, итальян тилларида эса бемалол гаплаша олган. Шу боис у 17 ёшида гимназияни муваффақиятли битиради ва 1873 йилда Вена университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради...

Фрейднинг таржимаи ҳоли, илмий изланишлари, ҳамкасблари билан муносабатларига оид қизиқарли маълумот ва тафсилотлар шу қадар кўпки, уларнинг ҳаммасига батафсил тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам биз эътиборни олим илмий-фалсафий меросининг айрим муҳим жиҳатларига қаратишни маъқул топдик.

Фрейд ўзининг 83 йиллик умри давомида 24 жилдга жо бўлган илмий асарлар яратди, у тиббиёт фанлари доктори, профессор бўлиш билан бирга, дунёнинг бир қанча нуфузли илмий жамиятлари, академиялари, ассоциацияларининг фахрий аъзоси этиб сайланганди.

Зигмунд Фрейд жаҳон фанида психоанализ йўналишига асос солган аллома сифатида танилган бўлиб, унинг бу кашфиёти XX аср психологияси, тиббиёти, социологияси, антропологияси, адабиёти ва санъати ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. У тадқиқ этиб эришган муҳим илмий янгиликлар, яъни: инсон психикасининг “У”, “Мен” ва “Юксак Мен” бўлимлардан иборат уч таркибли тузилмани ишлаб чиққани;

- шахс психосексуал такомиленинг алоҳида босқичларини таҳлил этиб бергани;
- инсон ғайришуурида макон топган “Эдип комплекси” назариясини батафсил таҳлил қилгани;
- инсон психикасидаги ҳимоявий механизмлар мунтазам ишлаб туришини кашф этгани;

“ғайришуур” (“бессознательное”) тушунчасини психологик жиҳатдан талқин этгани; инсон руҳий кечинмалари трансфери (бир одамдан бошқа одамга “кўчиб ўтиши”)нинг муҳим тиббий аҳамиятини кўрсатиб бергани, шунингдек, терапевтик даволашнинг эркин мулоқот ва тушларга асосланган усулларини жорий этгани, айниқса, машхурдир.

Айтилганидек, олимнинг илмий-фалсафий мероси ҳам ҳажман, ҳам мазмунан жуда бой бўлиши баробарида, унинг шахси, характери, илмий ғоя ва қарашлари ҳақидаги китоблар, тадқиқотлар, баҳслар салмоғи ҳам чакана эмас. Унинг ҳаётлигидаёқ бошланган бу мунозарамубоҳасалар ҳозирга қадар ҳам қизғин давом этмоқда. Зеро, баҳслашувчиларнинг бир қисми, Фрейд – сўнгги асрлар илмининг буюк даҳоси сифатида эъзозланиши лозимлигини таъкидлашса, бошқа бир қисми (улар орасида олим билан бирга ишлаган ва, ҳатто, унинг қўлида таълим олган Вильгельм Флисс, Альфред Адлер, Карл Густав Юнгллар ҳам бор) уни – XX аср фанининг моҳир фокусчиси сифатида истехзо билан баҳолашга мойиллик билдиришади. Нима бўлганда ҳам бир нарса аниқки, Фрейд даври ва ундан кейинги палла файласуфларининг аксарияти олим қарашларини четлаб ўтолмайди, унинг кашфиётларига у ёхуд бу сабаб таянишади. Ҳатто Фрейднинг ашаддий танқидчиларидан ҳисобланган америкалик файласуф Эрих Фромм ҳам унинг кўплаб фундаментал ғояларидан келиб чиқиб, айрим бирёқламаликлар (жумладан, инсон хатти-ҳаракатлари марказига сексуал мойилликни қўйиш)ни инкор этгани

ҳолда, уларни янги нуқтаи назар билан бойитиш йўлидан борадики, бу ҳолни фрейдизмнинг инкори эмас, балки илмий-танқидий, ижодий такомилли, деб аташ тўғрироқ бўлур эди.

Фрейд ва у асос солган фрейдизм таълимоти инсон онгини уч қисмдан таркиб топган ниҳоятда мураккаб қурилма сифатида тушунтиради, булар: ОНГ, ОНГОСТИ, ҒАЙРИШУУР. Бу тамойил бўйича, инсон ҳаёти давомида дуч келадиган жамики воқелик мана шу уч “қават”нинг бирида, албатта, макон топади. Одамнинг кўргани, эшитгани, кузатгани, ўйлагани, ҳис қилгани – ҳеч бир нарса изсиз йўқ бўлиб кетмайди. Унинг ўзи “эсимдан чиқардим”, “унутдим”, “хотирамдан кўтарилибди”, деб ўйлагани барча нарсалар унинг ё онги остида ёхуд ғайришуури пучмоқларида, албатта, сақланади.

Маълумки, Фрейд узоқ йиллар давомида руҳий касалларни кузатиш, даволаш билан шуғулланган. Бу кузатишлар эса олимни жуда қизиқ, аксарият ҳолда асосли хулосаларга олиб келган. Масалан, у туғма бўлмаган, яъни кейинчалик турли жароҳатлар натижасида орттирилган эмас, балки руҳий қийноқлар сабаб пайдо бўлган асаб касалликларининг туб замирида ўз вақтида изҳор қилинмаган кайфият, нафрат, муҳаббат, ҳис-ҳаяжон факторлари, турфа туйғулар, олинмаган ўч, қолиб кетган алам асоратлари ётишини айтади. Дарҳақиқат, “кечагина туппа-тузук юрган одам”нинг бир кунда телба бўлиб қолишига дабдурустдан изоҳ топиш осон эмас. Фрейдизм эса бунинг ўша “туппа-тузук юрган одам” ҳаётида қачонлардир юз берган ўта муҳим воқеа-ҳодиса билан боғлиқлигини, гарчи ўша ҳодисани одамнинг ўзи унутганман, деб ҳисобласа-да, унинг онгости ёхуд ғайришуури унутмаганини, унута олмаслигини исботлайди.

Шу жойда олим биографиясига қайтиб, у 1885 йилдан бошлаб Парижнинг машҳур психиатри Жан Шарко клиникасида ишлаганини эслашимизга тўғри келади. Ж.Шарко ўзининг руҳий хаста беморларини, жумладан, гипноз ёрдамида ҳам даволар эди. Аввалига бу усулни қўллаб-қувватлаган Фрейд, кейинчалик даволашни гипнозсиз ҳам ундан-да самаралироқ амалга ошириш мумкинлигини аниқлади. Фрейд беморлар билан эринмай, мунтазам сўзлашиш, бунда уларни ўз ҳолига тўла қўйиб бериш, эркин мулоқотга киришиш йўлини танлайди. Бу борада олимнинг шогирдларидан бири, кейинчалик фанда ўз йўлини яратишга муваффақ бўлган Фриц Виттельс ўзининг “Фрейд. Унинг шахси, таълимоти ва мактаби” китобида қизиқарли эпизодларни келтиради. Масалан, Фрейд ўз беморлари билан керак бўлса ойлаб ва йиллаб суҳбатлашишдан эринмас экан. Аввалига ўзини бўлганидан ҳам баттарроқ жинни қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладиган беморлар кун ўтган сайин бундан маъно йўқлигини истар-истамас тан олар, битта гапни уч кун, беш кун қайтараверишдан чарчаб, бошқа тафсилотларга ўтар, ниҳоят, ажойиб кунларнинг бирида ҳаётида қачондир юз берган недир бир муҳим ҳодиса эсловига етиб борар, мана шу кундан эътиборан у онги остида ёки ғайришуурида ўрнашиб олғиб уни қийнаётган дарддан фориғ бўла бошларди. Виттельс тили билан айтганда: “беморлар ўзининг қаршисида оқ халатли иблислар ўтирганидан беҳабар ҳолда, бутун дарду дунёсини уларга тўкиб солиш орқали тузалиш йўлига етиб келишарди”.

Демак, юқорида эслатилганидек, вақтида, “иссиғида” изҳорини топмаган кучли, эмоционал туйғулар, кун келиб ўз эгасининг ақлдан озишига сабаб бўлиши мумкин бўлса, моҳир психиатр томонидан ўтказилган холис, самимий, эркин мулоқот – дарддошлик сеанслари уни бу оғир хасталиқдан халос қилиши мумкинлиги ўз исботини топади.

Шу муносабат билан ўзимизнинг ўзбекона турмуш тарзимиз, тажрибаларимиз тўғрисида ҳам озгина тўхтаб ўтсак, бизнингча, зарар қилмайди. Масалан, халқимизда “Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор” деган беозоргина ибора мавжуд. Айрим эркаклар уни изтеҳзо билан айтишни хуш кўришади. Ҳолбуки, ўша эркаклар ўзини бир маробата аёли ўрнига қўйиб кўрганида эди, балки истехзо ўрнини ачиниш, кўнгилни англаш, дарди билан қизиқиш сингари инсоний амаллар эгаллаган бўлармиди...

Гап шундаки, қўшненикига элакка чиққан ўша хотин уйида иши бошидан ошиб ётганини яхши билади. Қолаверса, элак эгасининг ҳам юмуши етарли. Хўш, унда бу икков нечун бу қадар – дунёни унутар даражада суҳбатга (айримлар тилида – “ғийбатга”) берилиб кетишади? Бу жумбоқнинг жавоби аниқ: улар қайнона-қайнотасига, ота-онасига, опа-синглиси-ю, ака-укасига (бирда кўрқув, бирда истиҳола, бирда ҳайиқиш, бирда уят ва ҳ. к. ва ҳ. к. сабаб-омилларга кўра!) айта олмайдиган, айтишни ҳаёлига-да келтира олмайдиган ўйлари, туйғулари, ҳислари, кечинмаларини... қисқа қилиб айтганда, дарду дунёсининг бир қисмини (шунда ҳам, Худо сақласин, ҳаммасини эмас!) ўзидек инсон олдида тўкиб солади. Шу билан енгиллашади – жисми

эмас, руҳи енгил тортади. У айна йўл билан бўлғуси оғир дардлардан ўзини фориғ қилишга ғайришуурий тарзда уринади. Ахир, ўзингиз айтинг, уни эшитадиган, у билан дардлашишни истайдиган бошқа ким бор? Бурни оқиб турган боласими ёки кун бўйи ишлаб, “тоғни талқон қилиб” ҳориган, “қулоғига хотинларнинг майда гапи ёқмайди”ган эрими? Оғиз очиб кўрсин-чи, нима жавоб эшитар экан!

Биз, эркаклар, бу ҳолни фақат хотинларга оид манзара десак, билингки, адашамиз. Эркакларнинг ҳам имкон топилди дегунча “гап”, “ош” баҳона йиғилишга ошиқшининг остида ҳам худди шу сабаб-омиллар яширин эмасми? Ахир ўша – думба ёғига девзира ёхуд лазерда қилинган ошни уйда ҳам пиширса, еса бўлади. Бироқ уйда ош пишгунча ва унинг истеъмолидан кейин бўладиган, бемало-о-л ўтириб ўтказиладиган суҳбатларни атай ҳам уюштириб бўлмайди-да...

Шу ўринда яна бир қузатиш ҳам борки, унинг талқинини ҳурматли ўқувчиларимизнинг ўзига қолдирамиз. У ҳам бўлса, хотинларнинг, қозондаги ёғи ёниб кетар даражага келган бўлса ҳам, оғилхонадаги сигирини ўғри уриб кетса ҳам, “сериал”дан кўз узолмай қолиши ҳодисасидир. Бунда бир танишимнинг яқинда тан олиб айтган мана бу гапи сизга кўмакка келса, ажаб эмас: “Кўрмайман эмас, яхши сериалларни мен ҳам хотиннинг қаватига ўтириб кўраман. Билсангиз, бу ёқда сериал воқеалари кечаверади-ю, мен кўз қирим билан хотинни кузатсам, у ҳам мени билдирмай кузатиб ўтирганини сезаман. Экрандаги қаҳрамонлар худди у билан менинг бир-биримизга айтолмаган гапларимизни айтаётгандек бўлаверади, денг...”

Демак, биз ўзбеклар, фрейдизм тилида “трансфер” ва “контр-трансфер” деб аталадиган, бизнингча айтганда эса “дардингни, ҳовурингни олай, биродар”, “одам тафтини одам олади”, деган руҳий енгиллашиш, минг турли таъсирлардан фориғланиш усулини ғайришуурий тарзда ҳаётимизда қўллаб келганмиз ва... енгилроқ қилиб айтганда, кам бўлмаганмиз...

Шунга ўхшаш, Зигмунд Фрейд яратган йирик таълимотнинг ҳар бир йўналиши тўғрисида кўплаб мулоҳазаларга, қиёсларга тўхталиш, қизиқарли талқинларга берилиш мумкин.

Яна бир гап шундан иборатки, 1930 йилнинг ёзида З.Фрейд немис халқининг буюк мутафаккири Гёте номидаги мукофот билан тақдирланади. Орадан уч йил ўтиб эса Германия тахтига миллатчи-социалистлар етакчиси Адольф Гитлер ўтиради. Унинг амалга оширган энг тубан ишларидан бири – Ҳенрих Ҳейне, Томас Манн, Франц Кафка, Альберт Эйнштейн сингари юзлаб тафаккур даҳолари яратган асарларни, шу жумладан Зигмунд Фрейд китобларини ҳам қувғин қилгани, барча яҳудийлар қатори олимни ҳам жисмонан маҳв этиш пайига тушгани бўлди. Шогирдлари олимни мамлакатни тарк этишга ҳар қанча даъват қилишмасин, у бунга кўнмайди. Бироқ 1938 йилда Австрия Германияга кўшиб олинганидан сўнг бояги қувғинлар ўта хатарли тус олади: қизи Анна ҳибсга олинади, Фрейднинг ўзи гестапога сўроққа чақирилади. Ниҳоят, Англияга кетмоқдан ўзга чораси қолмаган Зигмунд Фрейд, АҚШ Президенти Франклин Рузвельт аралашуви, Греция ва Дания қироличаси Мари Бонапартнинг (олим уни даволаган, илм ўргатган эди) молиявий кўмаги билан (Учинчи рейх кўчмоқни истаган яҳудийлардан “герман ҳукумати олдидаги қарзни ундириш” баҳонаси билан жуда катта пул талаб қилган!) туғилган юртини тарк этади. Зигмунд Фрейд умрининг сўнгги ойларини Англияда ўтказади. Бўқоқ саратони касалига чалинган олимнинг аҳволи тобора оғирлашиб, 1939 йилнинг сентябрида 83 ёшида оламдан ўтади.

Бунга қарангки, ҳар йилнинг май ойи биринчи ўн кунлигида бутун тараққийпарвар инсоният улуғ олим Зигмунд Фрейднинг таваллуд айёмини ҳамда шундай инсонни қувғин қилишгача қўли борган Гитлер фашизмнинг тор-мор бўлган кунини нишонлайди. Бизнигина эмас, бутун одамзодни юпатадиган, юпата туриб сергакликка даъват этадиган, инсонга, унинг руҳиятига эътиборлироқ бўлишга чорлайдиган гап мана шу эди, азиз ўқувчи!

Раҳмон Кўчқор Манба: “Жаҳон адабиёти”, 2013 йил, 5-сон.

БУЮК ФРЕЙД ВА УНИНГ ПСИХОАНАЛИЗ ТАЪЛИМОТИ

➤ **Фрейдни ўқитиш ғояси қачон пайдо бўлди?**

Мен ушбу китобда шу давргача (ўйлайманки, бундан кейин ҳам) ўзининг психоанализ таълимоти билан бутун дунё илм аҳлини ҳайратга солиб келаётган буюк мутафаккир олим Зигмунд Фрейд ҳақида қисқача маълумот бераётганимдан хурсандман.

Менинг мақсадим бу олим ҳақида китоб ёзиш эди. Бу фикр 1997 йили қўлимга «Психология бессознательного» китоби тушиб қолгандан сўнг пайдо бўлган. Зигмунд Фрейднинг психоанализ таълимотини ўқидим-у, унга боғланиб қолдим. Унинг ишларини ўзбек тилига таржима қилишни ҳам ўйлаб кўрдим. Бироқ ўша пайтлари докторлик диссертацияси устида иш бошлаган эдим.

1998 йили институт раҳбарияти менга «Тиббиёт психологияси»дан дарслик тайёрлашни топширди. Менда З. Фрейднинг психоанализ таълимотини ушбу дарсликка киритиш ва уни талабаларга ўқитиш фикри пайдо бўлди. Ушбу таълимотни институтнинг ўқув дастурига кириштишга муваффақ бўлдим.

З. Фрейд таълимоти бўйича алоҳида маъруза тайёрладим ва уни барча факультет талабаларига ўқий бошладим. Амалий машғулотларда ҳам психоанализ таълимотини талабаларга ўргата бошладик. Айниқса, психоаналитик даволаш усуллари талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Ўша пайтлари гипноз билан ҳам шуғулланиб, талабалар ва беморларга гипнотерапия ўтказар эдим. Бироқ психоаналитик терапия мени шу қадар ўзига ром қилдики, мен гипноз билан шуғулланишни тўхтатиб қўйдим. Қизиққан талабаларга дарсдан кейин ҳам психоаналитик даволаш усулларини ўргата бошладим. Бу усуллар талабаларда катта қизиқиш уйғотди ва жуда кўп талабалар «Фрейд ҳаёти ва ижоди», «Психоанализ таълимоти», «Психоаналитик терапия» мавзуларида илмий тўғарақларда маърузалар қила бошлашди.

Вақтлар ўтиб, баъзи таълимотлар инқирозга учрайди ва унут бўлиб кетади. Ч. Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» ҳақидаги таълимотини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. З. Фрейднинг психоанализ таълимоти ҳам ўз вақтида жуда кўп танқидларга учраган. Бироқ бу танқидлар остида унинг назарияси ўзгариб, янги тусга кириб ва инсонларга янада яқинроқ бўлиб бораверди, унинг моҳияти янада юксалаверди.

З.Фрейд таълимоти нафақат тиббий фанлар ва психология, балки фалсафа, этика, эстетика, деонтология, этнология, юридик фанлар, жамиятшунослик каби ўндан ортиқ йирик фанлар ичига кириб борди. Фикримизча, нафақат жамиятда бўлаётган воқеаларни, балки иккала инсон орасида рўй берадиган ҳар қандай муносабатларни Фрейд таълимотига асосланиб изоҳлаб бериш мумкин.

Мен Зигмунд Фрейднинг «Психоанализ таълимоти»ни инсоният олдидаги моҳияти бўйича буюк Эйнштейннинг «Нисбийлик назарияси» билан бемалол таққослаган бўлар эдим. Агар Нобель мукофоти олувчилар рўйхатида психологлар ҳам бўлганида эди, бу мукофотни ҳеч иккиланмай Фрейдга тақдим қилишарди.

Фрейд таълимотидан завқланиб кетган бир олим: «Агар Фрейд бўлмаганда эди, уни ўйлаб топиш керак бўларди», деб хитоб қилган. Тўғри! Фрейдни жамиятнинг ўзи яратди. Фрейд ва унинг таълимотисиз психологияни тасаввур қилиш қийин!

ЗИГМУНД ФРЕЙД (1856–1939)

➤ **Фрейднинг болалик даври**

Зигмунд Фрейд Чехиянинг Пршибор (ҳозирги Фрейбург) шаҳрида 1856 йили 6 майда дунёга келган. 1860 йили Фрейдлар оиласи Вена шаҳрига кўчиб ўтишган. Демак, кичик Зигмунд бу шаҳарда бор-йўғи 4 ёшга киргунга қадар яшаган. Шундай бўлса-да, чехлар буюк олим шарафига Прага шаҳрида «У бизнинг юртда дунёга келган», деб ёдгорлик ҳайкалини ўрнатишган.¹³¹

З. Фрейд кўп болалик оилада туғилган. Уларнинг оиласида 8 нафар фарзанд бор эди. Зигмунд эса оилада учинчи фарзанд бўлган. Зигмунд ўта нимжон бўлиб, тез-тез касал бўларди. Шунинг учун ҳам оилада асосий эътибор унга қаратиларди. Отаси ўғлининг ўлиб қолишидан жуда кўрқарди. Фрейдлар оиласи камбағал яшашган. Унинг отаси жун (шерсть) сотиб, фарзандларини боққан.

Зигмунд жисмонан нимжон бўлишига қарамасдан илм олишга жуда чанқоқ бўлган. У болалик давридан оқ ўта зийрак ва ақлли бўлса- да, инжиқ ва қайсарлиги билан ҳам ажралиб

турган. Ёш Зигмундни деярли барча маълумотлар қизиқтирарди. У чет тилларни ҳам тез ўзлаштирган.

➤ *Хаёлпараст ва шухратпараст Зигмунд!*

Фрейд ўсмирлик даврида ноқ хаёлпараст ва шухратпараст бўлган. Унинг илмга, айниқса, табиий фанларга чанқоқлиги авж олиб борарди. У барча илмларни эгаллаб, машҳур киши бўлишни орзу қилар ва кўп китоб мутолаа қиларди. Фрейд мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ Ч. Дарвиннинг таълимоти билан қизиқиб қолади ва уни бошдан-оёқ ўқиб чиқади. Ёш Фрейд ўз тенгдошларига: «Мен Ч. Дарвинга ўхшаган табиатшунос олим бўламан», деб хитоб қилган. Менимча, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки ўсмирлар хаёлпараст ва орзуманд бўлишади.

Ота-онаси оғир характерли Зигмунддан азият чекишса-да, унинг таълим олиши учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилишган. З.Фрейд болалик давридаёқ табиий фанларга жуда қизиққан.

➤ *Фрейднинг нега дўсти бўлмаган?*

Зигмунднинг характери ўта оғир бўлганлиги учун ҳам унинг дўстлари деярли бўлмаган. Фрейд кейинчалик Эйнштейнга ёзган хатида бунинг ўзи ҳам тан олган. Шунинг учун бўлса керак, у ёлғизликка интилган. У ҳатто машҳур бўлиб кетганида ҳам ёлғиз қолган. Фрейднинг болалик пайтидаги ўта ўжарлиги кейинчалик кучайса кучайган-у, бироқ барҳам топмаган. Ҳатто ўзининг дастлабки шогирдлари – Алфред Адлер ва Карл Густав Юнг билан ҳам келишмаган. Улар Фрейдни тарқ этишган. Балким Фрейднинг ўзи улардан воз кечгандир. Агар Гёте «Оддийлик – бу буюкликдир», деган бўлса, Фрейд «Ёлғизлик – бу буюкликдир», деган тамойилга асосланиб яшаган ва ижод қилган бўлса керак.

➤ *Илм пиллапоялари*

Фрейд 17 ёшида, яъни 1873 йили гимназияни муваффақиятли тугатиб, машҳур Вена университетининг медицина факультетига ўқишга киради. Вена университети Европада энг машҳур илм масканларидан бири бўлиб, унда дунёга машҳур олимлар дарс берган. Фрейд фалсафий йўналишдаги фанлар бўйича илмий тўғаракларга қатнашиб юради. 132

У 1876–1882 йиллари Эрнст Брюккнинг физиология лабораториясида илмий изланишлар олиб боради ва орқа миянинг физиологияси билан шуғуллана бошлайди. Физиологик жараёнларни ўрганишга шўнғиб кетган Фрейд руҳиятнинг биологик асослари ва физиологик параметрларига эътибор қаратди. У туғма инстинктлар билан руҳият орасида боғлиқлик излайди.

Ўша даврларда психологияда фалсафий қонунлар устунлик қилиб, психологлар воқеа ва ҳодисаларнинг тафсилотларини ўрганиш билан чегараланиб қолишган, яъни уларни миядаги физиологик жараёнлар билан боғлашмаган. Бунинг тушуниш мумкин, албатта. Чунки ўша пайтларда физиология ҳали ривожланмаган эди. Физиологик қонунларга асосланган экспериментал психология эса энди куртак ота бошлаганди. Умуман олганда, тиббиёт ва психология физиологлар ва биологларга доимо таъзим бажо айлаши керак. Чунки тиббиётнинг ҳам, психологиянинг ҳам гуркираб ривожланишида физиология ва биологиянинг ўрни ҳеч қайси фан билан таққослаб бўлмас даражада беқиёсдир.

Менимча, Фрейднинг бошқа психологлардан кескин илгарилаб кетганлигининг асосий сабаби – унинг физиология ва биология қонунларига қатъий амал қилганлигида. У энди ривожланиб келаётган физиологиянинг ҳар бир ютуғидан психологик қонуниятларни ўрганишда муваффақиятли фойдаланди. Фрейд воқеа ва ҳодисалар тафсилоти билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва асл моҳиятини излаб топишга интилди. Унинг бу характери умрининг охиригача унга ҳамроҳ бўлди. Фрейднинг физиология бўйича устози Эрнст Брюкк ўз даврининг буюк физиолог бўлган. Бир неча йиллардан сўнг бутун дунёга машҳур бўлишга интилган Фрейд Э.Брюкк билан ўтказган онларини эслаб: «Мен устозим Брюкк билан лабораторияда соатлаб қолиб кетардим, ҳайвонларнинг орқа мияси физиологиясини ўрганиш мен учун энг катта бахт эди», деган.

Эътибор беринг-а, Фрейд уни машҳур қилган психоанализ таълимоти ҳақида эмас, балки физиология ҳақида завқланиб гапирган. У Э.Брюкк кўл остида умрбод илмий иш билан шуғулланишга аҳд қилди. Бироқ...

➤ ***Илм қилиш қийинми ёки оила боқиш?***

1882 йили Фрейд 21 яшар Марта Вернейга уйланади. У ҳам камбағал оиладан эди. Илмий иш эса инсонга завқ бағишлайди, бироқ ҳар доим ҳам қоринни тўйғизавермайди! Энди оилали бўлган Фрейдда иқтисодий қийинчиликлар яна давом этади. Оилани боқиш борасида келиб чиқаётган эр-хотин орасидаги жанжаллар Фрейдни илмий ишни ташлашга мажбур этади. У оила боқиш учун оддий невропатолог бўлиб ишлай бошлайди. 133

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Ажаб эмас, Фрейднинг психоанализ ҳақидаги таълимотининг яратилишига унинг хотини сабабчи бўлган бўлса. Уриш-жанжаллардан безиб кетган Фрейд хотинига: «Марта, касал кўриш ва даволашни осон деб ўйлайсанми. Невротиклар жонга тегди! Уларга саломатлик ҳақида соатлаб гапирасан-у, бироқ ҳеч қандай нафани кўрмайсан. Айниқса, сенга ўхшаш хотинларни тузатиш жуда қийин». Шунда хотини Фрейдга бепарво оҳангда: «Сен гапирма! Уларнинг ўзларини гапиртир! Хотин киши ўзи гапириб, ўзи тузалиб кетаверади», дейди. Ажаб эмас, психоаналитик терапия услубларини ишлаб чиқаётган Фрейд Мартанинг тавсияларини ҳам эътиборга олган бўлса. Чунки психоаналитик терапиянинг асосий услуби беморни гапиртиришдан иборат.

➤ ***«Бу невропатолог жонимга тегди!»***

Фрейд невропатолог бўлиб ишлай бошлагач, маҳаллий газеталарга шундай эълон беради: «Асаб бузилишларини даволайман!» Фрейд неврологияга жуда қизиқиб кетади. У асаб касалликларини энди китобдан ўқиб эмас, балки беморларнинг кўзидан ўқиб, ўргана бошлади. Фрейд турли-туман беморлар билан мулоқотда бўлар ва улар билан соатлаб суҳбатлашишни куш кўрарди. Ўша пайтлари ҳали яхши ривожланмаган неврологиядан унинг кўнгли тўлмасди.

1896 йили Фрейдда даволаниб юрган Эмма фон Н. исмли бемор унинг даволаш усулларида каттиқ шикоят қилади: «Бу невропатолог жонимга тегди! У менинг аҳволимни фақат оғирлаштирапти!». Бу Фрейдга каттиқ таъсир қилади. Фрейдни ўша пайтларда асаб касалликларини, хусусан, неврозни даволашга оид қўлланмалар қониқтирмаётган ҳам эди. Нима қилиш керак?

➤ ***Нега бу усуллар китобда ёзилганидек ёрдам бермаяпти? Шаркога мурожаат қилиш керак!***

Асаб касалликларини даволашга оид китобларда келтирилган тавсиялар беморларда Фрейд кутган натижани беравермас эди. Неврологияни чуқурроқ ўрганиш учун Фрейд Европада жуда катта ном қозонган француз неврологи Жан Мартен Шарко (1824–1893) ёнига боради. Фрейд Шарконинг ишлари билан фахрланиб юрар, у билан учрашишни азалдан орзу қиларди. Ж.М.Шарко Францияда шу қадар машхур эдики, ҳатто унга «Неврология Наполеони» деб ном беришган. У невроз ва истерия белгиларини мукамал билган ва беморларни даволашда гипноз усулидан кенг фойдаланган. Шарко деярли барча аристократларнинг шахсий врачлари бўлган.

Невропатолог бўлганлигим учун ҳам шу ерда Шарко ҳақида батафсилроқ маълумот бермоқчиман. Дунёда биринчи марта невро134

логия кафедраси Францияда 36 ёшли Ж.М.Шарко томонидан очилган. Бу кафедра 1860 йили Париж университетининг тиббиёт факультети қошида ташкил этилади ва унинг раҳбари Шарко бўлган. Шарко жуда кўп неврологик касалликларнинг симптом ва синдромларини ёзиб қолдирган. Неврологияга оид дастлабки йирик дарслик ҳам айнан Шарко қаламига мансуб. Шарко неврология соҳасида олимлар йўл кўйган ҳар қандай хатони аёвсиз танқид қилган. Шарконинг танқидига учраган илмий мақолалар қайтиб ҳеч қайси журнал юзини кўрмас эди.

➤ ***Фрейд ва Брейер***

3. Фрейд Париждан Венага қайтгач, ўша даврнинг кўзга кўринган психиатри Иосиф Брейер билан истерия ва неврозларни чуқур ўргана бошлайди. Улар Шарко асарларида кўрсатилган усулларни невроз ва истерияни даволашда қўллай бошлашади. Ўша пайтлари энди амалиётга кириб келаётган физиотерапия усуллари ва кенг қўлланиб келаётган гипноз Фрейд кутган даражада ёрдам бермаётган эди.

Фрейд невроз ва истерия билан мурожаат қилаётган беморларнинг аксарияти аёллар эканлигига эътибор қаратади. 1896 йили З.Фрейд Брейерга: «Устоз, аёллардаги невроз ва истериянинг асл сабаби сексуал қониқмаслик эмасмикан», дейди. И.Брейер унинг бу фикрига

қўшилмайди ва аввалги даволаш усулларини давом эттиравериш кераклигини айтади. Фрейд аста-секин ўз устозидан узоқлаша бошлайди ва уни тарк этади. Шу ерда И.Брейер ҳақида икки оғиз сўз. Агар Фрейд ҳақидаги ўнлаб материалларни ўқиб чиқсангиз қизиқ фактларга дуч келасиз. Айнан И.Брейернинг ишлари Фрейдда психоанализ таълимотининг илк куртакларини пайдо қилган. Чунки И.Брейер невроз ва истерия ташхиси қўйилган беморларга касаллик аломатларини узоқ сўзлатган. Бемор ўзини безовта қилаётган белгилар ҳақида қанча узоқ сўзласа, унинг аҳволи шунча яхшиланаверган. Бунга дастлаб Брейер эътибор қаратган ва бу ҳолатни катарсис деб атаган. «Катарсис» грекчадан *руҳий покланиш* дегани.

Демак, Фрейд асарларида энг кўп қўлланиладиган катарсис атамаси устози И.Брейер томонидан таклиф этилган. Аммо Брейер ўзининг даволаш усулларини янада такомиллаштирмади ва эски услублар билан чегараланиб қолди. Фрейд эса изланишни тўхтатмади, невроз ва сексуалқониқмаслик орасида боғлиқликларни излашга берилиб кетди.

➤ **Невроз – сексуал қониқмаслик аломатими?**

3.Фрейд 1897 йилдан бошлаб невроз ва сексуал қониқмаслик орасида боғлиқликларни систематик тарзда ўргана бошлайди. Фрейд сексуал қониқмаслик ғоясига шу қадар берилиб кетадики, у нафақат невротик бузилишлар ва хулқ-атвордаги ўзгаришларни, балки психосоматик 135

симптомларни (бош оғриғи, оёқ оғриқ, бел оғриқ, қорин оғриқ, юрак оғриғи ва ҳ.к.) ҳам сексуал қониқмаслик билан боғлайди. Бунинг натижасида Фрейд «пансексуалист» деган лақабни олади. Ундан кўп олимлар ва ҳатто ўзининг устозлари ҳам юз ўгиради. Унинг мақолаларини чоп қилмай қўйишади. Чунки ўша пайтлари ижтимоий омилларга бурканган психологик назариялар яхши ривожланиб келаётган эди. Фрейд эса аслида ҳайвонлар хулқ-атворини белгилаб берувчи биологик инстинктлар инсонлар хулқ-атворини ҳам белгилаб беради, деган эди- да. Фрейд бундай беморларга гипнознинг ёрдам бермаслигига ишонч ҳосил қилади ва бу усулдан воз кечади. У Шарконинг даволаш усулларини деярли қўлламай қўяди. «Гипноз – беморнинг аҳволини вақтинча яхшиловчи восита, холос», деган эди Фрейд. У гипноз усулини ҳам тарк этди ва руҳиятнинг янги моделини яратишга киришди.

➤ **Психоанализ таълимоти қандай яратилди?**

3. Фрейд инсон руҳиятини муз тоғига қиёслаб тушунтириб берди: «Муз тоғининг устки, яъни олтидан бир қисми онг бўлса, сув остида кўринмай ётган олтидан беш қисми онг остидаги жараёнлар, яъни онгсизликдир».

«Жаноб Фрейд! Сенинг инсон психологияси ҳақидаги дунёқарашларинг ва илмий фаразларинг психология қонунларига жуда зид ва ҳақоратомуздир», деган дашномларни кўп эшитган олим психологияни ҳам тарк этди. Менимча, Фрейд психологияни эмас, балки психологларни тарк этди. Боз устига унинг мақолаларини психология журналларида чоп этмай қўйишди, илмий кенгашлар ҳам усиз ўта бошлади. Унда фанда янги бир йўналиш очишдан бошқа илож қолмади ва у психологияга яқинроқ бўлиши керак эди. Ахир инсон руҳиятини психологиясиз ўрганиб бўладими? Онгли жараёнларни онгсиз жараёнлар орқали ўрганиш унинг фикру хаёлини қамраб олганди. Инсон руҳияти ҳақидаги демагогия ҳам унинг жонига теккан эди. У фанда янги бир йўналиш очади ва уни «Психоанализ» деб атайди. Тўғри «психоанализ» атамаси фанга яқин бўлса-да, унинг шаклланишида физиология, неврология ва психология ётарди. Бу учала фаннинг иштирокисиз психоанализни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

Образли қилиб айтганда, психоанализни осмонга бўй чўзиб турган телеминорага ўхшатиш мумкин. Ушбу миноранинг бир оёғи – физиология, иккинчи оёғи – неврология, учинчи оёғи эса – психологиядир. Эътибор қилинганга, уларнинг ҳаммаси бир хил ва тенг. Миноранинг осмонга бўй чўзиб, қуёшга интилиб турган қисми эса – **психоанализдир**. Миноранинг ушбу қисмидан атрофга қарасангиз гўзал шаҳар кафтингизда тургандек кўз олдингизда намоён бўлади. Демак, бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, психоанализ инсон қалбини 136

ва унинг энг тубида яшириниб ётган жараёнларни бемалол кўра оладиган фан. Психоанализ фани ўз олдида онг тубида яшириниб ётган чуқур психологик жараёнларнинг сир-асрорини очишни мақсад қилиб қўяди ва шу йўл билан неврозни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганади.

➤ **Онгсизлик нима?**

3. Фрейд бизда «яшириниб» ётган психологик жараёнларни онгсиз жараёнлар деб атади. Рус психологлари бу ҳолатни турли атамалар билан таърифлашади: «бессознательное» (онгсизлик), «подсознание» (онгости).

Ўзбек олимлари ичида онгсизликни «ботиний онг» деб аташ таклифи ҳам киритилган (А. Усмонхўжаев).

Шундай қилиб, ҳанузгача фанда катта шов-шувларга сабаб бўлиб келаётган ва моҳияти тўлалигача ўрганилмаган ушбу ноаниқ психологик жараёнларнинг атамаси ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда. Уларнинг маъносини ўзгартирмаган ҳолда мен «онгсизлик» атамасини маъқул топдим.

Онгсизлик бу шундай ҳолатки, бунда одам ихтиёрсиз тарзда, ўзи билмасдан ёки англамасдан турли хатти-ҳаракатларни амалга оширади. Бу хатти-ҳаракатлар ўз-ўзидан кундалик ҳаётда, уйқуда, яъни туш кўраётганда ёки гипнотик ҳолатларда кузатилиб туради. Онгсизлик, табиийки, онгга боғлиқ бўлмаган ҳолат.

3. Фрейднинг таъбирича, онгдан сиқиб чиқарилган одамнинг табиий инстинктлари онг остида қўним топади. Онгсизлик туғма хусусият бўлиб, инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини белгилаб беради.



Фрейд бўйича инсон руҳияти модели. Муз тоғининг сиз кўриб турган қисми бизнинг онгимиз. Бироқ сувнинг тагида муз тоғининг жуда катта қисми кўринмай ётибди. Унинг мана шу кўринмай ётган қисми онгсизликдир.137

➤ **Фрейд бўйича руҳият модели қандай?**

3. Фрейд ўз кузатувларига асосланиб, инсон руҳиятининг янги бир моделини яратди. Унга асосан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган 3 та психологик тузилма мавжуд. Булар **ид**, **эго** ва **супер-эго**. «Ид» – бу инстинктлар. У онгдан холис. «Эго» – бу Мен. Унинг онги бор. «Супер-эго», яъни «Супер-мен» – бу одамни ўраб турган муҳит, жамият. «Супер-мен» одамнинг хулқ-атворини «тепадан» назорат қилиб туради. Бу тушунчаларнинг ҳар бирига таъриф бериб чиқамиз.

➤ **«Ид» – биологик инстинктларми?**

Зигмунд Фрейд фикрича, эволюциянинг дастлабки босқичида одамда ўз-ўзини сақлаш, яъни овқат излаш инстинкти одамнинг хулқ- атворини белгилаб берган. Шу билан параллел ҳолда ёки бироз сўнг бу функцияни кўпайиш инстинкти, яъни сексуал инстинкт бажара бошлаган. Фрейд барча биологик инстинктларни (ҳимоя, овқат излаш ва кўпайиш, яъни сексуал) битта сўз билан «Ид» деб атаган.

«Ид» онгда акс этмайди, у онг остида жойлашган, тўғрироғи, онг остига тиқиштирилган. «Ид» қониқиш принципларига асосланиб фаолият кўрсатади. Бу ерда жинсий қониқиш алоҳида ўрин тутади. 3.Фрейджинсий майл тушунчасини бағоят кенгайтириб юборади. Яъни, унинг

таълимоти бўйича жинсий майл одамнинг хатти-ҳаракатини туғилганидан буён бошқариб келади. З.Фрейд қондирилмаган ҳис- туйғу ёки майлнинг руҳий қуввати онг остида тўпланиб боради ва ўз ифодасини топишга уринади, деб фикр юритади. Майллар ичида у либидони асосий ўринга қўйган.

➤ **«Ид» тажовузқорми?**

«Ид» доимо «Мен» ва «Супер-мен» билан мурасасиз жанг олиб боради, чунки улар «Ид»ни доимо назорат қилишга интилади-да. «Ид» кучли қувватга эга бўлса-да, «Мен» уни онг остидан сузиб чиқишига йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам «Ид» тажовузқордир. «Мен» назоратни тўла қўлга олгунга қадар инстинктлар гўёки одамнинг ҳаёт тарзини, яъни хулқ-атворини белгилаб берган. «Мен»нинг ривожланиши одамнинг ҳаёт тарзини ўзгартириб юборди ва унинг хулқ-атворини назорат остига олди. Шунга қарамасдан, психоаналитиклар «Ид»га одамнинг ҳаёт тарзини белгилаб берувчи асосий манба сифатида қарашади. «Ид» ўзгармас, «Мен» эса ривожланиб ва ўзгариб боради.

➤ **«Эго» – бу «Мен» дегани!**

Одам бошқа жонзотлардан ақл-заковат, яъни онгнинг борлиги билан фарқ қилади. Демак, онг «Мен» демакдир. Агар одам фақат «Ид» қонуниятларига бўйсуниб яшаганида эди, унинг ҳаёт тарзи ҳайвонларникига ўхшаб қоларди. Ваҳоланки, одам фаолияти онгли жараён экан, у ўз хатти-ҳаракатларида ҳам, асосан, онгга таянади. Бироқ бу хатти-ҳаракатларни «Ид» белгилаб беради.

Психоаналитиклар одамни, аниқроғи, унинг руҳиятини тирик хужайрага ўхшатишади. Бунда хужайранинг ташқи пардаси «Мен» бўлса, унинг ички таркиби «Ид»дир. Хужайранинг ичида моддалар алмашинуви натижасида катта энергия тўпланади ва кучли энергияга эга бўлган «Ид» ташқарига ёриб чиққиси келади. Бунга эса хужайранинг ташқи пардаси, яъни «Мен» йўл қўймайди.

➤ **«Ид» ва «Мен» орасидаги муносабатлар яхшими?**

З.Фрейд «Мен» ва «Ид» орасидаги муносабатларни чавандоз билан от орасидаги муносабатларга қиёслаб ҳам тушунтириб берган.

Чавандоз отни ўзи бошқарса-да, фақат унинг қуввати ҳисобига ҳаракатланади. Керак пайтда чавандоз югани қаттиқ ушлаб, отни тўхтатиши ва ўзи хоҳлаган томонга йўналтира олиши зарур. Акс ҳолда у йиқилиб, қаттиқ жароҳат олади ёки ҳалок бўлади. Баъзи вазиятларда қачон тўхташ ва қайси томонга юриш кераклигини чавандоз эмас, балки отнинг ўзи танлайди. Масалан, чавандоз ухлаб қолади, чарчайди ёки касалланади.



«Мен» (чавандоз)нинг аҳволи «Ид» (от)нинг аҳволига қараганда бир оз мураккаброқ. Чунки «Мен» бир томондан атроф-муҳит, яъни ташқи оламнинг қонун-қоидаларига амал қилиши, иккинчи томондан кучли от («Ид»)ни бошқариши керак. «Мен» ҳам ташқи олам, яъни «Супер-мен»нинг талабларини, ҳам «Ид»нинг эҳтиёжларини қондириши учун доим хавотирда яшайди. Бу талабларни бажариш учун «Мен» доим сергак бўлиб туриши керак, бу талаблар бажарилмаса, айбдорлик ҳисси айнан «Мен» бўйнига тушади. Демак, «Мен» доимо ўзини ҳимоя қилиш йўллариини излайди. З.Фрейд неврозларнинг келиб чиқишини ушбу зиддиятли муносабатлардан излаган.

Кейинчалик З.Фрейд яраланган ҳарбий хизматчиларда ҳам невроз ва истерия ҳолатларини кузатади. Бу касалликларни жинсий майл билан изоҳлаб бўлмасди, албатта.

Энди З.Фрейд онг остига қамалган ва қондирилмаган эҳтиёжларни бошқача йўл билан қондириш йўллариини излади, яъни у сексуал фаолиятни бошқа фаолият билан алмаштириш (сублимация) мумкинлигини илгари сурди. Бу фаолият нима? Улар ахлоқ қонунларига зид келмайдиган фаолиятлар (фан, маданият, спорт, ижод ва ҳ.к.). Бу назарияни З.Фрейдгача ҳам ўрганишган. Бироқ З.Фрейд инсоният яратган маданий бойликларни ана шу хил эврилиш (сублимация) маҳсули деб билди.

➤ **«Супер-эго» – бу «Супер-мен»!**

Хўш, унда «Супер-мен» нима? Маълумки, ҳужайралар тўплами тўқимани, тўқималар аъзоларни, аъзолар эса организмни ташкил қилади. Демак, «Супер-мен» – барча «Мен»лар йиғиндиси. Ҳужайра организмда ҳаёт кечиргани каби, организм ҳам ҳужайрасиз яшай олмайди. Организм – бу «Супер-мен». «Супер-мен» – бу жамият қонунлари, ахлоқ принциплари ва дин талаблари. «Мен» «Супер-мен» талабларига бўйсуниб яшаши керак. Акс ҳолда у ҳалокатга учрайди. Демак, бу 3 та тузилмадан «Мен»га оғир. Чунки у бир томондан «Ид»ни қониқтириши, иккинчи томондан «Супер-мен» талабларига амал қилиши керак. Фрейд фикрича, шунинг учун ҳам «Мен»да невроз ривожланади.

➤ **Психоаналитик қандай даволайди?**

Психоаналитиклар неврозларни психотерапевтик йўл билан даволашда «Ид», «Мен» ва «Супер-мен» орасидаги зиддиятларни камайтиришга ёки тўхтатишга ҳаракат қилишади. Оддийроқ қилиб тушунтирадиган бўлсам, психоаналитик ва мижоз бир хонада ёлғиз қолиши керак. Мижоз ўзини эркин қўйиб, кўзларини ярим юмган ҳолда креслога суяниб ётади. Психоаналитик ундан хаёлига келган барча фикрларини ва унга азоб бераётган воқеа ва ҳодисаларни оқизмай-томизмай сўзлаб беришни илтимос қилади. Бу ерда биророрта ҳам сир қолмаслиги ва бемор уялмаслиги керак. Маъноли сўзларми, маъносизми, бемор уларни психоаналитикка очиб ташлаши шарт. Ана шундагина, З. Фрейд таъбири билан айтганда, руҳий покланиш, яъни «катарсис» рўй беради ва тузалиш жараёни жадал кечади. З. Фрейднинг фикрича, энг муҳими мазкур ассоциациялар онг томонидан бошқарилмаслиги керак ва бемор фикрини эркин ифодалаши зарур. Шу талаб сақлангандагина онг остига қамалган хоҳиш-истаклар ва онг томонидан тақиқланган зиддиятли муаммолар ўз ечимини топади. Бунинг натижасида мижоз йиллар мобайнида уни қийнаётган муаммолардан халос бўлади ёки невроз белгилари бутунлай чекинади.

ЗАРИФБОЙ ИБОДУЛЛАЕВ «АСАБ ВА РУҲИЯТ» КИТОБИДАН

ЗИГМУНД ФРЕЙД

*Фрейд изланишларига илтифот бегона,
шунинг учун ҳам улар одам ҳаётини заррача
енгилаштирамайди.*

С.Цвейг

Ақлу заковат қанча қудратли ва топқир бўлмасин, улар ўзига таянчли, мададни мудом ботиний-руҳий оламдан излаган. Валек ботиний-руҳий олам дуч келган ақлу заковатга ўз сирини очавермаган, балки, аксинча, у инсон тафаккурини мудом мунофий ва беадад изланишларга, ечими йўқ муаммоларга дучор этган. Шу боисдан инсон қалби ҳамон сирга тўла, ўйи эса ҳамон безовта.

С.Цвейг буюк заминдоши ва замондоши Зигмунд Фрейдни Месмернинг издоши деб билади. Фрейд инсониятни кўпроқ онгли ва билимли қилди, у кишиларни ўзининг ботиний-руҳий оламига чуқурроқ назар ташлашга ўргатди, минг ваҳки, булар билан у инсонни некбахт қилолмади. Фрейд мисолида кишилик бир нарсани англаб етди, бу ҳам аслида даргумон, қалбидаги, руҳидаги сирни очиш унга ҳеч қачон бахт келтирмайди. С.Цвейг ёзади: "Илм-фаннинг вазифаси инсоннинг боқий қалбини янги-янги тилаклар билан аврашда эмас, балки уни ерда бошини кўтариб, тик юришга ўргатишдадир... Фрейд ҳеч қачон инсониятга жаннатий, роҳат-фароғатли ҳаётни ваъда қилмади, балки уни ботинини англашдек серхатар йўлга бошлади".

Зигмунд Фрейд 1856 йили 6 майда Австрия-Венгрия империясига қарашли Фрейбург шаҳрида жун сотувчи оиласида дунёга келади. Ёшлигидаёқ унда ўзига ишонч ва интилишида собит туриш фазилатлари шаклланади. Гимназияни тугатгач, Вена университетининг медицина факультетига ўқишга киради ва 25 ёшида докторлик диссертациясини ёқлайди. Ўз иқрорига кўра, уни врач бўлиш ва бу соҳада бирор мавқега эришиш ҳеч қачон қизиқтирмаган, унинг қалби кишилараро муносабатларни ўрганишга мойил эди. Университетда қолган ёш олим психиатрия бўйича изланишлар олиб боради, лекин тез орада амалий тажриба етишмаслигини сезади. У Париж Шарко клиникасига малака оширишга боради ва у ердан психотерапия билан шуғулланиш аҳди билан қайтади. Фрейд ташқи сурати ва турмуш тарзида бошқалардан ажралиб туришга интилмайди, балки, аксинча, умр буйи бир маромда ҳаёт кечиради. Ҳафтада бир марта университетда ўқийдиган маърузасини ва яна бир куни яқинлари билан карта ўйнашини ҳисобга олмаганда, деярли қирқ йил у бир ҳовлидан чиқмай, эртаю кеч беморларни қабул қилиш, кузатувларини жамлаб, мақолалар ва китоблар ёзиш билан банд яшайди. Ёзувчининг эътирофига кўра, Фрейд ҳаётида бадий асарга мавзу бўлгудек бирорта ҳам ҳодиса йўқ, гўёки, у ҳеч қачон бирорта аёлни севмаган, бирор мавқе учун талашмаган, бирор саргузаштни бошидан кечирмаган. У диққатини бузадиган важлардан узоқ бўлган, ҳаёт завқ-шавқларини зийрак изланишларига фидо қилган. Ҳаётга зийрак қараш унинг шиори эди. "У даҳоликни эмас, зийракликни севарди; у зийраклик даҳосидир". Ҳар бир асари узоқ синовлар, тажрибалар ва зийрак изланишларининг маҳсули, шу боис асарларининг ифода тили қуруқ, беҳис, аммо унинг тагида "аниқ образ яратишга қодир бадий куч-қудрат яширинган".

Тасодифий бир ҳол баъзан кишининг ҳаёти ва ўйу хаёлларини ўзгартириб юбориши мумкин, у мутлақ кутилмаган ҳол бўлмай киши дилидаги яширин бир икдга муштаракдир. Шундай имконни Фрейдга ҳамкасби Иозеф Брейер тавсия қилади. Унинг хабар беришича, тутқаноғи бор бир сабиҳни даволаётганида ноодатий ўзгаришни кузатган. Бемор ўзи ҳақида гапирганида бир оз енгил тортар, аммо ниманидир тасриҳ — очиқ айтишга журъат қилолмаётган экан. Брейер гипноздан фойдаланади ва аниқлайдики, тўшақда бетоб ётган отасига қараганида қизда илк шахватий майл уйғонган; ушбу ҳолни эслаши билан унда асабийликдан асар ҳам қолмаган. Брейер ва Фрейд бу борада махсус кузатишлар олиб боради ва 1893-1895 йилларда ўз назарларини тафсил қилишади. Кейинчалик Брейер беморларни даволашга берилиб кетади, Фрейд эса ўз олдига қатор саволлар қўяди. Майл, ҳис-туйғу қаерга яширинади? Уларни яширишга, бостиришга кишини нима мажбур қилади? Нима учун бир хил фикрлар кишиларга ҳар хил даражада таъсир қилади? Шахсиятга оид сўзлар ва

танқидларнинг дарров ҳимояга ундаши қандай рўй беради? Киши хатти-ҳаракатларининг барчаси ҳам онг таъсири, маҳсулими? Асабийлик ташҳисими?..

Онгсизликнинг мавжудлиги қадимдан маълум, лекин унда онгсизлик онглиликдан фарқ қилувчи руҳий ҳодиса эмас, балки у онглилик доирасидагина мавжуддир деб қаралган. Худди шунингдек, онгсизликка нофаол, бефойда, жонли ҳаётдан узоқ ўтмишга тааллуқли, онгли ҳаётга ҳеч қандай алоқаси йўқ воқелик сифатида қараш руҳшунослар ўртасида кенг тарқалган эди. Фрейд уларга таассубона эргашмайди, балки, аксинча, ҳатто даҳриёна хулоса чиқаради — онгсизлик руҳий кечинма ва ҳаракатларнинг бошланғич нуқтаси, субстанцияси. У ўта оз миқдорда бўлса-да, онгсизликка ўтиб, фаол субстанция сифатида хатти-ҳаракатларга таъсир кўрсатади. Киши ҳаётида, руҳида рўй берган ҳеч бир воқеа ҳодиса, кечинмалар беиз кетмайди, улар онг ости (онгсизлик)да сақланиб, муҳрланиб қолади, вақти-вақти билан онгли ҳаракатларнинг йўналишларини, шиддатини бегилаб туради. Қабул қилинадиган тасодифий қарорларда, ҳаётий мақсадни бошқа томонга буриб юборадиган сабабларда онг остидаги туйғулар, инстинктлар таъсири яширинган. Онгимиз тубида ота-боболаримиз ҳаёти ва кечинмалари, ҳатто ибтидоий аждодларимизнинг ибтидоий майл-истаклари яшайди, улар гоҳо энг маданиятли, онгли кишини ҳам ўз кетидан эргаштириб кетиши мумкин. Фақат ижтимоий кучга айланган, кишилар ҳаётини бошқаришга қодир маданият, анъана ва онг уларни ғазофона, бадкор куч сифатида ўзини намоён этишдан ушлаб туради. Шунинг учун "руҳий-маънавий ҳаёт онг билан онгсизлик, иродаларнинг масъулияти билан инстинктларнинг масъулиятсизлиги ўртасида ҳеч қачон ниҳоясига етмайдиган доимий ва шиддатли курашдан иборат". Аммо инсон бу курашнинг нофаол кузатувчиси эмас. Демак, онгсизлик мутлақ бедаво телбалик даражасидаги онгсизлик эмас, уни бошқариш, белгиланган мақсадга йўналтириш, унга моҳият, мазмун бағишлаш инсон измидадир. Фрейд психологияси ҳам онгсизликни бошқариш орқали инсонни руҳий, маънавий, жисмоний таназзулдан қутқариб қолишга, даволашга қаратилган.

Онг ости ҳис-туйғуларининг киши хатти-ҳаракатларига таъсири ҳар қадамда учрайди. Сиртдан қараганда хушхулқ, адолатпарвар, мулойим ва покдил кишини ноодатий вазиятга тушганида ёки бирор лавозимга кўтарилганида кузатинг: у дарров бошқа кишига айланади, унда такаббурлик, калондимоғлик, ўз фикрини ягона ҳақиқат деб билиш, ҳатто сангдиллик пайдо бўлади. Уни вазият ёки мавқе эмас, узоқ йиллар онги тубида яшириниб ётган, энди рўёбга чиқиш имконига эга бўлган фикрлар ўзгартиради. Шунинг учун кишининг аслида кимлигини унинг алфозлари, қасами ва ёзганларига қараб эмас, балки янги вазиятдаги сийратига, ногоҳон айтган сўзига қараб аниқлаш мумкин. Киши ҳеч қачон ўзининг аслида кимлигини янги вазиятдагидек ёки ногоҳон билдирган сўзларидек ошкор этмайди. Нима учун Гитлернинг Фрейд билан учрашишдан қочганининг боиси энди аён. Умуман бирорта ҳам ҳукмдор психоаналитикни ўзига яқинлаштирагани тадқиқотчилар учун ажойиб мавзудир...

Онгсизлик (онг ости) ўзига хос дунё. Унинг ўзига хос тили, усуллари, воситалари мавжуд. Фрейд уларни ҳаётдан, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлари, турмуш тарзи, тасаввурлари, тушидан қидиришга тушади.

"Туш одамнинг бостирилган туйғу кечинмалари орасидаги кўприқдир; унда бедорлигимизда иқрор бўлмаган нарсаларни тан оламиз. Ҳеч бир туш беъмани эмас, унинг ҳар бири ўз маъносига эга». Катта кишилар тушида ушбу хоҳиш ва истаклар ақлу идрок билан жиловланган; улар фақат гўдак тушида тўла, соф намоён бўлади. Туш кишига бедорликда рўёбга чиқаролмаган мақсадларига эришиш, яъни маънавий мувозанатни сақлаш учун зарур. Шу тариқа киши бедорликда ҳам қилолмаган муаммоларни тушида ечади, бедорликда ҳавас қилган важига тушида эришади, бедорликда айтолмаган дардини, сирларини тушида ошкор этади ва бедорликда зулм қилган рақибдан тушида ўч олади, хуллас, киши туши орқали кундалик ҳаёт рўпара қилган муаммолар ва изтироблардан халос бўлади. "Туш — сароб, бедорлик эвазига берилган ҳаётдир, — деб ёзади С. Цвейг. — У бизни ҳаракатлардан халос этади". Агар киши бедорликда рўпара келган муаммоларни ҳеч бўлмаганида тушида ҳал этмаганида, у чексиз ғам-ташвишлардан бедаво руҳий хасталикка мубтало қоларди. Айрим шахс кундалик изтироблар ва муаммолардан туши орқали халос бўлганидек, халқлар ҳам тушга монанд афсоналари ва динлари орқали ташқи олам ташвишларидан руҳини вақтинча халос этади.

Фрейд тушни астрологлар панжасидан озод қилди, тушни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганишга йўл очди. У, туш туйғу-кечинмаларнинг онг остидан чиқиб руҳий воқеликка айланишига имкон беради, деган илмий хулосага келди. Шу тариқа у тушларнинг ўзига хос тили, ифода усуллари, у ёки бу даражада намоён бўлиш хусусиятлари борлигини очиб берди. Лекин туш ҳаёт ўрнини босолмайди; ким ҳаётини туш билса, у ғайриҳаётий тасаввурлар ва ўйларга ўз умрини қурбон қилади. Аслида ақлу идрок инсонга бедорлик билан туш, ҳаёт билан хаёл ўртасидаги фарқни ажратиб яшаш учун берилган.

Бостирилган, онг остига яширинган истак, майл орзулар ичида энг асосийси бўлиши даркор деган ўй Фрейдни жинсий эҳтиёжларни ўрганишга етаклайди. Натижада у фалсафа, ахлоқ, цивилизация рад қилган фикрга келади: "Асабийлик ички ва ташқи кучлар таъсири боис ўзини рўёбга чиқаролмаган эротик эҳтиёжлардан туғилади". Одам учун овқатланиш қандай табиий эҳтиёж бўлса, жинсий майлини, истагини қондириш ҳам шундай эҳтиёждир. Овқатланиш эҳтиёжини қондириш учун киши қандай амалларга, муғомбирлик, зўравонлик ва ваҳшийликка борса, эротик эҳтиёжини қондириш учун ҳам у шундай амалларга тайёрдир. Бироқ ушбу эҳтиёжларнинг қондирилиши ўртасида фарқ мавжуд; овқатланиш ўзининг қуйи кўринишида кишини ахлатхоналарни титиб яшашга (О. Мандельштам) мажбур қилса, эротик эҳтиёж кишини ахлоқий таназзулга етаклаши (де Сад) ёки ижод соҳасида ўйу хаёлларини ғайритабиий тасвирлаб асарлар яратишга ундаши (С. Дали) мумкин. Демак, эротик эҳтиёжни қондириш ҳар доим ҳам аёлга ёки эркакка бориб тақалавермайди, у хаёлларга бой дин, афсона ва бадий ижод орқали ҳам ўзини намоён қилишга йўл қидиради.

Вояга етган йигит (қиз)даги жинсий алоқага интилишни ҳеч ким инкор этмайди, уят санамайди, аммо ушбу эҳтиёжнинг илк кўриниши — ибтидоси бўлиши зарур. Уни Фрейд гўдакнинг хатти-ҳаракатларидан топади. Гўдак юриш имкони билан туғилса, у жинсий майлга ҳам шундай иштиёқ билан туғилади. Унинг дуч келган нарсани оғзига солиши ("орал секс"), онасининг кўкрагига жон-жаҳди билан ёпишиши (грудомания, лесбиянок), уят деган нарсани билмай ўз тана аъзоларини мароқ билан ўйнаши (эротик нарцизм) кабиларда Фрейд илк жинсий майлларни кўради. Гўдак билан ота ўртасида рақобат юзага келади, улар жинсий майлларининг объекти бир эканлигини инстинктив сезади. Ота гўдакнинг урф-одатлар ва тартибларга сўзсиз итоат этишини талаб қилади, гўдак эса унга ишонқирамай, зўравон куч деб қарайди. Авлодлар ўртасидаги азалий зиддиятлар ҳам ана шу боисдандир. Тўғри, гўдакдаги жинсий майл, отасига салбий муносабат ҳали анланган эмас, аммо табиат унинг вужудига онаси орқали ўз истакларини қондириш ҳиссини жо этган. Фрейднинг машҳур "Эдип комплекси" шу тарзда юзага келган. Фрейд хулоса чиқаради: гўдакда инсоният ўз тараққиёти жараёнида босиб ўтган қон-қариндошлик жинсий алоқалари, зўравонлик, ваҳшийлик каби кўчманчи ҳаётга хос белгилар, яъни кишилик жамияти ўз бошидан кечирган босқичлар излари мужассам. "Барчамизнинг қонимизда яширин ва анланмаган ибтидоий инстинктлар яшайди, ҳеч қандай маданият ушбу инстинктларнинг ногоҳон намоён бўлишидан кишини муҳофаза қилолмайди; онгсизлик тубида кўчманчи, ахлоқий тушунчалардан узоқ ибтидоий даврларга хос инстинктлар мавж уради. Биз онгли саъйларимиз билан ушбу инстинктлардан қутулишга қанча ҳаракат қилмайлик, улардан ҳеч қачон тўла халос бўлолмаймиз, жуда нари борса, биз уларни маънавий ва ахлоқий қадриятлар яратиш томонга йўналтиришимиз мумкин, холос".

Инсонга ғайриҳаётий, порлоқ келажакни, баркамолликни ваъда қилаётган расмий илмий доиралар назарида, гўдак энг пок, безавол, фаришта мисол мавжудот. Наҳотки, ушбу бекусур вужудда ўз волидасига нисбатан жинсий майл, отасига нисбатан вожоҳат, ибтидоий ёввойилик, беҳаёлик, ахлоқсизлик мавжуд? Цивилизациянинг ибтидоий инстинктларга қарши курашиб келётгани қаерда қолди?

Фрейд ҳеч қачон жинсий майлни яккаю ягона эҳтиёж деб қарамаган, балки у билан ёнма-ён кишида "мен"ини намоён қилиш (нарцисизм), вожоҳат (садизм) ва ўлим (мазохизм) инстинктлари ҳам келишини қайд этади. Нарцисизм — инсоннинг биринчи табиати, садизм — нотабиий тарзда, куч билан, мазохизм эса объектни ўлдириш орқали ҳирсни қондиришдир. Бадий ижод, сиёсат, эътиқод, ҳатто илм-фанга, спортга берилишда ҳам жинсий майлнинг қондирилиши кўзга ташланади. Демак, инсоннинг барча хатти-ҳаракатларида жинсий эҳтиёжни қондириш излари мавжуд. Кишининг қалби ва вужудида ушбу эҳтиёжни қондириш учун мудом инсоний билан ҳайвоний сифатлар ўртасида кураш кетади. Агар инсоний сифатлар

устун келса, ҳайвоний сифатлар онг остига яшириниб, онг остида йиғилиб, руҳий, асабий касалликларга олиб келади. Мабодо бемор ибтидоий сифатларини намоён этиш имконини топса, у руҳий хасталиқдан қутулади. Ҳирсини реал даражада қондиrolмай уни маданий-ижодий фаолият орқали қопламоқчи бўлган шахслар юқори ютуқларга эришган, бетакрор асарлар яратган. Бу ўринда бадий ижоддан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳа, Фрейд руҳий, асабий хасталиқни енгиш йўлини кўрсатиб берди, аммо у инсониятни ташвишлар, изтироблар, маънавий инқирозлардан халос қилиш йўлларини тополмади. Руҳий касалларни муолиж қанчалик бахтсиз билса, соғлар улардан кўп бахтиёр эмас. Хўш, энди ўзингиз хулоса қилинг, Фрейд кимларни кўпайтирди — соғ, аммо бебахтларними ёки хаста, аммо ўзини бахтиёр сезадиганларними? Жамият учун соғлар зарур, шубҳасиз, лекин шахснинг ўзи учунчи? Бемор ўзининг бахтиёр ҳолатидан халос бўлишни истайдими? Онгсизликни биз ўзимиздаги онг билан ўлчаётганимиз йўқми, балки онгсизликнинг ўзи бизга номаълум ўлчовларда онглиқдир? Мутафаккир шахс руҳи, ботини билан банд бўлиб, инсоният қалбидаги ўз ҳаётдан мудом қониқмаслик, бесаранжомлик, ҳаловатсизлик боисларини изламади. Фрейд психоанализида, С.Цвейг тўғри кўрсатганидек, "психосинтез етишмайди". Тўғри, умрининг охирларида у метафизик умумлашмаларга интилади. "Биз бундан кейин ҳам ишончу иқрор билан таъкидлаймизки, — деб ёзади у, — инсоннинг ақлу заковати ҳаёт инстинктларига нисбатан ожиздир... аммо ушбу ожизликда ўзига хос нимадир бор. Ақлу заковатнинг овози ҳали баланд эмас, у ўзига қулоқ тутмагунларича тинчимайди, узлуксиз мағлуб бўлишига қарамай, у охир-натияжада ўз ниятига етади. Айнан шунинг учун инсоният ақлу заковатга некбинлик билан қараши мумкин, бу эса кам эмас. Ақлу заковатнинг инстинктлар устидан ғолиб келишига ҳали эрта, лекин унинг манзили жуда узоқда эмас". Алҳакки, донишварона сўзлар! Бироқ улар инсониятнинг беором қалбини умидга тўлдирадиган сўзлар эмас. Фрейд инсонни ўз "мен"ини англашга яқинлаштирди, инсоният учун айрим олган "мен"ни эмас, бутун "биз"ни халос этиш муҳим. Тўғри, "биз" "мен"дан бошланади, бироқ "мен" ҳали, тўла маънода, "биз" эмас, шу сабабли Фрейд психоанализи "мен"дан нарига ўтолмади. "У ҳар доим "мен" бўлиб қолади, — бу унинг сарҳадидир, — валеқ у ҳеч қачон дунёни англовчи таълимотга айланолмайди". Ҳар ҳолда "мен"даги дард ва изтиробларни ўрганиш йўлини кўрсатиб бериш ҳам ақлу заковатнинг ибратли жиҳати эмасми?

3.Фрейд бадий ижод билан шуғулланганида С.Цвейг каби инсон кечинмаларини моҳирона тасвирлаган буюқ ёзувчи, С.Цвейг эса илмий тадқиқотлар олиб борганида 3.Фрейд каби шахс қалбидаги сирларни топишга йўл очган буюқ ориф бўларди. Руҳий даъватларига мувофиқ улар бошқа-бошқа йўллардан юрдилар, валеқ 3.Фрейд ва С.Цвейгни бир нарса ҳамдил қилиб туради — улар инсон онги ва қалбини мукамал билган улуғ соҳибҳол эдилар.

ВИКТОР АЛИМАСОВ. «ФАЛСАФА ЁХУД ФИКРЛАШ САНЪАТИ» китобидан

Адабиётлар

1. Цвейг С. Врaчевание и психика. Месмер. Бекер-Эдди. Фрейд. –М.: Политиздат, 1992.

Стефан ЦВЕЙГ

Зигмунд Фрейд

Инсон феъл-атворидаги оддий беодоблик иллатларининг гира-шира ёруғида ҳиссий майл, истакларнинг яширин ўйинлари не чоғли кучли эканлиги кўринса, шиддатли эҳтиросларда бу майл, истаклар янада равшан, бор бўйи билан зуҳур бўлади. Одатдаги истак, ирода эркинлиги ва қиёсий тафаккур қай даражага етиши мумкинлигини билувчи нозик кузатувчи, ижодкор руҳшунос бу соҳада илм-фан учун анча-мунча тажрибалар ҳосил қила олади ва маънавий ҳаёт талабларини асослашда улардан яхши фойдалана олади... Табиатнинг бошқа соҳаларида ҳам янги бир Линней¹ пайдо бўлиб, одамнинг майл, истакларини, ҳирсларини ҳам тасниф қила бошласа, нақадар ҳайратга тушган бўлур эдик² ...

Ф. Шиллер

АСРЛАР ОРАЛИҒИДАГИ ВАЗИЯТ

Руҳ нечоғли ҳақиқатга дош бера олади? У қай даражадаги ҳақиқатга журъат эта олади? Бу мен учун қадриятларнинг энг катта ўлчовига айланмоқда. Янгилишувлар кўрликдан эмас, қўрқоқликдан келиб чиқади. Англаш йўлидаги ҳар бир ютуқ, ҳар бир олға ташланган қадам жасоратдан, ўзига нисбатан шафқатсизликдан, фидойиликдан келиб чиқади.

Ф. Ницше

Хар қандай қудратнинг ишончли мезони — у энгиб ўтадиган қаршилик кучидир. Қотиб қолган эскича қарашларни барбод этиб, янги ғояларни бунёд этган Зигмунд Фрейднинг ишларини урушдан аввалги давр руҳшунослигидаги нуқтаи

¹ Линней — қон айланишни кашф этган олим.

² Стефан Цвейг ўз асарига буюк олмон шоири, драматург Ф.Шиллернинг бу фикрини байроқ қилиб олар экан, ул зот кутган келгусидаги даҳо — инсон истак, майлларини тасниф қилган З.Фрейднинг дунёга келиши башорат қилинганига ишорат этади (тарж.).

Маҳкам
МАҲМУДНИНГ
эркин
таржимаси

Инсон кўнглининг энг чуқур, яширин, сирли қатламларигача тасвир эта олувчи, руҳшунос санъаткор, австриялик атокли адиб Стефан Цвейгнинг ажойиб новеллаларини, ривоятларини кўпчилигимиз севиб ўқиганмиз. Уларнинг баъзи асарларини камина ўзбекчага ўгирганман. (Етмишинчи йилларда

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

133

назарлар билан, ёки тўғрироғи, инсоннинг табиий майлларини инкор этувчи қарашлар билан қиёслаш воситасидагина англаш мумкин. Йигирма йил муқаддам куфрона саналган Фрейд фикрлари ҳозирги давр қони ва забонида эркин айланмоқда: у дарж этган формулалар гўё ўз-ўзидан тушунарли кўринади. Аммо уларнинг замирига етиш учун анча теран ўйлаб кўриш, заҳмат чекиш талаб этилади. Шундай қилиб, руҳнинг ҳаётий кучи ихтиро этилганига, ўша давр одамларининг руҳият масалаларидаги қарашларини ёритиш ва урушдан аввалги ахлоқнинг масхаромуз тирик мурдасини гўрга тиқиш зарурати этилганига қарамай, ўн тўққизинчи аср нима учун мана шу янги ғояларга шу қадар жидду-жаҳд билан қаршилиқ кўрсатганлиги ҳозирги — йигирманчи аср одамларига қоронғудир.

Ўша давр расмий ахлоқига нафрат билан қараган ёшларимиз бунинг учун бешафқат тўловлар беришди, риёкорликдан жирканмоқнинг иложи йўқлиги ҳали ахлоқсизлик дегани эмас, албатта. Дин ва фуқаролик ришталари билан чамбарчас боғланган одамларнинг ҳар қандай жамоаси, ўз-ўзини тасдиқлаш, баъзи одамларнинг ҳирсий бебошлиқ кайфиятларидан тийиш мақсадида, ўшанақа асов оқимни ахлоқий қоидалар ёки фуқаролик қонунлари деб номланган тўғонлар ёрдамида жилowlash зарур деб ҳисоблайди. Ўз-ўзидан келиб чиқадики, бу гуруҳларнинг ҳар бири ўзига хос ахлоқий меъёр ва тамойиллар яратади: ибтидоий даврдан то электр асригача ҳар бир жамоа ибтидоий туйғуларни ўзининг махсус усуллари ёрдамида маҳв этишга интилди. Цивилизациянинг ёвуз турлари ғаддор кучларга таянади: Лакедемон, қадимги яҳудийлик, Кальвин ва пуританлик (мутаассиблик) даврларида шаҳвоний ҳиссиётларни қиздирилган темир билан сўндиришга уринганлар. Ўз амру фармонлари ва таъқиқлари билан бераҳм бўлган бу қаттол қонунлар қандайдир мантиқий ғояга хизмат қилган. Ҳар қандай расмий ғоя, ҳар қандай расмий эътиқод шу ғоя ва эътиқодни ҳимоя қилувчи зўравонликни муқаддаслаштиради. Спарта ғайриинсоний (яъни, жуда қаттиқ) интизомни талаб этар экан, наслни тозалаш, мардона, жангари авлодни вояга етказиш манфаатидан, олий шаҳар, олий жамият қуриш нуқтаи назаридан келиб чиқиб иш тутади. Арбоблар ҳар қандай эркин ҳиссиёт давлатни кучсизлайтиради, деб ўйлашади. Насронийлик ўз навбатида инсонни илоҳийлаштириш, мангу йўлдан озган инсон қавмини гуноҳдан халос этиш учун унинг шаҳвоний истакларига қарши курашиб келди. Юксак руҳият донишига эга бўлган черков инсондаги Одам Атодан мерос қолган шаҳвоний ҳирсни маънавий, руҳий эҳтиросга қарама-қарши қўяди: Черков гулхан ва қамонлар ёрдамида руҳнинг олий, азалий ватанига қайтиши учун инсон табиатдаги асовликни, саркашликни маҳв қилади. Шафқатсиз бўлса-да, ўзига яраша бир мантиқ. Ҳамма ерда ахлоқий қонунчилик амалиёти қатъий дунёқарашдан келиб чиқади. Ахлоқ ғоянинг ҳиссий шаклидир.

Стефан Цвейгнинг “Куйган кўнгил фарёди” номли ҳикоя ва ривоятлар тўпламини ўзбек тилида севимли адибимиз Ўткир Ҳошимов билан ҳамкорликда таржима қилиб, нашр этдик.) Жаҳон адабиётида ҳикоя усталаридан бири Стефан Цвейг “Бир аёл мактуби”, “Аёл ҳаётдан 24 соат”, “Опа-сингиллар”, “Учинчи кабутар ривояти”, “Куйган кўнгил фарёди”, “Ойдин кеча” асарларида инсон руҳий оламининг теран ва нафис манзараларини ёритади.

“Жаҳон адабиёти” журнали учун Стефан Цвейгнинг “Зигмунд Фрейд” асарини таржима қилаётиб, очигини айтганда, ҳам қувонч, ҳам хавотир ичида қолдик. Чунки, талабалик йилларимда “Инсониятнинг юлдузли онлари” туркумидаги ҳикояларини, “Балзак” рўмонини ўқиганимда, Стефан Цвейгнинг бадиий ижод сирларини фавқулдда чуқур билиши ва даҳо ижодкорнинг руҳий оламидаги яширин теранликларини ҳам равшан ёрита олишига ҳайратланган эдим. Яна шуниси борки, XX асрнинг руҳшунослик соҳасида инқилоб ясаган, Зигмунд Фрейднинг асарлари билан ҳам таниш эдим. Инсон руҳини бемор, мажруҳ қилувчи иллатлар илдизини таҳлил ва тадқиқ қилар экан. Фрейд бутун инсониятнинг ҳам шаънини, ҳам маданиятини қадрсизлантираётган руҳий ҳолатида-

Кимки ақалли бирон марта ўз маданият байроғига “сабр-тоқат” сўзини дарж этдими, демак у, шахснинг ахлоқий дунёқарашларига аралашинишга ҳаққи йўқ. Аслида эса янги туғилган давлатлар ҳам ўз фуқароларининг ахлоқий тақомилдан черковчалик безовта бўлган эмас. Жамоатчилик ташқи тартиб-интизомни сақлашни талаб қилади. Шу маънода фуқаролардан чинакам ахлоқ, асл маънавий хулқ эмас, ахлоқнинг юзаки кўриниши талаб қилинади. Ҳар бир кимса бошқасининг кўзига гўё “одобли” кўринади. Ҳар бир алоҳида одам учун қай даражада ўзини одобли тутиш хусусий иш бўлиб қолаётир: унинг динга шак келтираётганини бошқалар кўрмаса бўлди. “Ҳар нарса бўлса ҳам хуфия бўлсин, одамларда шубҳа уйғонмасин”. Шулардан келиб чиқиб, XIX аср муаммосининг асл моҳиятига яқинлашмади. У бу муаммоларни ечишдан бош тортди ва барча саъй-ҳаракатини уни четлаб ўтишга қаратди.

“Агар бирор нарса яхшилаб бекитиб қўйилса, демак, у йўқ бўлади”, деган бемаъни хаёл цивилизациямизнинг ахлоқига айланди. Жамият уч ёки тўрт авлод умри мобайнида барча маънавий ва шаҳвоний муаммоларга қарши турди, ёки аниқроғи, уларни кўриб, кўрмасликка олди. Тақдир ҳазили ҳақиқий вазиятни очиқ-ойдин кўрсатиб турибди: XIX аср ахлоқига Кант эмас, балки “cant” йўналиш берди.

Аммо қандай қилиб, шу қадар чуқур фикрловчи давр (XIX) ўлимтик ва заиф руҳшуносликнинг чангалзориди адашиб қолган экан: Буюк кашфиётлар, техникадаги ютуқлар асри ахлоқан шу қадар тубанлашиб кетдики, у тўғридан-тўғри масхарабоз даражасига етди. Жавоб оддий: XIX аср ўзига бино қўйди, ўз ақл-идрокидан мағрурланиши, юксак маданиятидан кибрланиши, цивилизациясига эса керагидан ортиқ ихлос қўйиши туфайли шу аҳволга тушди. XIX аср фанининг кутилмаган муваффақиятлари (буғ машинаси, электр, телефон, ҳавога учиш) ақлнинг бошини айлантириб қўйди. Ҳамма нарса интелек-ақл-идрок ҳукмига қўлларча бўйсунадигандек туюлди. Ҳар бир кун, ҳар бир соат жаҳон тарихига турли-туман зафарларни келтирди. Шу пайтга қадар забт этилмаган янгидан-янги замин ва замон кучлари бўйсундирилди: чўққилар ва теранликлар инсоннинг синчков, қуролланган (заррабинли) нигоҳида пинҳон сирларини очаверади: ҳамма жойда бошбошдоқлик-ташқилотчиликка, тартибсизлик — ҳисоб-китобли ақл-идрокка бўйсунди. Наҳотки, шундай шароитда ақл-идрок инсон қонидаги туғённи, табиий майлни қўлга ололмайди. Одамзотнинг ибтидоий, тийиқсиз майлларини жиловлай олмади, — деб ўйлашади.

Ахир бу соҳадаги ҳамма ишлар аллақачон ҳал қилиб бўлинган. Мабодо замонавий “маданиятли” инсоннинг қонида вақти-вақти билан нимадир жунбушга келса. Бу бор-йўғи аллақачон чақнаб бўлган чақмоқнинг туссиз, ожиз ёлқинлари, қариб-чириб ўлаётган йиртқичнинг сўнгги тирноқларидир. Баъзилар ўйлай-

ги беморликни, Дания шаҳзодаси Ҳамлет сингари билишга интилади. Илм-фан инсонга чексиз кудрат ато этди. Электр, радио, телефон, телевидение гоят олис масофаларни яқин қилди. Ақлли машиналарни, атом қувватини жиловлаб, осмонга парвоз қилган инсон зоти нима учундир ўзини бахтли ҳис этаолмади. Неча минг йиллик маданият тараққиётига эга бўлиб ҳам, одамлар доимо ўзаро низолашадилар, бир-бирларига зарар етказиб, фақат ўз фойдаларини кўзлаб яшайдилар. Яхши кишилар ҳам, ёвузликдан тийилсалар-да, ўзгаларнинг орзу-умидларига, дарду-ҳасратларига, ғам-ташвишларига нима учундир лоқайд қарайдилар.

Нега шунақа? Инсониятнинг бугунги ва келажаги ҳақида қайғурувчи мутафаккир Зигмунд Фрейдни қийнаган бу саволларга биз ҳам армон-изтироб билан жавоб излаймиз. Ва араб мутафаккир шоири Абул-Аъло ал-Маарийнинг “Гўзалдир Одаму Ҳавво, Вале авлодлари расво. Қутурган бир гала итлар қилурлар инсонлик даъво”, деган аччиқ сўзларини эслаймиз. Яна, ўтмишдаги буюк аждодларимиз билан фахрланиб, комил инсон қандай бўлиши керак? — деб сафсата сотамиз. Комил инсонликнинг юксак мақоми узок ўтмиш қаърида ва ё олис келажак эмасмикан? Бугун эса, оддий ва чин инсонлик

дики, яна бир-икки ёки йигирма-ўттиз йил ўтса, инсоният ёввойиликдан инсонпарварликка, ижтимоий туйғуга томон юксак кўтарилади, ахлоқ-одоб оловида тобланади, қонидаги сафролардан халос бўлади. Шунинг учун жинсий майл, ҳирсларнинг мавжудлигини эшлашнинг ҳам ҳеч ҳожати йўқ. Фақат одамларнинг эътибори жинсий соҳага тортилмаса, бас, улар буни эсдан чиқаради. Фақат гап-сўзлар билан темир қафасга солинган “махлуқ”нинг гашига тегилмаса, даққи саволлар берилмаса, у қўлга ўрғанади. Нимаики қалтис бўлса, унга кўз ташламай, гўё ҳеч нарсани кўрмагандек тезроқ ўтиб кетилса бўлди, бас, — XIX аср ахлоқияти қонуниятларининг бутун моҳияти шундан иборат.

Ҳалолликка, самимиётга қарши бу режали юришда давлат бор кучини сарфламақда. Санъат ва фан, ахлоқ, оила, черков, бошланғич мактаб, дорилфунун — ҳамма-ҳаммалари жанг олдида бир хилда йўл-йўриқ оляпти: “Ҳар қандай олишувдан бош тортиш, ғанимга бақамти келмасдан, уни нарироқдан четлаб ўтиш, ҳеч бир вазиятда у билан чинакам баҳсга киришмаслик керак. Далил-истаклар кўмагида курашиб эмас, сукут билан, рад этиш билан энгамиз”. Бу усулни яхшилаб қўлогига қўйиб олган, унга қўлларча мутеъ маданиятнинг барча маънавий кучлари, қўрқмасдан муаммони четлаб ўтиб, риёкорона йўл тутмоқда.

Бутун юз йиллик мобайнида жинсий масала Европада таъқиқ остида бўлди. У рад этилмади ҳам, тасдиқланмади ҳам; кўтарилмади ёки ечилмади ҳам — парда орқасига суриб қўйилди, холос. Ёшлик-бебошликка хос барча қилиқларга ва шаҳвоний қувончларга тўсиқлик қилаётган ўқитувчи, тарбиячи, пастор, цензор, знага, барча-барчаси ниқоб кийган беадад қўшнига ўхшарди. Ёшларнинг баданига шаббода тегмаслиги лозим, ҳеч қандай суҳбат, ҳеч қандай тушунча уларнинг руҳий ифатини безовта қилмасин.

Айни вақтда, азалдан ҳар бир соғлом халқда, ҳар бир даврда бўлганидек, баалоғат фаслидаги ўсмир эркаклик палласига қувониб киради, айни шу вақтда Юнон, Рим, Бани Исмоил цивилизацияларидаги, ҳатто цивилизациядан йироқ халқлардаги ўн уч-ўн тўрт ёшли ўсмир ўзидан катталар даврасига — эркаклар сафига, жангчилар сафига кириб келади.

XIX асрнинг қашшоқ педагогикаси сунъий ва ғайритабиий бўлиб, ҳақиқатни англашга йўл бермайди. Ўсмир бор жойда ҳеч ким очик сўзлай олмайди, одамлар ўзини эркин тутолмайди. Ўсмир ўзи билмайдиган нарсаларни кўча-кўйдаги гап-сўзлардан ёки ўзидан каттароқ ошналарининг шивирлашларидан билиб олади. Ва, ҳар бири ўз навбатида ўрганган ҳаётий билимларини бошқаларга шивирлаб етказди ва ўзи ҳам онгсиз равишда бу маданий риёкорликка хизмат қилади.

Роппа-роса юз йилларга чўзилган инсон “мен”ини пинҳон тутиш, сукут сақлаш фитнаси ақл-заковатнинг фавқулотда юксак маданиятга эришган ҳолда, руҳшунослик фанини ўта тубан савияга олиб келди. Зеро, софлик, ҳалоллик

юкини ҳам кўтариш оғирлик қилаётганини, ватанга, халққа, инсониятнинг қутлуғ орзуларига бефарқлик, яхшилиқни, ҳалолликни фақат оғизда такрорлашга ўрганиб қолиш, гўзал сўзларга амал қилмасдан, мол-дунёга ўч бўлиш, алдов, тамагирлик, такаббурлик, олифтагарчилик ва худбинликни яшаш мезонлари қилиб олишимиз бутун бир авлоднинг маънавий касаллигидан далолат эмасми? Бундай руҳий ва ижтимоий иллатларнинг шифоси борлигига Зигмунд Фрейд ишончсизлик ва тушкунлик билан қараган бўлса, Шарқ мутафаккирлари ва уларнинг бугунги авлодлари бошқача қарашди. Уларнинг фикрича, маърифат ва маънавият камолоти орқали бундай иллатларга шифо топиш мумкин. Стефан Цвейг жуда гўзал қилиб тушунтирганидек, Фрейд инсоннинг шаҳвоний истакмайллариининг, салбий ва ижодий жиҳатларини чуқур билишдан ташқари, руҳий оламнинг бошқа барча ижобий, гўзал жиҳатларини ҳам жуда теран тадқиқ этган.

Бадианинг “Асрлар ўрталиғидаги аҳвол”, “Лавҳа” фасллариини шоир Абдумажид Азим ва Дилшод Қосим таржима қилган. Бу ишда ёрдам берганлари учун шу дўстларимизга сазимий миннатдорчилик билдираман.

бўлмаган жойда руҳиятнинг асл моҳиятига теран кириш мумкинми? Билим берувчи кишилар — ўқитувчилар, пасторлар (руҳонийлар), мусаввирлар ва олимларнинг ўзлари риёкор ва чаласавод бўлгани ҳолда, қандай қилиб дилни равшан қилиши мумкин?

Жоҳиллик ҳамиша ёвузликка мойил бўлади. Ва мана, ўзининг калтафаҳмлиги билан шафқатсиз кучга эга, доимо “ахлоқли” ва “ўзингизни тутинг!” тарзидаги буйруқлари билан болалар руҳиятига тузатиб бўлмас зиён етказишга тайёр риёкор мураббийларнинг бутун бир авлоди ишга сафарбар қилинди. Ўсмир болалар жинсий етилиш давридаги тазйиқларга дош беролмай, ўз жисмоний аҳволларини енгиллаштиришнинг ягона усулига мурожат қилишганида, бу маърифатли устозлар руҳни майиб қилувчи “доно” йўриқлар берадиларки, бу инсон руҳий саломатлигига даҳшатли хавф солади. Ўша замонларда “туғма педагоглар” деб аташ русум бўлган бу тоифадаги профессорлардан университет талабалари (мен ҳам буни бошимдан кечирганман) ҳар қандай жинсий хасталик мутлақо тузалмасдир, деган таълимни олишади. Бундай қуроллардан инсон асабларига ҳеч ўйланмасдан ўша даврдаги сохта ахлоқ ўқлари отиб турилади. Шунақанги эркакча, темир нағалли этик кийган педагоглар ахлоқий ўсмир руҳий оламини поймол этади. Бундай режалаштирилган қўрқув ҳисси ҳали беқарор бўлган ёш руҳиятга сингдирилиши оқибатида ногаҳоний бир онда тўппончанинг варанглаши ажабланири эмас, бундай таъқиқ талай одамларнинг ички мувозанатини издан чиқариши, сон-саноқсиз асабий кимсаларни пайдо қилиши турган гап. Ахлоқий риёкорлик адойи тамом қилган шу хилдаги минглаб бечоралар бир шифокордан иккинчисига зир югуриб юради.

Аммо ўша давр шифокорлари бу хасталикнинг илдизини топмаган, Фрейдгача келган давр руҳшунослик фани — ўзининг ахлоқий тарбиясига кўра жинсий соҳада сукут сақлашга маҳкум эди ва яширин ҳудудларга киришга журъат этолмас, руҳшунослар ҳам бу каби хасталиклар олдида ҳали ожиз эдилар. Шифокорлар руҳан азоб-уқубатга дучор бўлган одамларни нўноқларча сув билан даволашар ёки руҳий хасталар шифохоналарига жўнатишарди. Уларга бром тиқиштиришар, таналарига электр тўлқинлар билан ишлов беришарди. Аммо хасталикнинг асл сабабларини қидиришга ҳеч ким журъат этолмасди.

Ўз ўрнига нолойиқ бу шифокорларнинг калтафаҳмлиги руҳни янада оғирроқ жароҳатларди. Ахлоқий норасо деб фан томонидан тамға урилган, давлат томонидан салкам жиноятчи деб талқин этилаётган бу одамлар қўрқув ва тамагирикнинг мунтазам таъқиби остида ўз сирларини азобли оғир юк каби умр бўйи базўр судраб ўтадилар. Улар ҳеч кимдан нажот ҳам, маслаҳат ҳам ололмайдилар.

Фрейд даврига қадар гомосексуализм (бесоқолбозлик)га майл қилган кимса шифокорга мурожаат қилса борми, бемор менга шу даражада “тўнғизлик” қилишга журъат этиятими, деб жаноб тиббиёт вакили ғазабдан қошларини чимиради. Бу каби махфий сир, одобга тўғри келмасди. Унда бу дардни кимга айтиш керак эди? Ҳаёти барбод бўлган, йўлдан адашган бу кимсалар қаёққа боради? Ёрдам ва нажот кутиб турган бу миллионлаб инсонларга қайси эшик очилади? Дорилфунунлар бош тортади, ҳакамлар қонун моддаларига ёпишволади, файласуфлар (ёлғиз матонатли Шопенгауэр бундан мустасно) эса, шундай дориломон замонда бунақа жинсий нуқсонларга гирифтор одамлар мавжудлигини кўриб кўрмасликка олади, бундан илгариги маданият вакиллари, шубҳасиз, тушуна туриб ҳам кўз юмиб келган, жамиятдаги ҳамма оғриқли нарсаларни муҳокама этиш шарт эмас, деб ҳисоблаган. Бу ҳақда рўзномаларда, адабиётларда миқ этмаслик, илмий мунозаралар қилмаслик лозим. Фақат полиция хабардор бўлса кифоя. Аҳвол шундай эдики, бу пинҳоний кирдикорларнинг қалин қобиғи ичида юзлаб узлатга чекинганлар нафаси қайтиб ҳалок бўлар, бундан воқиф ва бефарқ, “юксак ахлоқли” ҳамда сабр-тоқатли аср учун муҳим нарса — ҳеч бир товушни ташқарига чиқармаслик, энг ахлоқий деб жар солинган маданият тушунчасига заха етказмаслик керак эди. Зеро, мазкур давр учун юзаки одоблилик инсон ҳаёти моҳиятидан муҳимроқ эди.

Бутун юз йил, даҳшат-ла чўзилган юз йил мобайнида Европани шундай “одобли” сукунат чўлғаб олди. Ва тўсатдан бу сукунатни якка-ю ягона бир овоз бузди. Оламшумул тўнтаришни хаёлига келтирмаган ҳолда тасодифан ёш шифокор ўз

ҳамкасблари доирасида ўрнидан турди ва тутқаноқ дарди билан боғлиқ тадқиқотлардан келиб чиқиб, шахсий табиий майлларимиздаги бузилиш ва тўсиқлар, улардан халос бўлиш имкониятлари хусусида маъруза қилди. У баландпарвоз ибораларни четлаб ўтди, ахлоқни янги негизларда қуриш, жинсий масалада эркин фикр юритиш вақти келди, деб жар солмади. Йўқ, бу ёш, аммо ўз ишининг устаси бўлган шифокор қотиб қолган муҳитда ўзини янгича маданият тарғиботчиси қилиб кўрсатмади. У ўз маърузасида фақат руҳий хасталар ташҳиси ва бунинг шартли нарса эканлиги хусусида тўхталди. Аммо аксарият руҳий беморлар, қисқаси, деярли ҳамма одамларнинг ҳирсий майллари бузилган ҳисобланади, деган гап ҳамкасб шифокорларни ваҳимага солди. Йўқ, улар бу фикрни инкор қилмасди, аксинча, уларнинг кўпчилиги буни олдиндан сезган ёки кузатган бўлиб, инсон табиати, феъл-атворида жинсий соҳанинг муҳим ўрин тутишини яхши англадилар. Бироқ бу шифокорлар ҳам давр билан боғлиқ ҳиссиётга, цивилизация томонидан қабул қилинган сохта одобга мутеъ бўлиб, кундай равшан бу ҳодисанинг шу даражада ошкор этилгани, бу ташҳисий хулоса уларга ножўя бўлиб туюлди. Улар жаҳл билан, ёш олим бундай уят нарсалар хусусида, ҳеч бўлмаса, юксак ҳурматга лойиқ “Шифокорлар жамияти”да оғиз очмаслик кераклигини билмайдими, дегандек қарашади. Ҳамкасблар шаҳвоният соҳасида, бир-бирига хуфийна кўз қисиб, ўзаро гапириши, бу мавзуда қарта ўйнаётганда ҳазил-ҳузул қилиши мумкин, лекин шундай эътиборли, маданиятли мажлисда, ўн тўққизинчи асрда бу каби илмий хулосалар айтилиши жойиз эмас деб ўйлашарди. Зигмунд Фрейднинг дастлабки расмий маърузаси эса қоларли бўлди, унинг факультетдош ўртоқларида черковга ўқ отишдек таассурот уйғотди. Бироқ унга хайрихоҳ ҳамкасблари, “Мабодо келгусида ўз мавқеингни кўтаришдан умидинг бўлса, бундай нозик ва шубҳали тадқиқотларни йиғиштирганинг маъқул”, деб маслаҳат беришди. Бу ошкор муҳокама этиладиган гаплар эмас, дейишди.

Аммо Фрейдни хулқ-атвор қоидалари эмас, ҳақиқат қизиқтирарди. У мана шу қалтис дарднинг изига тушди ва шу йўлдан бораверди. Ҳамкасбларнинг гашини қўзғатган (уятли) нарса Фрейд учун йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилди, у ўзи англамаган ҳолда оғриқли муаммога теккандики, илк тегишданоқ, унинг асаб толалари живирлаб кетди. Бу муаммони Фрейд қаттиқ ушлаб олди. У эҳтиёткорликка чақирган ёши улуг хайрихоҳ ҳамкасбларидан ҳам, “яра”сига беҳос тегиб кетилганидан азоб чеккан “одобли” одамлардан ҳам тап тортмади. Улкан журъат, катта инсоний мардлик, беқийёс ҳиссий қувват Фрейд даҳосида мужассам эдики, токи сукут зиндони қулаб, яра очилиб, уни даволаш мумкин бўлмагунча, худди ўша оғриқли жойни у қаттиқ ва янада қаттиқ босишдан тўхтамади. Бу нотаниш соҳада ўзининг илк саъй-ҳаракатларидаёқ ёш шифокор, гарчи атроф зулмат бўлса-да, анча нарсани илғаб олишига шубҳа қилмасди. У фақат теранликни ҳис этарди, теранлик эса ҳаминша ижодкор руҳни оҳанрабодек ўзига тортиб келади.

Фрейднинг ўзи ҳам, замондош авлод билан илк учрашуви, қай жиҳатдан қаралмасин, тасодифий эмас, балки рамзий маънога эга эди. Зеро, бу янги назариядан хўрланган, уят ва одат тусига кирган мағрур ахлоқ жабр чекарди. Йўқ, бу ерда ёшини яшаб бўлган жимлик услуби чинакам ғанимнинг бетўхтов таъқиб этаётганини асабий жазави билан ҳис этади. Фрейднинг унга қай тарзда қўл теккизгани эмас, умуман тегингани ва тегинишга журъат этгани ҳаёт-мамот жанги учун етарли баҳона бўлди. Зеро, илк сонияларданоқ гап беморнинг тузалишига эмас, бутунлай тескари томонга қаратилган эди. Бу хусусий бўлмай, умумий низомларни ўзгартириш ҳақидаги назария эди. У ҳодисаларни якка-яримтасини эмас, ҳаммасини яхлитлигича ўзгартиришни талаб қиларди. Шифокор ва бемор бир-бирини ўзаро тушуниши кераклиги хусусида гапиришнинг ўзи ортиқча. Бу ерда фикрлашнинг қарама-қарши қутблари тўқнашарди. Фрейдга қадар бўлган руҳшуносликдаги тафаккурнинг қондан устиворлиги ғоясига тўла-тўқис бўйсунмиш ақидаси маданиятга, маърифатли одамга ақл-идрок ёрдамида инсон ҳиссиётини поймол этишни талаб қиларди. Фрейд қўпол ва ошкор жавоб беради: табиий майллар ўзини маҳв этишларига мутлақо йўл қўймайди. Юзаки қараганда табиий истаклар худди ғойиб бўлгандек, қаергадир яширинади. Жиллақурса, уни онгли томондан онгсиз томонга чекинтириш мумкин. Бироқ бу ҳолатда у руҳиятнинг қайси қатламга чекинган бўлса, у ўша жойда ғужлашиб, ўзининг тийиқсиз туғени билан асабий

безовталиқ, бузилиш ва хасталикни юзага келтиради. Тараққийтга хом хаёллар билан ишонишга одатланмаган Фрейд мулоҳазаларида қатъий ва кескинлик кучаяди. Ахлоқ томонидан рад этилган libido¹ кучи ҳар бир оламга келаётган ҳомила билан баравар туғиладиган инсоннинг ажралмас таркибий қисми эканини, бу табиий кучни маҳв этишнинг иложи йўқлигини ва муҳими, уни фақат онгсизликдан онглилик томонга кўчириш йўли билан инсон руҳи учун зарарсизлангириш мумкинлигини у биринчи бўлиб тушунди.

Шундай қилиб эски жамият бутунлай хавфли, деб эълон қилган нарсани Фрейд фойдали деб топади. Англаш жараёнида ҳам шунга гувоҳ бўламиз: табиий майлларни ўлдиришни жамият фойдали деб ҳисобласа, Фрейд хавфли деб топади. Эски усул иллатни хаспўшлашни мақбул кўрган жойда, у дардни очишни талаб этади. Беписандлик ўрнига диққат билан қарашни, четлаб ўтиш ўрнига, тўппа-тўғри боришни, кўзни олиб қочиш ўрнига, синчков нигоҳни ва ўраб-чирмаш ўрнига, яланғочликни талаб этади.

Ким англаб етсагина табиий майлларни бўйсундира олади. Иблисни ғордан ким олиб чиқолса ва кўзига тик боқолса, ўша одам уни енгиши мумкин. Уятли ҳислар тиббиётга қанчалик алоқадор бўлса, эстетика ва филология ҳам шу даражада алоқадордир. Унинг бош вазифаси, инсонда ниманки пинҳон бўлса, ушани жимликка маҳқум этмасдан, гапиришга мажбурлашдан иборат.

Фрейд ўн тўққизинчи асрдаги барча иллатларни пинҳон тутиш анъаналарига эътибор қилмай, ўз замондошларининг олдига чекинтирилган ва англалмаган жамият нарсаларни англаш муаммосини кўндаланг кўяди. Ва уятли ҳодиса зиддиятини очиш, уни риёкорлик соҳасидан фан соҳасига ўтказиш йўли билан у нафақат сон-саноксиз одамларни, балки бутун хаста даврни муолажа қилишга киришади.

Фрейднинг бу янги, ҳаётбахш услуби психиканинг индивидуумга муносабатини ўзгартирибгина қолмай, маданиятга, унинг муҳим бир шажарасига янгича йўналиш берди. Ва шунинг учун, ҳамма нарсага 1890 йил нуқтаи назаридан қарайдиган кишилар Фрейднинг хизматларини соф терапевтика туғи сифатида қабул қиладилар ёки англаб-англамай бошланғич нуқта билан сўнгги мақсадни қориштириб юборадилар. Фрейд тасодифий равишда эски руҳшуносликнинг Хитой деворига раҳна солгани тарихий ҳақиқат эканлиги тиббий жиҳатдан муҳим, аммо унинг жасоратидаги асосий нарса бу эмас. Зеро, ижодга хос ақл-идрок учун иллатнинг қаерда эканлиги эмас, қай йўналишда ва қаергача давом этгани, яъни илдизи муҳимдир. Фрейд тиббиётдан, Паскаль математикадан ёки Ницше кўҳна филологиядан озиклангани маълум.

Шубҳасиз, бу манба унинг ишларига маълум тус беради, аммо унинг қадриятларини белгиламайди ёки чекламайди. Ва айнан ҳозир, ҳаётнинг етмиш бешинчи йилида Фрейднинг меҳнатлари, бу меҳнатнинг қадриятлари — руҳий таҳлил воқитида ҳар йили асаб касалига мубталолар кўпми-озми — қанча миқдорда тузалапти деган, иккинчи даражали саволга боғлиқ эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Мазкур вазиятда ижодий лаёқатининг кўзлари очилган инсон — Фрейд бизнинг бутун ички оламимизни ўзгартириб юборди. Бу ерда гап ҳақиқий тўнтарини ҳақида боради. Унинг “ҳақиқат садизми” руҳий дунёқарашларда инқилоб қилди — Фрейд таълимотининг бу хавфли томонини (айнан улар учун хавфли) дастлаб ўлиб бораётган авлод вакиллари тушуниб етишди: ўша ондаёқ уларнинг бари: кўзбойлогичлар, оптимистлар, идеалистлар эски ҳуш ахлоқни ва уятни ёқловчилар, бу (Фрейд назарияси) ҳамма тўсиқларни ёриб ўтади ва уни ҳеч қандай “таъқиқлар” билан кўрқитиш мумкин эмас, чунки моҳиятан бу одам учун ҳеч қандай “муқаддас” тушунчанинг ўзи йўқ, дея ваҳима қилишди. Улар табиий туйғулари билан Исонинг ғаними Ницшега бевосита издош сифатида Фрейд сиймосида иккинчи буюк кўҳна лавҳаларни қўпоровчи шахс пайдо бўлганини сезишди. Фрейд ўзининг бешафқат, барча ўраб-чирмаб яширилган нарсаларни кўргувчи кескир нигоҳи билан, мурғак гўдакда, ибтидоий одамда, тинч оила даврасида — ота ва ўғил муносабатларида момақалдирок гулдурashi ва энг соф уйқуларда ҳам, қоннинг жунбушга келишини — ҳирснинг намоён бўлишини исботлаб берди.

¹ Libido — ҳирс, жинсий майл қуввати.

Дастлабки онданоқ рақибларни бу одам ўзининг беаёв нигоҳи билан қалбларга янада чуқурроқ киради, энг муқаддас жабҳаларда — маданиятда, цивилизацияда, инсонпарварликда, ахлоқ ва тараққиётда фақат ҳирсдан бошқа нарсени кўрмайди, деган кўрқув босди. Тўғри-да, бу худобеҳабар (Фрейд) ўзининг таҳлилий асбоби ёрдамида якка инсон руҳиятига таъсири билан чекланмай, бутун бир халқнинг руҳиятига мурожаат қилмайдими? Ўзининг болғачаси билан у давлат ахлоқи ҳамда катта саъй-ҳаракатлар воситасида тикланган оилавий ахлоқ пойдеворига заха етказмайдими? Ўткир заҳарли кислотаси билан ватанпарварлик ҳисларини ва ҳатто, диний туйғуларни кунпаякун қилиб ташламайдими?

Ҳақиқатан ҳам уруш даврига қадар кечган ўлиб бораётган авлоднинг сезгиси алдамади: беқиёс жасорат, маънавий журъат қанотида Фрейдни ҳеч қаерда, ҳеч нарса тўхтатолмади. Фрейд эътироз ва кўролмасликка, шов-шув ва сукут сақлашларга эътиборсиз равишда, токи бутун дунёга қарши қўйишга имкони етгунча ўз Архимед дастагини ҳунармандга хос аниқ ва собит сабр-тоқат билан такомиллаштиришда давом этди. Етмиш ёшга кирганда у якка шахсда синалган усулини бутун инсониятга, ва ҳатто илоҳиётга тадбиқ этишга уриниб кўрди. Унда олға, олға ва сўнгги — ҳудудгача боришга жасорат етди.

Зигмунд Фрейд якка, алоҳида инсондаги буюк жасорат тимсолидир! У инсониятни бахтлироқ эмас, онглироқ қилди. Мен бахтлироқ эмас, онглироқ қилди деб таъкидлаяпман. У олам манзарасини бутун бир авлод ўнгида теранлаштирди: бўяб-бежамади, теранлаштирди деб айтяпман. Зеро, туб бурилишлар ҳеч қачон бахт бермайди, у белгиланган вазифани бажаради. Аммо мангу чақалоқ бўлган инсоний қалбни янги-янги пуч хаёллар билан аллалаш фаннинг юмушига кирмайди: унинг юмуши инсонларни қаттиқ заминда одимлашга ҳамда бошини тик кўтариб юришга ўргатишдан иборат.

МАНЗАРА

Самимийлик — ҳар қандай даҳоликнинг манбаидир.

Венадаги катта уйлардан бирининг дарвозаси ярим асрдирки, Зигмунд Фрейднинг шахсий ҳаётини эл кўзидан яшириб келади: айтиш жоизки, унда ҳеч қандай шахсий ҳаёт бўлмаган. Фрейд узлатда камтарона кун кечиради. Етмиш йил шу шаҳарда, қирқ йилдан буён шу хонадонда. Беморлар мана шу хонада қабул қилинади, китоблар мутолааси мана бу оромкурси, адабий ишлар мана бу ёзув столида ёзилади, Poter fomiliang олти фарзанднинг отаси, бошқа ҳеч нарсага эҳтиёж сезмаган, ўзи текширадиган инсон майлларидан бошқа ҳеч нарсага рағбат кўрсатмаган.

Фрейднинг вақти ўлчовли, қолаверса, меҳнат учун саховат билан исроф этиши мумкин бўлган вақтини у ўз шахсини кўз-кўз этишга, унвон ва мартабалар олишга сарф этишга қизғанади. У ижодкор сифатида кўкрак кериб ғурурланиб юрмайди, ҳаёт йўриғини тўла-тўқис ва ягона, сабр-тоқатдан иборат бир маромдаги иш тарзига бўйсундиради. Етмиш беш йиллик ҳаётидаги неча минглаб ҳафталарнинг ҳар бири ягона доира атрофида айланади, ҳар бир кун бошқа кунига эгиз: вақт бўйича академик тартибда, ҳафтада бир марта университетда маъруза, ҳафтада бир марта, чоршанба кунлари Суқрот каби шогирдлар даврасида маънавий базм, шанба кунлари тушдан кейин (пулсиз) қарта ўйини — қолган вақтларда, эрталабдан кечгача, аниқроғи, ярим тундан кейин ҳам, ҳар бир дақиқани бутунлай таҳлил, муолажа, у ёки бу масалани ҳал этишга, мутолаа ва илмий ишини шакллантиришга сарфлайди. Бу ўзгармас тақвим биронта бўш саҳифани билмайди: ярим аср мобайнида Фрейднинг ҳар бир куни соатма-соат фақат ақлий меҳнат билан кечган. Мияси мотор аниқлигида ишлайдиган бу заҳматкаш инсон учун бетинан фаолият ғоят табиийдир, иш Фрейд учун одатий, доимий ва бетиним юмушга айланган. Айнан бетинимлиги унинг ақлини пешлайди ва олим маънавий қиёфасидаги энг ҳайратли нарса айнан, шудир. Қирқ йилдирки, Фрейд ҳар куни қаторасига саккиз, тўққиз, ўн, ҳатто ўн битта таҳлилга қўл уради. Бошқача

айтганда, тўққиз, ўн, баъзан ўн бир марта ўта зўриқиш билан, айтиш мумкин, бегона қисматлар учун қақшаб, бутун диққатини бир ерга жамлайди. Ҳар бир сўзни тарозига солиб кўради ва эҳтиётлайди, аини вақтда уни ҳеч қачон доғда қолдирмайдиган қувваи ҳофизаси мазкур таҳлилни аввалги натижаларга қиёслаб кўради. Шу йўл орқали у бегона кимсаларнинг қалбига теран кириб боради, аини вақтда беморни руҳий ташҳисчи (психодиагност) сифатида ташқаридан кузатади. Бир соат мобайнида у бир бемордан иккинчисига, ундан навбатдагисига ўтади, шундай қилиб ҳеч бир ёзувларсиз юзлаб тақдирларни энг нозик тафсилотларига ча кузатиб, хотирасида алоҳида сақлайди. Бундай иш тартибига бошқалар икки-уч соат дош беролмайди, чунки бу диққатни жамлашни ва асабий зўриқишни талаб қилади. Аммо Фрейднинг маънавий қудрати толиқиш ва бўшашишни асло билмайди.

У куннинг аввалида одамга хизмат кўрсатиб, таҳлилий ишларни тамомлаши билан, дунёда ягона бўлган хулосаларини ижодий умумлаштиришни бошлайди. Ва бу беқиёс, аспид минглаб одамларга тааллуқли, кейинчалик миллионлаб одамларга ўтказилувчи тинимсиз меҳнат ярим асрдирки, ёрдамчиларсиз, котибларсиз, ассистентларсиз бажарилади: ҳар бир хат ўз қўли билан ёзилади, ҳар бир тадқиқотни ўзи ўтказиши, ҳар бир ишни ўзи қайд этади. Ижодий қувватнинг ягона бу мароми одатий оқсоқилнинг ортида чинакам қудратли даҳо жириринганидан далолат беради. Бир қарашда оддий, одатий кўринган ҳаёт, ижод соҳасида ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайдиган ноёб ўзига хосликни намоён этади.

Ҳеч қачон ўзгармайдиган, ўн йиллаб бузилмайдиган ва хизматдан бўйин товламайдиган, ўта аниқликдаги иш асбоби ҳам кам топилади. Ижод қилишдан толиқмаган Гендель, Рубенс, Бальзак каби даҳолар ҳам руҳан толиқадилар. Аммо улкан маънавий куч Фрейддаги асл соғлом миждан келиб чиқади. Бу буюк шифокор етмиш ёшгача ҳеч қандай жиддий хасталанмаган, инсон асаблари ўйинларининг зукко кузатувчиси ҳеч қачон ўз асабидан нолимаган, ғайриоддий руҳият билимдони, бутун умри давомида ўз шахсий кечинмаларига тааллуқли соҳаларда ҳам мутлақо соғлом. Ақлий ишда бу одам энг оддий бош оғриғини ҳам билмайди. Бош оғриши, толиқиш унга умуман ёт. Йигирма-ўттиз йиллар давомида Фрейд саломатлиги борасида ўз ҳамкасбларидан бирон марта ёрдам сўрамаган.

Фрейд учун саломатлик нафас олиш каби, руҳнинг тетиклиги — ижод, ҳаёт каби оддий ҳолатдир. Унинг кундузги иши қанчалик машаққатли, тигиз бўлмасин, бу пўлатдан қуйилгандай жисмининг тунги ҳордиғи ҳам шу даражада мукаммал. Қисқа, аммо ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳоли қаттиқ уйқу натижасида азондаёқ унинг руҳи фавқуллодда тетик бўлади. Ички кучларнинг бу мувозанати унинг ташқи қиёфасига зид эмас, унинг ташқи ва ички қиёфалари уйғунлашиб кетган. Ўта новча ҳам эмас, паст бўйли ҳам эмас, ўта тўла, озгин ҳам эмас. Карикатурачи рассомлар унинг юз тузилишидан бирон-бир бадий маболоғага асос тополмай, йиллаб овара бўлишарди. Моҳиятан бирон-бир нуқсонли чизиқни излаб, унинг ёшлик чоғларидаги суратларини титкилашнинг фойдаси йўқ.

Ўттиз-қирқ, эллик ёшлардаги юз ифодаларидан ҳам кўриниб турибдики, у келишган одам, унинг қиёфасидаги ажинлар мардона инсонлигидан далолат бериб турибди. Тўғри, қора кўзлари бир нуқтага тикилганида нигоҳи руҳияти тўғрисида равшан тасаввур уйғотади. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам бу эски суратларда — Ленбах ва Маккартининг сеvimли тасвирларида ораста соқолли врачнинг қиёфаси, мукаммал юз тузилиши, буғдойранг, мулойим, жиддий, барибир яна бошқа жиҳатларини тушуниш қийин бўлган юз ифодасини кўрамиз. Бу сирли қиёфадан бирон-бир ўзига хос нарсани билишдан воз кечишга тўғри келади, деб ўйлай бошлайсан. Ва шунда сўнгги даврда ишланган тасвирлар бехосдан гапира бошлайди. Қарилик аксар инсонларнинг қиёфасидаги ўзига хосликни ювиб кетади ва одамни уваланиб кетувчи туссиз кесакка ўхшатиб қўяди. Пешқадам ёш рассомлар қаламида Фрейд қиёфасига қарилик кириб келмоқда. Кексалик ва хасталик ҳатто шундай бузилмас қиёфани ҳам ўзича тарашлашга қодир. Унинг нигоҳи, аввал оддий кузатувчи нигоҳи, эндиликда одамга чуқурроқ, қатъийроқ, аёвсизроқ боқади, шубҳаларнинг аччиқ тахлами унинг манглайида худди маҳорат излари каби ажинлар қолдирган. Ва “йўқ” ёки “ёлғон” дейишга чоғланган юпқа лаблари зўриқиш билан, титрагандек юмилади.

Даставвал бу қиёфада Фрейд табиатига хос қайсарлик ва қатъиятни сезасан.

Йўқ, бу кексайганда мулойим, хушмуомала бўлиб қолган good grey old man (нуроний қария) эмас, балки қатъий, ғайратли тадқиқотчи бўлиб, у бировни алдамайди ва ўзини ҳам алдашга ҳеч қачон рози бўлмайди. Бу одамни алдашдан қўрқасан, чунки, сергак. Худди қоронгуликдан туриб нишонга олаётган ўткир нигоҳи билан ҳар бир ҳаракатингизни кузатиб туради, кўнглингиздаги, ҳар бир пинҳоний бурчакни олдиндан кўради, юз қиёфаси, эҳтимол суҳбатдошга энгиллик бахш этишдан кўра кўпроқ юракни сиқадиған бўлиши мумкин, аммо ичингизни ҳам кўрувчи бу ажойиб, жонли қиёфада оддий кузатувчи эмас, балки аёвсиз тарзда олдиндан кўрувчи одам гавдалақеди. Бу азалий қатъиятни, бу бешафқат мурасасиз ҳужумни қайтаришга уринган ҳар қандай сохта ҳаракатлардан воз кечишга тўғри келади. Мабодо Фрейдда бу ўткир, очиқ ва аёвсиз қатъият бўлмаганда, у билан биргаликда барча ижобий хислатлар, унинг жасорати билан боғлиқ энг асосий жиҳатлар ҳам бўлмасди. Агар Ницше болға зарби садолари остида донишмандлик қилган бўлса, Фрейд умр бўйи жарроҳ пичоғи билан иш кўрди, бу турдаги асбоб юмшоқ ва нозик қўл учун мос эмас. Турли расмиятчиликлар, маросимлар, ачиниш ва истеҳзолар Фрейд табиатига хос бўлган (кескин) радикал фикрлаш тарзига мутлақо ўтиришмайди, Фрейд фикрининг мазмуни ва йўналиши мутлақ тезкорликни намоён этади. Унинг жанговар қатъияти фақат “ҳа” ёки “йўқ”ни, “тарафдор” ёки “қарши” сўзларини тан олади. “Бир томондан” ва “иккинчи томондан”, “шу билан бирга” ёки “бўлиши мумкин” каби ибораларни у асло ҳазм қилолмайди. Қаерда гап ҳақиқат хусусида кетар экан, Фрейд ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди, ҳеч ким билан келишмайди ва ҳеч кимни аямайди. Гумон, эҳтимоллар унинг учун сариқ чақалик қимматга эга эмас, уни фақат юз фоиз ҳақиқатгина қизиқтиради.

У одамларнинг ўзаро муносабатидаги, шунингдек, инсон тафаккуридаги саробга ўхшаш мавҳумликлардан узоқ туради. Унинг фикрлари мустақил равишда йўл танлашга тийиқсиз хоҳиш уйғотади. Унинг нигоҳи ҳар қандай ҳодисага нурдай ёриб киради. Аммо бундай кўриш, фикрлаш ва яратиш Фрейд учун сира малол келмайди, таҳлил унинг табиатидаги туғма, яксон бўлмайдиган майлдир. Фрейд бирон нарсани дарҳол ва охиригача тушунмас экан, бу ҳақда сўз очмайди; у бирон нарсани ўз кўзи билан кўрмас экан, унга буни тушунтириш беҳуда. Нигоҳи ҳам, идроки каби ўжар ва бўйсунмас, ҳужумкор фикри худди ҳарбий ҳаракатларда душманнинг катта кучларига якка-якка чиқишдан тап тортмайдиган баҳодирнинг кескир пўлат қуролидек ҳаракат қилади.

Аммо Фрейднинг бошқаларга нисбатан аёвсиз, талабчан ва қатъий муносабати ўзига келганда янада аёвсиз тус олади, у ўзига ҳам ишонмай шубҳа билан қарайди. Бошқа одамларнинг қалбидаги энг махфий сирларини билишда, бир қатламдан бошқасига чуқурроқ киришда, ҳар бир ҳақиқатдан бошқасига янада ишонч билан ўтишда у ўзига янада ҳушёрроқ қарайди.

Шунинг учун тез-тез такрорланадиган “довжорак донишманд” ифтихори Фрейдга унчалик мос келмайди, деб ўйлайман. Фрейд ғоялари билан ҳеч бир тайёргарликсиз, ички сезгиларга ишонган ҳолда илмий таҳлил қилиш ўртасида мутлақо яқинлик йўқ. У хулосалар ясашда энгилтаклик ва шошмашошарликдан ғоятда йироқ, бирон-бир тахминни тасдиқ сифатида айтиш учун йиллаб иккиланади, унинг мукамал даҳосига фикрлар ўйини ва хом-хатала хулосалар мутлақо ёт. Фрейд теранликка зинама-зина, ҳаяжонланмасдан тушиб борар экан, дастлаб лиқиллаб турган жойларни илғайди: унинг асарларида “эҳтимол, бу фақат фараз” ёки “бу масалада бирон янги нарса дейишим қийин” қабилдаги фикрлар кўп марта учрайди.

Фрейднинг ҳақиқий жасорати ўзига қатъий ишонганидан кейингина бошланади. Шундан сўнг хомхаёлларни аёвсиз барбод этувчи бу инсон, ўз иккиланишларини энгганидан ва дунё ёлғонларига яна бир хомхаёлни қўшмаганига амин бўлганидан сўнггина ўз фикрлари тизимини баён қилади. У бирон-бир ғояни ўрганиб, узвий бир бўлагига айланади ва ҳеч бир Шейлок¹ буни унинг жисмидан ажратиб кесиб ололмайди.

Фрейднинг қарашларидаги бу қадар қатъийликни, рақиблари аччиқ устида

¹ Изкувар, терговчи. В.Шекспир қаҳрамони (таржимон изоҳи).

қотиб қолганликка йўйишади: баъзан ҳатто унинг тарафдорлари ҳам бу ҳақда ошкора ёки пинҳона нолишади. Аммо фавқулоддалик Фрейдда ажралмас хислат бўлиб, бу, унинг табиатидан, иродаси ҳамда ўзига хос қарашидан келиб чиқади. Модомики Фрейд бирон нарсага ижодий нуқтаи назардан ёндашар экан, уни гўё энди кўриб тургандек кузатади. Ўйлаётиб эса, бу ҳақда унча бошқалар қандай ўйлашганини тамомила унутлади. У ўз олдига қўйган муаммони қандай кўриш зарур бўлса, ўша ҳолда кўради ва инсон руҳияти китобининг қайси саҳифасини очмасин, ўзи учун янги саҳифа очади. Унинг тафаккури бу ҳолга танқидий ёндошишдан қатъий назар, ўзига зарур нарсани бирма-бир илғаб олади. Одамларни жузъий, нисбий хатоларига нисбатан тушуниш мумкин, аммо илмий, ижодий қарашга муносабатда бу кўзларни алдаб бўлмайди, чунки ижод ирода имкониятларидан ташқарида тургани каби, кўриш ҳам ҳар қандай алданиш чегарасининг нариги томонида туради. Азалдан маълум бўлган нарсаларга одатий қарашга ўрганмаслик, минг марта айтилган нарсаларни янгидан ва ҳудди ҳеч ким айтмагандек айтиш чинакам ижоддир. Бу ҳиссий кўриш сеҳри ҳеч қандай сабоққа муҳтож бўлмай, бировнинг сўзига учмаслик, даҳонинг бир кўрган нарсасида собит қолиши қайсарлик эмас, балки чуқур заруратдир.

Шунинг учун Фрейд ўқувчи ёки тингловчисини ўз қарашларининг тўғрилигига ишонтиришга зўр бериб уринмайди, ўзига ишонишга мажбур этмайди. У фақат тушунчаларини баён қилади, холос. Унинг, шубҳасиз, ҳалоллиги шундаки, энг муҳим фикрларни ҳам қалбга осон кира оладиган шоирона йўсинларда ифода этмайди ва бунақа йўл билан муросасозлик қилиб айрим оғир ботадиган, хазм қилиниши қийин мулоҳазаларни жўшқин ақлларга сингдиришга уринмайди. Санъат ва бадиятнинг ҳаяжонли ёлқинлари уфуриб турган Ницшеннинг бошни айлантирадиган насриятига нисбатан Фрейднинг насри бир қарашда ҳушёр, совуқ ва туссиз кўринади. Фрейд насри ўз издошларини тарғиб — сафарбар қилмайди, у шерьий жимжималарни, мусиқий оҳанглари тўла-тўқис рад этади (ўзи тан олганидек, мусиқага унда ички майл йўқ, чунки Афлотун ақидасига кўра, мусиқа тўғри фикрлашдан чалғитади). Фрейд фақат соф тафаккурга интилади ва Стендалчасига айтади: “Pour itra bon philgophe il fant etre ges, eloir gong illugioni”¹.

Унинг учун барча инсоний муносабатларда, шунингдек, сўз ифодаларида, ибтидо ва интиҳо: бу равшанлик ва аниқликдир: у барча иккинчи даражали нарсаларни, барча бадий қобилиятларни бўйсундиради; насрнинг ягона шу йўл билан эришилган бу олмосдек мустаҳкамлиги ўзининг бетимсол *vig plagicasu*²ни касб этади. Мутлақо бадиятдан ҳоли, қатъий, амалий, рим ёки лотинчага ўхшаш бу наср одамларнинг тасаввурини хиралаштирмайди. Аммо масаланинг моҳиятини аниқ очиб беради. У ҳеч нарсани бўяб-бежаб ўтирмайди, устма-уст қалаштирмайди, аралаштириб юбормайди, кўп нарсалар билан қисиб ташламайди ва образлару қиёслашларга ўта даражада хасис.

Фрейд ёзмаларида қиёслашлар оз учраса-да, ишонтириш қувватига кўра ўқ каби таъсир қилади. Фрейддаги ташбеҳли хулосалар худди пичоқ билан кесилган тошга ўхшаш ўта аниқликка эга, унинг таркибидаги ёрқин наср залворли нақшин мрамор тошдек, ҳар бири алоҳида-алоҳида қаватларга эга. Аммо Фрейд ўз фалсафий ўйларида бир дақиқа ҳам тўғри йўлдан тоймайди, фикрлаш соҳасидаги каби, тил соҳасида ҳам гапни айлантриб ўтирмайди.

Фрейднинг фикри каби, сўз ифодаси ҳам геометрик аниқликда ҳисоб-китоб қилинган.

— Ҳар қандай даҳо ниқоб кияди, — дейди Ницше. Фрейд учун ниқобнинг ҳожати йўқ. Унинг деярли зерикарликдек бир хилда ўтадиган кунлари қаърига девкор меҳнат жасорати яширинган. Хотиржам ва осойишта қиёфаси чизиқларида ижодкор даҳоси бекинган. Унинг фавқулодда ўта инқилобий ва жасоратли меҳнатлари академик услубнинг табиий-аниқ намуналари сифатида аста билинмай кетади. Ва унинг совуқ ҳамда рангсиз тили аниқ ташбеҳ яратувчи бадий қувватни жиловлайди. Ҳушёрлик даҳоси сифатида у буюк нарсаларни эмас, фақат аниқ нарсаларни кашф этишни севади. Дастлабки нигоҳидаёқ у ҳодисанинг кўлами салмо-

¹ Яхши файласуф бўлиш учун пуч хаёллардан ҳоли бўлиш, совуққонлик ва аниқлик зарур.

² Эгилувчанлик кучи.

ғини кўра олди, ичига киргани сари эса, ўша ҳодисанинг чексизлиги очилади. Ҳар қандай ҳолатда Фрейд ўзининг жуда улкан шахс эканлигига эътибор бермайди. У барча лаҳзаларда бир хилдир. Илоҳий олам ягоналигини тушунган инсон сифатида ана шу илоҳий қонунни ўз ижодида, ташқи қиёфасида ҳамда ҳаётида ошқора ва ғолибона намоиш этади.

ЯКУН

Фрейд таржимаи ҳолида ўзига нисбатан аёвсизлик билан: “Мансабга ва врачлик фаолиятига қизғин майлни ёшликда ҳам, ундан кейин ҳам ҳис қилганим йўқ эди”, деб очиқчасига тан олади. Аммо бу изҳор қуйидаги чуқур маъноли изоҳ билан берилади: “Кўпроқ мени ўзига хос ҳавасмандлик, табиат хилқатларига қараганда одамзот муносабатларига йўналтирилган ҳавасмандлик олға ҳаракатлантирди”. Унинг бу чуқур майли ҳеч қанақанги илмий соҳага мувофиқ келмасди, негаки, Вена тиббиёт факультетининг ўқув режасида “Инсон муносабатлари” илмий курсининг ўзи йўқ эди. У ёш талаба сифатида келгусида бир парча нон топиш хусусида ўйлаши лозим эди. Шахсий майлларга берилмасдан, бошқа шифокорлар қатори, дастурдаги ўн икки семеестрни сабр-тоқат билан ўташи лозим эди.

Фрейд талаба сифатида мустақил тадқиқотлар устида жиддий иш олиб боради; аммо ўзининг тан олишича, у “жуда пала-партиш” равишда “академик” меҳнатларини бажарди. Фақат 1881 йилда, йигирма беш ёшида, “хиёл кечикиш” билан тиббиёт доктори унвонига сазовор бўлади.

Унинг қисмати кўпларни кига ўхшаш: ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонмаган одамнинг ҳиссиёти, ўзи қизиққан ихтисосни ўзи хоҳлаган касбга алмаштириш ва ҳоказо. Чунки дастлабки сонияларда тиббиёт фанидаги шогирдчилик деган нарса бу мукамал ақл соҳибини унчалик қизиқтирмайди. У ўз руҳиятининг туб-тубида туғилган, ўзи ҳали англамаган майллар таъсирида, тиббий тарзда руҳшуносликка алоқадор саъй-ҳаракатларининг назарий майдонини кашф этишга уринади. Шу йўл билан у ўзига руҳшунослик ихтисосини танлайди ва мия анатомияси билан шуғулланади. Алоҳида шахс руҳияти, биз учун аллақачонлар руҳий фанлар қаторидан ўрин олган. Аммо, ўша вақтда тиббиёт аудиторияларида шахс руҳияти ўтилмас ва тажриба қилинмас эди. Фрейд уни бизлар учун кашф қилиб берди. Жўн фикрловчи давр учун ҳар қандай руҳий беқарорлик фақат асабларнинг бузилиши одатдаги хасталик сифатида талқин қилинар, зарур аъзоларни синчиклаб ўрганиш ва ҳайвонларда тажриба ўтказиш асосида “руҳий соҳа”да автоматик ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ҳар қандай оғишларни тўғрилаш мумкин, деган хато тасаввур қатъий ҳукмронлик қилиб келарди. Шунинг учун руҳий ҳодисалар ҳақидаги фан одамлари руҳий лабораторияларда ишлаб, жарроҳ пичоғи ёки ланцети¹, заррабин ва сезгир электр ускуналар ёрдамида асабларнинг қисқариши ёки титраши қайд этилишини кузатишни бу фанни тўла-тўқис билиш деб ўйлашарди.

Фрейд ҳам илк пайтларда анатомия столига ўтириб, ҳар қандай техник ускуналар бўлмаслиги сабабларини қидира бошлади. Бир неча йил у машҳур анатомлар Брюкке ва Мейнерт лабораторияларида ишлади, ҳар иккала моҳир устози ёш ассистентнинг туғма ижодий кашфиётчилик лаёқатига ишонч ҳосил қилдилар. Ҳар иккала олим ҳам уни доимий ишга жалб этишга уринади. Мейнерт ҳатто ёш шифокорга мия анатомияси курсидан ўқиладиган маърузалари бўйича ўринбосарликни таклиф этади. Аммо Зигмунддаги ички сезги бунга кескин қаршилиқ кўрсатади. Эҳтимол, бу вақтда унинг майллари ишнинг қандай ҳал бўлишини олдиндан сезгандир, ҳар ҳолда у бу фахрли таклифни рад этади. Бироқ унинг бажарган академик аниқликдаги гистологик ва клиник ишлари Вена университетети қошидаги хасталиклар кафедрасида доцентлик қилиши учун бемалол етарди.

Вена университететида неврология бўйича ҳеч қандай бойликка эга бўлмаган 29 яшар шифокор учун обрўли ва сердаромад унвон эди.

Фрейд эндиликда ўз мижозларини муфассал ўрганилган усулда даволаш ҳам-

¹Ланцет — жарроҳлик асбоби.

да олиймақом профессор бўлиши мумкин эди. Аммо бу вақтга келиб умри давомида Фрейдда шаклланган олдинга интилиш ва муаммони чуқур қатламларига етиш истаги ўзини кўрсата бошлайди. Чунки ёш доцент виждонан тан оладики, бошқа барча асабшунослар бир-бири олдида ва ҳатто ўз олдиларида қўрқувдан миқ этишмайди. Айнан ўша пайтларда (1885 йилларда) ўқитиладиган асабий-руҳий ҳодисаларни таъриф қилиш тарзи бошқа бировларга наф келтирмаган ҳолда, боши берк кўчага кириб қолган эди. Аммо бундан ўзгача усуллар ўқитилмаса, бошқасини қандай қилиб қўллаш мумкин эди?

1885 йилларда (ва ундан анча кейин) профессорлардан нимаики ўзлаштириш лозим бўлса, барчаси ўзлаштирилди. Ёш доцент энг сўнгги тафсилотларгача — анатомияга оид билимларни, клиник ишларни батафсил англаб етди. Бундан ташқари, энг муҳими, Вена мактабининг барча ибратли ишларини; қатъий далиллар билан, чекинмасдан заҳмат қилиш ишларини ўзлаштирди. Ўзидан кўпроқ нарсаларни билмайдиган бу одамлардан у яна нимани ўрганиши мумкин эди? Шунинг учун бир неча йиллардан буён Парижда руҳшунослик бутунлай бошқа руҳшунлик назардан кўриб чиқиладигани ҳақидаги хабар унда кучли, енгил бўлмас рағбат уйғотди. Бу вақтда Шарконинг ўзи ҳам дастлаб мия анатомияси мутахассиси сифатида иш бошлаб, бир пайтлар Франс Антон Месмер қувғин қилинган ва етти марта газабга учраган Венани ташлаб Парижда гипноз ёрдамида ўзига хос тажрибалир ўтказадигани Фрейд ҳайрат ва шубҳа билан қарши олади.

Узоқдан, фақат тиббиёт журналлари хабарларига суяниб, Шарконинг тажрибалари хусусида аниқ маълумот олишнинг иложи йўқлигини Фрейд дарҳол тушунди, баҳо бериш учун уларни ўз кўзи билан кўриши лозимлигини тушунди.

Ва ўша заҳоти ёш олим, ақли бошлаган тўғри йўлдан бориб, Парижга отланди. Устози Брюкке унга, ҳали ёш, маблагсиз врачга сафар харажатларини олиб беради, уни қўллаб-қувватлайди. Стипендия таъсис этилади. Ёш доцент 1886 йилда ўргатишдан аввал ўрганиш учун, ҳаммасини бошидан бошлаш мақсадида Парижга йўл олади.

Парижда Зигмунд бошқача муҳитга келиб тушади. Тўғри, Шарко ҳам Брюкке сингари, патологик анатомиядан келиб чиқиб иш кўради, бироқ у Брюккедан ўзиб кетганди. Буюк фаранг олими ўзининг “La foi gui gberit” (“Шифо берувчи зътиқод”) китобида шу пайтга қадар тиббиёт илмида шубҳа билан қаралган, мутлақо рад этиб келинган диний муолажалардаги мўъжизаларни оламга боғлаб руҳий тадқиқ этади. Бу ҳодисаларда маълум қонуният борлигини аниқлайди. Далилларни рад қилиш ўрнига уларни ўрганишни бошлайди, муолажанинг барча ажойиб усуллари, жумладан, месмеризмнинг нодонларча шуҳрат қозонган услубларига бақамти келади.

Зигмунд Фрейд асл телбаликка Вена мактаби олимларининг — сохта жинниликка қарагандек нафрат билан қарашига қарши эди. Нега деганда у, хасталик чақирадиган тутқаноқ, руҳий шикастлик оқибати эканини исботлайдиган таълимот билан танишди.

Шарко гипноз қилинган касаллари мисолида тумонат одамга тўла аудиторияда ҳаммага таниш, фалажликнинг одатий ҳолатини руҳий таъсир кўрсатиш билан гипнотик уйқуга кетказиш, натижада бу рефлекслари қўпол — физиологик шаклда эмас, балки оқилона усулда даволаш мумкинлигини исботлади. Шарконинг таълим унсурлари веналик ёш врачни ҳамиша ҳам ишонтира олмаса-да, ҳар қалай Парижда неврология соҳасида нафақат соф жисмоний, балки психик, ҳатто метафизик сабабларини тан олиниши ҳамда қадрланиши унга кучли таъсир кўрсатди: у қониқиш билан психология фани яна руҳият ҳақидаги қадимий фанга яқинлашганини ҳис қилди. Руҳий усул шу пайтга қадар ўрганган билимларидан кўра кўпроқ уни ўзига тортди. Янги муҳитда Фрейдга бахт кулиб боқди, — юксак иқтидорли ақлларнинг ўзаро уйғунлигини бахт деб аташ лозим бўлса, у устозидан ўзига нисбатан қизиқиш уйғотганидан бахтиёр эди.

Зигмундга бахт кулиб боқди. Венадаги Брюкке, Мейнерт, Нотнагель каби Шарко ҳам Фрейд сиймосида ижодий тафаккур қилувчи шахсни кўрди, у билан яқинлашди. У Фрейдга ўз асарларини олмон тилига ўгиришни топширди ҳамда унга кўп ҳолларда ишонч билдирди.

Бир неча ойлardan кейин, Венага қайтган Фрейднинг дунёни идрок этиши ўзга-

ради. Тўғри, Шарконинг йўли ҳам у танлаган йўл эмаслигини, бу тадқиқотчида ҳам жисмоний тажрибалар кўплигини, бу тажрибалар жуда кам нарсани исботлашини билиб, ноқулайлик сезади. Аммо бир неча ой ичида ёш олимда жасорат, мустақилликка интилиш этилган эди. Энди у мустақил ижодий фаолиятини бошлаши мумкин эди.

Бундан аввал яна бир кичик расмиятчиликни бажариш зарурияти туғилади. Ҳар қандай университет стипендианти ўқув юртига қайтгандан сўнг, чет эл сафаридаги илмий натижалари хусусида ҳисобот беришга мажбур. Фрейд ҳам врачлар жамиятида бунга адо этади. У Шарко топган янгича йўналишлар хусусида сўзлаб берди. Ва Salpetriere¹да гипноз тажрибаларини тасвирлайди. Аммо Франс Антон Месмер замонларидан буён, Вена шаҳрининг тиббиёт устахоналарида таъсир кўрсатиб даволашга доир барча усулларга шубҳа билан қараш сақланиб қолган эди. Фрейднинг жазава-тутқаноқ аломатларини сунъий пайдо қилиш мумкинлиги тўғрисидаги фикри ҳамкасбларда кинояли кулги уйғотди, ҳатто эркакларда ҳам жазава уйғотиш хусусидаги фикри ошқора кулгига сабаб бўлди. Аввал унинг елкасига дўстона хайрихоҳлик билан қоқишиб, Парижда унга нақадар бемаъни нарсани ўргатишганини таъкидлашди.

Аммо Фрейд чекинмагандан сўнг, психология соҳасида “қатъий илмий” асосда ишлаётган мия лабораториясидек муқаддас даргоҳга унинг кириши нолайиқ топилиб, бу ернинг эшиклари унинг учун тақа-тақ бекитилди. Шу вақтдан бошлаб Фрейд *bete noire* (иркит махлуқ) бўлиб қолди, у энди Врачлар жамияти остонасини ҳатлаб ўтолмас, фақат бир обрўли аёл мижозининг шахсий аралашуви туфайли (унинг ўзи қувноқ кайфиятда тан олишича) бир неча йиллардан сўнг олиймақом профессор унвонини олади. Аммо факультет киборлари унинг академик доираларга киришини асло хоҳламай юрганини эслайди. Факультет Фрейднинг етмиш йиллик таваллуди кунини бу ҳақда эсламаслиги ҳам шундан. Фрейдга маслаҳатчи бўлиш насиб этмагани каби, олиймақом профессор бўлиш ҳам насиб этмади. У аввалбошда ким бўлса, ўшандайлигича қолди: ўртамақом профессорлар орасида олиймақом профессор.

Невропатологияда Фрейд механик ёндашувга қарши исён қилгани ҳамда руҳий бемор деб топилганларга терини электр ёрдамида ёки дорилар билан даволаш мутлақо нотўғри деб билдирган хулосаси туфайли, нафақат академик мансабидан, балки шифокорлик амалиётини давом эттиришдан ҳам маҳрум бўлди.

Бундан кейин у ўз йўлидан якка-ёлғиз кетишга мажбур эди. Ва бу йўлнинг бошида тушундики, мия лабораториясида ҳам, алоҳида аппаратлар ёрдамида асаб реакцияларини ўлчаш йўли билан ҳам психологик кайфиятлар қилиб бўлмади.

Фақат бутунлай бошқача йўл ҳамда усул ёрдамида руҳий айнашларнинг сирли оламига яқинлашиш мумкинлигини, бу усулни топиш ёки аниқроғи, уни кашф этиш сўнги эллик йилда унинг учун буюк орзу ва машаққатли меҳнат бўлиб келди. Унга баъзи тўғри йўллари Париж ва Нанси (университетлари) кўрсатди. Аммо санъатдаги каби фан соҳасида ҳам назарий хулоса чиқариш учун битта фикр кифоя қилмайди: тадқиқот ишида самарага эришиш ғояларнинг тажриба билан уйғунлигида амалга ошади. Яна бир, кичик туртки билан Фрейднинг ижодий қуввати оғир юкдан халос бўлади. Ва бу туртки жуда фойдали ҳаракатга олиб келади! Фрейд илгаритдан Брюкке лабораториясида учрашган ўзидан катта ёшдаги доктор Иозеф Брейер билан шахсий дўстона муносабатлари натижасида шу туртки рўй беради. Иш билан фавқулодда банд, илмий соҳада бирмунча ишлар қилган, бироқ аниқ бир ижодий йўналишга эга бўлмаган — уй доктори Брейер Фрейд Парижга кетмасдан олдин бир қиздаги жазава хусусида ва ўзи эришган муваффақиятли натижалар хусусида ҳикоя қилган эди. Бу ёш қизнинг юзидан одатдаги, фанда қайд этилган жазава ҳодисалари кўриниб турар, бу бошқа руҳий хасталикларга қараганда бошқачароқ хасталик бўлиб, бунда фалажлик, руҳиятнинг бузилиши, ақлнинг хиралашishi ҳолатлари мавжуд эди. Брейер, ёш қиз ўзи ёки бошқа нарсалар ҳақида гапириб берганда енгил тортаётганини пайқаб қолди. Синчков врач беморнинг гапларини сабр-тоқат билан тинглайди ва у ўз хаёлидаги нарса-

¹ Salpetriere — Вена шаҳридаги руҳий шифохона.

ларни тўқиб солганда вақтинча бўлса ҳам ижобий ўзгариш юз бераётганига амин бўлади. Аммо Брейер бу тарқоқ, бир-бири билан ички боғланмаган иқдорларда бемор ўзини жазавага солаётган муҳим, ҳал қилувчи воқеани сунъий равишда четлаб ўтаётганини ҳис қилади. У пайқайдики, бемор ўзи ҳақида бошқалар билишини хоҳламаган ниманидир яширади ва шу сабабли қийналади. Уни изтиробга солаётган нарсага йўл очиш учун Брейер қизни мунтазам гипноз қилади. У ақл назоратидан ташқарида воқеа рўй берган жойни аниқлашга тўсиқ бўлаётган барча нарсаларни йўқотади.

Ҳақиқатан ҳам Брейернинг уринишлари муваффақиятли тугайди: гипноз ҳолатидаги қизда уят ҳисси фалажланган вақтда, у очиқча тан олиб, шу пайтга қадар врач олдида ва ўзи олдида қайсарлик билан миқ этмаган ҳодисани бемор қиз отаси тўшагида маълум турдаги ҳиссиётни бошидан кечирганини ва сўнгра бу туйғуни маҳв этганини айтади. Бу одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан бир четга қисиб қўйилган ҳиссиётлар маълум касаллик аломатларини келтириб чиқаради. Чунки қиз гипноз ҳолатида ҳамма вақт ўз ҳиссиётларини тан олар экан, унинг маҳсули бўлган тутқаноқ аломатлари йўқолади. Ва Брейер мунтазам равишда кўзда тутилган йўналиш бўйича муолажани давом эттиради. У беморнинг онгига қанчалик ойдинлик олиб кирса, телбалик шунчалик заифлашади, жазавага тушиш ҳолати йўқола боради.

Бир неча ой ўтгач, қиз бутунлай тузалган ҳолда уйига жўнатиб юборилади.

Бу ғалати ҳодисани Брейер ёш ҳамкасбига алоҳида диққатга сазовор нарса сифатида гапириб беради. Бу ерда уни ҳаммадан аввал руҳий беморнинг соғлом ҳаётга қайтиши қониқтирди. Фрейд ўзига хос чуқур туғма ҳиссиёт билан Брейер кашфиётининг орқасида бирмунча умумий қонун, айнан психик энергия тарқалганда “гайририхтиёрийлик” (ва бу сўз ҳам у вақтда мавжуд эмасди) кўчишининг маълум ривожига бўйсунди, маҳв этилган ва чиқишга табиий йўл тополмаган ҳислар (эндиликда биз уни “англамаган” деб атаёмиз) алоҳида руҳий ва жисмоний изтироб келтиради. Брейер қайд этган ҳодиса Париж тажрибаларини бошқа тарафдан ёритади, ўзлари очган ҳодисага тарафдор кириб бориш мақсадида икки дўст ишга киришади. Уларнинг ҳамкорлигида 1893 йилда яратилган “Жазава ҳолатларининг психик механизми” ва 1895 йилда яратилган “Жазава хусусида очерклар” асарлари бу янги ғояларни баён қилувчи илк тажрибалар ҳисобланади. Биз уларда янги психологиянинг дастлабки учқунларини учратамиз. Бу ҳамкорликдаги тадқиқотлар биринчи бор жазава шу пайтга қадар тахмин қилинган жисмоний хасталик эмас, балки бемор томонидан англаб этилмаган маълум турдаги ички зиддият натижасида ақлий айнишга олиб келган руҳий дард экани очилади. Изтироб охири оқибатда хасталик аломатларини пайдо қилади. Яширин изтироб худди безгак ичдан шамоллаш туфайли пайдо бўлганидек, ҳиссиётларнинг ғужлашуви оқибатида руҳий бузилишларни келтириб чиқаради. Ва йиринг чиқа бошлаши билан хастанинг ҳарорати пасайгани каби, тўсилган ва маҳв этилган ҳиссиётларни ошқора қилиш имкони туғилса, берк йўлга кириб тегилиб қолган хасталик келтирувчи энергия чиқариб юборилса, жазаванинг тутқаноқли ҳолатлари тўхтади.

Бундай турдаги руҳий энгиллик олиб келадиган асбоб сифатида Брейер ва Фрейд даставвал гипнозни қўллашади. Аммо у даврларда, ҳали психоанализ мавжуд бўлмаган вақтда, гипнозни муолажа воситаси сифатида эмас, қўшимча унсур деб қаралган. Гипнозга ҳиссиётлар жазавасини тўхтатиш учун ёрдамчи, ташрих операция олдида юбориладиган “наркоз” деб қаралган.

Онгни назорат қилувчи нуқталар барҳам топгандан кейин, бемор барча сирларини ошкор қилади, унинг иқдори туфайли руҳиятдаги бузилишдан келиб чиққан яра кучсизланади. Қамаб қўйилган ҳиссиётнинг чиқишига имкон туғилади, юнон фожеасида мақталган озодлик ва роҳат-фароҳат бахш этувчи (катарсис — покла ниш) каби руҳий энгиллашув ҳолати бошланади. Шунинг учун Брейер ва Фрейд ўз методларини Арастунинг катарсис сўзидан келиб чиқиб, “катартик” усул деб атайдилар. Англишиш ва ўз-ўзини англаш туфайли хасталик келтириб чиқариладиган сохта ҳолатлар рамзий маъно касб этадиган аломатлар йўқолади. Шундай қилиб, маълум даража дардни очиш халоскорлик вазифасини ўташини ҳам англайди.

Бу ўта муҳим, ҳал қилувчи хулосаларга келгунга қадар Брейер ва Фрейд бир-

бири билан ёнма-ён ҳаракат қилишди. Келгусида уларнинг йўллари ажралиб кетди. Ўз касби-корига кўра шифокор бўлган Брейер теранроқ тушишнинг хавфли томонларидан хавотирланиб яна тиббиёт соҳасига мурожаат қилади, у моҳиятган жазавани даволаш, унинг аломатларини бартараф этиш билан шуғулланади.

Аммо эндигина ўзида руҳшунослик лаёқатини кашф қилган Фрейдни руҳий жараёнда рўй берадиган ўзгаришларнинг сир-саноати қизиқтиради. Дастлаб аниқланган далиллар ҳиссиётларнинг қисилишга мажбур бўлиши, хасталик аломатларини олиб келиши, уни янгидан-янги саволларга жавоб топишга ундайди. У мана шу ягона муаммода руҳий дардларнинг барча муаммолари жамланиб ётганини англаб етди. Чунки агар ҳиссиётлар қисилишига мажбур қилса, дарров англай олгани ўша ўзгаришлар айнан қаерда рўй беради? Унинг қаршисида фан ҳали киришга журъат этолмаган, мавҳум номаълум соҳа турарди.

Янги олам унга узоқ-узоқлардан, ноаниқ манзараларда — ғайриихтиёрий олам тарзида очилади. Ва бундан кейинги Фрейд ҳаётидаги барча саъй-ҳаракатлар руҳий ҳаётдаги ғайриихтиёрий улушни англашга қаратилади. Теранликка эниш бошланади.

ИХТИЁРДАН ТАШҚАРИДАГИ ОЛАМ

Ўзинг билган, энг баланд зинадан, сунъий равишда, кўриб турган нарсаларни пастроқ бир зинага мажбуран тушириш учун алоҳида ҳаракат талаб этилади: шунга ўхшаб, биз ҳам, орқада қолган, илмий оламда 1900 йилларгача мавжуд бўлган “ғайриихтиёрийлик” тушунчасини тасаввур қилишимиз қийинроқдир. Бизнинг руҳий фаолиятимиз ақлан англаб туриб иш қилиш билан тугамайди, ортида қандайдир бир бошқа куч, худди бизнинг мавжудлигимиз ва фикрлашимизнинг махфий соҳаси каби намоён бўлади.

Бу, Фрейдгача мавжуд бўлган психологиядан маълум. Аммо гап шундаки, ҳали фан бу тасаввурдан қандай фойдаланишни билмас эди, бу тушунчани амалиётга қайси йўл билан тадбиқ этиш унга ёт эди.

Ўша давр фалсафаси руҳий ҳодисаларни фақат онг билан боғлиқ деб ўйларди. Аммо қиёслашаётган қарама-қарши кучлар билан ғайриихтиёрийликни онг бевожита мурожаат қиладиган фаолият майдонига айлантириш Фрейдга мутлақо бемаъни туюларди. Майллар яққол сезиларли бўлса, ҳиссиётга айланади, ирода ўзи ҳақида аёнлик бергандагина ақлни истифода қилади, руҳий ҳодисалар онгли ҳаётнинг юзига қалқиб чиқмагунча психология соҳаси уларни менсимай, фан шуғулланадиган доирадан чиқариб ташлайди.

Фрейд ўзининг руҳий таҳлили (психоанализ)да “ғайриихтиёрийлик” атамасидан фойдаланади, лекин Фрейд унга мактаб фалсафасидан кўра бутунлай бошқача таъриф беради. Фрейд тасаввурига кўра, онглилик руҳий фаолиятнинг ягона манбаи бўла олмайди, шу аснода ғайриихтиёрийлик ҳам, унингча мутлақо алоҳида ҳодиса эмас, аксинча, унинг қатъий таъкидлашича, барча руҳий жараёнлар дастлаб ғайриихтиёрий ҳодисаларни ўзида мужассамлаштиради, улардан анланганлари эса, онгга кўчишда, худди бирор буюмга ташқаридан нур тушганидек, ёрқинлашади. Қоронғу хонада кўринмай турадимиз ёки электр чирокнинг ёруғлигида аён бўлиб қоладими, барибир, стол ўз моҳиятини ўзгартирмайди. Ёруғлик уни кўринарли қилади холос, лекин асл ҳолатини ўзгартириб қўёлмайди. Қоронғуликда пайпаслаш ва туйиш орқали унча-мунча тасаввурга эга бўлиш имконияти мавжуд бўлса-да, барибир, унинг аслида қандай эканини қоронғуликдан кўра ёруғликда илгаш осонроқдир. Мантиқан олганда, қоронғуликдаги кўринмай турган стол барибир кўриниб турган физик оламга мансубдир. Ғайриихтиёрийлик ҳам, худди онглилик каби руҳий ҳодисалар соҳасига киради. Шунга мувофиқ тарзда “ғайриихтиёрийлик” Фрейдчасига янги тушунча сифатида фан соҳасига кириб келди.

Фрейднинг фандан талаби — янгича қараш билан қуролланиш, бошқа услубдаги аниқлагичларга мурожаат қилиш руҳият олами пучмасқларига, онг қатламларининг тубига тушиш ва руҳий жараёнларни юзаки эмас, энг чуқур жойларига-

ча ёритиш ва ниҳоят, мактаб психологиясини ҳақиқий шифокорликда қўллаш мумкин бўлган инсон руҳияти ҳақидаги фанга айлантириш эди.

Бу янги соҳаларнинг кашф этилиши, руҳий кучларнинг жойлашуви ҳақидаги тасаввурларни бутунлай ўзгартириш ва улар таъсир майдонининг чексиз миқёсларда кенгайиши Фрейд даҳоси билан боғланади.

Шу бир қарашда арзимаган кўчиш — энг ҳал қилувчи фикрлар, келгусида оддий ва ўз-ўзидан тушунарли бўлиб қолди ва руҳий чегараларни ўзгартириб юборди. Маданий тараққиётда, келгуси психологиянинг бу ижодий лаҳзаси эҳтимол, буюк дунёвий кашфиёт лаҳзалари (З.Цвейг ўзи топиб айтганидай, инсониятнинг юлдузли онлари — тарж.) ҳисобланарди. Онг оламига янгича ёндошишнинг урфга кириши билан бутун даврнинг фикрлаш тарзи худди Кант ва Коперник даврларидагидек ўзгарди. Чунки ҳозирдаёқ, асримиз бошларидаги инсон руҳияти тўғрисидаги академик руҳдаги билимлар (қонунлашган, расмий) шу қадар қовушмаган, сохта ва чекланган эди. Уни жўғрофий оламнинг арзимаган қисмини олам деб атаган Птоломей харитасига қиёслаш мумкин. Худди ўша замоннинг соддадил харита тузувчиларига ўхшаб, Фрейдга қадар психологлар барча тадқиқ этилмаган қитъаларни оддий сўз билан “terra incognita” (номаълум ер) деб айтадилар, ғайриихтиёрийлик улар учун — “ақлга сиғмаган” тушунчадир. Улар ғира-шира ҳис этишча, ернинг қаеридадир махфий идиш жойлашган бўлиб, бизларнинг ишлатилмаган хотирамиз ўша ерга “оқиб” бориб тўпланади. Бу жойда, шубҳасиз, барча “кераксиз”, унутилган нарсалар ғужлашади, хотира у ерда вақти-вақти билан у ёки бу ахборотни онгга ўтказди.

Фрейдга қадар бўлган фаннинг тушунчасига кўра, бунақа ғайриихтиёрийлик олами бошдан-оёқ заиф, бутунлай фаолиятсиз, яшаб бўлинган, ўлган ҳаёт бўлиб, бошидан охиригача ҳеч қанақа кучга эга эмас, руҳиятимизга эса, ҳозирда ҳеч бир таъсир кўрсатмайди.

Бундай таърифга — онгни шунақа билишга Фрейд ўзининг таълимотини қарама-қарши қўяди: ғайриихтиёрийлик, бу руҳият ҳаётининг чиқитлари эмас, балки дастлабки руҳий убастанция (туб моҳият) ва фақат унинг бир бўлаги онгнинг юза қисмига қалқиб чиқади. Бироқ, энг асосийси, бунда ташқарига чиқмайдиган ғайриихтиёрий. (онгдан ташқари) деб аталувчи қисми ҳеч қачон ўлмаган ва ўсишдан тўхтамаган бўлади. Аслида у бизнинг тафаккуримизга жонли, фаол таъсир кўрсатади ва руҳий жавҳаримизнинг энг фаол қисми ҳисобланади. Шунинг учун, хулосаларимизнинг қай бирини олманг, ундаги ғайриихтиёрийлик ҳолатини инобатга олмаган одам, хато қилади, чунки ички зўриқишларимизнинг энг салмоқли омилига аслида эътибор қилмаймиз, дейлик. Айсберг — музтоғнинг кучи унинг сувдан чиқиб турган қисмига қараб белгиланмайди (асосий куч пастда яширинган), кимда-ким ҳушёр пайтларимиздаги руҳий қувват ҳис-туйғуларимизга ва қилмишларимизга негизлик қилади деб ўйласа, янглишади. Ҳаётимиз — яхлитлигича ақл-идроқка суяниб, эркин ривожланомайди, у ғайриихтиёрийлик босими таъсирида бўлади. Унутилган ўтмиш қаъридан ҳар лаҳзада янги-янги сезги тўлқинлари яшаётган ҳаётимизга хуруж қилиб туради. Ирода ва истакларимизни ҳар доим ҳам ҳушёр, сергак ақл-идроқ назоратида тутолмаймиз; бизнинг яшин тезлигидаги қарорларимиз, умримизни зирқиратиб юборувчи ногаҳоний лаҳзалар ғайриихтиёрийликнинг қора булутларидан, ёрлиғимиздаги туғма ҳиссиётлар қаъридан чиқади. Онг доирасида равшан кўринган, вақт ва макон ҳудудларида биқинган нарсалар, руҳият тубида бетартиб ва кул босган чўғга ўхшаб туради; Аллақачон биз ўлган деб ҳисоблаган истаклар кезиб юради, вақти-вақти билан улар ташналикка учраб, бизнинг ҳаётимизга бостириб киради; онг томонидан аллақачон унутилган кўрқув ва даҳшат, асабларимиз толалари орқали ўкирик, фарёд қилиб осмонга кўтарилади; нафақат ўз ўтмишимиздаги, балки ўтиб кетган ажодларимиздан, жоҳил ота-боболаримиздан мерос қолган кўрқув ва ҳирс ич-ичимизда илдиз отади. Руҳиятимизнинг чуқур қатламларидан бизнинг хуфиёна кирдикорларимиз сизиб чиқади — сирли олам муждалари — оний манзаралар жонланади, қувватимизни эса, бошқа олий куч юзага келтиради.

Ўша руҳият қаърида бизлар учун ботин ҳолда, маданиятли “мен”имиз билмайдиган ёки билишни истамайдиган табиий ва ёввойи “мен”имиз яшайди. У кутилмаганда ўз қаддини ростлайди ва маданиятнинг нозик пардасини ериб ўтади, шунда

унинг ибтидоий, қайси туғма туйғулари қонимизни тўфондек жунбушга келтиради, чунки ғайриихтиёрийликнинг азалий кучи ташқарига сапчиб туради, онгга ўтади ҳамда ҳаракатга йўл ахтаради; “Мен мавжуд эканман, ҳаракат қиламан”. Ҳар қандай лаҳзада, қанақа сўзни тилга олмайлик, қай йўлни танламайлик, ғайриихтиёрий истакларимизни жиловлаб туришимизга тўғри келади. Ахлоқий ва маданий кечинмаларимиз туғма туйғуларни энг ваҳшиёна ҳирсланишга қаршилик кўрсатади. Ноёб манзара — бутун ҳаётимиз давомида шиддат билан, тинимсиз равишда онгли ва онгсиз кучлар ҳамда назорат остида-ю саъйи-ҳаракаларимиз билан тийиқсиз туғма майлларимиз ўртасида муросасиз кураш кечаётган руҳият майдони Фрейд томонидан нашр этилди. Ғайриихтиёрийлик ўзининг барча кўри-нишларидан, ҳатто баъзи ҳолатларида ҳам тушунарсиз маълум бир маъно касб этади, қалб амримиздан келиб чиққан бу маънони ҳар ким мустақил ўрганиши мумкинлигини Фрейд янги руҳшуносликнинг жуда зарур ва асосий юмуши деб билади.

Одамийликнинг асл дунёсига ёруғлик киритибгина, унинг кечинмалари тўғри-сида хулоса чиқарамиз, руҳиятнинг теранлашган бутларидагина, унинг ларзалари ва бузилишларини моҳиятан тушунамиз. Фақат ботин бўлган ғайриихтиёрий ҳолатлардагина руҳий хасталарга шифокор чинакам ёрдам кўрсатиши мумкин.

Ахир қандай қилиб бу ним-қоронғу соҳалар ичига кирса бўлади? Замоनावий фан бунинг йўлини билмайди. У ғайриихтиёрийлик ҳолатларига илмий аниқликка асосланган ўлчов асбоблар ёрдамида кириш эҳтимолини бутунлай инкор этади. Эски психология ўз кузатишларини фақат ёруғликда олиб бориши мумкин. Сукунат ва нимқоронғуликда аёнлик берувчи барча ҳодисалар ёнидан у лоқайдлик билан, қарамасдан ўтиб кетади.

Фрейд бунақа дунёқарашни худди дарахтнинг чириган шохи каби синдириб, бир четга улоқтирди. Унинг фикрича, ғайриихтиёрийлик жимжитлик эмас. У гапиради, бироқ ақлли тилдан фарқли ўлароқ, белги ва рамзлар ёрдамида гапиради. Шунинг учун, кимки ўз “мен”и тубларига тушишни хоҳласа, аввало бу янги оламнинг тилини ўрганиши лозим. Мисршунослар Розет жадвалидан фойдалангани каби, Фрейд ҳам белги ортидан белги қўйишни бошлайди. У сўзларимиз ортида жарангловчи овозларни кўп ҳолларда онгга асосланган иродамиз амри билан эмас, балки тақдирга боғлиқ ҳодисаларга дучор бўлишимиздан огоҳлантирувчи ёки даъваткор онгимиз ортидаги ҳокимиятни фаҳмлаш мақсадида ғайриихтиёрийликнинг луғати ва атамалар қоидаларини ишлаб чиқди. Янги тилни ким фаҳмласа янги маънони ҳам фаҳмлаб олади. Шундай қилиб Фрейднинг руҳиятга янги, чуқур ёндошуви шу пайтгача номаълум ҳисобланган оламни очди ва у туйғуларни илмий-психология онг манзараларини назарий жиҳатдан идрок билан кузатадиган оддий тизимдан, ҳамиша асқотадиган руҳий ҳодисаларга хос фанга айланди.

ТУШ ТАЪБИРЛАРИ

Кўрган тушларимизнинг мазмунига қарасак, одам икки оламда ҳаёт кечириб экан, деган фикрга келамиз. Наҳотки бу ҳақда одамлар шу вақтгача ўйлаб кўришмаган? Ахир бу ҳодиса мутлақ янги бир илм-ку? Тушда кечган ҳаёт бизнинг табиатимизнинг икки тарафи бир-биридан мутлақо ажралиб қолганини билдиради. Оқибатда, мен бу ҳодиса тимсолида ботин кечинмаларимиз ошкора ҳиссиётларимизга нисбатан қудратлироқ деган хулосага келдим.

Бальзак. “Луи Ламбер”, 1833.

Англамаган кечинмалар — ҳар қандай инсоннинг энг яширин сиридир. Инсонга бу сирни очишга руҳий таҳлил (психоанализ) ёрдамга келади. Аммо, бу сирни қандай ошкор этиш мумкин? Уч хил йўл билан: 1). Бу сирни одамдан мажбуран тортиб олиш. Юз йиллар давомида амалда бўлган жисмоний қийноқ усуллари қан-

чадан-қанча яширин нарсаларни ошкор этгани барчамизга маълум. 2). Денгиздаги дельфиннинг сувдан бир лаҳзагина чиқиб қолган танасига қараб, у ҳақда таъсаввур ҳосил қиламиз. Тушда кўрган сирли нарсалардан бирортаси одамнинг гап-сўзларидан, кечинмаларидан тасодифан билиниб қолиши мумкин. Мана шу сирнинг тасодифий очилган қиррасини шу одамнинг феъл-атворидаги бошқа ҳолатлар билан таққослаб кўриб, яширинган нарсани аниқлаш мумкин. 3). Беморни узоқ вақт давомида жуда катта сабр-тоқат билан кузатиб, эҳтиётсизлик билан, беихтиёр айтиб юборган гапидан сирини билиб олишимиз мумкин.

Руҳий таҳлил мана шу усулларнинг ҳаммасидан фойдаланади. Дастлабки пайтларда Фрейд гипноз таъсирида беморнинг иродасини бўйсундириб, унинг сирини мажбуран билиб олишга уринди. Руҳшунослар инсоннинг эсли-хушли ҳолатида иқрор бўлган гаплардан кўра кўпроқ нарсаларни билишини авваллари ҳам тушунар эдилар. Аммо, улар англамаган кечинмаларига қандай ёндашиш мумкинлигини ўйлаб кўрмадилар. Фақат месмеризм (Франс Месмер таълимоти) биринчи бўлиб, одамнинг англамаган туйғуларини сунъий уйқу — гипноз вақтида уйғоқлик чоғидан кўпроқ билиб олиш мумкинлигини аниқлади.

Гипноз таъсири вақтида одам ўзининг бошқалар олдида турганини билмай, гўё ўзи оламда якка қолгандай, энг яширин истаклари ва сирларини айтиб юборади. Таржимон изоҳи: инсон тушида гоҳо шундай уятли нарсаларни ҳам кўрадики, бу нарса унинг яширин истаги эмас, балки қандайдир биров, золим амр қилган ёки шайтоний ишдан қўрқуви амалга ошган бўлиб кўринади, шундан сўнг одам ўша қўрқувни онгли вақтида унчалик сезмай қолади. (Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Тақлисий. Комил ат-таъбир. Форсчадан Маҳмуд Ҳасан таржимаси. Т., 1992.)

Шу туйғули ҳам дастлабки вақтларда гипноз таъсирининг келажаги порлоқ деб ўйлашди. Аммо, кўп ўтмай, Фрейд инсон руҳий оламидаги яширин кунжақларга тақаллуфсиз, зўравонлик билан кириш самара бермайди ва ахлоқий жиҳатдан ўзини оқламайди, деган фикрга келди. (Бу жуда муҳим ҳолат Зигмунд Фрейднинг инсонпарварликни билмайди деб, ўйловчи муҳолифлар олдида уни оқлайди — тарж.) Бу ҳолат гўё ҳакамларнинг, қозиларнинг ўрта асрларга хос қийноқ усулларидан воз кечиб, инсонийроқ усулларга ўтишига ўхшайди. Терговчилар, қораловчилар, руҳшунослар энди бу сўроқнинг нозик санъатига, ишга бевосита алоқаси бўлмаган, аммо асосий ишни ойдинлаштиришга ёрдами тегиши мумкин бўлган далилларга мурожаат эта бошладилар. Шундай қилиб, руҳий таҳлил (маҳбусни ёки беморни), эндиликда зўравонлик билан иқрор қилишдан мураккаб усулларни бирлаштириш (комбинациялар) ва тахминлар даврига қадам қўйди.

Овчидан қочаётган ҳар қандай ҳайвон озми-кўпми ўз табиатидан нишона берувчи изларни қолдиради. Овчи бу изларга қараб, археолог қадимий кўза синиқларидаги нақшларга қараб, кўмилган қадимий шаҳар ҳаётини, айрим воқеаларни тиклашга уринади. Шунга ўхшаб, руҳий таҳлил ҳам “бемор”нинг онгли кечинмалари орасида беихтиёр, тасодифий айтиб юборилган айрим туйғулар, кечинмалар ифодасига қараб, яширинган нарсани билиб олиши мумкин.

Фрейд шу йўналишдаги дастлабки қадамларидаёқ ажойиб изларни топди ва бу изларни “янглиш қадамлар” деб атади (Фрейд ҳар бир тушунча учун аниқ сўз топар эди).

Нозик руҳшунослик (глубинная психология) янглиш қадамлар деганда инсон руҳий оламида азал-азаллардан ғаройиб ҳодисаларни ҳам ифодалай оладиган нутқи (фикр, ўйлари)даги рус тилида “о” ҳарфи аралашадиган о-говоритса (беихтиёр айтиб юбориш), о-писаться (бир ҳарф, сўз ўрнига бошқа ҳарф ё сўзни ёзиб юбориш), о-ступиться (хато, янглиш қадам босиш) каби, (ўзбекчада “ўзи билмасдан айтворди” каби) ихтиёрсиз айтилган ўй-кечинмаларни алоҳида бир гуруҳга жамлаб ўрғанади. Бир қарашда бу нарса аҳамиятсиз кўринади. Нима бўпти: одам янглишиб, бир сўз ўрнига бошқасини айтворган ёки ёзворган; ҳар куни ҳар қандай одам ҳаётида бунақа ҳолатлар ўн марталаб учрайди.

Аммо ҳаёт китобида бу янглиш сўзлар қаердан келиб қолади? Модда (бу ерда С.Цвейг руҳни айтмоқчи — тарж.) қай тарзда бизнинг иродамизга қарши иш қилади? Эски руҳшунослик кундалик ҳаётдаги бундай ҳолатларни арзимас, деб эътибор бериб ўтирмас эди. Бундай ҳолат фикрсизликдан, ҳардамхаёлликдан (хотира

заифлашганидан), эътиборсизликдан келиб чиқади, деб ўйлар эдилар. Аммо, Фрейд бундай ҳолатларга алоҳида эътибор билан қарайди. Эски руҳшунослар фикрсизлик деган ҳолат, бу — бир фикр ўрнига иродамиздан ташқаридаги бошқа фикр келиб қолишидир. Иродамизга бўйсунмайдиган бу бошқа фикр қаёқдан келиб қолади? Нима учун биз бир сўзни айтмоқчи бўлиб туриб, бошқа сўзни айтворамиз? Мана шу каби янглиш қадамларда бир ҳаракат ўрнига бошқа ҳаракатни келтириб чиқарувчи куч нимадир?

Ким тўғри сўз ўрнига “нотўғри” сўзни тилимизга келтиради? Биз бир нарсани истаётганимизда ким маккорлик билан бошқа ҳаракатни қилдиради? Фрейд шундай фикрга келдики, инсон руҳий оламида маъносиз ва тасодифий ҳеч нарса йўқ экан. Фрейд учун ҳар қандай руҳий жараён — маъноли; ҳар қандай ҳаракатнинг, қилмишни руҳлантирувчи негизи бор. Мана шу каби янглиш ҳаракатларда инсон онги қатнашмайди, бу вақтда у ўз ўрнини бошқача “онг”га бўшатиб қўяди. Бу қандай онг, тўғрироғи, қандай “онгсизлик”? Бизнинг онгли иродамиз яшириб, юзага чиқаришни истамай турган нарса нима ўзи? Шундай қилиб, Фрейд учун янглиш ҳаракат — фикрсизлик эмас, балки онгли ҳолатда кўнгил қаърига кўмиб ташланган ўй-фикрнинг юзага чиқишидир. Ана шу номаълум, яширин нарса “онгсизлик” пайтида ўзини намоён қилади.

Бу ҳодиса бошқа бир муҳим ҳодисани тушунишга ёрдам беради. Биринчидан, ҳар бир “янглиш қадам”да, гўё “янглишиб” айтилган сўз ёки ҳаракатда, қандай бир яширин мақсад ифодаланади. Иккинчидан, одам онгли ҳолатда ана шу ният, мақсадга тўсқинлик қилади. Масалан, (мен, Стефан Цвейг, руҳшунос Фрейднинг ўзи айтган мисолларини келтираман), бир профессор конгрессда сўзга чиқиб, ҳамкасби ҳақида “Мазкур ихтирони биз етарли даражада юқори баҳолай олмаймиз” дейди. Аслида, у “етарли даражада юқори баҳолай олмаймиз” демоқчи эди. Ёки, саёҳатларга кўп бориб турувчи бир хоним ҳавонинг иссиқлигидан шикоят қилиб, “блужкам ва кўйлагим терлаганимдан ҳўл бўлиб кетди, тезроқ ётоққа бориб”, дейиш ўрнига “тезроқ яланғоч бўлиб” деган сўзларни айтворса, атрофдаги фаросатли одамлар дарҳол тушунадилар. Бу хонимнинг асосий мақсади “тезроқ яланғоч бўлиш” экан, буни яширмоқчи эди-ю, аммо, беихтиёр оғзидан шу сўз чиқиб кетди. Мана шундай “фалокат сўз” хоним сал эсанкираб қолганидан фойдаланиб, яшириниб турган жойидан одамни “янглиштириб” ташқарига чиқиб кетган. Мана шунақа янглишувлар вақтида одам ўзи айтишни истамаган, аммо кўнглида бўлган ўй-фикрни айтиб юборади. Бу ҳолатда одамлар ўзлари унутишни, йўқотишни истаган нарсаларни ошкор қилиб қўйишади. “Янглиш қадамлар” деярли доимо, эгасига қарши далил ва иқрорни англатади.

Зигмунд Фрейднинг инсон руҳияти оламидаги бу кашфиёти унинг асосий ижодий мақсадлари олдида унчалик муҳим эмас эди; тўғриси, бу унинг бошқа катта-роқ кашфиётига кўприк вазифасини ўтар эди. Аммо, худди шу кашфиётини барча олимлар яқдиллик билан тан олдилар. Фрейд кашф этган системанинг ҳали унчалик муҳим эмаслиги, руҳиятимизда фақат узук-юлуқ, беихтиёр айтилган, турли вақтларда, ўлда-жўлда сочилиб ётган иқрор синиқларидан ибратлилиги ва улардан бир бутун манзара ҳосил қилиш осон иш эмаслиги билан ифодаланди. Аммо, Фрейд, ўзига хос нозик кузатувчанлиги билан, қоронғуликда излаётган нарсасини пайпаслаб кўрганидек, инсон руҳий ҳаётининг юза тарафида яна худди шунақа “маъносиз” нарсалар бормикин ва уларни ҳам ўша маънода тушуниб бўлармикин, деб излана бошлади.

Кўп ўтмай, у инсон руҳий ҳаётида ана ўшанақа ғирт “маъносиз” деб англа-надиган, доимий учраб турадиган ҳодисани топди. Бу — инсоннинг машоҳидул-ахломи (туш кўриши) эди. Жонли нутқда ҳам биз бу нарсанинг аҳамиятсиз эканлигини гаъкидлаш учун “Тушингни сувга айт” деб қўямиз. Инсон мия тизимидаги мантикий йўллар олдида туш кўриш гўё осмондан тушган дайди сайёҳдек, хаёлий, фантастик, сароб, ҳубоб (кўпик) бўлиб кўринади. Одамлар назарида туш мақсадсиз, маъносиз совун кўпиги, қондаги сароб, мазмуни йўқ нарса (С.Цвейг “Оврўполик одамлар назарида”, демоқчи, чунки, Шарқда тушга катта эътибор билан қаралган — тарж.). Эски руҳшунослар, тушнинг мазмуни одам учун кераксиз нарса, хаёлотнинг бу инжиқ, сеҳр-жодули ўйинида ҳеч ким айбдор эмас, тушни мантиқан тўғри талқин этиб бўлмайди. Бундай ёлгон ва бўлмагур нарса-

Хўш ишми у чуқ...
Тушнинг — инсоннинг бир...
Этас. Мисол учун олмай. Касралар туш...
Этас. Мисол учун олмай. Касралар туш...
Этас. Мисол учун олмай. Касралар туш...

лар ҳақида жиддий гапириш мумкин эмас, бунинг фанга ҳеч қандай алоқаси йўқ, дер эдилар.

Аммо, тушларимизни ким безайди, ким бизни йўлга солади ва турли қиёфаларни намоиш этади? Ўтган замон олимлари ҳам туш ҳолатида юзага чиқадиган гап-сўзлар, хатти-ҳаракатлар (қилмишлар), истак-майлар бизнинг онг таъсиридаги иродамизга бўйсунмаслигини билар эдилар. Қадимги замон одамлари тушдаги воқеа-ҳодисаларни бизга самовий қудрат кўрсатади деб ишонар эдилар.

Тушда фармон қилувчи куч Ер ҳаётига мансуб эмас, бу куч шахсий иродамизга ҳам алоқасиз, дейишарди. Инсон қобигидан ташқаридаги иродани эса қадимгилар илоҳий қудрат, Олий руҳ билан боғлар эдилар. Чунки, бошқа ким ҳам одамларга тушидаги ботин синоатларни, келажакда юз берадиган воқеаларни, турли эврилишларни кўрсата олади?

Башоратли тушлар одамларни қалбида қувончли ёки ваҳимали, нажоткор армонли кечинмаларни уйғотади. Қадимги, ибтидоий халқлар ўзларининг одамга хос ақллари билан тушларнинг илоҳий тилини шундай талқин ва таъбир қилар эдилар. Тушларидаги илоҳий қудрат ишорасини англаб эдилар.

Инсоният онгида, ёшлик даврларида туғилган аввалги илмлардан бири — тушни таъбирлаш илми эди. Подшоҳ ва саркардаларга ҳар бир жанг олдидан, ҳар бир муҳим воқеа олдидан қоҳинлар, башоратчилар, авлиёлар уларнинг ўтган кечада кўрган тушларини таъбирлаб берар эдилар. Бу тушлардаги воқеалар орқали келгуси ғалаба ёки фалокат хавфидан огоҳ қилар эдилар. Қадимги туш таъбирлари ҳозирги руҳий таҳлилга зид ўлароқ, тушдаги ғаройиб, ақл бовар қилмайдиган воқеа-ҳодисаларни мангу тирик зотлар — илоҳ ва маъбудларнинг бандаларига башорати ва ишорати деб тушунтирар эдилар. Миср фиръавнлари қасрларида, Юнонистон акрополлари — муқаддас майдонларида, Румо ибодатхоналарида, Фаластин қуёши қиздирган чўлларда минг йиллар давомида тушлар таъбир қилиб келинади. Юзлаб ва минглаб авлодлар туш таъбирлари келажакдан башорат қилувчи ишончли далиллар деб билар эдилар.

Янги замоннинг эмпирик (фақат моддийликни тан олувчи) фани бундай қарашларни хурофот, ўта ибтидоийлик ва гўллик деб инкор этар эди. Янги замон (руҳшунослик) фани кўп худодиликни ҳам, Якка Худони ҳам тан олмагани (даҳрийлиги) туфайли тушлар илоҳий башорат эмас, балки асаб тоалари зўриқишидан пайдо бўладиган маъносиз нарсалар, кундузги таассуротларнинг бузилган шаклдаги акс садолари, тушдаги тартибсиз қарашган, узуқ-юлуқ воқеа-ҳодисаларда ҳеч қандай маъни ва мантиқ йўқ, деб уларни ўрганишни рад этарди.

Шу зайлда ўтган 2-3 минг йиллар мобайнида фақат Фрейдгина машоҳидул-аҳломни қайтадан ҳолис баҳолаб, инсон тақдири билан боғлиқ қадрият деб талқин эта бошлади. Бошқа олимлар хаосга тартибсизликка, маъносиз нарсаларга йўллаётган ҳодисани у теран психология (руҳий таҳлил), инсон руҳий қувватларининг қонуний ҳаракати деб баҳолади; аввалги олимларга боши берк кўча, қоронғу лабиринт бўлиб кўринган йўлга у руҳий таҳлил, яъни онг қобигидаги ва ундан ташқаридаги ҳаётни бир-бирига боғловчи шохкўча, асосий йўл, деб қарай бошлади.

Тушлар руҳимиздаги сирли, ғойиботлар олами билан онгимиз назоратидаги ошкора олам ўртасида воситачи эканлигини, туш орқали сергаклигимизда, бедорлигимизда истамаётган кўпгина сирларимизни билиб олишимиз мумкинлигини Фрейд сезиб қолди. Унинг фикрича, одамзот кўрадиган тушлардан биронтасини ҳам тугал бемаънилик деб бўлмади, ҳар қандай “бемаъни” кўрунувчи тушда ҳам яширин руҳий оламдан дарак берувчи қандайдир маъно бор. Ҳар бир тушда олий, илоҳий, ғайриинсоний ирода бўлмаса-да аммо ҳар ҳолда инсоннинг энг пинҳоний, энг теран истак, интилишлари акс этади. Тўғри, бу даракчи (туш) мажозий ҳодисани одатдаги тўпори, юзаки сўзлар билан эмас, балки жуда теран, онг назоратидан ташқаридаги тил билан англатади. Шунинг учун ҳам биз тушларнинг маъносини ва моҳиятини тез илғаб ололмаймиз. Биз аввало бу тилни тушунишни ўрганиб олишимиз керак. Тушларнинг ғира-шира қоронғулигида кинодаги каби тез липиллаб ўтувчи воқеа, ҳолатларни фан энди яхшилаб ўрганиши, англаши ва халққа тушунарли тилга “таржима” қилиб бериши керак. Чунки, инсониятнинг барча энг қадимги тиллари — мисрликлар, ҳолдейлар, перуликлар, мексикалик-

лар тилига ўхшаб, тушларнинг тили ҳам рамзлар (образлар) орқали гапиради; ҳар гал биз мана шу рамзларни, тимсолларни ақл бовар қиладиган тушунчаларга айлантириб беришимиз зарур. Фрейд мана шу оғир вазифани — тушлар тилини тафаккур тилига ўгиришни, таржима қилишни ўз зиммасига олди — унинг илмий услубига хос янгилик мана шунда эди.

Агар тушларнинг аввалги, қадимий таъбирлаш усули инсонларнинг келгуси тақдирини башорат қилиш билан шуғулланган бўлса, (Фрейд кашф этган) янги руҳшунослик тизими тушлар орқали аввало инсоннинг руҳий-табиий, биологик ўтмишини ва айни вақтда ўша ўтмиш билан боғлиқ ҳозирги ҳолатини тушунишга интилади. Модомики, туш кўриш ҳодисаларида вақт билинмайди (воқеалар қачон юз бераётгани сезилмайди, шунинг учун биз кўпинча, умр туш кўргандай ўтиб кетди, деймиз), бинобарин, тушларда бизнинг авваллари ким ва қандай одам бўлганимиз ҳам, ҳозирда ким эканлигимиз ҳам кўринаверади. Биз тушларимизда гоҳ чақалоқ, гоҳ ўсмир, гоҳ ўтмишдаги, гоҳ ҳозирги одам қиёфасида, хуллас, барча вақтларнинг одами суратида кўринаверамиз. Ўнгимизда эса биз фақат ҳозирги, шу пайтдаги “менлик” ҳолатимизда кўринамиз.

Ҳар қандай одамнинг ҳаёти икки қатламдир. Биз сергаклигимизда англамайдиган “онгсиз” ҳаётимизда гоҳ узоқ ўтмишимиздаги ибтидоий одам, гоҳ ҳозирги замонга хос маданиятли одам бўлиб, “мен”имизда, ўзлигимизда аллақайси замонлардаги табиий ва руҳий ҳолатимизга хос барча хислатлар аралашмаси соҳибимиз, аммо ҳушёрликда, шахсиятимизнинг онг нури ёритган қисми, ҳозирги ҳолати кўринади, холос. Эҳтимол, ҳозирги бу ҳолатда кўринган “мен”имиз ўткинчидир? Аммо бизнинг азалий, ҳақиқий, мураккаб шахсиятимизнинг муҳим ҳолатларини кечалари тушларимизда ҳаққонийроқ, равшанроқ англай оламиз. Бинобарин, тушларга эътибор бериш, тушларни тинглаш, тушлар билан танишиш инсон шахсиятининг заминини, моҳиятини англашга ёрдам беради. Ўз ҳаётини, истак, майллари, интилишларини фақат онгли ҳолатлардагина эмас, балки тушлари замирида ҳам англай олувчи одам ўз шахсиятининг ўтмишини, ҳозирини ва келажакини ҳам англаши мумкин.

Аммо, инсон руҳий оламининг бундай чуқур ва қоронғу тубларига қандай қармоқ ташлаш мумкин? Узук-юлуқ, милтиллаб ўтадиган, ғира-шира манзаралар оддий тилда гапирмай, фақат нималаргадир ишорат қилади. Бу аҳволда у қоронғуликларни қандай равшан қилиши мумкин? Машоҳидул-аҳломнинг тушунисиз, номаълум тилини, мажозий қилиб яширилган сирни очиш учун қўлланилган калитга ўхшаш қуролни қандай кашф этиш мумкин?

Ҳайтовур, Фрейднинг руҳшунослик устахонасида барча эшикларни оча оладиган серқирра калит бор эди: у, ҳар қандай мураккаб натижаларга эришишни хоҳлар экан, доимо ишни энг оддий, ибтидоий нарсалардан бошлар эди. Мана шу бошланғич нуқтани охириги нуқта билан туташтира оларди. У, ўсимлик гулини биллиш учун, илдизга қарар эди.

Шу маънода Фрейд ишни юксак маданиятли, онгли одамларнинг тушларини эмас, балки болаларнинг тушларини ўрганишдан бошлади. Чунки болаларнинг онги, тасаввурлари, тафаккур доираси тушдагидай жуда содда ва манзарали бўлиб, ўрганишга қулайдир. Болаларнинг тушларини таъбирлаш, уларнинг яширин ҳиссий сезгилари тубига, тафаккурнинг нафис пардасини “ёриб” ўтиб кириш мумкин. Мисол учун, болакай отаси ё онаси билан қандолат дўкони олдидан ўтади, отаси ё онаси унга ширинлик олиб бермайдилар. Бола тушида шоколадни кўради.

Бола мияси теварак-атрофдаги ҳодисаларни бўямай, ўзгартирмай, софлигича қабул қилади, истак-хоҳишлари тушида шундоқлигича кўринади. Бола онгида ҳали руҳий, ахлоқий, жинсий, ақлий жиҳатлардан ўзини чеклаш ёки шу нарсаларни кўнгилнинг қоронғу бурчақларида яшириш одати йўқ. Гўдак иштонсиз юрганида ҳам самимий ва мусаффо бўлиб, ҳеч кимдан уялмаганидек, тушларида ҳам истакларини самимий намоён этишдан уялмайди.

Фрейд мана шу табиий ҳолатлардан келиб чиқиб, келгусида тушларни таъбирлаш учун муайян маънода тайёргарлик кўрди. Ана шунда аён бўлдики, кўп ҳолларда тушда кўрилган манзара, тасвирларда одам кундузи, онгли ҳолатида амалга ошириш мумкин бўлмаган мақсад, ниятлари, армонлари, йўл тополмаган истак-

лари юзага чиқар экан. Кундузи тутқич бермай, онгнинг қоронғу қатламларига кириб “йўқолган” ички “мени” мизнинг барча яширин истак-хоҳишлари туш кўраётганда (назоратдан қутулиб), бемалол сайр қилиб юраверади.

Кейинроқ, Фрейд бу қоидага, қонуниятга яна бир равшанлик киритди. Кўпинча, ҳаётда рўёбга чиқмаган энг пинҳоний истаклар, энг хавфли, энг кўп таъқиқланган ният, мақсадлар, кунлар ва ойлари давомида онг назоратида “тош бостирилган” турли сексуал ва агрессив (ёвуз) истаклар туш кўрганда занжирдан бўшашиб кетади: йигит кундузлари етишолмаган аёлни тушида қучоқлайди ва у билан қовушади, тиланчи тушида бойиб кетади, таъвия, хунук одам чиройли бўлиб, чол яна ёш йигит бўлиб қолади, ғам-кулфат чекувчи одам тушида бахтини тонганини, ҳеч кимнинг эътиборига тушмаган одам — шон-шуҳратга эришганини, заиф, кучсиз одам — полвон бўлиб кетганини кўради. Тушида одам (кучли) душманини ўлдирши, зулм қилган бошлиғини эзиши, иймонли одам Ҳақ даргоҳига — жаннатга етишганлигини кўриши мумкин. Хуллас, ҳар қандай тушда инсон онгли пайтида таъқиқланган, ҳатто ўзидан ҳам яширинган истак, тилаклари кўринади. Бу тушларини таъбирлашнинг бошланғич формуласидир.

Фрейднинг туш кўриш ҳақида бошқа фикрлари қаторида мана шу биринчи фикри кенг жамоатчилик учун унчалик янгилик эмас эди. “Тушлар — рўёбга чиқмаган истаклар” деган фикрни кўпчилик меҳмонхоналарда сўз ўйини қилиб ишлатар эдилар. Асилзодалар кўпинча тушларни қизгин тилак, майллар, ҳатто шаҳвоний истаклар рамзи деб тушуна бошлайдилар. Аммо Фрейд тушларни бундай жўн талқин этмас, у тушлардаги таҳайюлотнинг ғойибот сирларига алоқадор, юксак бадийят билан йўғрилган ўзаро чирмашиб кетган, чигал манзаралар эканини ҳаммадан яхши тушунар эди. У (аввал кўрганимиздек) муаммоларга, уларнинг тадқиқига энгил-елпи қарашдан, шошилинич хулосалар чиқаришдан жуда узоқ эди. Фақат болаларнинг тушларинигина бошқаларга нисбатан осонроқ тушуниш мумкин дер эди. Катталарнинг тушлари эса чексиз таассуротлар, хотираларнинг чигал манзараларидан иборат эди. Агар болаларнинг тушлари таъбирига оид луғат тузилса, айрим ҳолларда икки юз, уч юз таассурот аралашмаси билан иш кўриلسа, катталарнинг тушларида миллионлаб, эҳтимол миллиардлаб таассурот ва кечинмаларнинг чигал тўқималарига дуч келамиз. Болаликнинг самимийлиги, онг етишмаслигидан келиб чиқувчи беғараз, беғубор уятсизлиги, ўз истак-хоҳишларини тушларида ҳам табиий, самимий изҳор қилиши катталар учун, ўтмишдан қолган босқичлардир. Катталар энди болаларга нисбатан айёр, нозик ўйловчи, носамимий, риёкор, ичидагини ҳатто тушларида ҳам ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилади. У ҳатто тушида ҳам қисман одоблидир. Катта одам тушида ҳам ёлғиз ўзига хос шахсий оламида ҳам Одам Атога хос жаннатий самимийлигини йўқотган; у ҳатто чуқур уйқусида ҳам яхшилик ва ёмонлик нима эканлигини тушуниб туради. Унинг ижтимоий ахлоқий онги уйқусида ҳам унчалик бўшашиб қолмайди, у тушида ҳам номуносиб, нолойиқ истак, хоҳишларини виждон деб аталувчи девор билан тўсиб туради.

Фрейд мана шу виждонни “олий Мени” (олий Ўзлиги) деб атайди. Инсон руҳининг онгга бўйсунмайдиган, “онгости” (подсознательное) қисми ўзининг ҳақиқий истак, майлларини ошқора юзага чиқармай, уларни минг хил қиёфага солиб, ниқоблаб кўрсатади. Шунинг учун Фрейд инсон тушидаги манзараларни тўғри маънода тушунишга қарши эди. Катта ёшдаги одам тушида туйғуларини юзага чиқаришни истади, аммо уни ошқора айтишга журъат қилмайди. У асл туйғуларини онг назоратидан яшириб, атайлаб, маъносиз кечинмалардай қилиб кўрсатади. Ҳар қандай ижод каби, тушда ҳам ҳақиқий бадий тўқима орқали ифодаланади.

Шунинг учун руҳшунос инсон тушидаги ана шу бадий тўқимани ҳақиқатдан ажратиб олса, унинг ҳақиқий маъносига тушуниб етади. Руҳий таҳлилнинг вазифаси сирли, жумбоқли ромоннинг воқеалари, манзараларидан бадий тўқимани ва ҳақиқий ғоявий мазмунни ажратиш орқали унинг моҳиятини баҳолашдан иборат. Руҳшунос учун туш кўрувчининг қандай гапираётгани эмас, нимани гапираётгани муҳимдир. Фақат шундай йўл билан “онгости” руҳшунослиги муаммонинг тагига етиши мумкин.

Фрейднинг тушларнинг руҳий асосларини кашф этиши антропология фани та-

раққиётига ҳам ҳисса бўлиб қўшилди. Бундан ташқари, олим янада илдамлаб, туш кўришининг руҳий зарурат сифатида инсоннинг биологик ҳолати тикланишига хизмат қилишини ҳам аниқлади. Тўғри, фан, кун бўйи ишлаб, ўйлаб ҳолдан тойган одам уйқу туфайли (табiiй ва ақлий) куч-қувватини тиклашини авваллари ҳам билар эди. Уйқу инсоннинг кун бўйи сарфлаб тугатган асаб қувватини янгиллашини, уйқуда мия фаолияти дам олишини олимлар азалдан билар эдилар. Шу фикрдан келиб чиқиб, покизалик жиҳатдан соф, деярли ўлимга ўхшаш, мия фаолияти сусайиб, кўз кўрмай, ақл ҳеч нарсани ўзлаштирмай, фикрлаш тўхтаб қолганда қаттиқ уйқу энг яхши уйқу бўлиши мумкин эди. Аммо табиат нечун бизни мана шундай дам олишнинг энг мукамал туридан маҳрум этдийкин? Нечун табиатнинг барча ҳодисаларини равшан тушуниш мумкину, тушларнинг сеҳр-синоатига йўғрилган сирларини тушуниб бўлмайди? Нечун, табиат, уйқуда руҳимиз нирвона (тўла ором)га яқинлашай деганда кўнглимизни жалб этувчи, (гоҳо виждон, иймонни йўлдан урувчи) узуқ-юлуқ лаззатларни бизга кўрсатиб қўяди?

Туш кўришдан маъно нима? Ахир тушлар оромимизни ўғирлайди, роҳат-фароғатимизни бузади, куч-қувватимиз тикланишига ҳалақат беради-ку? Юзаки қараганда, маъносиз кўринган тушлар донолик билан қурилган табиат тартиботларида хатолик борлигини кўрсатувчи (табиат мукамаллигига шубҳа уйғотувчи) ҳодиса эмасми? Мана шундай табиий саволларга биология фани шу вақтга қадар жавоб бера олмади.

Бу саволларга биринчи бўлиб Фрейд жавоб берди. У, туш кўришда кўнгил мувозанатини сақлаш учун жуда зарур ҳодиса эканлигини аниқлади. Туйғуларимиз, руҳий қувватимиз ҳарорати тўлиб-тошиб кетганида, “ёрилиб” кетмаслигимиз учун уларни тушларимизда сақлаб турар эканмиз. Бизнинг нотавон, заиф вужудимиз оташин, кучли эҳтирослар, роҳатланиб яшашга, кўнгилхушликка чексиз интилишлар агар тушларимизда йўл топиб чиқиб кетмаганида эҳтимол, адойи тамом бўлармидик? Жамият ҳаётида ҳукм сурган риёкорларча одоб, ахлоқ, тартиб, интизом ҳар қадамда инсонни чекловчи қонун-қоидалар туфайли инсон адоқсиз, миллиардларча ҳис-туйғулари, майл-истакларини пинҳон тутиб, босиб, янчиб яшашга мажбур бўлади.

Ҳаётда, уйғоқликда қонмаган мана шундай чексиз, беором, толмас ташналик, чанқоқлик бадавлат мулкдорни ҳам, камбағал мардикорни ҳам, ибодатхона хизматчисини ҳам қийнайди, қаттиқ изтиробларга солади. Ҳар бир инсонни гуноҳ деб баҳоланувчи: яширин обрўпарастлик, шуҳратпарастлик, бахиллик, ҳасад, шахватпарастлик каби истак, майллар қийнаб, азоб беради. Баъзи одамлар кун бўйи, мисол учун неча-неча лобар, гўзал аёлларни кўради, бир дақиқа, сония бўлса ҳам уларга эғалик қилиш туйғуси кўнглидан кечади. Мана шу каби истаклар кунлар, ҳафталар, ойлар давомида инсон “онги остида”, кўнглининг қоронғу тубларида илон заҳридай йиғилиб қолаверади. Агар шулар туш кўрганда тарқалмаса, гўё заҳар танг қилганидай, одам касалликка учраши мумкин.

Мабодо тушлари инсон эҳтиросларининг чексиз қувватини оз-оздан бўшатиб, “озодликка чиқариб” турмаса, у атмосфера босимидай қудратли қувват остида парчаланиб кетиши ёхуд ёмон ишларга, жиноятларга қўл уриши мумкин эди. Мана шу чексиз туйғулар, эҳтиросларни зарарсиз тушларда сарфлаб тугатиш одамни кундузлари қийнайдиган заҳардан фориғ қилади.

“Тушларимизда, фақат ўзимизга маълум бўлган тасаввурларимиздаги оламда, баъзи масъулиятсиз, гуноҳ, жинсий хатти-ҳаракатларни чиндан, руҳан эмас, балки, “ёлғондан”, зоҳиран “амалга ошириб”, ўша ёмонликлардан бўшаламиз”. (Агар бу ишлар уйғоқликда, чиндан амалга ошганида жазога мустаҳиқ эди).

Тушдаги ҳаёт ўнгдаги ҳаётнинг сояси, суратидир, у бизни уятли ишлардан қутқазади. Шу маънода Афлотуннинг “Бошқалар уйғоқликда қиладиган ишларни яхши одамлар тушида адо этиш билан қаноат ҳосил қиладилар”, деган сўзлари ғоят ҳикматлидир. Тушлар ҳаётга, уйқуга тўсқинлик қилмайди, тушлар уйқумизнинг соқчисидир. Тушдаги халоскор таҳайюлот туфайли инсон қисилиб, эзилиб кетган кўнглини бўшатиб олади. Хитойларнинг бир мақолида “кўнгилдаги дардларимни тушимда бир акс уриб бўшатдим”, дейилади. Шундай қилиб, инсон эрта билан уйғонганда эзилган кўнгил билан эмас, балки дардлардан фориғ бўлиб, мусаффолашган, тетик ҳолда уйғонади.

Одамлар туш кўришнинг маъноси ва моҳиятини узоқ йиллар, асрлар давомида тиришқоқлик билан излаб келдилар, кўплар тушларини маъноси йўқ деб, инкор этдилар. Фрейд эса тунги меҳмон — туш кўришнинг инсон руҳини покловчи мана шу хосияти — унинг маъноси ва моҳияти эканлигини кашф этди. Фрейд баъзи санъаткорларга аён бўлган яна бир ҳодисани — фақат тушларгина эмас, балки, уйғоқликдаги ҳаёлот ҳам, қадимги мифлар, ривоятлар, афсоналар, бадиий ижод ҳам шундай, инсон руҳини покловчи хусусиятга эга эканлигини аниқлади. (Санъатнинг катарсис — поклаш хусусиятини қадимги юнонлар, хусусан, Арасту билар эдилар — тарж.). Чиндан ҳам, бадиий ижод инсонни қийнаётган, кўнглини вайрон қилаётган туйғулари, кечинмаларини унинг руҳи учун зарарсиз бошқа соҳага кўчириш мақсадини кўзламайдими?! Ҳар бир чинакам бадиий асар санъаткорнинг дилини қийнаётган оғир кечинмалардан бўшалиши эмасми?! Гёте “Менинг ўрнимга Вертер ўзини ўлдирди” дер экан, у ўз қиёфодоши Вертернинг ўлими орқали ўз ҳаётини сақлаб қолганини гоят нафис нафосат билан изҳор қилган. Айрим инсонлар руҳларини қийнаётган туйғулар, эҳтирослар, оғир кечинмалардан тушларида кутилганидек, бутун бошли халқлар ҳам ўзларини қийнаётган саволларга жавоб топиш учун афсоналар ва диний ақидаларни тўқиб чиқаришмаганмикан? Бу халқлар қурбонлик меҳроблари, тошсупаларида одамлар ўрнига ҳайвонларни сўйиб қурбонлик қилиш истакларини шу йўл билан қондирган бўлиши мумкин. Инсоннинг қилган гуноҳлари учун тавба-тазарру қилиш ҳам ўз кўнглига таскин бериш учун эмасми? Фрейднинг бу фикрлари бизнингча, фақат фаразлардир, чунки инсон бўлмаган замонларда борлиқ олам ўз-ўзидан, ёки эрмак учун пайдо бўлиб қолмаган, адибнинг бу фикрни ҳақиқий диний эътиқодлар ўрнига қуёшга, ойга, юлдузлар, оловга ва молларга сажда қилувчи халқларнинг номукамал ёки янглиш диний эътиқодларига нисбатан тўғри бўлиши мумкин.

Инсоният руҳи, кўнгли бадиий фантастикада — таҳайюлотда ўз ифодасини топади. Динлар, мифлар, ривоятлар ва санъат асарларида инсоният ижодий қудрати мужассамлашган. Ҳеч қандай психология фани асар агар шахснинг фақат онгли ва масъулиятли хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиш билан чекланса, инсон руҳий оламининг тубларига етиб боролмайди. Буни бизнинг давримизда Фрейд ишботлаб берди. Фан ҳақиқий инсонни билиш учун унинг табиий (стихияли) жўшқин ижодий ҳаёлот оқимининг тубларида кўриши зарур. Фақат ана шу теранликлардагина инсон умрининг моҳияти, унинг энг ҳақиқий ҳаёти кўринади.

Давоми бор.



Стефан ЦВЕЙГ

Зигмунд Фрейд

РУҲИЙ ТАҲЛИЛ САНЪАТИ

Шу вақтгача одамнинг ички дунёси билан жуда кам шуғулландилар ва руҳий оламга нисбатан ниҳоятда қўпол муомалада бўлдилар. Шу вақтгача руҳиятни ўрганиш учун физикадан, табиат қонунларини ўрганиш учун эса руҳиятдан жуда кам фойдаландилар.

НОВАЛИС

Ер устки қатламининг ҳали у, ҳали бу ерида тўсатдан қимматбаҳо нефть фаввораси отилиб чиқади. Ернинг баъзи қатламларида қумлар орасида олтин зарралари сочилиб ётади; баъзи жойларда кўмир қатламларига дуч келамиз. Табиийки, инсонлар қачон ўз-ўзидан нефть отилиб чиқаркин, қачон олтин ё кўмир кони очилиб қоларкин, деб узоқ вақт кутиб ўтирмайди. Улар Ернинг гоҳ у, гоҳ бу жойини ковлаб кўрадилар, фойдали конлар чиқармикан, деб неча минг жойини беҳуда ҳам ковлаб ташлайдилар. Худди шунга ўхшаб, теран руҳшунослик ҳам қачон руҳий бемор адашиб, янглишиб, ё билмасдан, пинҳон ниятини, сирини айтиб юборар экан, деб кутиб ўтирмасдан, ана шу сирли руҳият конини топиш учун ўз техника воситаларини, ўзига хос усулларини ишлаб чиқиши зарур. Фрейд руҳшуносликда мана шу усулни кашф этди ва уни руҳий таҳлил (психонализ) деб атади.

Бу усул авваллари тиббиётда ёки руҳшуносликда қўлланилган усуллардан бирортасига ҳам ўхшамайди. Бошқа руҳий тизимлардаги ҳеч бир усулга алоқаси йўқлиги ва руҳ оламига чуқур кириб боргани учун Фрейд уни чуқур ёки теран руҳшунослик, деб атади. Бу усулдан фойдаланиш учун шифокорнинг одатдаги тиббиёт бўйича олий маълумотли бўлиши ҳам шарт эмас, чунки бу усулни қўллаш учун одатдаги тиббий билимлар асқотмайди. У ҳолда, руҳий шифокорга умуман тиббиётдан савод, маълумот керакми, деган савол туғилади.

Чиндан ҳам, Фрейд узоқ иккиланишлардан сўнг, руҳий шифокор учун тиббиёт соҳасига оид диплом бўлиши шарт эмас, деган хулосага келди. Фрейд ўйлашича, анатомияни яхши билиш — физиологларнинг иши, руҳ шифокорлари учун бемор ўтирадиган, махсус жиҳозли курси ҳам керак эмас. Насронийлар дини меҳр-шафқат билан шифо берганидек, руҳий таҳлил ҳам ҳеч қандай дори-дармонга ва техника жиҳозларига муҳтож эмас. Фрейднинг руҳий таҳлили беморга (ёки текширилаётган одамга) ҳеч нарса бермаган ҳолда, (унинг тушлари ҳақидаги ҳикояларидан ёки “тасодифий”, янглиш сўзларидан) ичидаги сирни “суғуриб” олади (худди ярадаги йирингни суғуриб олгандай — тарж.) руҳшунос қийнаётган дарди нима эканлигини билиб олгач, беморни ўша дардни пинҳон тутуш эҳтиёжидан халос этади, аҳволини энгиллаштиради. Шу зайлда руҳий таҳлил беморнинг ички олами билан иш кўради. Шифокор бу ҳолатда беморнинг оғир кечинмаларини унинг ичидан томчима-томчи чиқариб олади. Аммо, қийин жойи шундаки, асаб дардига йўлиққан бемор ўз аҳволининг асл сабабини ҳам тушунолмай қолади, ўжарлик билан, дардини ҳам шифокордан, ҳам ўзидан яширади. Шифокор унинг яширган сирини унда-бунда ошкор этувчи аломатларни йиғиб, тўплаб, сабр-тоқат билан

¹ Охири. Боши ўтган сонда

бемор руҳиятининг қоронғу тубларига кириб боради. Шифокор бунда бемор билан ҳамжиҳат ҳаракат қилади.

Руҳий таҳлилининг бу усули дастлабки пайтларда тиббиёт соҳасига эмас, жиноят қидирув соҳасига ўхшаб кетади. Фрейднинг фикрича, ҳар бир асаб касалига йўлиққан одам ўтган умрининг қайсидир лаҳзасида, даврида “руҳий ўғирлик” содир қилгану, бу воқеани кўнглининг чуқур тубларига яширган. Аммо руҳий таҳлил биринчи қадамларданок, суд терговига бегона бўлган қийинчиликка учрайди: бу ерда бемор ҳам жабрланган, ҳам жиноят содир қилган одам бўлиб чиқади. У, беихтиёр, ўзи билмай, билдириб қўйган аломатлари билан — ҳам қораловчи, ҳам гувоҳ, ҳам жиноятни қаттиқ яширувчи ҳам айбни очиш йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолади. У, кўнглининг қайсидир жойида айб, гуноҳ, жиноят содир этилганини элас-элас, ғира-шўира билади, айна ана шу айбли иш нима эканлигини англай олмайди. У хиёл-хиёл билган нарсасини билишини эътироф этмайди ёки ўша машғум воқеани билишини ўзи ҳам “билмайди”. Яна шуниси ғаройибки, бу яширин дард шифокор ишга тушган вақтдан бошланган. Бу ҳолда руҳий таҳлилининг вазифаси — беморнинг ана шу узоқ давом этаётган дардига чек қўйишдир.

Бироқ руҳий таҳлилчи бирор-бир шошилинич восита ёрдамида ўз руҳининг дардли оламида адашиб қолган бемор одамни дарҳол азобдан фориг этишга уринмайди. Аксинча, руҳий таҳлил биринчи дамларда касални ўз ҳолига қўяди, унинг кечинмаларини айланиб ўтиш ёрдамида орқага, тескари йўналишда, тўғри йўлдан адашиб, хавфли янглишув рўй берган ўша фалокатли нуқтага олиб келади. Нуқсонни йўқотиш ва ипни янгидан ўтказиш учун тикувчи ҳар гал машина милини ип узилган айнан ўша жойга ўрнатиши керак. Шифокор ҳам худди шу тарзда ҳаёт матосининг узлуксизлигини тўла тиклаш учун хавфли ифрот оқибатида дарз кетиш ёки синиш рўй берган ўша жойга яна ва яна қайтиши керак.

Шопенгауэр фаннинг бир-бирига яқин соҳасида “агарда биз руҳиятнинг ҳал қилувчи изтироби юз берган ўша жойгача киролганимизда, унда руҳий касалларнинг бутунлай соғайиб кетишига умид боғлаш мумкин бўларди”, деб тахмин қилганди. Масалан, гулнинг сўлиши сабабини тушуниб етиш учун уни илдизларигача, ихтиёридан холи тубларига қадар текшириб чиқиш керак. Бу эса узоқ, айланма ва чигал, жавобгарлик ва хавф-хатар туғдирувчи йўллардир.

Худди жарроҳ операция вақтида нозик асаб тоаларига яқинлашган сари тобора эҳтиёткорроқ ва ҳушёрроқ бўла боргани каби, руҳий таҳлил ҳам бу энг нозик хиқлат орқали кечинмаларнинг бир қатламидан бошқасига ўтиш йўллари азобли даражада секин, пайпаслаб излайди. Руҳий таҳлил жараёни ҳар бир беморни кунлар ва ҳафталар эмас, балки ойлар, баъзан эса йиллар мобайнида кузатади. Бу эса шифокордан шу вақтга қадар тиббиётга қарийб нотаниш бўлган давомли руҳий бедорликни, ниҳоятда ўзини тутта билишни талаб этади. Эҳтимол, бу билан фақат иезуитларнинг иродани чиниқтирувчи машқлари тенглаша олиши мумкин-дир. Бу руҳий таҳлил сеансларида ҳамма нарса ҳеч қандай ёзишларсиз, ёрдамчи воситаларсиз, фақатгина узоқ вақтга мўлжалланган зўр диққат-эътибор йўли билан содир бўлади. Касал уятчанлик ва ёки онгнинг тўхтаб қолишларининг олдини олиш учун шифокорни кўролмайдиган ҳолатда тўшакка ётқизилади, у шифокорни кўрмаган ҳолда сўзлайди. Аммо, кўпчиликнинг хато тасаввурларидан фарқли равишда бемор ўз айбини сўзламайди. Агар қулф тирқишига мўралаб қаралса, руҳий таҳлил манзараси ўта кулгили кўриниши мумкин. Негаки, бир неча ойлар давомида ташқаридан қараганда фақат иккита одамдан бири гапираётгандек, бошқаси эса қулоқ солаётгандек кўринади. Руҳий таҳлил қилувчи беморнинг кўнглида кечаётган жараёнга ҳимоячи, айбловчи ёки қози сифатида аралашмайди, мутлақ ҳолис ҳолда, хаёлингизга беихтиёр келадиган ҳамма гапларни гапираверинг деган мазмунда фикран таъсир қилади. (Негаки бу кечинмалар қаердан-дир, юқоридан келмайди, балки чуқурликдан, онг қаъридан келиб чиқади).

Руҳий бемор ўз дарди нима эканлигини билмайди, руҳий касаллигини аслида бундан бошқа нима ҳам билдириши мумкин. Агар у буни билганда эди, руҳан соғлом бўларди, ўзи учун ҳеч қандай касаллик аломатларини ўйлаб топмаган ва шифокорга мурожаат этмаган бўларди. Шунинг учун руҳий таҳлил барча аввалдан тайёрлаб қўйилган маълумотларни, ёзилган ёзувларнинг ҳаммасини рад қилади ва фақат беморни иложи борича кўпроқ ўзининг руҳий кечин-

маларини эшлашга, эркин баён этишга кўндиради. Асаби касал одам гапириб олиши, ўзи ҳақида сўзлаб бериши, пала-партиш, узук-юлуқ фикрини ифодалаши, бўлар-бўлмас, кўринишидан аҳамиятсиз, миясига келган ҳар қандай нарсаларни сўзлаши керак. Негаки, айнан унинг кутилмаган, олдиндан ўйланмаган, тасодифий фикрлари шифокор учун ҳаммасидан кўра муҳимдир.

Фақат шундай тафсилотлар орқали шифокор асл моҳиятга яқинлаша олади. Шу сабабли беморнинг сўзлари ҳақиқат ёки ёлгон, муҳим ёки номуҳим, ясама ёки самимий эканлигини шифокор ажрата олиши керак. Аммо асосийси, бемор мумкин қадар кўпроқ кечинмаларини топиши ва айтиши керак, яъни ҳолатининг жавҳарини ва руҳий хусусиятнинг таърифини билиши керак.

Шундан сўнг таҳлил қилувчининг иши бошланади. Бирин-кетин олиб келинган ва тўда қилиб тўпланган ҳаётий маълумотлар уюмидан, минг-минглаб хотиралар, мулоҳазалар ва сўзлаб берилган тушлардан шифокор руҳшуносликнинг қатъий ғалвири ёрдамида беҳуда чиқиндиларни ажратиб олиши ва чарчатадиган қайтадан “эритиш” жараёнида руҳий хулосаларининг “соф металини” — дастлабки хомашёдан руҳий таҳлил жавҳарини ишлаб чиқариши керак. У беморнинг маълумотларидан фақат касалликнинг ортида нима яширинганини тўғри топиши зарур. Негаки, касалликини билиш учун бемор бошидан кечирган нарсалар муҳим эмас (бу юк аллақачон унинг қалбидан фориф бўлган); аммо ҳали йўқолмаган нарсалар, яъни, худди ошқозондаги ҳазм бўлмаган ва ташқарига чиқишга йўл очиб, кўтарилиб-туртилиб чиқаётган, афсуски, қандайдир қаршилиқ туфайли, силжишдан ҳар гал тўхтатилаётган сафар каби, ундаги амалга оширилмаган истакларнинг нима эканлиги муҳимдир. Бу қаршилиқни ва унинг тутилишларини, диққати бир меъёрда бўлган шифокор, секин-аста гумон, тахминлари ишончга айланиши учун, бемор руҳиятининг турли кўринишлари орасидан излаб топиши керак. Асаби чатоқ бемор шифокор ҳузурига келишдан олдин, ортиқча ҳиссиётдан ажралишга қурби етмай, уни узоқ вақт ўзи билан бирга олиб юради. Бемор ўнлаб касалликнинг ташқи аломатлари ёрдамида кечинмаларини у ёқдан бу ёққа коптоқдай “юмалатади”, у ўзининг онгсиз касаллигини энг ажабтовур ўйинда, ёлғиз ўзи ижро этади. Аммо руҳий таҳлил қилувчининг қиёфасида диққат билан қарайдиган, этиборли тингловчининг ва ўйиндаги иштирокчини кўриши биланоқ у дарҳол ўзининг юкини худди тўп каби унга “ирғитади”. Шу вақтгача аниқ англамаган ўзининг қаттиқ ҳаяжонини шифокорга ўтказишга уринади. Беморлик севги-данми ёки нафрат туйғусидан келиб чиқадими, ҳар ҳолда қандайдир изтиробли, қалтис, нозик воқеани эслаганида бемор шифокорга айтади. Шу вақтга қадар бўшлиқ тасалли тополмай, сарсон-саргардон яшириниб юрган дард намоён бўлади. Фақат шундан кейингина тегишлича руҳий таҳлил ҳолати яратилади. Бундай енгиллашувга қодир бўлмаган ҳар қандай беморни руҳий таҳлил учун унинг дардли эҳтироси ривожланишини кузатиши керак. Бемор ва шифокор уни биргалашиб бошдан кечириши зарур.

Бу руҳий таҳлилнинг бирлиги шундан иборатки, бемор ўз касаллигини топади ёки тўғрироғи, қайта тиклайди, шифокор эса унинг мазмунини талқин қилади. Аммо музминнинг талқин этилишида у беморнинг ёрдамига асло умид боғлаши керак эмас. Бемор руҳиятида ҳар доим тартибсизлик, ҳислар иккиланиши юз беради. Касаллигининг фақат ташқи аломатларини билган ва соғайишига умид қилган бемор руҳий таҳлил қилувчининг олдига бораётганида дардини яширишга уринади, негаки касали унинг учун ёт нарса эмас, балки ўзи яратган бир нарса, маҳсулот, уни беришга ҳечам хоҳиши бўлмаган “мен”нинг фаол ва ўзига хос нарсасидир. Бемор ўз дардига маҳкам ёпишиб олади, чунки ўзи қўрқадиган ва шифокор (хусусан, унинг ихтиёрига қарши равишда) тушунтириб бермоқчи бўлаётган ҳақиқатдан кўра, касалнинг оғир ташқи аломатларига жон деб кўникади. Бемор руҳининг фақат бир қисми шифокорга ёрдам беради, бошқаси унинг ғазабланган рақиби бўлади ва бемор шифокорга бир қўли билан гуёки ихтиёрий иқрорини “узатган” вақтида, бошқа қўли ишни чигаллаштиради ва унинг ҳақиқий ҳолатига парда тортади. Шундай қилиб, асаб касали бор ақлли бемор ўз шифокорига ҳеч нарса билан ёрдам беролмайди. У шифокорга “ҳақиқат”ни шунинг учун ҳам айтолмайдики, ҳақиқатни билмаслиги ёки уни билишни хоҳламаслиги унинг осой-

машаққатли жараённи бошдан кечирмайдилар. Улар беморларга “Менда ҳеч қандай дард йўқ, мен соппа-соғман. Кун сайин ўзимни яхшироқ ҳис этаяпман”, деган сўзларни сабр-тоқат билан такрорлатаверади ва охири бемор шунга ишониб, шифо топиб кетади. Аммо бу нозик ерга болга билан уравериш каби анчайин қўпол жараён. Руҳий таҳлилчи эса, ҳар бир беморнинг дардига шифо топишда янги-янги усулларни қўллайди.

Истеъдодли руҳий таҳлилчи, инсон руҳий оламининг тугма ва моҳир заргари, бегона одамлар тақдирига бефарқ қарамайдиган, уларнинг нозик туйғулари, кечинмаларига ҳурмат-эътибор, тоғ каби сабр-тоқат билан қарайдиган, сеҳрли жозиба кучи ёрдамида беморда соғайишга ишонч уйғотиб, айтганини қилдирадиган, худо назар солган одам бўлиши зарур. Инсон руҳининг чинакам билимдонлари жуда кам учрайдиган бизнинг замонимизда руҳий таҳлилчиларни кўпайтириш амри маҳолдир.

Аммо, назаримда, масалага Фрейднинг ўзи енгилроқ қарайди: унинг руҳий таҳлили юксак маданият ва одобни талаб қилса-да, бу ишни ўрганиш осондир, деган фикри мени ажаблантиради. Камина, устоз руҳшуноснинг бу жумласига катта савол белгиси қўйдим. Чунки, Фрейд олий руҳий қувватларни талаб қилувчи бу жараённи “иш” деб аташи менга ёқмайди ва бу жуда хавфлидир. Негаки, шеър тузилишини яхши билган одам шоир бўлиб қолмаганидек, руҳий техника — маҳоратни ўрганиб олган одам ҳам чинакам руҳшунос бўлиб қолмайди.

Зеро, чинакам руҳшуносгина инсонлар руҳий олами сирларини қалб кўзи билан англай олади, фақат шундай руҳшуноснинг қўлига энг нозик, нафис “матоҳ” — инсон кўнглини, руҳини ишониб топшириш мумкин. Фрейд каби баркамол ва фозил, масъулиятни олий даражада ҳис этувчи инсон кашф этган бу усулни ҳар қандай инквизитор-золимлар қўлига топшириб қўйиш — инсоният учун ниҳоятда хавфлидир. Фрейд бу усулни озгина, сара одамларга топширмай, уни мактабда ўргатиладиган дастурга киритганлиги руҳий таҳлилнинг обрўсини тушириб юборди. Ўқиб-ўрганиш мумкин бўлмаган бу шифо усули кўпчиликка тарқалиб, қўлдан-қўлга ўтиб, жуда қўполлашди ва нопок ишларга ҳам қўлланила бошланди. Даҳоларга мўлжалланган Фрейднинг бу кашфиёти Эски ва Янги оламда (Овруро ва Амриқода) ҳаваскор, чаласавод олимлар қўлига тушиб қолди. Бу усулнинг кўпчилик клиникаларда аниқлик (ва ҳалоллик) билан қўлланилишида Фрейд ният қилган яхши мақсадларга эришиладимиз-йўқми, буни келажак кўрсатади.

Аммо, шуниси равшанки, Фрейднинг руҳий таҳлил санъати (бу ерда руҳшуносликнинг янги соҳаси) руҳий шифокорлик фанида охири чўққи эмас. Аммо бу кашфиёт узоқ замонлар етти қават қулф билан беркитиб ташланган руҳий олам сирларининг биринчи рукни, якка инсоннинг алоҳида шахсияти оламига кириш асосида шифо берувчи китобнинг илк саҳифаси сифатида барча замонларда эътироф этилувсидир. Фрейд даҳоси ҳозирги тиббиёт фанида катта бўшлиқ борлигини аниқлади: шу вақтгача инсон вужудининг тиш, тери, соч каби қисмларидаги касалликларни даволашга эътибор берилардию, аммо, инсонни руҳий изтироблардан ҳалос қилишни ҳеч бир фан ўйламасди. Педагоглар одамга болаликдан етуклик ёши (18 ёш)гача мадад бериб, кейин ўз ҳолига ташлаб қўяр эдилар. Мактаб ёшидаёқ ўзини бошқаролмайдиган, дарсини тайёрламайдиган, ўзининг катта-кичик можароларига ўралашиб, руҳан заифлашган асаб-касалига чалинганлар, психостениклар (руҳий беморлар), ўз ички дунёсига қамалиб, одамови бўлиб қолганлар бутун бир авлод умри давомида ҳимоясиз, сарсон-саргардон бўлиб қолдилар. Руҳий дардга чалинганлар ҳеч кимдан ёрдам сўролмас эдилар. Ана шундай мискин ва ғарибларга Фрейд қай манзилга ва кимнинг қошига бориш кераклигини кўрсатиб берди. Қадим замонларда мана шу манзилда беморларни руҳшунос, руҳоний, шифокор, донишманд устозлар кутиб олишарди. Кейинроқ Фрейд ҳозирги замон фанида ҳам шундай манзил борлигини кўрсатиб, уни топиб берди. Ҳали фан бу манзилнинг чегаралари, ҳудудларини аниқлаб олганича йўқ, аммо бу муаммо бутун кўлами, маҳобати билан майдонга чиқарилди. Инсон ақл-заковати номаълум теранликлар қаердалигини сезгач, у маъвони забт этиш учун кучли, толмас қанотларини ёза бошлайди.

ЖИНСИЙ МУАММОЛАР

Файритабий нарсалар ҳам — табиатдандир. Барча файритабий ҳодисаларни кўрмайдиган одамлар табиийликни ҳам яхши билмайдилар.

ГЁТЕ.

Бир кун келиб, шаҳвоният — сексология фани асосчиси бўлишини Зигмунд Фрейд хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо Фрейднинг ғаройиб ҳаёт йўли, табиий равишда уни шу соҳага олиб келди. У доимо бир йўлни излаётганида бошқа бир йўл чиқиб қолардики, ўз ихтиёри билан бу йўлга киришга аввалроқ журъат қилолмаган бўлур эди. Ўттиз ёшида асабшунос Фрейдга биров яқин орада сиз туш таъбирларини ва жинсий муомала масалаларини фан даражасида юксакликка кўтарасиз, деса у кулиб қўя қоларди. Чунки ўша вақтларда унинг илмий изланишларида ҳам, шахсий майлларида ҳам фандан узоқ кўринган бу нарсаларга қизиқиш йўқ эди. Илмий изланишлари уни табиий равишда жинсий муаммоларга олиб келди.

Зигмунд Фрейд билан устози Брейер руҳият қатламларига назар солганларида кутилмаганда шу қонуниятни аниқладиларки, асаб-дардлари ва умуман асаб билан боғлиқ хасталикларда кўп одамнинг баъзи табиий майл, истаклари ўз йўлида қаршиликка учраганида йўқолиб кетмай, онг остига, чуқурликларига кириб яширинар экан, маданиятли одам бутун оммадан, ҳатто ўзидан яширишга уринган ва эсласа уни қийноққа соладиган майл-истаклар асосан нималар экан? Маълум фурсат ўтгач, Фрейд бу саволга жавоб топади. Руҳий таҳлил асосида у шифо бермоқчи бўлган, асаб касалига учраган биринчи беморни текшириб кўрганида аниқладикки, у эротик-шаҳвоний истаги, майлини яширишга уринар экан. Иккинчи ва учинчи беморлар текширилганида ҳам шундай бўлиб чиқди. Шундан сўнг Фрейд ҳамма ёки кўпгина асаб касалликлари замирида сексуал-шаҳвоний истак ётади, у юзага чиқишга йўл тополмагач, амалга ошмагач, кўнгил тубларида яшириниб, дардга, иллатга айланади деган хулосага келди. Фрейд нега аввалги шифокорлар шу нарсага эътибор беришмади экан? — деб ажабланди. Наҳотки улар шу нарсани англашмаган бўлса? Тиббиёт дарсликларида ҳам бу ҳақда ҳеч гап айтилмаган. Шунда Фрейд устозларининг сўзларидаги айрим ишораларни эслади. Устозларидан бири Хребак унга тутқаноқ дардига чалинган бемор жувонни даволашга топшираётганида ҳазил арашди: “Бир сирни айтмай, бу аёл турмуш қурганига 18 йил бўлса ҳам, қизлигича қолибди, куёви “ҳалигидақа экан”, деб қўйган эди. У яна қўполроқ ҳазил қилиб: “Бу аёлга шу соҳада ёрдамлашиб юборилса, савоб иш бўлур эди”, деди. Фрейднинг Париждаги устози Шарко ҳам бир руҳий касал ҳақида: “Ҳа, бу ерда қандайдир шаҳвоний сир бор!” — деган эди. Фрейд ҳайратланди: “Демак, устозлари бу нарсани билишган, эҳтимол, аввал ўтган буюк шифокорлар ҳам буни билганлар? Унда нечун бу ҳақда ҳеч гап айтишмаган?”

Кўп ўтмай, ёш шифокор бу ҳодисани нима учун сир тутишлари сабабини ўз бошидан кечган воқеалардан билиб олди. Фрейд илмий ахборот сифатида, хотиржамлик билан: “Асаб касалликлари шахснинг шаҳвоний истаклари ташқи ёки ички оламда қаттиқ қаршиликка учраб, юзага чиқа олмаганида вужудга келади” деган илк формуласини ёзганида ҳам қилувчи расмий фан вакиллари бундай шаҳвоний этиология (иллатнинг келиб чиқиш сабаблари)ни эътироф этмай, шовқин кўтаришди. Ҳатто, шу сирни очишга ёрдамлашган устози Брейер ҳам дарров руҳий таҳлилдан узоқлашди ва бундай ўзига хос Пандора сандиғи¹ни очишда

¹ Юнон асотирларида кўра, одамларга Прометейнинг ёрдам берганидан жаҳли чиққан Зевс Эпиматей деган қаҳрамон уйланмоқчи бўлган келинчак Пандорага жавоҳирлар қутиси деб бир сандиқ совға қилган. Бу сандиқда бало, офатлар яширинган экан. Прометей “Очма!” деб огоҳлантирса ҳам. Пандора сандиқни очганида, бало, офат, касалликлар ер юзига тарқалиб кетган — тарж.

Фрейдга ёрдам бергани учун афсусланди ҳам. 1900 йилда бундай таърифни жамият руҳан ва жисман кўтара олмасди. Фрейд шунга ишонч ҳосил қилдики, жамият “маданияти” (цивилизация) юксак маданий қадриятлар (санъат асарлари)ни бунёд этишга илҳом берувчи эротик майл, истакларни руҳий касаллик манбаи, деб эълон қилишдан кўра, ҳар қандай зарар кўришга (касалликни яширишга) рози бўлар экан. “Жамият жинсий майл, истакларнинг юзага чиқишини, асл мақсади-га етишини маданият учун катта хавф-хатар деб билади”, — деб ёзади Фрейд. Жамият бу ҳақда ошқора гапирилишини ёқтирмайди. Жамият жинсий истак, майлнинг куч-қудратини тан олгиси келмайди, ҳар бир шахсга бу дардлар тушунтирилишини истамайди. Жамият, аксинча, педагогика (тарбия) мақсадидан келиб чиқиб, шаҳвоният ҳақида индамасликни, ёшларни бу масаладан чалғитишни истайди. Шунинг учун ҳам руҳий таҳлилнинг илмий натижаларини жамият ёқтирмайди, уларни эстетик, тарбиявий жиҳатдан зарарли, инсоният учун хавfli деб билади. Шундай қилиб, Фрейд кашфиётининг биринчи қадамларидаёқ замонавий дунёқарашнинг қаршилигига учради. Фрейднинг шаънига шу мақтовни айтиш керакки, туғма ҳалоллиги туфайли, у жамиятнинг олишувга оид даъватини қабул қилди, соддадиллиги учун ўз курашини қийинлаштирди. Ахир, у янги илмий хулосаларини очиқ-ошкор айтмай, эҳтиёткорлик билан, гапни айлантириб, сал пардалаб, шоирона нафис сўзларни қўллаб, жинсий истак, майл (Libido — либидо) сўзи ўрнига эрос, ёки севги сўзларини қўлласа, бунчалар қаттиқ қаршиликка учрамас эди. Ҳар қандай ёлғон ва хас-пўшлашларни ёқтирмайдиган Фрейд эрос, севги ўрнига тўппа-тўғри нишонга урадиган қилиб, libido-кўнгилхушлик, шаҳват, жинсий майл сўзларини ишлатади. У ғоят ҳалоллиги туфайли, олмон мақолида айтилганидек, “мушукни мушук деб атайди”, шаҳват майллари ҳақида гап кетганда, география олими шаҳарлар ва тоғларнинг, ботаника олими гиёҳлар ва ўсимликларнинг номларини айтганидек, хотиржамлик билан “уят” сўзларни илмий маънода ишлатаверди. Ахлоқсиз, одобсиз деб бақирувчиларнинг сўзларини эшитмаслик учун қулоқларига пахта тиқиб олади ва тарихда биринчи марта инсоний истак, майлларни психо-геологик жиҳатдан изчил, ҳар томонлама тадқиқ қилади.

Онгли, бу дунё одами бўлган Фрейд инсоннинг кўнгли тубидаги ибтидоий севги (инстинктлари)ни тоғ остида ёнаётган оловли, оташин лава қатламига ўхшатади. Одам абадиятни, охиратни, руҳий ҳаётни олий неъмат деб билмайди, унга ташна эмас, у мана шу дунёдаги лаззат, роҳатларни кўр-кўрона ташналик билан истайди. Чексиз ҳузур-ҳаловатга интилиш ҳар қандай руҳий ҳаётнинг ибтидоси ва асосидир. Вужуд лаззатли таомга интилганидай, руҳ лаззатли ҳиссиёт, кечинмаларга интилади. Libido азалий лаззат, роҳатларни кўр-кўрона ташналик билан истайди. (Бу ерда Фрейд одам руҳидаги онгсиз, ибтидоий қатламни, Муҳаммад Ғаззолий айтган ҳайвоний руҳни назарда тутди — тарж.) Libido — азалий лаззат, роҳат-фароғатларга интилиш, руҳий ташналик одами ўртайдди, куйдиради. Фрейд кашф этган сексуал фанда Libido дастлаб аниқ мазмун, маънога эга эмас, у истак, хоҳиш, жинсий майл шаклида юзага чиққач, тарқалиб кетади. Фрейднинг ижодий қондасига кўра, руҳий қувватни турли макон ё ҳодисаларга кўчириш мумкин. Меҳр гоҳ бир жазмандан иккинчи жазманга кўчиб ўтади. Вужуд ва руҳ ташналиги фақатгина эркак ва аёлнинг бир-бирига интилишидагина эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам қондирилиши мумкин. Libido — ўқи таранг тортилган камонга ўхшайди, аммо ўқини қай тарафга отиш муайян руҳий ҳолат ва сабабларга боғлиқ. Тоғдан шарқираб оқиб тушаётган асов жилға ҳам қайси ҳовуз ё дарёга бориб қўшилиши номаълум бўлгани каби, Libido ҳам қаердадир ўзига маскан топганида тинчиди. У эркак ва аёлнинг нормал, табиий жинсий алоқаси билан ҳам, ёхуд санъатда бирор юксак асар бунёд этиш билан ҳам, илоҳиётда бирор муножот ё каромат билан якунланиши ҳам мумкин. Libido ўзига табиий ва яхши йўл тополмаганида эгри йўлга кириб кетиши, қутилмаганида сексуал соҳадан ўзга соҳаларга кўчиб ўтиши, вужуд ташналиги сон-саноксиз кўчишлардан сўнг хунук ишларга (масалан, қонга) ташналикка айланиши мумкин. Шуниси қизиқки, ўзи шаклсиз бўлган бу нарса ибтидоий ҳайвон ҳирсдан, то инсон руҳининг энг нафис кўринишларигача — турли қиёфаларда юзага чиқа-

ди. Аммо, энг тубан шаклларида ҳам, энг оддий кўринишларида ҳам эгасига, албатта чексиз ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Фрейднинг бундай қайта кўриб чиқишидан сўнг жинсий масалага қарашлар мутлақо ўзгариб кетди. Вужудга хос ва руҳий қувватнинг турли кўринишларида бўлишидан беҳабар эски психология фанининг назарида, сексуал соҳа одамнинг фақат жинсий аъзоларига алоқадор ва шу сабабли нозик ва ноҳалол соҳа деб унга эътибор берилмасди. Фрейд сексуаллик тушунчасини фақат жинсий фаолиятдан ёки тубан руҳий-физиологик жараёндангина иборат эмаслигини исботлаб, бу ҳақдаги тасаввурларни чексиз кенгайтирди. Бир вақтлар Нитсше: Инсоннинг сексуаллик даражаси ва табиати унинг бутун моҳиятида, унинг руҳий чўққилларида ҳам акс этади деган эди. Нитшенинг бу ғоясини Фрейд биологик ҳақиқат даражасига етказиб исботлади. У сон-саноқсиз мисоллар билан инсонни таранглаштирувчи бу шиддатли қувват сирли теранликларда яшириниб, ўн-йигирма йиллар давомида турли истак-хоҳишлар, майлларга айланиб, такрор ва такрор ўзини намоён қилишини кашф этди.

Шундай қилиб, руҳий таҳлил устаси биладики, руҳий олами меъёридагидан бошқачароқ бўлган, эзгин, тушкун, асабий, тажанг, ғалатиноқ фикрга ёпишиб олган одамни кўрса, ишонч билан айтиш мумкинки, бу одамнинг сексуал, шахвоний табиати бошқачароқдир ёки меъёридан ошган, иллатли, дарддидир. Теран руҳшунослик таҳлил давомида бундай беморни аста-секин бир замонлар хатога йўл қўйган ҳолатига қайтариб, касаллик сабабини билиб, аниқ диагноз — ташҳис қўйиши мумкин.

Зигмунд Фрейднинг мана шу янгича ташҳис усули кутилмаган кашфиётларга олиб келади. У дастлабки руҳий таҳлил натижаларидаёқ неврозга — асабийликка учраган руҳий беморнинг дарди анча йиллар аввалги, ҳатто ёшлик, ўсмирлик, болалик йилларига бориб тақалишини аниқлади. Болалик чоғларидаёқ инсон руҳига қаттиқ таъсир қилган ҳолатлар ҳеч қачон ўчиб кетмаслиги маълум бўлди. “Ҳеч ким ёшликдаги илк таассуротларини хотирадан ўчириб юборолмайди” (Гёте). Фрейд ҳар бир беморни текширганда дастлаб яқинроқ йиллардан бошлаб, сўнг олис ёшлик, болалик йилларга ўтади. У вақтларда Фрейд инсон балоғатга етмаган, ўспиринлик ва болалик чоғларида жинсий-сексуал вужудларга дуч келмайди, деб ўйлар эди. Ўша чоғларда унинг фикрича, инсон муаммуларида уйқуда эканлигида ташқарига чиқишга интиладиган лаззатли, соғинчли ҳаёт шарбатлари ҳақида бола ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, деб ўйларди. Шу тариқа, илк тадқиқотларида Фрейд беморнинг балоғат ёшида тўхтаб қолган эди. Кейинроқ, Фрейд бу фикрларини ўзгартирди.

Баъзи беморларнинг ғаройиб иқдорлари асосида Фрейд кўп ўтмай, руҳий таҳлил воситасида одам жуда ёшлик, болалик чоғларидан, алмисоқдан қолган сексуал кечинмаларни ҳис этишини аниқлади. Беморларнинг аниқ-тиниқ таассуротларига қараб, Фрейд инсон болалик чоғларидаёқ жинсий майлга ёки шу ҳақда муайян тасаввурларга эга бўлишини билиб олди. У энагалар ва мактаб муаллимлари болаларнинг илк жинсий майллари ҳақида гапириб беришлари мумкинлигини эслади.

Фрейд ўзи кашф этган онгли ва англалмаган руҳий ҳаёт ҳақидаги кашфиётдан келиб чиқиб, яна бошқа англикни кашф этди. Жинсий онг балоғат ёшида бирданига, тўсатдан пайдо бўлиб қолмайди. Аммо эндигина балоғат ёшига қадам қўйган одамда жинсий сезги (инстинкт) уйғонади. Халқ тилидаги уйғонади сўзи мазкур ҳодисани барча психолог-руҳшунослардан кўра минг бор аниқроқ тушунтира олади. Демак, бола вужудида жинсий сезги мудраб ётган, яширин ҳолатда мавжуд экан. Гўдакнинг оёқчаларида юриш қобилияти, маъноли-маъносиз қийқириқларда гапириш қобилияти салоҳият сифатида мавжуд бўлганидек, бола ўзининг жинсий қобилияти борлигини ҳис этади, аммо бу нима эканини ҳали тушуниб етмайди.

Шундан сўнг Фрейд бу кашфиётдан ўзи ҳам қўрқиб кетган бўлса керак. Мен шундай деб тахмин қиламан. Негаки бу кашфиёт шу вақтгача гўдаклик даврининг беғуборлиги, самимилиги, покизалиги ҳақидаги азалий тасаввурларни чиппакка чиқарар эди-да! Наҳотки, гулдай нозик, барчага жилмайиб, маъсум боқадиган, фа-

риштадай пок гўдақларда, чақалоқларда ҳам жинсий алоқа истаги, ҳирси бўлса?! Ахир бола вужудида бундай ҳирс бўлиши учун унинг вужуди янги авлодни давом эттирувчи, яъни болаларни туғдирадиган қувватга эга бўлиши керак-ку? Буни тасаввур қилишнинг ўзи бемаънилик эмасми? “Мабодо гўдақ болада жинсий истак, майл бўлса, бу айниган боладир”. 1900 йилда мазкур формулани илмий жиҳатдан тўғри деб эълон қилиш учун тентак ёхуд жонидан тўйган одам бўлиш керак эди. Аммо Фрейд бу фикрни эълон қилди.

Руҳшунос олимнинг толмас ақли ишончли заминни топгач, унинг остида нелар борлигини билиш учун номаълум чуқурликларга кира бошлади. Фрейд ўзи ҳам гоят ажабланган ҳолда аниқладикки, одам вужудининг энг кўп, универсал *libido* ҳар томонлама роҳатланишга ҳирс қўйган чоғи — энг онгсиз пайти, чақалоқлик давридир. Худди шу даврда, унинг онгига ахлоқ-одобнинг заррача ёруғлиги кириб улгурмаган, боланинг ибтидоий истак майлларига ҳеч нарса тўсқинлик қилмаган (соддароқ айтганда, у ҳали уялишни билмаган) бўлади. Мана шу жажжи мавжудот-чақалоқда жинсий майл, роҳатланишга интилишнинг энг авж даврини кўрамыз: у тиним билмай, ўз бармоқларини ҳам, онасининг кўкрагини ҳам тинимсиз эмаверади, теварак-атрофида қўлига нима илинса мазали деб ўйлаб оғзига солаверади, ҳатто ўзининг ахлагини ҳам титкилаб, ўйнамоқчи бўлади. Бу жажжи чақалоқ онгида меники ва сеники (ёки уники) деган тушунчалар йўқ, у борлиқни меники деб ўйлаб оғзига тикаверади. (Бу вақтни Фрейд сўриш даври деб атайдиган.)

Мана шу чақалоқлик даврида бола уятни билмайди, ўз чўчоғини ҳам ўйнаб роҳатланишга ҳалақит берадиган барча тўсиқларга ашаддий норозилик билдиради (биғиллаб йиғлайди). Ҳали ўз “мени”ни ҳам англамаган мана шу вужуд бутун оламни лаззат, роҳат манбаи деб билади.

Аммо, бу авто-эротик давр узоқ давом этмайди. Гўдак тез орада ҳамма нарса ўзиники эмаслигини, барча истакларини қондириш яхши эмаслигини турли тақиқлардан ва ножўя ҳаракати учун еган калтақларидан сеза бошлайди. Унга пастки аъзоларни яланғочлашга, ифлос нарсаларни ушлаш ва титкилаб ўйнашга руҳсат бермайдилар. Маданий муҳит бу “ёввойи”га илк маданият сабоқларини беради, одоб-ахлоқ меъёрларини оз-оздан ўргата бошлайди, унда ижтимоий-эстетик виждон куртакларини парвариш қилади, нима яхши ва нима ёмонлигини бола ана шу виждон деган торозу билан тортиб, аниқлай бошлайди. Мана шу ахлоқий онг, уят туйғулари пайдо бўлиши билан “жажжи Одам Ато”, кўнгли тусаган нарсасини қиладиган “масъулиятсизлик жаннати”дан қувиб чиқарилади.

Аммо бу тақиқлар билан ўсаётган болада азалий роҳатланиш истаклари йўқолиб кетмайди, бу уятли истак, майллар номаълум чуқур қатламларга кириб кетади. Кейинчалик, ёши улғайганда ҳам (ўзи истамаган ҳолда) ўша олис болаликдаги лаззатли, тақиқланган ҳиссиётларни эслаб қолади. Баъзиларда болаликдаги жинсий истак, майл ўз баданига қаратилган (нарциссизм деб аталадиган бу руҳий касалликда одам ўз баданига қараб, уни силаб-сийпаб роҳатланади). Қадимги юнон асотирларда қиз боланинг ишқини рад этиб, фақат сувдаги ўз аксини севиб, ўзига оро берувчи йигитни Тангри Нарцисс (Наргис) гулига айлантириб қўяди. (Касаллик номи шундан келиб чиққан — *тарж.*) Бундай хавфли иллатга учраган одам унчалик қизиқмасдан, фақат ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Ёш бола ўсиб, улғая борган сари мана шу ибтидоий, фазовий (чексиз) истак, майлларининг авто-эротик, пан-эротик (ўзига ва оламга фақат шаҳват билан қараш — *тарж.*) даври билан жинсий балоғат ёшига етган чоғлари оралиғидаги давр умр шомига, айиқларнинг қиш уйқусига ўхшайди. Мана шу оралиқ, мавҳумот даврида жинсий қувват, шаҳват шарбатлари йиғилиб, кучайиб, бирор онгли мақсадни танлаб, юзага чиқишга тайёрланади.

Бола йигитлик фаслига, шаҳват билан безалган балоғат ёшига етганида, “ухлаб ётган айиқ” — либидо уйғонади ва яна ўзини қаергадир қўйишга йўл ахтарди ва бу қувват табиатнинг қудратли амр-фармони билан, табиий равишда авлодини давом эттириш, фарзандлар кўриш йўлини танлайди. Жинсий балоғат ёшидаги йигитлар ва қизлар баданларида юз берадиган ўзгаришлардан уларни табиат қан-

дайди (яхши) мақсад учун тайёрлаётганини сеза бошлайдилар. Бу мақсад табиий равишда алоқага тааллуқлидир.

Тақдирнинг пинҳоний ва азалий ҳукми — башарият авлодларининг ҳаёти узилмасдан давом этиши учун, ҳар бир инсон бу азалий вазифасини табиий бажариши — жинсий алоқа орқали ўз уруғ-авлодларини давом эттириши зарур. Энди бу иш болаликдаги ўйин эмас, балки инсоннинг келгуси тақдирини ҳал этувчи (оила) фаолиятга бўйсундирилади. Агар ҳар бир шахс, ҳар бир эркак ва аёл ўзаро қовушиш орқали ана шу табиат ҳукмини адо этишга интилса, инсон (жисмоний ва руҳий) лаззатни қачонлардир ўрганиб қолган ғайрича, ғалати истак-хоҳишини қондириш йўли билан эмас, балки уйланиш, қовушиш йўлини танласа, демак у табиий, инсоний бурчини бажариш йўлидан боради.

Барча инсон авлодлари мана шу “икки босқичли” (болаликдаги онгсиз жинсий истак, майллар ва йнгитлик, қизликдаги анланган жинсий истак, майллар — *тарж.*) жинсий балоғат йўли миллион-миллион, лак-лак одамларнинг табиий тараққиёт йўлидир. Ҳар бир ақл ҳушли инсон жинсий балоғатни шу тарзда авлодларининг табиий давом этишига хизмат қилиш деб тушунадилар. Аммо, камдан-кам учрайдиган баъзи ҳолларда инсонда мана шу тўғри ва табиий йўлдан оғиб, нотўғри йўлга кирган лаҳзалар бўладики, бу нарса одамни руҳий касалликларга мубтало қилади (асабшунос шифокор невропатолог ва психиатрни худди шу нотабиий ҳоллар қизиқтиради). Баъзи одамлар ҳузур-ҳаловатни, лаззатни барча қатори табиий йўл билан эмас, балки, аллақандай, кўнгли тусаган, болалик чоғларидан ўрганиб қолган хато (гоҳо жиноят ҳисобланадиган) йўллар билан олишни истайдилар. Бундай одамлар қачонлардир бир-икки марта ана шу ғайритабиий ҳолда лаззат олишга кўникиб қолиб, доимо шу ҳолатни қайтаришни кўнгиллари кўмсайверади. Баъзилар болалик чоғларидаги ана шунақа ғалати одатидан умр бўйи қутилолмай, барча соғлом одамлар қатори лаззатланишни истамай, бошқача, (ғайритабиий ва ғайриахлоқий йўл билан) лаззат олишни истайверадилар. Жан Жак Руссо (буюк француз маърифатчиси) ўзининг камчиликларини ҳам аямасдан, ошкора ёзган “Дил изҳори”да айтишича, у болалик чоғларида гўзал мураббиясини пинҳоний севиб, уни кўришдан, шўхлик қилиб (ёпишганида), мураббияси уни дарра билан уришидан завқланар, роҳатланар экан. Машҳур файласуф, мутафаккир кейинчалик, балоғатга етганида ҳам жинсий алоқа вақтида аёл уни уриб туришидан лаззатланадиган бўлиб қолган, аёл уриб турмаса, эркаклик вазифасини бажаролмай қолар экан. Мана шу каби одамлар илм-фан нуқтаи назаридан қаралганда руҳий касал ёки жиноятчи эмас, балки болаликдаги одатидан сира қутулолмаётган бахтсиз одамлардир.

Бундай одамларнинг ана шунақа одатларини қонунлар билан ҳам, ахлоқ-одобга чақириб, панд-насиҳат қилиш билан ҳам ўзгартириш қийин. Фрейд кашф этган теран руҳшунослик таклифига кўра, бундай одамларга ўзларининг дарди нимада-ю руҳий азоб, изтиробларининг сабабчиси нима эканлигини аниқ-равшан кўрсатиб, “айби”га иқроқ қилиш, бўйнига қўйиш зарур.

Зигмунд Фрейд фикрича, бундай касалликларга ёппасига бир хил ташҳис (диагноз) қўйиб, бир хил усулда даволаб бўлмайди. Улардан ҳар бирининг дардини алоҳида аниқлаб, давосини ҳам ўзгача йўл билан топиш зарур. Шунга қарамай, жинсий майлларга алоқадор бундай касалликларни бир неча хил тоифаларга, туркумларга бўлиб, турларини аниқлаш мумкин. Руҳий дардларнинг Эдип комплекси (касаллиги) деб аталувчи ва бошқа турларини аниқлаш, ажратиш, фарқлаш учун Фрейд узоқ йиллар жуда кўп куч-ғайрат сарфлади. Ана шулар орасида Эдип касаллигини кашф этгани учун Фрейд жуда кўп ҳамкасбларининг ва жамоатчиликнинг ҳужумларига учради. Ўз даврида жуда катта жанжал, шов-шувларни кўзғатган Эдип касаллигининг нега шундай номланиши сабабини икки оғиз, мухтасар қилиб эслатиб ўтамиз. Қадимги юнон мифи, афсона-асотирга кўра, Эдип (ўзи билмаган ҳолда) отасини ўлдириб, онасига уйланади. Эдип касаллигига учраган одам ҳам шунга ўхшаб кетади. Бу нарса ҳозирги замонда ваҳшийлик ҳисобланади. Аммо Фрейднинг фикрича, ҳар бир инсон чақалоқлигида, гўдаклигидаёқ онасидан лаззат, роҳат олиб, уни отасидан қизғанади. Онага меҳр, севги билан ва отага рақиблик кўзи билан, рашк қилиб қараш кўпчилик болаларга хос одатдир. (Ша-

рқона табиатли одамлар болаликдан отасига меҳр-муҳаббат билан қарайди — тарж.) Фрейд бу касалликни керагидан ортиқча баҳолаб, ўз таълимоти устунларидан бири, дейди.

Фақат Эдип касаллиги эмас, бошқа кўп ваҳшиёна одатлар, инсониятнинг болалиги, ёввойилик замонларини эслатувчи, инсоният маданиятсизлик деб, аллақачон қоралаб, улоқтирган ярамас одатлар — қотилликка, хунрезликка ташналик, оналар ёки фарзандлар номусига тажовуз қилиш, зўрлаш, ғорат қилиш каби ваҳшийлик даврларидан қолган иллатли одатлар ҳар бир инсон ҳаётида болаликдан то камол топгунга қадар қайтадан бошланиб, сўнг маданийлашув босқичларини ўтиши мумкин экан. Барчамизда онгсиз равишда ана шу ваҳшиёна истак, майлларнинг асоратлари сақланиб қолган бўлади. Бундай асоратлар баъзи одамларда кутилмаганда яна юзага чиқиб, яширин жиноятларга етаклаши мумкин. Бизни ёввойилик, ваҳшийлик даврларига қайтарувчи бундай ярамас истак, майллардан (бахиллик, очкўзлик, бировларнинг ҳақини ейиш, номусига ва мол-мулкига тажовуз қилиш, порахўрлик, қотиллик каби ваҳшиёна инстинктлар — истак, майллардан ҳам — тарж.) қутулиш жуда-жуда мушкулдир. Ҳар бир инсонда гўдаклик чоғларидаёқ бундай ваҳшиёна истак, майллар яна туғилиб, ривожланиб, кейинроқ (онги, маданияти ўсганида) йўқолиши мумкин. Баъзи (иродасиз) одамларда эса ана шунақа ваҳшиёна ёввойиларча одатлар ёши улғайганида ҳам йўқолмай, онг ости тубларида сақланиб қолаверади.

Маданийлашган, онги ўсган инсонлар гўдакликдан ўтиб келган шунақа шахвоний инстинкт (майл) ларни йўқотишга қанчалик уринса ҳам, ана шу қудратли кучни юксак маънавий-ахлоқий асарлар, қадриятлар бунёд этиш ўзанига буриб юборсалар ҳам, улардан батамом қутулишлари мушкулдир.

Рухшунос олимнинг душманлари Фрейднинг маълум маънода инсониятнинг маданият (цивилизация) сари мишг йиллар давомидаги уринишларини йўққа чиқарувчи бундай ваҳшийлик, либидонинг чексиз, энгилмас қудрати ҳақидаги бу фикрини жўнлаштириб, унинг жинсий истак, майллар ҳақидаги таълимотини бир ёқлама пансексуализм, деб атадилар. Улар Фрейд психолог сифатида жинсий истак, майлларни инсон руҳий оламида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб, ошиқча баҳо бериб юборган, шифокор сифатида эса, ҳар қандай руҳий айнишларнинг сабабини фақат жинсий соҳадан излаб, ўша дардга даво топилса, руҳий касал тузалади деб, бир ёқлама қаралмоқда, дея даъво қилганлар.

Менимча, бу гапларда жон ҳам бор, аммо қисман ноҳақлик ҳам бор. Чунки, Фрейд ҳеч қачон жинсий майлни инсоннинг бутун руҳий оламининг асоси демаган. Фрейдга аёнки, ҳаётдаги ҳар қандай таранглашув ва ҳар қандай ҳаракат қилишликка учрашдан ва ана шунга қарши курашдан келиб чиқади. Шунинг учун Фрейд аввалбошданоқ назарий жиҳатдан *libido*га марказдан қочма куч бўлган бошқа ибтидоий майл (инстинкт)ларни қарши қўйди. Нотабий, ваҳшиёна инстинкт асири бўлиб қолган одам фарзанд кўриш, яратишни эмас, балки йўқотишни, ижод қилишни эмас, вайрон қилишни ўйлайди. Фрейднинг фикрича, инсон *libido* талаб қилган лаззатпарастлик майлини бошқа, ижодий, бунёдкорлик ишларига ҳам сарфлаши мумкин.

Аммо Фрейднинг душманлари бошқа бир нарсада ҳақлидир. У инсон “мен”ининг бошқа табиий майллари оламини сексуал майлларни ёритганидек равшан тасаввур қилолмади ва ўшандай аниқлик билан ёритиб беролмади. Эҳтимол Фрейд ўз ижодида ва шифокорлик амалиётида чиндан ҳам сексуал-шаҳватпарастлик соҳасига керагидан зиёд эътибор бергандир? Аммо илмий доиралар ва жамоатчилик бу соҳани умуман тан олмай, яшириб келгани учун Фрейд онгли равишда, атайлаб шу соҳага катта эътиборини қаратганлиги ҳам ўзини оқлайди. Бу соҳага замондошларнинг эътиборини қаратиш ниятида эҳтимол, у атайин муболағага йўл қўйгандир? Бу иши билан олим мана шу номаълум бўлиб келган муаммога доир баҳсларни бошлаб берди.

Аслида катта шов-шув қўзғатган шаҳват, лаззатпарастлик масаласи кўтарилган вақтдан сўнг ўтган 25 йил ичида инсоният олами аввалгидан ахлоқсизроқ, бузқроқ бўлиб қолгани йўқ. Аксинча, шу соҳадаги яширин дардларидан ташвиш-

ланиб юрган кишилар бу дарддан қутулиш мумкинлигини англаб, хотиржамроқ яшай бошладилар. Одамлар сохта уятчанликдан қутулиб, ўз вужудининг эҳтиёжлари, жинсий майллари ҳақида ошкора фикр юритадиган бўлиб қолдилар. Инсониятнинг бир авлоди шахсий майллари муаммоларини яширмаслик, уни онгли равишда ҳал этишни мактабларда ҳам ўргана бошлади. Эндиликда янги авлод бу хавфли ва сирли муаммо одамни руҳий тушкунликка солиши мумкинлигини тушуниб етди.

Риёкорликдан қутулишга йўл топган янги, эркинроқ ахлоқ мезонларига кўра, келгусида одамлар орасидаги жинсий, шахвоний алоқалар ҳам аввалгидан дўстонароқ, ихтиёрий ва инсонийроқ бўлишига замин тайёрлади. Мана шу жасур ва ҳурфикрли инсон туфайли оғир дардни яшириб, маразга айлантиришларга, яширин жиноятларга, бузғунчиликка хизмат қилган эскича ахлоқ ўрнига жинсий, шахвоний майлларга табиий ва оқилона қаровчи, янги, ошкора ахлоқ мезонлари юзга келди. Ҳаётда кўпинча шундай бўлади: бутун бир авлод ахлоқидаги эркинликка бир одамнинг ички олами ҳурлиги туфайли эришилади. Ҳар қандай янги фан аввал бир олимнинг хаёлида куртак ёзади, сўнг бошқаларнинг онги ва билимларини ўзгартириб юборади.

КУНБОТАР УФҚЛАРИ

Ҳар қандай мушоҳада кузатишга айланади, ҳар қандай кузатиш равшан тасаввурга айланади, ҳар қандай равшан тасаввур нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни аниқлашга хизмат қилади. Зотан, биз ҳар гал оламга диққат-эътибор билан қараётганимизда назарий фикр юритамиз.

В. ГЁТЕ

Куз — ҳосиллар етиладиган фасл. Тиниқ ва мусаффо осмон ёстидаги ҳосили ўриб олиниб, ғарамлар қилиб қўйилган, тинч, осуда далалар манзараси кўз олдимизга келади. Етмиш ёшли Фрейд оғир меҳнатлар сўнггида тин олиб, ўтган умрига қайрилиб боқар экан, ҳайратомуз манзараларни кўради: ёш асабшунос шифокор ўз соҳаси муаммоларидан бири — истерия (ўзини тутолмаслик, асабийлашув) нинг келиб чиқиш сабабларини чуқур текшираётганида, қудуқ тубида ўзи кутмаган бошқа масалани кўриб қолади, онгдан узоқ, ғайри ихтиёрий майллар муаммосига дуч келади.

Фрейд бу муаммога қаттиқ ёпишиб олди, чунки у мана шу муаммо кўзгусини руҳий оламнинг қайси туйнукларига қаратса, сеҳрли ойнадек, ўша ердаги қоронғуликларни ёритиб юборар эди. Тақдир ўзига nasib этган онгдан узоқ руҳият талқинларини қурол қилиб олган Фрейд аста-секин, босқичма-босқич, янада юқори-роқ ва янада кенгроқ кўламли марраларни ишғол қилиб борди. Леонардо да Винчи ибораси билан айтганда, ҳар бир доира бошқа бир доира билан туташган, мана шу доираларнинг ҳар бирида руҳий ҳаётнинг яхлит манзараси кўрина бошлайди. Фрейд асабшунослик фанидан психоанализ (руҳий таҳлилга) ўтди, ундан тушлар таъбирига йўл очилди, ундан сексуаллик — шахват назариялари соҳасига кириб борди. У тадқиқотлари давомида янги-янги фанлар келиб чиқаётганини кўрди, бу фанларнинг ҳар бири янгича ёндашувни талаб қиларди. Фрейднинг илмий тадқиқотлари туфайли педагогика, динлар тарихи, мифология, поэзия — бадиият олами ва санъатнинг барча турлари янги кашфиётлар билан бойиди. Табаррук ёшдаги бу отахон ўзи билмаган ҳолда очган кашфиётлари уни қандай олисларга олиб бориб қўйганидан ўзи ҳам лолу ҳайрон эди. Ҳазрати Мусо тоғ чўққисидан (Тангри билан) мулоқот қилганидек, Фрейд ҳам баландликда туриб, ўз фикрларининг уруғларини сепиш учун янги-янги далаларни кўра бошлади.

Мана шу зукко ақл-идрок соҳиби эллик йил (илм-фан майдонларини эгаллаш учун) муттасил жанглар қилди. Бу жангларда у сон-саноқсиз ўлжаларни қўлга кiritди. Бул зотнинг руҳий ҳаётнинг барча соҳаларида кўрсатган жасоратларини, на-

қадар кўп муаммоларни аниқлаб, фараз ва башорат қилиб, мушоҳада этиб, инсониятга нақадар кўп соҳаларда ёрдамлашганини ким ўлчаб бера олади? Ўз ҳаётининг кунботарида бу киши энди бир оз дам олса бўларди, янада қийинроқ, масъулиятлироқ муаммоларга ўзини урмаса бўларди. Шу ҳолатида ҳам унинг басират нигоҳи (Алишер Навоий қалб кўзини шундай атайди — *таржс.*) оламнинг барча манзараларини кўра олади.

Ким тубсиз жарликларни текширишга қизиқиб кетса, охири юксакликларга ҳам қарай олади. Узоқ йиллар руҳшунос сифатида инсон кўнгли сирларини ўрганган одам эндиликда файласуф сифатида ўзини қийнаган саволларга жавоб излайди. Айрим-айрим одамларнинг кўнгил сирларини ўрганиб чиққан одам эндиликда жамият ҳаётининг маъноси ва моҳиятини англашга, бутун замонни руҳий таҳлил этишга журъёт қилади.

У (руҳшуносликни аниқ фан даражасига кўтариб — *таржс.*) ҳар қанақа назарий умумлашмаларга қарши эди. Бунинг сабабини Фрейд ўз кундаликларида бундай изоҳлайди: “Авваллари мен ҳали аниқланмаган, гумонли, шубҳали фикрларни сира қабул қилмас эдим. Чунки у пайтларда олдинда, шоир айтгандай, бир дунё вақт бор эди. Энди аҳвол ўзгарди, вақтим энди жуда кам қолди, энди бирор хулоса ёки ғояни тажрибада (узоқ вақт) синаб кўриш учун имконият йўқ. Энди олдинда бирор янгилликни кўрсам, уни (тажриба билан) асослаш мумкинлигига ишончим комил эмас”. Шу аҳволда Фрейд ўз олдида нақадар қийин ва қалтис вазифа қўйганини ҳам тушунар эди. Унинг сўнги асарлари — “Бир саробнинг келажак-ги”, “Маданият ташвиши”, аввалгидек пурмазмун эмас, аммо шоирона руҳдодир. Бу асарларда у жиддий таҳлил устаси эмас, балки санъаткор, ижодкор ва инсон сифатида кўринади.

Энди бу одам инсониятга ғамгин нигоҳ билан қарайди, у бениҳоя кўп одамларнинг ғам, кулфатларини кўравериб тушкунликка тушган. Ярим аср давомида унинг қошига сон-саноқсиз беморлар, эзилган, қийналган, ёруғлик кўрмаган, ҳушидан айрилган одамлар ўз ғам-андуҳлари, ташвишлари, қайғулари, азоблари, оғриқлари билан, мушкул савдолари билан келиб, зорланишар, мадад сўрашар эди. Бу оғир заҳматлар исканжасида яшаган шифокор умрида бошқача одамларни — бахтиёр, хушчақчақ, очик чеҳрали, беғам, беташвиш, софдил, олижаноб, саҳоватли, ҳаётдан мамнун одамларни деярли кўрмади.

Фрейд ярим аср давомида шифокорлик қилиб, бутун инсониятнинг хаста бўлиб қолгани, турли дардларга чалинганини пайқамаслиги мумкин эмас эди. У жамият дардларига аввал бошданоқ “Бир одам ҳам инсоният, ҳам ҳаётнинг дард, кулфатларига чидаши осон эмас”, деб ташҳис қўйди.

Бу сўзлар замирида нақадар тушкунлик, умидсизлик бор, бу сўзлар шифокор хулосасидан кўра, кўнгли вайрон одамнинг оғир хўрсинишига ўхшайди. Фрейд ўз олдида қўйган маданий-биологик вазифасига кўра, борлиқ оламга руҳий шифокор-психиатр нигоҳи билан қараб, руҳий таҳлил йўли билан, замонамиз маданияти ачинарли, аянчли, қайғули аҳволда эканлигини аниқлади. Аммо, бу ғалати-ку? Инсоният фан-техника соҳасида инсон зотини юксакларга кўтарган, аввалгиларнинг тушига ҳам кирмаган кашфиётлар очилган даврда наҳотки инсон кўнглида осойишталик ва хотиржамлик йўқ? Одам Ато замонидан бери одамлар сон-саноқсиз билимлар билан қуролланиб, куч-қудратга — Худога “яқинлашган” замонда, олис қитъалараро симсиз алоқа ўрнатилган, телескопда сон-саноқсиз юлдузлар ҳаракати, заррабин ойнасидаги бир томчи сувда уммонлар акс этиб турган, граммафонда инсон овози абадийлик касб этган, тайёрада осмон забт этилган замонда нечун одамлар безовта, нотинч, доимий ташвишда яшайди? Нима учун фан-техниканинг бу улуғвор зафарлари инсон кўнгли тубларидаги “Мен”ни, ўзлигини хурсанд қилолмайди, унга бахт ато этолмайди? Фрейд ўзини Худога тенглаштирган бу инсонларни “майиб-мажруҳ маъбудлар” деб, аччиқ киноя қилади. Инсон кўнглидаги бу безовталик, тушкунлик, эзгинлик, руҳий мажруҳликнинг илдиэлари қаерда? — деб Фрейд кўнглидаги ўйларини баралла айтади. Шундай қилиб, у, ҳозирги башариятнинг руҳий касаллиги сабабларини худди бир одамнинг касаллигини текширгандай иш кўради.

Одатда Фрейд ҳар қандай руҳий таҳлилни беморнинг ўтмишини ўрганишдан бошлайди. Инсоният ҳайвонот оламидан ҳали узоқлашмаган ибтидоий босқичларида ҳамма жиҳатлардан эркинликда яшар, барча истакларига ҳеч ким қаршилик қилмас, ахлоқ-одобга риоя қилишга чақирувчи, ёмон қилиқларини тақиқловчи қоидалар йўқ эди. У вақтларда одамлар ваҳшийлар одатига кўра: бир-бирини ўлдириб, бир-бирини еб қон тўкиб, сексуал, шаҳвоний истакларини ҳам истаганича қондириб яшайверар эдилар. Айрим-айрим яшаётган ёввойи одамлар бир гуруҳга, қабилага бирлашганларидан сўнг аёллар ва эркеклар алоқалари ва бошқа истак, майллар ҳам тартибга солиниб, уларнинг ёввойича йўлига тўсиқлар қўйила бошланди. Шу зайлда инсоний жамиятга хос ҳуқуқий битим, шартнома, урф-одат пайдо бўлади. Ҳар қандай ижтимоий тузум инсонларнинг табиий ҳуқуқларини чега-ралайди.

Инсоннинг ёввойи истак, майллари бу тўсиқларга учраб, юзага чиқа олмагач, онгнинг номаълум қатламларига кириб яширинади. Инсоннинг табиий “Мен”ини назорат қилувчи олий “Мен”и вужудга келди. Бу олий “Мен”, виждон, дин (диёнат), маданият ва тараққиёт туфайли, одамларнинг табиий истакларини юзага чиқаришга интилувчи жуда катта куч-қувватни, эндиликда ўзаро ҳамкорликда бажариладиган ижодий фаолиятга инсонларнинг ақлий, ахлоқий, бадиий, техникавий қобилиятларини чексиз кучайтиришга йўналтирди. Инсоният маданиятига кирувчи фан-техника яшинни, бўронни, изғирин совуқни, сув, ҳаво, оловни бўйсундирди. Инсоният жамияти қадам-бақадам ўз илмий-ижодий қудратини ошириб, осмонни, денгиз, уммож тубларини, деярли барча билимларни эгаллайди.

Бундан 150 йил аввал Жан Жак Руссо “Дижон академияси” кўрик танловига “Илм-фанлар тараққиёти инсон ахлоқ-одобини яхшилашга хизмат қиладими?” деб мураккаб саволни ўртага қўйган эди. Руссо каби энди Фрейд ҳам “Нима учун инсоният шунчалик куч-қудратга эга бўлса ҳам ўзини бахтлироқ, хурсандроқ ҳис этмаяпти?” — деган саволни ўртага ташлади. Тараққиётнинг мана шу ғалабаларидан кейин ҳам нима учун инсоннинг чинакам “Мен”и (ўзлиги) энгилроқ, эркинроқ, маънан бойроқ яшамаяпти?

Мана шу мушкул саволга Фрейднинг ўзи ачиқ ва шафқатсиз жавоб топди: тараққиётнинг жуда кўп муваффақиятларини инсоният осонлик билан қўлга киритмади: шу маданиятни деб инсон ўзининг жуда кўп табиий истак-майилларини қурбон қилди. Одатда, кўпчиликнинг бахти учун айрим айрим одамлар ўз бахтини фидо қилиши зарур. (Фрейд эса доимо айрим шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қиладди. — муал.) Умуминсоният цивилизацияси деб, ҳар бир инсон ўзининг жуда кўп эркин истак, майлларидан, самимиятидан, ҳис-ғуйғулари эркинлигидан айрилди. Ижтимоий чеклашлар (жамият қонунлари) инсон ҳиссиётларини ўлдира бошлади. Санъат, фан, техника, ҳокимият инсоннинг табиий истакларини йўққа чиқаради.

Фрейд таълимотига кўра, инсон қон томирларининг нозик толаларида ўша қадимий даврдан қолган ибтидоий, ёввойиларга хос (онага яқинлик, отага душманлик, шаҳвониятга ўчлик каби) истак, майлларнинг асоратлари сақланиб қолган бўлиши мумкин. Замонавий, олий ахлоқий маданиятга даъвогар бўлган ҳар биримизда ҳам гоҳи-гоҳида ибтидоий замонлардаги ёввойиларга хос истак майллар уйғониб, ғимирлаб қолади. Ҳар бир инсон улғайиб вояга етгунича, гўё қадимий инсоният босиб ўтган йўлларни қайтадан босиб ўтиши ва маданиятни ўзлаштиришига тўғри келади. Гоҳи пайтларда бизнинг ахлоқий “Мен”имиз (шахсиятимиз) ҳеч қандай тақиқлар бўлмаган ибтидоий замонларга жуда-жуда қайтгиси келиб қолади. Ҳиссиётларимиз мезон тарозиси паллалари гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғиб туради. Ҳар бир инсон кўнглининг тубларида “Мени жамият маданиятли қиламан” деб энг зарур, табиий ҳиссиётларни тортиб олиб, камбағал, гадо бир “онгли” махлуққа айлантириб қўймадимикин?” — деб гумон қилади.

Инсон кўнглини мангу кемираётган мана шу зиддият қачонлардир ҳал этиладиган замонлар келадимикин? Ҳеч бир қалгис масаладан қўрқмайдиган даҳо Фрейд учун бу жуда ҳам хавфли саволдир. Руҳий таҳлил бир жиҳатдан онг ости қатламларига ақл-идрок таъсир ўтказолмайди, деб айтади. Назария сифатида руҳий таҳлил инсон кўнглидаги, табиий истак, майлларни ҳимоя қилади. Амалий

шифо усули сифатида эса у ҳар бир инсон ва бутун башарият учун ақл-идрок ҳалоскор эканига ишонади. (Йўқ, Фрейд ҳали бундай хулосага келмаганини, келолмаслигини, Стефан Цвейг қуйида яна айтади. Зигмунд Фрейд қирғин уруш бошланганида (Биринчи жаҳон уруши) инсоният ақл-идрок назоратидан бўшалиб, ибтидоий ваҳшийлик истак-майллари ғолиб келганлигини кўрди ва бундан қаттиқ изтироб чекди — *тарж.*) У ҳар ҳолда ақл-идрок ғалабасига ҳам умид қилади. Аммо ўта ҳалол олимлиги туфайли, Фрейд табиий истак-майллари ҳам, ақл-идрокни ҳам инкор этмасди. Охир-оқибатда, у (инсон учун табиий истак, майллар устунлиги муҳимроқми ё ақл-идрок устунлигими? деган) — қалтис саволга жавоб беришдан бош торгандай, учинчи йўлини тахмин қила бошлади. Умр қуёши ботаётган пайтларда Фрейд фикрларидаги қатъият бир оз мураккаблашиб: “Биз бундан буён ҳам инсоннинг табиий истак-майллари олдида ақл-идрок ожиз эканлигини тан оламиз ва бундай дейишга ҳақлидирмиз. Аммо, ақл-идрок ожизлигига қарамай, одамни ҳайвонийликдан инсонийликка чақаришдан толмайди. Ақл-идрок доимий мағлубиятларига қарамай бир замон келиб, устун келишини ҳали жуда узоқ замонлар кутишга тўғри келади, аммо бундай замон чексиз узоқ ҳам эмас”. Жуда ажойиб сўзлар. Аммо зулмат қаърида милтираётган бу чўғ жуда олисда, унинг нурида совуқ қотаётган инсониятнинг исиниши қийин. Агар бу сўзларни салқин булоқ томчиларига ўхшатсак, ҳали инсоният улардан ўз ташналигини қондиrolмайди, у аччиқ ҳақиқатни айтади. У инсон кўнглининг қоронғу тубларини ёритади, аммо илита олмайди. У руҳий беморни соғлом қила олади, аммо соғломлик ҳам инсонни бахтли қила олмайди. Инсон ўзини чинакам бахтли ҳис этиши учун соғлом бўлиши кифоя эмас.

Руҳий таҳлил инсониятни юпата олмаслигини билади ва алдамай туришни афзал кўради. Зигмунд Фрейднинг аччиқ ва ҳалол фикрлашидан келиб чиқувчи ҳақиқатнинг ахлоқ-одоб учун тугал ҳақиқатга изн беришида фожелик руҳи бор. Ахир инсонлар севинчларсиз, роҳат-фароғатсиз яшаши оғир-ку? Агар инсон ҳатто, тушларида бўлса ҳам орзу-умидларига, истак, майлларига эришмаса, ёруғ келажакка умиди бўлмаса, яшашга куч-қуввати етармиди? Турли (даҳрийликдан иборат) илм-фанлар “Худони ўйлаб чиқариш ўйинлари” бемаънилик, деб ҳар қанча ишонтирмасин, инсоният ниғилизм-мункирлик ботқоғига ботмаслик учун, оламнинг (илоҳий) маъносини мушоҳада, тасаввур қилаверади. Чунки шу тасаввурлар ҳар қандай маънавиятнинг чин маъносини ташкил этади...

Руҳий таҳлил минг-минг одамлардан ҳар бирининг руҳий оламини алоҳида-алоҳида, тарқоқ ҳолда тадқиқ этади, аммо у минглаб якка ҳодисаларни умумлаштирмайди. Шу маънода ҳар бир ҳодисани алоҳида тушунтирувчи руҳий таҳлилни руҳий синтез билан тўлдириш зарур эди. Бундай усулни топиш эртанги кун масаласидир. Зигмунд Фрейднинг кашфиётлари ҳар қанча улуғвор бўлмасин, бу муаммоларни янада кенгроқ тадқиқ этиш учун бепоён майдонлар бор. Фрейднинг руҳиятнинг ботиний қатларидаги пинҳоний сир-синоатларни очганидан фойдаланиб, бошқа олимлар руҳнинг эркинлиги ва юксакликларга интилиши сирларини очиш учун тадқиқотларни давом эттиришлари мумкин.

ЗАМОНЛАР ЎТИБ...

Бирликдан ва кўplikдан ташкил топган, туғилишидаёқ ҳам маълум, ҳам номаълум хусусиятларни мужассам этган якка инсон бирлик билан кўplikни боғловчи тасаввурлар занжирини кўриб чиқмасдан туриб, унинг чексизликка (“йўқликка”) оқиб кетишига йўл бера олмаймиз.

АФЛОТУН

XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигида бир вақтда икки ҳодисанинг кашф этилгани ҳайратланарлидир: 1. Вюртсбург шаҳрида шу чоққача ҳеч ким танимаган Вильгельм Рентген исмли физик тажриба асосида одамнинг ички аъзоларини ёритувчи

нурларни кашф этди. Авваллари одамнинг ички аъзоларини кўриб бўлмайди, деб ҳисобланар эди. Вена шаҳрида ҳам ҳеч ким танимаган Зигмунд Фрейд исмли шифокор одам руҳият оламини ёритиш имконини берувчи илмни кашф этди. Иккала янгиликнинг топилиши уларга алоқадор бўлган жуда кўп соҳаларда катта ўзгаришларга олиб келди. Ажабланирлиси шундаки, физик олим (Рентген) кашфиётидан тиббиёт, тиббий соҳа олими (Фрейд) кашфиётидан психофизика — руҳни ҳаракатлантирувчи кучлар ҳақидаги фан фойда кўра бошлади.

Фрейднинг ажойиб ва ҳали тўла фойдаланилмаган кашфиёти туфайли илмий руҳшунослик (психология) ниҳоят ўзини боғлаб турган академизм ва назарий маҳдудликдан қутулиб, ҳаётга фаол аралаша бошлади. Психология Фрейд усуллари воситасида биринчи марта ижодий руҳнинг барча ҳодисаларини ўрганувчи фан (бадий ижод психологияси)га эга бўлади. Авваллари руҳшунослик нима билан шуғулланар эди? Бу фан мактабларда, дорилфунунларда, семинарларда ўқитилар, формулалари эса кўпчилик тушунмайдиган китобларни чиқариш учун бир назарий манба эди. Психологияга оид нарсаларни ўқиган одам ўз шахси ва умуман шахсни ўрганувчи қонунлар ҳақида, гўё қадимги ҳинд тили, (ўлик тил) — санскритни ёки астрономия манбаларини ўқигандек, абстракт-мавҳум билимлар олар эдию психологияда лаборатория ишларининг натижалари ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Фрейд бу фаннинг оғирлик қилаётган марказини назариялар олаמידан якка инсонлар оламига кўчириб, семинариялардан ҳаётга олиб чиқди ва у энди жонли инсонларга татбиқ этила бошланди.

Фрейд кашфиёти туфайли педагогикада янги шахсни тарбиялаш, тиббиётда руҳий касалларни даволаш, суд ишларида инсон янгилиб қилган ишларни баҳолаш, санъатда ижод асосларини тушуниш мумкин бўлиб қолди. Энди руҳшунослик ҳар бир бетакрор, якка инсон манфаатларини кўзлаши туфайли бошқа одамларга ҳам фойда етказадиган бўлди. Зотан, ким ўз кўнглини яхши тушунса, бошқаларнинг ҳам кўнглини яхши англай олади.

Рухшуносликни инсон шахсига қаратиб, Фрейд ўзи сезмаган ҳолда даврнинг энг эзгу иродасини юзага чиқарди. Ташқи ҳаётимиз бир хиллашиб, жўнлашиб қолган бизнинг асримизда инсон ўзининг “мен”ига бу қадар эътибор бериши ажойиб ҳодиса эди. Замона техникаси инсонларнинг рангсиз-гуссиз тоифаларини тобора кўпайтириб, қиёфасизлантиради. Айниқса, бойлар, мулкдорлар тоифаси бир хил (ҳашаматли) уйларда, бир хил шоҳона либосларда, бир хил (хорижий) машиналарда, деярли бир хил идораларда маълум вақт ишлаб, сўнг бир хил маишат, роҳат-фароғатда яшаб, радио, грампластинка тинглаб (теннис ва ҳоказо) билан шуғулланиб, шаҳарлар ва кўчалар ҳам бир-бирига ўхшаб, халқлар ҳам тобора бир хиллашиб, зерикарли бўлиб бормоқда, ақл-идрок устунлиги шароитида ишловчи тараққиёт кўрасида барча ранг-баранг қиёфалар “эритилиб”, бир хил нусха қилиб чиқарилмоқда эди. Одамларнинг ташқи қиёфалари ва ташқи хатти-ҳаракатлари (меҳнати ва дам олиши ҳам) бир хиллашиб, ранги-гуси ўчаётган вақтларда уларнинг фақат ички дунёси, туйғулари, ички кечинмаларигина ўзлигини, бетакрорлигини сақлаб қолади. Санъатнинг барча турлари инсонларнинг ўзига хос, бетакрор қиёфаларини ўрганишга ва ифодалашга интилиши тасодифий ҳол эмас. Инсонларнинг турли (руҳий) типлари, деградация (қиёфасизланиши) ва ирсият, феъл-атворларнинг маълум вақтларда такрорланиши босқичлари ҳақидаги таълимотлар — барчаси одамзотнинг шахсиятини ҳабиладан ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади. Адабиётда биографик жанр шахс қиёфасини тасвирлаш кўламларини кенгайтиради. Бир замонлар йўқолиб кетган астрология (юлдузларга қараб фол очиш, илми нўжум), хиромантия, графология бизнинг кунларда яна гуллаб-яшнамоқда. Инсон борлиги муаммолари орасида инсоннинг ўзлиги, руҳий олами, маънавиятининг шаклланиши, кўнгил эҳтиёжлари энг муҳимларидир.

Шу жиҳатдан ҳам Фрейд руҳшуносликни инсон шахсий ҳаётининг марказий муаммоларига яқинлаштиради. У деярли тарихда биринчи марта инсон кўнглидаги энг нозик, сезилар-сезилмас ёхуд пинҳоний муаммоларни, инсон ўтмиши билан ҳозирги ўртасидаги яширин боғланишларнинг бутун бир оламини деярли бадий санъаткорона қудрат билан кашф этди. Бу чиндан ҳам инсон қалби эврилишлари

қонуниятларининг яхлит ва жозибали оламидир. Инсон кўнглидаги табиий ҳодисалар эса академик (расмий, жиддий) фан қоидалари доирасига сиғмас эди. Чунки руҳий олам фақат якка инсоннинг ўзи кўнглидан кечирган, бошидан ўтган, фақат ўзи билган, тушунган (ва старли англамаган), тақдир насиб этган манзаралардир. Фрейд фикрича, инсонга ҳар қандай шифо бериш ёки руҳий-ахлоқий маънода мадад бериш инсонни билишни, англашни талаб қилади; инсонни билишга, англашга уриниш ҳаётсеварлик, инсонпарварлик руҳида бўлиши керак. Гёте айтганидек, инсон шахсини ҳурматлаш — унинг кўнглига қараш, ҳис-туйғуларини қадрлашдир. Бу ахлоқий қонунга риоя қилишни бизга бошқалардан кўра кўпроқ Фрейд ўргатди. Фрейд тадқиқотлари туфайли Ер юзидаги минглаб ва юз минглаб одамлар инсон кўнгли, айниқса, бола кўнгли нозик эканлигини, сал эътиборсизлик, дағаллик билан кўнгил шишаси синиб кетиши мумкинлигини билиб олдилар.

Зигмунд Фрейд замона онгига — мактабларда, церковда, суд залларида инсон шахсини ҳурматлаш, ҳатто гуноҳ қилиб қўйган одамлар шахсига ҳам эътибор билан қараш зарурлигини сингдиришга интилди. Олий даражадаги мана шу инсонпарварлик руҳи Фрейд таълимотининг юрагидир. Фрейд туфайли инсонлар (Ғарбдаги инсонлар — *тарж.*) ҳар бир инсон шахси бетакрор, ҳар бир якка инсон ҳурматга сазовор эканлигини англай бошладилар. Оврупода, санъат соҳаларида, тиббиёт ёхуд фалсафа соҳаларида барча атоқли ижодкорлар, олимлар Фрейд таълимотидан, унинг фикрлари силсиласидан у ёки бу даражада баҳраманд бўлганлар.

Одамлар назари тушмайдиган бир чеккада, илмий тажрибалар ва беморларни даволаш билан шуғулланган бу одам охири инсоншуносликнинг марказига етиб келди. Баъзи мутахассис олимлар ҳали ҳам Фрейд ижодини академик (расмий, жиддий) тиббиёт ва фалсафа қоидаларига тўғри келмайди, деб ҳисоблайдилар. Баъзи махфий маслаҳатчилар ва олимлар ҳамон Фрейд таълимотининг баъзи жиҳатлари устида қизғин баҳшлашмоқдалар. Аммо шунга қарамай, Фрейд таълимоти аллақачон ижодий маънода ҳақиқатга айланган. Гётенинг унутилмас сўзлари билан айтганда, “Барча самара берадиган иш — ягона ҳақиқатдир”.

МАҲКАМ МАҲМУДнинг эркин
таржимаси



ПСИХОАНАЛИЗ АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган*

Тузувчи-муаллиф: **М. Отажонов**

Илмий муҳаррир: психология фанлари доктори,
профессор **Ғ. Шоумаров**

Тақризчи: психология фанлари номзоди **К. Раҳимова**

Қўлланма ҳозирги даврда психолог мутахассислар тайёрлаш талаблари асосида ёзилган. Унда Зигмунд Фрейднинг психоаналитик назарияси асосида шахс муаммолари, унинг ички зиддиятлари, бу зиддиятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф қилиш усуллари бўйича чет мамлакатлардаги илғор психоаналитик мактаблар тажрибалари умумлаштирилган. Психоанализдаги мавжуд назария ва методларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган.

П $\frac{0303010000 - 44}{M(351)04 - 2004}$ 2004

ISBN 540-03097-6

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2004 й.

Дунё тан олган кўп улуг файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмаганлиги туфайли аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?

Ислом Каримов

КИРИШ

ШАХС НАЗАРИЯСИДА ПСИХОДИНАМИК ЙЎНАЛИШ

XIX асрнинг иккинчи ярмида психология фалсафадан ажралиб чиқиб, мустақил фанга айлангач, унинг асосий мақсади лаборатория шароитида интроспекция (ўзини ўзи кузатиш) усули ёрдамида катта ёшдаги одам психик ҳаётининг асосий элементларини очишдан иборат бўлиб қолди. Кейинчалик психологияда структуравий мактаб деб ном олган бу йўналишга 1879 йили Лейпцигда биринчи психологик лаборатория ташкил қилган Вильгельм Вундт асос солганди. Вундт психологиянинг асосий вазифаси сифатида онг жараёнини қисмларга ажратиш ва улар ўртасидаги қонуният боғланишларини ўрганишни таклиф қилди. Шунинг учун веналик ёш врач Зигмунд Фрейд томонидан ҳеч кимнинг ёрдамисиз ишлаб чиқилган одамларни ўрганишнинг бутунлай янги ёндашуви пайдо бўлганда ўша даврнинг психологлари қарахт ҳолатга тушиб қолишди. Одам психик ҳаётининг марказига онгни қўйиш ўрнига Фрейд уни озгина қисми сувнинг тепасига чиқиб турган айсбергга қиёслади. Шу давргача ҳукмронлик қилиб келган одамга ўз хулқини англай оладиган ақлли мавжудот сифатида қарашларга зид равишда у бошқача назарияни таклиф қилди: одамлар доимий зиддият ҳолатида бўлишади ва бу зиддиятларнинг сабаби бутунлай бошқа, психик ҳаётнинг янада кенгроқ соҳаси бўлган — англомай-диган жинсий ва агрессив майллардир.

Фрейд биринчи бўлиб психикани ҳеч қачон ўзаро келиша олмайдиган инстинкт, мулоҳаза ва онг кучлари ўртасидаги жанг майдони сифатида тақдим қилди. «Психодинамик» атамаси айнан ана шу шахснинг турли қисмлари ўртасидаги доимий курашга ишора қилади. Психоаналитик назария психодинамик ёндашувнинг кўриниши сифатида хизмат қилиб, инсон хулқини бошқаришда ҳукмронлик учун ўзаро рақобат қиладиган ёки курашадиган инстинктлар, мотивлар (фаолиятга ундовчи сабаблар) ва майлларнинг мураккаб ўзаро ҳаракатларига асосий эътиборни қаратди. Асосан Фрейд талқинидаги, шахс ҳеч қачон тўхтамайдиган, ўзаро зиддиятда бўладиган жараёнларнинг ўсиб боровчи мураккаб қурилмасидан иборат, деган тасаввурда психодинамик ёндашувнинг моҳияти ифодаланган. Шахсга нисбатан қўлланиладиган динамика тушунчаси инсоннинг хулқи тасодифий ёки бебош бўлмай, балки детерминлашган, яъни сабабий боғланган деган маънони англатади. Психодинамик йўналишда детерминизм биз бажараётган, ҳис қилаётган ёки ўйлаётган, ҳатто айрим одамлар бутунлай тасодиф деб ўйлайдиган ҳодисаларга ҳам, шунингдек билмай гапириб юбориш, билмай хато ёзиб қўйиш ва шунга ўхшаш барча ҳолатларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Бу тасаввур бизни психодинамик йўналиш тақдим қиладиган энг асосий ва ҳал қилувчи мавзуга олиб келади, яъни айнан шу тасаввур инсон хулқини бошқаришда онгсиз психик жараёнларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Фрейднинг фикрича, фақат қилиқларимизгина аксарият ҳолларда иррационал (мантиқ қоидаларига зид) бўлмай, бизнинг хулқимизнинг аҳамияти ва сабаблари ҳам камдан-кам ҳолларда анланган бўлади.

Фрейд таълимотини тан олмай туриб замонавий шахс назарияларини объектив баҳолаб бўлмайди. Унинг у ёки бу (ёки ҳамма) ғоялари тан олинishi ёки тан олинмаслигидан қатъи назар, Фрейднинг XX аср Ғарб цивилизациясига кўрсатган чуқур ва мустаҳкам таъсирини инкор этиб бўлмайди. Шунини таъкидлаш жоизки, инсониятнинг бутун тарихи давомида камдан-кам ғоялар шунчалик кенг ва кучли таъсир кучига эга бўлган. Унинг инсон табиатига ўзига хос қарашлари ўша даврда ҳукмрон бўлган тасав-

вурларга кескин зарба берди: Фрейд инсоннинг қоронғи, яширин, демак, англаб бўлмас деб ҳисобланган психик ҳаёти қирраларини тушунишга эришишнинг қийин, лекин жалб қилувчи йўлини таклиф қилди.

Ўзининг 45 йиллик самарали илмий фаолияти давомида Фрейд: 1) шахснинг биринчи кенг кўламли назариясини; 2) ўзининг терапевтик тажрибаси ва ўзини ўзи таҳлил қилишга асосланган клиник кузатишларнинг кенг миқёсли тизимини; 3) невротик бузилишларни даволашнинг ўзига хос усулини; 4) бошқа ҳеч қандай усул билан ўрганиб бўлмайдиган психик жараёнларни тадқиқ қилиш усулларини яратди.

Фрейддан кейин шахс назариясининг психодинамик йўналишида бир-бири билан унчалик боғлиқ бўлмаган назариялар пайдо бўлиб, уларнинг муаллифлари ё Фрейдча ёндашувни кенгайтиришга ёки уни қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилишди. Фрейд унинг қарашларини маъқуллайдиган кўплаб интеллектуалларни ўзига жалб қилган ва руҳлантирган эди. Уларнинг баъзилари психоанализга назарий тизим сифатида содиқ қолишди, унга шунчаки сайқал бериб, замонавийликка яқинлаштиришди. Бошқалари эса бутунлай ўзгача йўналишдан кетишди, ўзларининг шахсий, аксарият антагонистик позицияларига эга бўлишди.

Улардан иккитаси — энг машҳур назарийчилар Альфред Адлер ва Карл Густав Юнг Фрейд билан алоқаларини узиб, ўзларининг ноёб шахсий назарий тизимларини яратишди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам даставвал психоаналитик ҳаракат иштирокчилари сифатида Фрейд назариясининг кўлами ва янгилигини қизғин қўллаб-қувватлашган. Бироқ вақт ўтиши билан улар Фрейднинг сексуаллилик ва агрессияга инсон ҳаётининг марказий мазмуни сифатида ҳаддан ташқари катта аҳамият бераётганлиги билан келишолмасликларини билдиришди. Фрейд билан психоанализнинг бошқа назарийчилари ўртасида ҳам кўплаб фикрларда келишмовчиликлар мавжуд эди ва улар ҳам ўзаро зиддиятли мактаблар яратишда давом этишди. Бироқ Адлер ва Юнгни ҳисобга олмаганда, уларнинг биронтаси ҳам инсон хулқининг асосий қирраларини қамраб

олиш кўлами жиҳатидан Фрейд билан беллаша оладиган тугал мустақил назария ярата олмадилар.

Адлер қарашлари тизимининг марказий нуқтасини индивидуум (шахс)нинг социум (жамият)дан ажралмаслиги ғояси ташкил қилади. Ижтимоий-когнитив йўналиш вакиллари сингари Адлер шахснинг ижтимоий детерминантларига алоҳида эътибор беради. Веналик психиатр Адлер томонидан муҳим деб ҳисобланган яна бошқа мавзулар одамларнинг:

— ўз тақдирларини ўзлари яратишлари;

— янада қоникарлироқ ҳаёт кечириш учун ҳайвоний майлларини ва назорат қилиб бўлмайдиган муҳитни бар-тараф қилишлари;

— ўзини ўзи англаш орқали ўзларини ва атроф оламини такомиллаштиришлари каби қобилиятларида жамланган.

Адлер сингари Юнг ҳам Фрейдни инстинктив сексуал майлларга ҳаддан ташқари катта аҳамият берганлиги учун танқид қилган. Юнг томонидан кўтарилган марказий мавзу одамларга айни вақтда ҳам уларнинг келажакка интилишлари, ҳам ҳаёт тажрибалари таъсир кўрсатади, деган ғояни ўзида акс эттиради. Юнг шахс назариясидан орасида биринчи бўлиб шахснинг психик саломатлигига эришиш учун унинг турли йўналишдаги интилишлари ўзаро мутаносибликдаги бир бутунликда жамланиши керак деган фикрни исбот қилди. Бу ғоя Юнг назариясида «шахсий ўсиш» атамаси билан номланади.

Хукмингизга ҳавола қилинаётган ушбу қўлланмада Фрейд назариясининг энг асосий қоидалари ва замонавий психоаналитик тажрибада унинг қарашлари асосида ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинаётган усуллар билан таништириш мақсад қилиб қўйилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу рисола ҳам, бундан кейин кўп нашр қилинадиган шунга ўхшаш ишлар ҳам Фрейд қолдирган бой илмий-амалий меросни тўла-тўқис қамраб ололмайди. Ўзбекистонда психоаналитик марказлар ва муассасалар фаолиятининг иш бошлашига кўп вақт қолгани йўқ, зеро, янги аср мураккаб шахслараро муносабатлар тизими ва инсон психикасига турли стресс ҳолатлари кўринишида таъсир

этиб турувчи кучли ахборот оқими билан психик ҳаётдаги юқорида эслатилган турли қирралар ўзаро зиддиятини кучайтирса кучайтираяптики, асло сусайтиргани йўқ. Айнан мана шундай тўхтовсиз ички, руҳий зиддиятли ҳолатларда психикани таҳлил қилишнинг психоаналитик ёндашуви кўплаб илмий мактаблар томонидан энг самарали усул сифатида тақдим қилинади.

ЗИГМУНД ФРЕЙД: ИЛМИЙ-БИОГРАФИК ОЧЕРК

Зигмунд Фрейд 1856 йилнинг 6 майида Австриянинг Фрайберг (ҳозирги Чехиянинг Моравия) шаҳарчасида туғилган. У оилада етти фарзанднинг энг каттаси бўлиб, Фрейд тўрт ёшга тўлганда унинг оиласи молиявий қийинчиликлар туфайли Венага кўчиб ўтган. Фрейд умрининг охиригача Венада яшади ва 1938 йилда, ўлимидан бир йил олдин Англияга кўчиб ўтди.

Ўша даврнинг барча ёшлари сингари Фрейд классик маълумот олди: юнон ва латин тилини ўрганди, буюк мумтоз шоирлар, драматурглар ва файласуфлар — Шекспир, Кант, Гегель, Шопенгауэр ва Ницше асарларини ўрганди. 1873 йилда Вена университетининг тиббиёт факультетига ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида машҳур психолог Эрнст Брюкке қарашлари таъсирига берилди. Брюкке талқини бўйича, барча тирик мавжудот динамик энергетик тизим бўлиб, моддий олам қонунларига бўйсунди. Фрейд бу ғояларни жиддий қабул қилди ва кейинчалик улар Фрейднинг психик мавжудлик динамикаси борасидаги қарашларида акс этди.

1881 йили Фрейд университетни тугатиб, Мия анатомияси институтида ишлай бошлади ҳамда катта ёшдаги одам ва ҳомила миясининг қиёсий тадқиқотлари билан шуғулланди. Орадан кўп ўтмай у ўз ишини ташлаб, невропатолог сифатида фаолият кўрсата бошлади, бунга илмий фаолиятнинг унчалик тақдирланмаслиги ва антисемит кайфият хизмат поғонасидан кўтарилишга имкон бермаслиги сабаб бўлди.

1885 йил Фрейднинг тақдирида бурилиш йили бўлди. У Парижга бориш ва ўша даврнинг энг машҳур невро-

логларидан бўлган Жан Шарконинг қўлида тўрт ой шогирд-тадқиқотчи бўлиб ишлашга имкон берадиган тадқиқотчилик стипендиясини олишга муваффақ бўлди. Шарко кўплаб турли-туман соматик муаммоларда намоён бўладиган психик бузилиш — истерияларнинг сабабларини ва даволаш усулларини ўрганар эди. Истериядан азият чекадиган беморларда бармоқларнинг ишламай қолиши, кўрлик, карлик каби симптомлар кузатилади. Шарко гипнотик ҳолатда таъсир кўрсатишдан фойдаланиб, бу симптомларни кучайтириши ёки бартараф қилиши мумкин эди. Бирмунча кечроқ Фрейд терапевтик усул сифатида гипнозни рад қилган бўлса ҳам, Шарконинг маърузалари ва клиник тажрибалари унга жуда кучли таъсир кўрсатди. Парижнинг машҳур Салпетриер шифохонасидаги қисқа муддатли амалиётдан сўнг Фрейд неврологдан психопатологга айланди.

80-йилларда Фрейд Венанинг энг таниқли врачларидан бири Иозеф Брейер билан ҳамкорлик қила бошлади. Бу даврга келиб Брейер истерик касалликларни беморларнинг ўз касаллик симптомлари ҳақидаги эркин ҳикоялари усулини қўлаб даволаш соҳасида сезиларли муваффақиятга эришган эди. Брейер ва Фрейд истериянинг психологик сабаблари ва бу касаллик терапияси усулларини биргаликда тадқиқ қилишди. Бу иш «Истерияни тадқиқ қилиш» (1895) китобини нашр қилиш билан якунланди. Улар бу китобда истерик симптомларнинг пайдо бўлишига жароҳатловчи ҳодисаларни эслатувчи онг остига сиқиб чиқарилган хотиралар сабаб бўлади деган хулосага келишди.

Фрейд билан Брейер ўртасидаги шахсий ва касбий муносабатлар тахминан «Истерияни тадқиқ қилиш» китоби нашр қилиниши билан бир вақтда кескин узилиб қолган. Ҳамкасбларнинг бирданига ашаддий рақибларга айланиб қолишининг сабаблари ҳозиргача номаълум. Фрейднинг биографи Эрнест Жоуннинг тасдиқлашича, Брейер истериянинг келиб чиқишида сексуаллиликнинг роли масаласида Фрейднинг фикри билан умуман келиша олмаган ва шу нарса улар муносабатларининг узилишига сабаб бўлган. Бошқа бир тадқиқотчи Стилнинг фик-

рича, Брейер ёш Фрейд учун худди «ота фигураси» вази-
фасини бажарган ва унинг бартараф қилиниши Фрейдда-
ги «эдип комплекси» туфайли ҳам шарт бўлган (Изоҳ: «эдип
комплекси» туфайли болада отанинг доимий васийлиги-
дан халос бўлиб, унинг ўрнини эгаллаш онгсиз майли пай-
до бўлади). Сабаби ноаниқ бўлса-да, бу икки шахс шун-
дан сўнг ҳеч қачон дўст сифатида учрашишмаган.

Фрейднинг истерия ва бошқа психик бузилишлар асо-
сида сексуаллилик билан боғлиқ муаммолар ётиши ҳақида-
ги фикрлари 1896 йилда унинг Вена тиббиёт жамияти аъзо-
лигидан чиқарилишига сабаб бўлди. Бу вақтда Фрейдда
кейинчалик унинг психоаналитик таълимотига асос бўла-
диган маълумотлар ниҳоятда кам эди. Устига-устак бу вақт-
да унда маълум маънода тушкунлик кайфияти ҳам пайдо
бўлган. Жонснинг кузатиши бўйича, бу вақтда Фрейднинг
ўзини ўзи баҳолаши унинг қуйидаги фикрида яққол ифо-
даланади: «Менинг қобилият ва истеъдодим ниҳоятда чек-
ланган — мен на табиий фанларда, на математикада ва на
ҳисобда кучли эмасман. Бироқ, ўйлайманки, менинг чек-
ланган билимларимнинг ўзиёқ жуда ҳам кучли ривожлан-
ган».

1896 — 1900 йиллар оралиғи Фрейд учун ёлғизликда
кечган сермахсул давр бўлди. Бу даврда у ўз тушларини
таҳлил қилишни бошлайди, 1896 йил отасининг ўлими-
дан сўнг эса ҳар куни уйқудан олдин ярим соат ўзини ўзи
таҳлил қилиш билан шуғулланади. Унинг машҳур «Туш-
ларни таъбирлаш» (1900) асари ўз шахсий тушларини
таҳлил қилишга асосланган. Лекин даставвал бу ноёб асар
психиатрия жамияти томонидан инкор қилинди, Фрейд
эса, ўз меҳнати учун атиги 209 доллар муаллифлик гонор-
арини олди ва ишониш қийин бўлса ҳам, у кейинги сак-
киз йил мобайнида ўз китобидан атиги 600 нусха сота
олди, холос.

«Тушларни таъбирлаш» нашр қилингандан кейинги беш
йил ичида Фрейднинг обрўси шунчалик кўтарилдики, у
дунё таниган врачлар сафидан ўрин олди. 1902 йилда «Пси-
хологик чоршанбалар» жамияти ташкил бўлиб, унга
Фрейднинг энг содиқ интеллектуал издошлари кирди. 1908
йилда бу жамият Вена психоаналитик жамияти деб атала

бошлади. Жамият аъзолари бўлган Эрнест Жонс, Шандор Ференци, Карл Густав Юнг, Альфред Адлер, Ганс Сакс, Отто Ранк каби Фрейднинг кўплаб сафдошлари кейинчалик ҳар бири ўз йўналишида таниқли психоаналитиклар бўлиб етишдилар. Бирмунча кечроқ эса Адлер, Юнг ва Ранклар Фрейд издошлари сафидан чиқишиб, ўзаро рақобатдаги илмий мактабларга асос солишди.

1901 — 1905 йиллар Фрейднинг ижодий фаолиятида алоҳида сермаҳсул давр бўлди. Фрейд ўзининг бир неча асарларини, жумладан «Кундалик турмуш психопатологияси» (1901), «Сексуаллилик ҳақида уч эссе» (1905), «Юмор ва унинг онгсизликка муносабати» (1905) каби китобларини нашр қилди. «Уч эссе...»да Фрейд болалар жинсий майллар билан дунёга келадилар ва ота-оналар улар учун дастлабки сексуал объектлар бўлиб хизмат қилдилар, деган фикрни илгари сурди. Ушбу фикрга нисбатан дарҳол ижтимоий норозилик пайдо бўлди. Фрейдни сексуал перверсиялардан (лотинча *perversio* — нотўғри томонга йўналган) азият чекадиган, ахлоқсиз одам сифатида айблай бошлашди. Кўплаб тиббиёт муассасаларининг Фрейднинг болалар сексуаллилиги ҳақидаги қарашларига тоқат қилаётганлигидан норози бўлган одамлар уларга қатнамай қўйишди.

1909 йилда психоаналитик ҳаракатни ўлик нуқтадан кўзгатиб, изоляция ҳолатидан халқаро обрў-эътибор йўлига олиб чиққан воқеа содир бўлди. Г. Стенли Холл Фрейдни Массачусетс штатининг Уорчестер шаҳридаги Кларк университетига маърузалар ўқиш учун таклиф қилди. Тингловчилар маърузаларни илиқ кутиб олишди ва Фрейд фажрий доктор даражаси билан тақдирланди. Унинг обрўси кундан-кун ортиб борарди, одамлар дунёнинг турли бурчакларидан унга маслаҳат сўраб мурожаат қила бошлашди. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас эди. 1919 йилда у уруш туфайли ўзининг барча жамғармаларидан айрилди. 1920 йили унинг 26 ёшли қизи вафот этди. Лекин унинг олдидаги энг катта синов фронтда жанг қилаётган икки ўғлининг тақдири учун хавотир кайфияти бўлди. Қисман биринчи жаҳон уруши ва антисемитизмнинг янада авж олиши таъсирида Фрейд 64 ёшида инсоннинг универсал

инстинкти ҳақидаги назарияни — ўлимга мойиллик назариясини яратди. Инсоннинг келажаги ҳақидаги пессимизмга қарамасдан, Фрейд ўз ғояларини янги асарларида баён қилишда давом этди. Нашр қилинган асарлар ичида «Психоанализга кириш бўйича маърузалар» (1920), «Лаззатланиш тамойилининг у томонида» (1920), «Мен ва У» (1923), «Бир иллюзиянинг келажаги» (1927), «Цивилизация ва ундан норозилар» (1930), «Психоанализга кириш бўйича янги маърузалар» (1933) ва 1940 йилда Фрейднинг ўлимидан сўнг нашр этилган «Психоанализ очерки» асарлари алоҳида ўрин тутди. Фрейднинг 1930 йилда адабиёт соҳасидаги Гёте соврини билан мукофотланиши унинг ниҳоятда қобилиятли ёзувчи бўлганлигидан далолатдир.

Биринчи жаҳон уруши Фрейднинг ҳаёти ва тасаввурларига катта таъсир кўрсатди. Клиникада даволанаётган аскарлар билан ишлаш унинг психопатологик белгиларнинг турли-туманлиги ва ўта нозиклиги ҳақидаги тасаввурларини кенгайтди. Шунингдек, 1930-йилларда антисемитизмнинг кучайиши унинг инсон ижтимоий табияти ҳақидаги қарашларига кучли таъсир қилди. 1932 йилда у гитлерчиларнинг доимий таҳдид нишонига айланди (Берлинда нацистлар унинг китобларини бир неча марта гулханда ёқишди). Бу воқеаларни Фрейд шундай шарҳлаган эди: «Қанақанги тараққиёт! Ўрта асрларда улар менинг ўзимни ёқишган бўлишарди, ҳозир эса китобларимни ёқиш билан қаноатланишяпти». Фақат Вена обрўли фуқароларининг дипломатик йўллар билан аралашувларидан сўнг унга 1938 йилда нацистлар бостириб киргандан сўнг шаҳарни тарк этиб чиқиб, Англияга кетишга рухсат берилди.

Фрейд 1939 йилнинг 23 сентябрида Лондонда вафот этди.

У яратган таълимотнинг ўзагини ташкил қилувчи психоанализ атамаси уч хил мазмунни англатади: 1) шахс ва психопатология назарияси, 2) шахс бузилишлари терапияси усули ва 3) индивидумнинг анланмаган фикрлари ҳамда ҳиссиётларини ўрганиш усули. Назариянинг терапия ва шахс ўлчови билан бундай боғланиши Фрейднинг инсон хулқи ҳақидаги тасаввурларининг барча

қирраларини қамраб олади. Лекин бу мураккабликлар остида бир неча асосий концепция ва тамойиллар борки, улар Фрейднинг шахсга психоаналитик ёндашувининг ўзгичини ташкил қилади. Ушбу қўлланма ана шу асосий тушунча ва тамойилларнигина ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

ФРЕЙДНИНГ МАДАНИЯТШУНОСЛИК ВА ПСИХОСЕКСУАЛ НАЗАРИЯСИ

ФРЕЙДНИНГ ПСИХОСЕКСУАЛ НАЗАРИЯСИ

Зигмунд Фрейд невроз касалликларини ўрганиш орқали оддий психиатрдан жамият ва маданият психоаналитиги даражасига кўтарилган буюк олимдир. Унинг илмий изланишлари натижаси сифатида жамият ва индивид тараққиётининг психосексуал назарияси юзага келди. Фрейд ўз дунёқараши тараққиётда мураккаб ва зиддиятли йўлни босиб ўтди. Психиатриядаги биринчи маърузаларида у XX аср табиий-илмий материализми қоидаларига амал қилди, лекин психоанализнинг яратувчиси сифатида Шопенгауер, Ницше ва бошқаларнинг идеалистик-иррационалистик “ҳаёт фалсафаси” томон бурилди. Бу таълимотлар таъсирида индивиднинг инстинктив-физиологик майлларига хос бўлган, инсон хулқи учун асосий аҳамият касб этувчи “психик энергия” ҳақидаги тасаввурлар шаклланди. Фрейд инсон психикасида даставвал нисбатан автоном, лекин доимий ўзаро фаолиятда бўлувчи иккита структура, онгсиз “У” («Оно», «Ид») ва онгли “Мен” («Я», «Эго») ни ажратди, кейинчалик уларга “Юқори Мен” (Сверх-Я) ни ёки Супер — Эгони қўшди, “Юқори-Мен” “Мен”га жойлашиб олади ва махсус таҳлилсиз “Мен” уни англамайди. Фрейднинг фикрича, неврознинг сабаби “У”, “Мен” ва “Юқори-Мен” ўртасидаги ўзига хос зиддият ҳисобланади. Ҳар учала субстанция ўртасидаги асосий зиддият нимадан иборат? Ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Инстинктлар. Ички “У”

Агар инсонни бошқа барча жониворлар сингари табиат фарзанди деб ҳисобласак, унда уларга хос бўлган хусу-

сиятлар инсонга ҳам хосдир. Агар бошқа барча жониворлар инсонга ўхшаб ақлга эга эмаслигини ҳисобга олсак, унда улар ўртасидаги умумийлик фақат инстинктлардан иборат бўлади. Маълумки, инсонда иккита асосий инстинкт мавжуд: ўзини ўзи сақлаш ва насл қолдириш, яъни кўпайиш инстинкти. Бу инстинкт, ўз навбатида, яна кўплаб бошқа инстинктив омиллардан ташкил топади. Бу иккала инстинкт ўзаро боғлиқдир. Ўзини ўзи сақлаш инстинктига қуйидаги инстинктлар киради: овқатланиш, ўсиш, нафас олиш, ҳаракат каби ҳар қандай организмнинг тирикчилигини таъминлайдиган барча ҳаётий функциялар. Даставвал бу омиллар инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим бўлган, лекин инсон ақли ва тафаккурининг ривожланиб бориши билан улар ўзларининг дастлабки муҳим ҳаётий аҳамиятларини йўқотганлар. Чунки инсон бора-бора овқат топишнинг янги, қулай усулларини қидириб топа бошлаган, энди овқат очликни қондиришгина эмас, балки инсонгагина хос бўлган очкўзликни қондириш учун ҳам хизмат қила бошлаган. Вақт ўтиши билан овқат топиш тобора енгиллашиб борди ва инсон уни топишга тобора камроқ вақт сарф қила бошлади.

Инсон ўзига бошпана ва бошқа мосламалар қуриб олиб, ўз ҳаётида имкон қадар хавфсизликни таъминлади. Шундай қилиб, ўзини ўзи сақлаш инстинкти ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотди ва биринчи ўринга кўпайиш инстинкти, Фрейд тили билан айтганда **либидо** чиқди. Агрессивлик, биринчи бўлишга интилиш каби инсонга хос бўлган, ўзини ўзи сақлаш инстинктига тегишли бўлган интилишлар, диалектиканинг иккинчи қонунига кўра янги сифат кўринишига, яъни либидога ўтади. Шундай қилиб, эволюция жараёнида инсон ҳаётининг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи кўпайиш инстинкти бўлиб қолди.


Назорат қилувчи “Мен”

Фрейд назариясига кўра, “У” ўзининг дастлабки қувватини наслий йўл билан олади, лекин параллел равишда “Мен” ҳам ривожланиб боради. Инсон ўзининг табиатидаги биродарларидан ақли билан фарқ қилади.

Психоанализда ақл сифатида “Эго” тақдим қилинади. Инстинктлар ёки “У” фақатгина ички тўлдирувчи бўлганлиги туфайли “У” ни суюқликка қиёслаш мумкин, яъни “У” қатъий бир шаклда мавжуд бўла олмайди, акс ҳолда бир хил инстинктларга диққатни қаратиш натижасида инсон ҳомосапиенсдан ҳомовульгариусга, яъни ҳайвонга айланиб қолган бўлар эди. Шунинг учун “Мен” ёки “Эго” инстинктларни тутиб турувчи ўзига хос қобиқ вазифасини бажаради. Айнан шу босқичда янги зиддиятлар пайдо бўлади, ҳамма нарса доимий ривожланиши ва осойишталик нисбий бўлганлиги туфайли ўз-ўзидан “Мен” ва “У” вақт ўтиши билан ўзгариб боради, лекин “У” шаклланиб бўлган бўлса, “Мен” маданий тараққиёт жараёнида ўсиб боради. Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўз ўрни ва вақти борлигини эътиборга олсак, ўз-ўзидан инсон психикасининг ҳам умумий табиатда ўз ўрни ва ўз вақти бор Оддий қилиб айтганда, инсон психикасини муайян ҳодисалар содир бўладиган ҳужайрага ўхшатиш мумкин. Тегишинча ҳужайранинг қобиғи “Мен” бўлса, унинг ички мазмуни “У” ташкил қилади (“У” да ҳар доим турли хил майда-чуйда жараёнлар бўлиб туради). Вақт мобайнида ҳужайра ривожланиб бориши керак, лекин агар унинг ички мазмуни “У” шаклланиб бўлган бўлса ва унча катта аҳамиятга эга бўлмаган ўзгаришларга учраса, унинг устки қобиғи маданиятнинг ўсиб бориши билан бирга ўсиб, қалинлашиб боради. Қобиқ ташқарига қараб ўса олмайди, чунки у ердаги жойларни бошқа ҳужайралар, индивидуумлар (одамлар) эгаллаб олишган, демак, у фақат ичкарига қараб ўсиши мумкин, бунда эса ҳужайранинг ички мазмуни “У” ни тобора сиқиб бориши керак. Ниҳоят, бундай сиқилиш натижасида ҳужайранинг ичидаги босим шу қадар кучаядики, ички мазмун “У” ташқи қобиқни ёриб ўтишга ҳаркат қилади. Айнан ана шу ички зиддият психосексуал “У” билан назорат қилувчи “Мен” ўртасидаги асосий қарама-қаршилиқ ҳисобланади.

Маданиятнинг ривожланиб бориши билан инсоният ўз муҳитида тобора кўпроқ неврозларга дуч келади ва бу тасодифий ҳол эмас. Лекин асосий муаммо шундаки, инсон ўз ичидаги зиддиятни англаб етмайди. Фрейд невро-

тик симптомлар мазмунини психоаналитик тилсимдан халос қилиш орқали инсон томонидан ўз ички конкрет майлларини англашни психик саломатликни тиклашнинг асоси, деб билган. Содда қилиб айтганда, психоанализ ёрдамида психиканинг босим кучайган ва ўсма пайдо бўлган жойлари аниқланади. Бу жойни аниқлаш ва пайдо бўлган зиддиятни бартараф қилиш орқали инсоннинг психик саломатлиги тикланади.




“Юқори-Мен” тизими

Энди “Супер-Эго” ёки “Юқори-Мен” тизимини кўриб чиқамиз. “Юқори-Мен” инсон психикасининг ажралмас қисмидир. Инсон жамиятда яшар экан, жамият инсонга таъсир кўрсатади. Юқоридаги мулоҳазамизга қайтамиз. Агар инсон алоҳида тизим ёки ҳужайра бўлса, демак, у алоҳида яшай олмайди (организмдан алоҳида ҳужайрани ажратиб бўлмайди). Бу ҳужайралар тўқимани (образли қилиб айтганда, одамларнинг кичик гуруҳларини), тўқима, ўз навбатида, органни (яъни, нисбатан каттароқ гуруҳларни) ташкил қилади, органлар эса катта, бир бутун организмни (жамиятни) ташкил қилади.

Ана шу ҳужайралар ташқи қобиклари — “Мен” лар бири бири билан боғланган. Айнан ана шу “Мен” лар тўплами “Юқори-Мен” ни ташкил қилади. Айтиш мумкинки, “Юқори-Мен” ҳамма ижтимоий муносабатлар (инсон ҳулқини назорат қиладиган ижтимоий муносабатлар) тўпламидан иборат.

“Эдип комплекси” ва тотемизмнинг бошланиши

Энди “Мен”, “У” ва “Юқори-Мен” нинг биргаликдаги фаолиятини тажрибада конкрет мисолда кўриб чиқамиз. Одамлар қадимдан инцест (қариндош-уруғлар ўрта-



сидаги никоҳ) авлодга салбий таъсир қилишини сезишган. Генотипни тоза сақлаш ва инсоният эволюциясини таъминлаш учун инцест дин, қонун йўли билан тақиқланган. Бу тақиқловчи кўрсатмани “Юқори-Мен” ёки барча онгли параметрлар тўплами беради. “Мен” жамиятнинг бу талабига бўйсуниб, ўзининг инцестуоз майлларини жиловлайди. Бироқ, боланинг сексуал майллари илк ёшлик даврларида яқинларига, биринчи навбатда онасига йўналтирилади, чунки она бошқаларга нисбатан унга яқин инсон ҳисобланади, яъни айтиш мумкинки, ихтиёрий ёки ихтиёрсиз, онгсиз “У” ижтимоий ахлоқ томонидан бостириладиган инцестуал шарт-шароитни яратади. Мана шу ерда вақт ёки “ёш” ўтиши билан ҳал қилинадиган ёки “эдип комплекси”га айланадиган қарама-қаршилик пайдо бўлади. Бошланғич босқичда бола отасини ўз рақиби деб билганлиги учун унда отанинг тоталитар режимини ағдариш ёки уни бартараф қилиш истаги пайдо бўлади. Фрейднинг умумлашган назариясига кўра, қадимда полигам жамоода болалар отанинг чекланмаган ҳокимиятига қарши исён кўтаришганлигини айтиш, аниқроғи, тахмин қилиш мумкин. Тил бириктириб уни ўлдиришган. Кейинчалик ўз қотилликларининг мазмунини тушуниб, ўзлари билан ҳам шундай ҳодиса содир бўлиши мумкинлигини ўйлаб қўрқиб кетишган. Шунда уларнинг ҳар бири ўз таъсир доираларини бўлиб олиб, ҳар бири ўз оиласида ўлик отанинг авторитар ҳокимиятини ўрнатган (илоҳийлаштирган), яъни отани тоталитаризм рамзига айлантиришган. Уларнинг болалари ўз оталарини эмас, балки ўлик боболарини деспотизмда айблашган. Кейинроқ қабилаларда ота рамзини ҳар хил ҳайвонлар алмаштирган. Шундай қилиб, дастлабки динлардан бири бўлган тотемизм келиб чиққан.

Ички ёпиқлик

Юқорида айтилганлардан шундай табиий хулоса қилиш мумкинки, олам “У” ва “Мен” нинг “Юқори-Мен” билан зиддияти ҳисобига ривожланади (Бу ҳақиқатан шундай). Бироқ у ҳолда шундай нарсани таъкидлашга тўғри келадики, дунёда бирорта ҳам соғлом одам йўқ, чунки ҳар бир индивиднинг ўз зиддиятлари бор ва маданиятнинг бундан кейинги тараққиёти ижтимоий портлашга олиб келади, чунки ички мазмун ёки “У” ташқи қобикни бузиб ташлайди. Бу тўғри, лекин гап шундаки, инсонда ҳар доим ички психик омил энгиллашиб, бўшашиб, таранглиги пасайиб туради. Ички психик энергияни бундай сарфлаш икки хил йўл билан амалга ошади. Биринчиси, нормал жинсий мулоқот орқали, бундай мулоқот инстинктларнинг юзага чиқишига имкон беради (лекин шуни эътиборга олиш керакки, жамият жинсий мулоқот нормасини чеклаб қўйган ва бундай тор йўлак орқали психо-сексуал энергиянинг озгина миқдори сарф бўлиши мумкин). Биринчи омилни тўлдирадиган иккинчи омил қуйидагилардан иборат: диалектиканинг иккинчи қонунига кўра қондирилмаган сексуал энергия бошқа сифат кўринишига ўтади, хусусан ижтимоий энергияга айланади, яъни одам ижтимоий фаол бўлиб қолади. Агар ички психик энергия сарф бўлишининг ҳар иккала канали очик бўлса, индивид нормал ҳолатда бўлади. Агар биринчи канал ишламаса, бутун энергия ижтимоий соҳага ўтади, *сублимация* қилинади. Агар иккинчи канал ишламаса, унда онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилган инстинктлар психик портлаш ёки неврозларга олиб келади. Бундай ҳолат ҳар хил шаклда, фонтом касалликлардан психик бузилишларгача, яъни таъқиб қилиш манияси, параноя ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин. Кўп ҳолатларда психикани назорат қилишнинг йўқолиши ўнглаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Психоанализ шундай ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Табиийки, биз психика фаолиятининг энг содда схемасини тасвирладик. Инсон организи, хусусан унинг психикаси автоном, ўзини ўзи бошқарувчи тизимдир. Шунинг учун ҳам психика бузили-

шининг бош омили онгсизлик ва онг ўртасидаги зиддият эмас, балки “Юқори-Мен” нинг таъсири ҳисобланади.

ФРЕЙДНИНГ МАДАНИЯТШУНОСЛИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Маданиятнинг ижтимоий муносабатлар тараққиётидаги роли

Фрейдизм тузилиши ва яқин мақсадига кўра индивидлар психикасини ўрганиш ва даволашга йўналтирилган. Лекин бу таълимот аввалдан ижтимоий онгнинг ҳозирги кун ва ўтмишини тушунтириб беради. Фрейднинг фикрича, сексуал майлларни онг остига сиқиб чиқарадиган ва неврозлар келтириб чиқарадиган тақиқлар, моҳият жиҳатидан инсоният тарихининг бошланишида пайдо бўлган ахлоқийлик ва ҳуқуқнинг ижтимоий нормаларидан бошқа нарса эмас. Фрейд уларни “маданий тақиқлар” деб атаган ва нима учун, қандай шароитда улар пайдо бўлган, мустаҳкамланган, ривожланганлигини аниқлаш ниҳоятда муҳим, деб ҳисоблаган. Инсоният маданиятининг шаклланиши ва моҳияти муаммолари олимнинг диққатини ўзига жалб қилган. Фрейд ўзи ёзганидек, у инсониятнинг умумий тараққиётини алоҳида шахсларнинг болаликдан етукликкача бўлган тараққиёти давридаги руҳий жараёнларни ўрганиш орқали орттирган тажрибаси воситасида тасаввур қилишга ҳаракат қилган. Алоҳида тавсифларни алоҳида одамдан бутун инсониятга кўчириб, Фрейд шу йўл билан жамият эволюцияси жараёнини тушунишга ҳаракат қилган. Шуни эътиборга олиш керакки, Фрейд бутун инсониятга оддий индивиднинг эмас, балки невротикнинг психологик сифатларини кўчиради. Бу йўналишларда олим айрим қоидаларни илгари суради. Унинг фикрича, биринчидан, ҳамма одамлар у ёки бу даражада невротик ҳисобланишади. Иккинчидан, ҳар бир бола ўз индивидуал тараққиётида невроз босқичидан ўтади. Учинчидан, невроз босқичи ибтидоий жамоа одами учун ҳам хосдир. Ҳамма халқлар ўз маданий-тарихий тараққиётида шу босқичдан ўтади. Маданиятни индивид невротик онги орқали изоҳлаб, Фрейд маданият одамнинг табиий майл-

ларини боғлаб қўядиган тақиқлар тизимидан иборат, деб баҳолайди. Унинг фикрича, майлларни сиқиб чиқариш — бу эришилган маданият даражасининг мезони, инсониятнинг маданий тараққиёти эса бизнинг “Мен” имизга элементар лаззат берадиган табиий эҳтирослардан воз кечишдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Фрейднинг “маданият” атамаси кўп ҳолларда “жамият” тушунчасига тенг келадиган даражада кучлидир. Фрейд ўзининг “инсоният маданияти” ҳақидаги кенг таърифида кўрсатадики, “инсоният маданияти” табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш, фаровонликка эга бўлиш ёки ўз эҳтиёжларини қондириш учун одамлар томонидан ўзлаштирилган ҳамма билим ва усулларни қамраб олади ва айни пайтда, у одамлар ўртасидаги муносабатларни бошқарадиган, ноз-неъматларни тақсимлайдиган ижтимоий институтларни ҳам ўз ичига олади. Лекин шуни ҳисобга олиш керакки, ҳамма одамларда ҳар доим деструктив, антисоциал, маданиятдан ташқари анъаналар яшаб қолган ва бундай интилишлар кўпчилик одамларда шунчалик кучлики, улар бундай одамларнинг хулқини бошқалардан ажратиб туради.

Инсон ҳар доим икки ўт орасида яшайди. Бир томондан, маданият инсонни эзади, уни лаззатланишдан маҳрум қилади (шунинг учун одам маданиятдан қутулишга ҳаракат қилади), иккинчи томондан, маданият одамни атроф муҳит омилларидан ҳимоя қилади, табиатнинг барча ноз-неъматларини ўзлаштириш, улардан фойдаланиш ва одамлар ўртасида тақсимлаш имконини беради. Демак, агар одам маданиятдан ўз лаззатлари ҳисобига воз кечса, ҳимоядан, кўплаб ноз-неъматлардан маҳрум бўлиши ва ҳалок бўлиши мумкин. Агар у маданият фойдасига ўз майлларидан воз кечса, бу нарса унинг психикасига оғир юк бўлиб тушади. Инсон қайси томонга мойил? Албатта, иккинчи томонга. Фрейд бу ҳақда шундай ёзади: “Шу туфайли ҳам ҳар қандай маданият мажбурийлик ва майллардан воз кечиш ҳисобига қурилиши керак ва уни тушунишда шу нарса маълум бўладики, оғирлик маркази моддий неъматлардан психика томонга сурилган. Ҳал қилувчи масала шундаки қандай қилиб одамларнинг ўз майлларидан воз кечиши

ҳисобига берадиган қурбонларининг оғирлигини енгиллатиш, уларни бундай йўқотишнинг мажбурийлигига кўниктириш ва уларни ўзлари берган қурбонлари учун тақдирлаш мумкин”.

ФРЕЙДНИНГ ТЕОЛОГИК ТАСАВВУРЛАРИ

Дин ижтимоий невроз сифатида

Фрейднинг маданиятшунослик соҳасидаги мулоҳазалари уни дин муаммосига яқинлаштирди. Маданият муаммосини ҳал қилиш дин муаммоси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Маданий таъқиқларни кўриб чиқишда Фрейд уларнинг диний тасаввурлар билан боғлиқлигини сезмаслиги мумкин эмас эди, қолаверса, кўплаб диншунослар инсон ҳаётини бошқарувчи қадимий меъёрларга илоҳий тус беришади. Қадим-қадимдан инсоният маданияти диний асосга қурилади деб ҳисобланган.

Бундан дин қадрсизланиши билан жамиятда маданият деградацияси кузатилади деган хулоса келиб чиқади. Диннинг пайдо бўлишини Фрейд шундай тушунтиради: инсон ожиз ва яшаб қолиш учун кўп нарсадан воз кечиши керак. У тараққиёт натижасида унинг истакларини ман қиладиган жамиятга қўшилиши керак. Эслатиб ўтганимиздек, одам яшаб қолиши учун ўзининг кўпгина майлларидан воз кечиши керак. Одамни ўз майлларидан воз кечганлиги учун тақдирлаш, уни табиат ҳодисалари ва бошқа индивидларнинг тажовузларидан ҳимоя қилиш учун кимдир керак бўлади. Бу функцияларни ким бажара олади, деган савол туғилади. Илк болаликда ҳар бир одам оилада отанинг таъсирини сезади. У ҳоқимиятга эга, ўз қоидаларини ўрнатади, оилани ҳимоя қилади. Болада отага нисбатан комплекс шаклланади: у отани кучли ва меҳрибон деб ҳисоблайди. Ота унинг учун авторитет, яна бола онасини отасига рашк қилади, унинг ўрнини эгаллашни хоҳлайди, лекин кейинчалик инцестуоз майллар ўз кучини йўқотади, лекин отанинг олдидаги ҳурмат ва кўрқув қолади. Худди шундай функцияни худо ҳам бажара

ради. Даставвал тотемдан худоларнинг бутун бир гуруҳи ўсиб чиққан, кейинчалик фақат ёлғиз, қудратли, жазоловчи худо қолган, бу худо кейинчалик ғамхўр ва адолатли худога айланган. Шундай қилиб, одамлар ўзларининг бутун антисоциал хулқлари учун масъулиятни худонинг елкасига юклашган. Одамлар ўз майлларидадан воз кечишгани учун худодан мукофот олишга умид қилишадди ва ниҳоят худонинг обрўси уларга ўзларининг ички зиддиятларидан қутулишга ёрдам беради. Кўриб турибмизки, дин маданиятнинг асосий бўлакларидан биридир. Лекин Фрейд динни оммавий невроз деб атайди. У нимага асосланиб бундай хулосага келган? Гап шундаки, дин ўзининг кўп қоидалари билан ёпишқоқ невротик ҳолатни эслатади. Масалан, невротик қандайдир ҳаракатларни амалга оширмасликдан қўрқса, ҳақиқий диндор ҳам худди шундай, қандайдир диний маросимни амалга оширмасликдан қўрқади. Фарқ шундаки, невротик ўзининг доимий қайтарилувчи машғулотлари мазмунини тушунтириб бера олмайди, диндор эса ўзининг теологик билимларидан келиб чиқиб у ёки бу маросимларни изоҳлай олади. Шундай қилиб, айрим эътирозлар билан динни ижтимоий невроз деб аташ мумкин. Шу билан бирга дин ижобий аҳамиятга эга. Гап шундаки, хусусий невроз ижтимоий невроздан кўра хавфлироқ, у беморнинг жисмоний ҳолатига таъсир қилади, ижтимоий невроз эса бутунлай хавфсиздир. Худди шундай динни антиневроз деб ҳам аташ мумкин, чунки у хусусий неврозларни эритишга ва ижтимоий зиддиятларни юмшатишга ёрдам беради. Диннинг бузилиши маданиятнинг кескин таназулига сабаб бўлади. Худди шундай ҳолат Ўзбекистонда инқилобдан кейинги бутун шўролар даврида кузатилди.

Шубҳасиз, Фрейд таълимоти муқаммалликка даъво қилолмайди, лекин Зигмунд Фрейд инсоният жамияти тараққиётини тушуниш ва баҳолашда жуда катта қадам қўйди. Психоанализ назариясини яратиб, инсон психикасини англаш ва унинг қатламларини очишда ниҳоятда илгарилаб кетди. Бизнинг давримизда бу назария янада такомиллашди. У ўзининг кўплаб издошларига эга бўлди.

ПСИХОАНАЛИЗДА ИНСОН ОБРАЗИ

Фрейд даставвал инсон образини майлларнинг бошқарувчилик кучи орқали аниқлаган. Бу майллар Фрейд назариясида тушда, нутқдаги хатоларда, ҳазилларда, кинога гапларда намоён бўлади деб таъкидланади. У ўзининг “Тушлар таъбири”, (1900 йилда ёзилган) “Ўткир сўзлик ва унинг онгсизликка муносабати”, “Кундалик ҳаёт психологияси” (1901) каби асарларида бу фикрни илгари суради. У бизнинг у ёки бу вазиятларда қандай қилиб онг ости фантазиялари таъсирига тушиб қолишимизни ёрқин тасвирлаб берган. Ҳар биримиз ўз ҳаётимизда кўплаб билмай гапириб юбориш, онгсиз унутиш, хулқ ва нутқда хато қилиш, ўзимиздаги тушкунлик ва хафачиликни ҳазил ёрдамида бартараф қилиш ҳолларини эслашимиз мумкин. Маълумки, психоанализ инсон шахси тараққиётини маълум “орал”, “анал”, “фаллистик”, “генитал” босқичларга бўлиб ўрганади ва бу босқичлар туғилгандан беш ёшгача давом этади деб ҳисоблайди.

Орал босқичда бола инстинктив равишда она кўкрагини эмиш учун уни қидиради, кейинчалик кўкракни катта бармоқ ёки сигаретага алмаштиради. Анал босқичда биз ўз кечинмаларимиз соҳасига физиологик жараёнларни, масалан, дефекация ва сийдик чиқаришни қўшамиз. Лекин ҳар бир босқичдаги шахс тараққиётига ота-она ва атрофдагиларнинг муносабати таъсир қилади. Масалан, ўта покиза аёллар боланинг ахлат чиқариш ва сийдик чиқаришини доим назорат қилишади, бошқа оналар болани бу жараённи мустақил назорат қилишга ўргатишади. Биринчи ҳолатда бола онага тобе бўлиб қолади, иккинчисида бола бу жараённи ўзи назорат қилиб, ундан ўзига қулайлик топади.

Психоанализда *сексуаллилик* ва *агрессивлик* инсон ҳаёти ҳамда шахслараро муносабатларнинг иккита қўзғовчи мотиви деб қаралади. Ҳар бир одамда агрессивликка мойиллик бўлиб, унинг мақсади бошқаларга зарар етказиш, ҳақорат қилиш, талаш ҳисобланади. Ижтимоийлашиш жараёнида агрессивлик конструктив йўналишга бурилади. Даставвал тийиқсиз, тизгинсиз, мувофиқлаштирилмаган,

шафқатсиз, кўпол хулқни предметсиз агрессиядан аниқ, адресли, инсонга ўз фикрини ҳимоя қилишга ва хавфдан ҳимояланишга имкон берадиган агрессияга айлантириш мумкин. Ёшликда болалар ўзаро муносабатларни рақобат ёрдамида, катта ёшда ақлий мусобақа ёрдамида ҳал қилишади.

Предметсиз агрессия шахслараро муносабатларга зарар етказди. Бундай хавфнинг биринчиси геноцид бўлса, иккинчиси суицид ҳисобланади.

Психоаналитик шахс назариясида *аффект* — *жароҳат модели* алоҳида ўрин тутади. Бу моделга кўра илк болаликдаги жароҳатли ҳодисалар ёш бола шахси томонидан ҳазм қилина олмаслиги туфайли бевосита психик бузилишга, психик жароҳатланишга олиб келади. Етказилган жароҳат кейинги тараққиётда сезиларли бузилишларга сабаб бўладиган из қолдиради.


Бундай жароҳатларга жинсий хиралик, шилқимлик, оғир жисмоний муомала, болаларга уларнинг халақит бераётганлиги, асабга тегаётганлиги, уларнинг унчалик қувонч келтирмаётганлигини англатиш воситасида билдириладиган руҳий қаттиққўллик ва совуқлик киради. Бу ерда ташқи жароҳат бирламчи бўлиб, психик жароҳат, яъни ички жароҳат иккиламчи ҳисобланади. Бошқача айтганда, бузилиш бирламчи, зарар эса иккиламчидир.

Бу зарар ғамхўрликнинг етишмаслиги, жароҳатловчи ҳодисаларнинг кўплиги бўлиб, унинг натижасида болаларда хавотирли ҳаяжонланиш, реактив ғазаб пайдо бўлади. Бу аффектлар баъзан очиқ намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунда улар “тараққиётнинг тормозланиши”га ёки “болалар неврозлари”га сабаб бўлишади. Бундай неврозларга “ахлат, сийдикни тута олмаслик, қайсарлик, апатия” киради. Кейинроқ эса таълимда қийинчиликлар вужудга келиши мумкин.

Ушбу модель бўйича реалликка нисбатан шахс кичик тизимининг учта қатлами фаол ҳаракат қилади: “У”, “Юқори-Мен” ва “Мен”. Бошқача айтганда “У” — бу “Ид” онг ости ёки онгсизлик соҳаси, инстинктив майллар тўплами, “Мен” — бу “Эго”, шахс, онг. “Юқори-Мен”, “Супер-Эго”, *ижтимоий ахлоқ, хатти-ҳаракат нормалари, ижти-*

моий онг, хулқ. “У” онгсизлик соҳасидан иборат, унинг хукмрон принципи “Лаззатланиш” принципи бўлиб, сиёсатда бу анархия кўринишида майдонга чиқади.

“Юқори-Мен” да норма ва қадриятлар локализация қилинган. Булар тарбия ва ота-она эталон “матрицаси, ота-она томонидан болага сингдириладиган хулқ-атвор шакллари” натижасидир.



1-расм

“Мен” — “Юқори-Мен” ва “У” томонидан эзиб, сиқиб қўйилган, “У” ва “Юқори-Мен” ўртасида онгсиз алоқалар мавжуд.

1-расмдаги “Мен” “У” ва “Юқори-Мен”га нисбатан анчагина мураккаб ҳолатда, у ҳар иккала томондан эзилади. “У” ўз жинсий ва агрессив импульсларини қондириш учун “Мен”га тазйиқ ўтказади. Лекин уларни қондириш ўсмирга ота-она томонидан катта ташвиш келтиради. Иккинчи томондан “Юқори-Мен” ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва қонунларини бажаришни талаб қилади. Агар айтилганларга долзарб воқеликнинг “Мен” га таъсир қилувчи омиллари ҳам қўшилса, бундай шахс “Мен” ининг аҳволи анчагина фожиали бўлиб кўринади.

Агар “Мен” ни болалик ва невротик бузилишлардан ҳоли, аъло даражада тараққий этган, етук “Мен” сифатида тасаввур қилинса, ҳолат ўзгаради.

Бундай “Мен” онг эгаси бўлиб, “У” дан эсадиган инстинктлар шамоли ва “Юқори-Мен” да жойлашган таъқиқ ва қоидалар ўртасида воситачи ҳисобланади. Бундан ташқари “Мен” назорат, қайта назорат ва қарор қабул қилиш


органи ҳисобланади, у “У” билан “Юқори-Мен” дан чиқадиган талабларни тергов қилади. “Мен” у ёки бу қарорни текширади, натижада ё маъқуллайди ёки рад қилади. Қарор онгли равишда қабул қилинади. Шу билан бирга инстинктив истақ ёки “Юқори-Мен” нинг буйруғини бажариш кечроқ муддатга сурилиши мумкин.

Компромисс (муроса) қисман воз кечиш ёки ижтимоий жиҳатдан мумкин шаклда қисман қондириш ёки “сублимация-энергиянинг бир турининг, масалан, сексуал энергиянинг энергиянинг бошқа турига, масалан, ижтимоий фаолликка йўналтирилиши” кўринишида бўлиши мумкин. Бундай қулай вазиятда “У” нинг барча кучлари “Мен”нинг ихтиёрида бўлади.

Шунинг учун “Мен” ўзини ҳукми ўтадиган, бойитилган деб ҳис қилади, чунки ўзи акс эттираётган эротик, ҳиссий ва эҳтиросли майллар унинг ўзига боғланган.

“Юқори-Мен” га нисбатан ҳам “Мен” автоном ҳолатда, чунки “Юқори-Мен” томонидан илгари сурилаётган таъқиқловчи вазиятларга амал қилиш керак ёки керак эмаслигини у ўзи онгли равишда ҳал қилади. “Мен” у ёки бу бидъатнинг мақсадга мувофиқлигини танқидий қайта текширади, бидъат онгли фикр — эътиқодга айланади.

“Идеал” ҳам “Мен” билан мувофиқ муносабатларда бўлади. “Мен” “Идеални” амалга оширишнинг реал



2-расм

имкониятларини баҳолайди ва унга етишиш йўлларини танлайди. Бошқача айтганда, у қатъий ҳаракат билан идеалга яқинлашиш керакми ёки идеални реал хулққа тенглаштириш керакми деган масалани мустақил ҳал қилади.

Етук шахсинг “Мен”, “У”, “Юқори — Мен” ва “Идеал” и бир-биридан ажратилган бўлиб, болалар ёки невротикларга ўхшаб оғир зиддиятларга тортилмаган. “Мен” шахс стержени сифатида ҳаёт жараёнида “У” ва “Юқори-Мен” соҳаларини тўла ўзлаштириб олгунча кўплаб ўзгаришларга учрайди.

Фрейд тили билан айтганда, шундан сўнггина “У” бўлган жойда “Мен” бўлади. “Юқори-Мен” “Мен” га хўжайинлик қилмай қўяди, унинг қаторидан жой олади. Шунинг учун ҳам психоанализда “Мен” шахс тушунчасига тенг, Фрейд “Мен” га шахс руҳий жараёнларининг боғловчи ташкилоти деб қараган.

Шу ўринда Платон фойдаланган чавандоз ва аргумоқ мисолини келтириш ўринли. Тасаввур қилиш мумкинки, отни минишда тажрибаси йўқ бола отга бўйсунди, моҳир чавандоз эса отнинг кучидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади.

Бу мисол иккита муқобил хулосани илгари суради: чавандоз отни бошқара олса, унинг кучи “Мен”, от кучининг бир қисми ҳисобига кўпаяди, акс ҳолда чавандоз “Мен” мағлубиятга учрайди, ўзини ожиз, кучсиз, от (“У”)нинг ихтиёрига бутунлай бўйсунган деб ҳис қилади.

НЕВРОЗЛАР ҲАҚИДА ПСИХОАНАЛИТИК НАЗАРИЯ

Психоанализда неврозлар табиатини тушунтиришда *Эдип комплекси, қўрқув ва ҳимоя механизмлари* тушунчаларига катта эътибор берилади.

Эдип комплекси ҳақида “Эдип комплекси” ва тотемизмнинг бошланиши бандида батафсил тўхталинган. Бу ерда муаммога қайта мурожаат қилмадик.

Кўрқув барча одамларда бир хил табиатга эга. У бизни яшин тезлигида бутунлай эгаллайди, шахсга бундай ўз-ўзидан пайдо бўладиган хуружни назорат қилишга имкон бермайди. Биз қўрқув олдида ожизмиз, унга бўйсунамиз.

Ваҳима қўрқувни назорат қилиш бутунлай йўқолганда пайдо бўлади. Бу ерда биз гўёки аллақачон бартараф қилинган ожиз болаларча қўрқув ҳолатига тушамиз. Бироқ айна пайтда қўрқув анланган ва мақсадга йўналтирилган хавф ҳақидаги сигнал (белги) бўлиши мумкин. Биз уни сезамиз ва руҳий имкониятларимиз кучи билан уни қайта ишлаймиз ҳамда қўрқувга қарши туриш, унинг ортидаги хавфни бартараф қилиш имкониятига эга бўламиз.

Назорат қилинмайдиган, автоматик тарзда ваҳима билан кечадиган қўрқув шахс тараққиётининг илк, архаик босқичини эслатади. Сигнал қўрқувга қобиллик эса, аксинча, шахснинг маълум даражада етуклигини билдиради. Айна пайтда автоматик қўрқув “Мен” ни эзиб, янчиб ташлашга қобил бўлса, сигнал қўрқув “Мен”га хизмат қилади, уни хавф ҳақида огоҳлантиради.

Хавфдан бундай ҳимояланиш унга реал қарши туриш қобиллигидан иборат бўлиши керак.

Лекин болаликда ҳали бундай қобилият шаклланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам болалар қўрқувининг кенг тарқалганлиги табиий бўлиб, буни биз ўз шахсий хотираларимиз ёки болаларимизни кузатиш орқали биламиз: қоронғидан қўрқиш, ёлғиз қолишдан қўрқиш, ажинадан қўрқиш, момақалдироқдан, талончилардан қўрқиш ва ҳоказо. Болалар “Мен” ида афсуски бундай қўрқувларга қарши туришнинг керакли хулқ усуллари йўқ.

Заруратдан келиб чиқиб, бола ўзини қўрқувдан ҳимоя қиладиган психик механизмларини кашф қилади. Қўрқув бир мунча чидаса бўладиган даражага камаяди. “Мен” ўз ҳимояси учун уни хавфдан ажратадиган, керак бўлганда орқасига ўтиб беркинса бўладиган ўзига хос девор қуради. Бунинг учун ҳимоя девори қўрқувни қайтаришга қобил даражада бақувват бўлиши керак. Хавф эса ҳар доим ҳам ташқаридан келавермайди, у ички шахсий психик қобиқдан ҳам ёриб ўтиши мумкин. Демак, ташқи ва ички хавфдан сақлайдиган ҳимоя девори ўртасидаги фарқни билиш керак.

Даставвал психоанализ невротик ҳолатлар сабабини ташқи жароҳатланишдан қидирган. Кейинчалик бу назария ўрнини майллар назарияси эгаллади, яъни психик

бузилишлар сабаби сифатида ички, жинсий ва агрессив майллар ўрганила бошланди. Ҳимоя девори ёки ҳимоя механизми, бошқача айтганда, сиқиб чиқариш “Мен” нинг фаол тадбири бўлиб, бунинг оқибатида онг остидан онгга қалқиб чиққан майллар худди сув бетига қалқиб чиқиб, яна сувга чўккан предметлар каби сиқиб чиқарилади. Бундай таққослаш сиқиб чиқаришнинг моҳиятини яққолроқ намоиш қилади. Сувга чўктирмоқчи бўлаётган пўкакни кўз олдингизга келтиринг. Пўкакни сиз қандай куч билан сувга чўктирсангиз, у шундай куч билан сув бетига отилиб чиқади. Пўкакни сув остида узоқ вақт ушлаб туриш учун катта уриниш керак бўлади, чунки у ҳар доим сув бетига интилаверади. Нима учун у сув остида қолади? Физикадан психологияга кўчиб жавоб берамиз: агар сув бетига қалқиб чиқса, кўрқув яна уйғонади.

Кўрқувнинг қандай ҳимоя шакллари фарқлаш мумкин?

Жазоланиш кўрқуви, жароҳатланиш кўрқуви, тасаввурдаги бичиб қўйилиш (кастрация) кўрқуви, уялиб қолиш кўрқуви, муносабатнинг муҳим қатнашчиси бўлишга мойилликни йўқотиб қўйиш кўрқуви, жиддий оқибатлар, бузилишлар учун характерли бўлган кўрқув, бу одам ўзи учун қадрли инсонни йўқотиб қўйиш кўрқувидир.

Буларнинг ҳаммаси невротик бузилишларга сабаб бўладиган кўрқув турларидир. Пўкакни сув остида нима ушлаб туради? Аффектив жўшқинлик, тенг маънода айбдорлик ва уят ҳисси. Энди биз ўзимизда кечаётган мураккаб онгсиз жараёнларни кузата олишимиз мумкин. Майл худди пўкакка ўхшаб юқорига интилади, бу кўрқув, уят ёки айбдорлик ҳиссини уйғотади. Шунинг учун нафақат кўрқувдан, балки айбдорлик ва уят ҳиссидан ҳам ҳимояланиш керак.

Бирмунча кўп тарқалган ҳимоя механизмларига қуйидагилар кириди: “У” нинг талаблари остида эзилган (образли айтганда ахлатга булганган) “Мен” жазоланишдан кўрқиб, бутун кучи билан бу талабларнинг бажарилишига йўл қўймайди ва “Мен” нинг антиреакцияси шаклидаги **“реакция”** шаклланади. Бу ахлат билан булғанишга қарши “Мен” қатъий қарши ҳаракат билан жавоб бериб, покизаликнинг ашаддий ишқибозига айланишини англатади.

Изоляция ҳимоя механизмида майл билан боғлиқ тасаввур ёки фантазиялар аффектдан (аффектнинг умумий мазмуни эмоция, эмоционаллик, ҳиссиёт, кайфият билан бирга ишлатилади, тарихий мазмуни билиш ва ирода билан бир қаторда учинчи «фикрлаш функцияси» ҳисобланган, замонавий мазмуни умумий ва узоқ давом этадиган жўшқин эмоционал «эҳтиросга берилиш» ҳолати) изоляция қилинади (ажратилади). Бу аффект бевосита кўрқув аффементи бўлиши ҳам мумкин. Лекин улар айбдорлик ёки уят ҳисси билан боғлиқ ёки шодлик ва қайғу аффементлари бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда уят, айбдорлик, шодлик, қайғу билан боғлиқ тасаввурлар улар билан боғлиқ аффементлардан узоқлаштирилади. Масалан, мен дўстимдан жаҳлим чиқди ва уни ҳақорат қилмоқчиман. Дўстлигимизни сақлаб қолиш учун ўз газабимни “дўст” тасаввуридан изоляция қиламан. Бунда невротик ютуқ шу бўладики, газаб аффементи дўст тушунчасидан узоқлаштирилади. Натижада газаб дўст тушунчаси билан боғлиқ газабга нисбатан анчагина хавфсизроқ бўлади.

Аралаштириб юбориш ҳимоя механизми шундан иборатки, кўрқув уни чақирган бирламчи вазиятда, масалан, бола билан қаттиқ муомала қилаётган отанинг олдида эмас, балки бирмунча кечроқ, масалан, болага хавф солаётган итнинг олдида, итга нисбатан пайдо бўлади. Бу ҳимоя механизми кўпроқ фобияларда намоён бўлиб, ҳар қалай қаттиққўл ота олдида кўрқув пайдо бўлмаслигига эришади, агар бола итга дуч келмаса, у кўрқувдан бутунлай озод бўлади.

Аралаштириб юбориш кўпроқ тушда содир бўлади, бунда онг учун изтиробли бўлган мазмун бирмунча енгилроқ нарсага сурилади. Лекин ҳаётда бу механизм кўп қўлланилади, биз ўзимиз учун ёқимсиз бўлган исмни унутамиз, бирон нарсани “йўқотиб қўямиз”, билмай гапириб юборамиз ва ҳоказо.

Яна бир ҳимоя механизми — проекция, тасвирни кўчириш — бу ерда кўрқувни бошқа объектга йўналтириш. Бу механизм шундан иборатки, биз ўзимиз учун нохуш инстинктив майллардан ҳимояланиш учун уларни оддийгина қилиб бошқа одамларга проекция қиламиз, ўзимиздан

узоқлаштирамиз. Бунда биз ўзимиз майлимизни проекция қилган одамимизни ҳақиқатда қандай бўлса шундай эмас, балки ўзимизнинг тасаввуримизга мос ҳолда идрок қиламиз.

Ҳимоянинг бу механизми энг кўп тарқалган: проекция воситасида ўзгарган бошқа одам ҳақидаги идрок, проекция жараёни англагандан сўнг ўз шахси идрокининг ўзгаришига тўла мос келиши керак, чунки проекция қилган шахс проекция жараёнини англагандан сўнг дастлаб бошқа одамга проекция қилган ўз шахси таркибий қисмларини энди қайд қилишга, англаб етишга қодир бўлади. Масалан, шахсий майллар, айтишлик, ноҳуя жинсий ёки агрессив импульслар.

Бинобарин, проекция сиқиб чиқариш, реакция шакллантириш ва изоляциядан фарқ қилиб, доимо ўз ҳимояси учун бошқа шахсни ҳам қўшиб олади. Энди бу ерда гап фақат бизнинг ўзимизда мавжуд бўладиган интра-психик (ички) ҳимоя механизмларидан фарқ қилиб, шахслараро ҳимоя механизми ҳақида бормоқда (*Мудом шамолларни куйлар тутқунлар, ҳаёдан сўзлайди барча шарманда. Иқбол Мирзо*). Баъзан проекция фақат бошқа одамларнигина эмас, балки ижтимоий институтлар ва муассасаларни, ҳатто бутун жамиятни ёки унинг бир қисми бўлган ҳукумат, парламент, суд ёки мактаб, оила, қишлоқ хўжалигини қамраб олиши ҳам мумкин. Ҳар доим бундай ташкилотлар ё кучли идеаллаштирилганда, ё кучли қораланганда, биз бу ерда онгсиз проекция жараёни бўлмаптимикин, деб ўйлашга асосимиз бор. Шу муносабат билан психоанализ сиёсий жараёнларни реал идрок қилишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Чунки айрим ижтимоий институтлар ёки муассасалар ҳаддан ташқари мақталса ёки қораланса, жумладан давлат ва унинг аппарати террорчилар, муҳолифат кучлар томонидан қоралана бошласа, бунда онгсиз проекция жараёни кечяпти деб шубҳаланишга асос бор.

Психоанализни сиёсий жараёнларга нисбатан қўллашнинг бир неча ўзига хос хусусиятлари бор. Социология, сиёсатшунослик сингари фанлар сиёсий-ижтимоий жараёнларни эмпирик маълумотлар йиғиш билан ўрганadi. Лекин фақат шу методлар ёрдамида онгли ва онгсиз жа-

раёнлар чегарасига яқинлашиш мумкин эмас. Фақат психоанализгина ўз методлари ёрдамида бу чегарага яқинлашиши мумкин. Бундай методга эркин ассоциациялар ва регрессив анализдан фойдаланиш билан бирга ишлатиладиган психоаналитик интервью мисол бўлади. Унча катта бўлмаган гуруҳларда онгсиз жараёнларни гуруҳли аналитик метод ёрдамида ўрганиш мумкин 50 кишигача бўлган катта гуруҳларда истак ва қаршилиқ, кўчириш ва қарши кўчириш гуруҳли концепциясини ҳисобга олиб, бу методни қўллаш мумкин.

Фрейд ўзининг “Оилавий психология ва одам “Мен”и таҳлили” асарида баён қилган назариясига кўра, омма, ҳарбий хизматчилар ёки диний қавм ўзларини ўзлари шахсий Мен-идеаллари шоҳсупасига кўтариб қўйишган раҳбарлари, йўлбошчилари билан идентификация қилишади ва айни пайтда у билан ҳамфикрликни ҳис қилишади.

Бундай тахминларни текшириш учун психоаналитик ана шундай гуруҳ, жамоа аъзоси билан гаплашиш имкониятига эга бўлиши керак. Бу ерда проектив тестлар ёрдамида қўлланиладиган психоаналитик интервью ҳар қандай вақтда ўтказилиши мумкин. Бунда психоаналитик қоидага кўра тадқиқотчи ўзи ўрганаётган предмет билан идентификацияланиши ва ўзининг қарши кўчиришида тадқиқот предмети ўзида қандай ҳиссиёт (қизиқувчанлик ва ажабланиш ёки асабийлашиш ва нафрат) уйғотаётганлигига эътибор бериши керак.

Ижтимоий психоаналитик тадқиқотга нисбатан жамиятда маълум бир қаршилиқ установаки (майли) мавжуд. Фрейд 1911 йилда бу ҳақда шундай ёзади: “Жамият бизнинг обрўйимизни тан олишга шошилмайди. У бизга нисбатан муҳолифатда туриши керак, чунки биз ўзимизни унга нисбатан танқидий тутаяпмиз. Биз жамиятга унинг ўзи неврозларнинг сабабларини яратишда қатнашаётганлигини кўрсатаяпмиз” Ижтимоий психоанализнинг мазмуни ижтимоий таҳлил, маданий таҳлил ёки ижтимоий танқиддан иборат бўлади. Агар ижтимоий жараёнлар диагностикаси билан шуғулланаётган психоаналитик ўз тадқиқотлари натижаларига амалий тус берса, бунинг натижасида ижтимоий терапияга эришиш мумкин.

Психоанализнинг турли гуруҳ ва муассасалар учун ноқулайлиги шундаки, у ҳар доим ҳақиқат тарафида туради. Гуруҳ, муассаса ва ташкилотларда эса ҳақиқат уни тан олишга қаршилиқ бартараф қилингандан сўнггина юзага чиқиши мумкин.

Бошқа томондан ҳар қандай ижтимоий қатламда онгсиз жараёнлар устунлик қиладиган соҳалар мавжуд ва бунда реалликни идрок қилиш бузилади. Психоаналитикнинг вазифаси нима ҳақиқатга мослигини, шахсий ва гуруҳли проекция ёрдамида реаллик қанчалик бузилганлигини аниқлашдан иборат.

КЛАССИК ИСТЕРИЯ ЁКИ КОНВЕРСИОН НЕВРОЗ

Конверсион неврозда майллар истерик симптомларга айлантрилади, психоаналитик тил билан айтганда конвертация қилинади. Кўплаб истерик симптомларни қуйидагича тақсимлаш мумкин:

— *Бош оғриқлари — сусаймайдиган жинсий қўзғалишлар “бошга уради”;*

— *Ошқозон санчиқлари — ошқозондаги “жаҳлдорлик” бўшашмайди;*

— *Истерик қайт қилиш — жинсий қўзғалиш билан боғлиқ нафрат ҳисси қайт қилиш орқали намоён бўлади: “бундан менинг кўнглим айнийди”;*

— *Кўриш ва эшитишдаги бузилишлар: таъқиқланган инстинктив истакларни кўрмаслик, пайқамаслик, улар билан онгни безовта қилмаслик керак.*

Симптомларнинг ўзи унчалик хавфли эмас, балки таъқиқни ва у билан боғлиқ зиддиятни идрок қилмайдиган жинсий майллар хавфлироқдир. Конверсион неврозлар психик симптом жисмоний симптомни вужудга келтириши билан характерлидир. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги танқидий муносабатни “Сен менга унчалик эътибор бермаяпсан. Сенга барибир бўлганлиги учун ҳам сени танқид қиламан” деган фикр билан тушунтириш мумкин.

ЎПИШҚОҚ ҲОЛАТЛАР НЕВРОЗЛАРИ

Бундай невроз учун аввало унинг соф психик характерга эга эканлиги, хато санаш, гапни қайтаравериш, у

ёки бу воқеалар тартиби ҳақида тинмай фикрлаш хосдир. Яна бунга баъзан беҳос хаёлга келиб қоладиган ножўя ниятлар ҳам киради.

Бундай неврозларнинг келиб чиқиши заминиди ҳар қандай жинсий ва агрессив импульсларнинг ота-оналар билан эмоционал муносабатлар йўқлиги шароитида кучли сиқиб чиқарилиши ётади.

Фобиялар

Турлари: эритрофобия — қизаришдан қўрқиш, юрак фобияси — юрак хасталиги билан касалланишдан қўрқиш, СПИДофобия — СПИД юқишидан қўрқиш ва радиофобия — радиактив нурланишдан қўрқиш.

Депрессив невроз ёки невротик депрессия

Аҳолининг 10 фоиздан ортиғи шу невроздан азият чекади. Бу неврознинг белгилари: тушкунлик — эзгин кайфият, бирон-бир ташаббус намён қилишнинг йўқлиги ва ташқи оламдан узоқлашиш хусусияти. Бу невроз сабаблари ундан азият чекадиганлар томонидан англомайди. Анализда тўртта психодинамик хусусият аниқланиши мумкин:

1. Яқин одамни йўқотиш кечинмаси.
2. Айбдорлик ҳисси.
3. Агрессивлик.
4. Ўзини-ўзи баҳолаш муаммоси.

Нарцистик невроз

Неврознинг бу турида нарциссизм (бошқаларга нисбатан ҳар қандай муҳаббат ҳиссини йўққа чиқарадиган ҳаддан ташқари ўзини яхши кўриш, ўзи билан ортиқча банд бўлиш)нинг учта турини ажратиш мумкин:

1. *Объектга муҳаббат ҳисобига пайдо бўладиган ўз-ўзига муҳаббатнинг патологик ҳолати.*
2. *Болалик тараққиёти давридаги боланинг ўз-ўзи билан ортиқча банд бўлиши, худбинлигининг ўтиш даври.*

3. *Ўзини ишончлироқ ва қойилмақомроқ ҳис қиладиган аффе́ктив ҳолат ёки субъектив мойиллик.*

ДЕЛИНКВЕНТ ХУЛҚ

Делинквент ва криминал хулқ кўп босқичли ижтимоий жараёнлар воситасида сақланиб туради. Делинквент ҳодисаларнинг фақат индивидуал муаммоларига тўхталиб, жинойий хулқнинг ижтимоий сабабларини кўрсатмаслик тўғри бўлмайди.

Роберт Мертоннинг фикрича, ҳозирги истеъмолчилик жамиятида кўпчилик одамлар нима қилиб бўлса ҳам, даромад, истеъмол ва муваффақиятга интилишади. Жамият томонидан инкор қилинган, тан олинмаган, четга суриб қўйилган одамлар учун бу мақсадларга қонуний йўл билан етиш жуда оғир. Шунинг учун улар муваффақиятга криминал йўл билан эришишга чоғланишади ёки шунга мажбур бўлишади. Бундай одамлар камомад қилишади, алдашади ёки талашади, қисқаси қонун йўли билан олишлари мумкин бўлган нарсага жиноят йўли билан эга бўлишади.

Бир қараганда бундай одамлар жамиятнинг паст табақасига мансуб кишилардан иборат деган хулоса келиб чиқади. Лекин кейинги пайтларда авж олиб кетаётган индустриал криминалистика (сотиб олиш, пора, камомад) кўринишидаги, аксарият жамиятнинг олий табақасига хос жиноятчиликни ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Баъзан жамиятдаги “ёрлиқ ёпиштириш” одати ҳам криминал шахс тақдирида катта роль ўйнайди. Одам бир марта жиноят қилиб, бундан буёнига криминал ҳаракат қилмасдан яшаш имкониятини йўқотади. Шундай қилиб, делинквент карьера қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади:

1. *Бирламчи, тасодифий содир қилинган жиноят (делинквентчилик)*
2. *Жазолаш.*
3. *Иккиламчи делинквентлик.*
4. *Янада қаттиқроқ жазолаш.*
5. *Янада жиддийроқ делинквент хулқ.*

Шундай қилиб, делинквент шахс айланиб юриб, ўзига ва атрофдагиларга зарар келтирадиган ёпиқ доира вужудга келтиради.

Делинквент шахс билан уни таъқиб қилаётганлар ўртасида ўзига хос муносабатлар стереотипи вужудга келадики, бунда бир томон иккинчи, жабрланувчи томон шахси билан ҳисоблашмасдан ўз ҳокимиятини намойиш қилади.

Бир томонда Қонунни ҳимоя қилувчи ҳуқуқ-тартибот органлари, иккинчи томонда гўёки ўзига тегиши керак бўлган улушни олишга ҳаққи бўлган делинквент шахс. “Олиш” жараёни талончилик ёки билвосита фирибгарлик, камомад йўли билан амалга оширилади.

Паул Рейвальднинг фикрича, жамият, тасаввурга сифмаса ҳам, оқлаб бўлмайдиган ҳаракатлари ва ўта жиддий жазо чоралари билан ўзи қутулмоқчи бўлган жиноятчиларни тарбиялайди. Бу фикрга шунинг учун қўшилса бўладики, индивидуал делинквент шахс ва уни таъқиб қилаётган жамият ўртасидаги ўзаро таққослашни баҳолашда шахсий ҳимоя механизмлари иштирок этади.

Бу проектив жараён бўлиб, ҳар бир одамдаги криминал компонентлар у ёки бу жиноятни чиндан ҳам амалга ошираётган одамларга проекция қилинади, кўчирилади, натижада бу одамлар аслидагига қараганда ҳам кўпроқ жиноятчироқ бўлиб кўринадилар. Шунинг учун жазо баъзан жиноятга қараганда оғирроқ бўлади.

Айтиш мумкинки, жазолаш аслида шахсий агрессив-криминал импульсларни қондиришнинг онгсиз ўрин алмаштириш усулидир. Албатта бу қоида эмас, ҳар қандай жазо жараёнида ҳам шундай бўлмайди. Лекин айрим ўта оғир жазо чоралари белгиланганда ҳуқуқшуноснинг шахсий криминал-агрессив импульслари ҳам маълум роль ўйнаши мумкин. Айрим ҳолларда айнан бир хил жиноят таркиби учун иккита судья икки хил, бири кўзда тутилган жазо чорасининг энг оз миқдорини, иккинчиси энг кўп миқдорини белгилайди, бунда энг юқори жазо чорасини тайинлаган судья ёки агрессив-криминал, лекин қондилмаётган майлга эга ёки ўзи ҳам шундай жиноят, масалан, порахўрликни содир қилган деб тахмин қилиш мумкин. Ўз ўқувчиларини ўзлари ичдан кечира олмаган ке-

чинмалари учун, кечинмалар қанча кучли бўлса, шунча қаттиқ жазолайдиган ўқитувчилар ҳам шу жараёнга мисол бўла олади. Масалан, шўхлик, ўйинқароқлик ва ҳоказо. Бу ерда оддий проекция, кўчириш жараёни амалга ошади, яъни шахс, бизнинг мисолимизда судья ёки ўқитувчи ўз агрессив — криминал майллари ёки жиноятларини ўзлари айбдор деб ҳисоблаётган шахсларга кўчиришади ва шу йўл билан ўзларини оқлашади, гўёки айбдорга қўшиб ўзларини ҳам жазолаб олишади. Тан олиш керакки, ўз-ўзини жазолашнинг бундай усули анчагина хавфли ҳисобланади, чунки бунда айбдорга унинг шахсий гуноҳидан ташқари яна жазоловчининг гуноҳи ҳам қўшиб жазо белгиланади.

ДЕЛИНКВЕНТ ҲУЛҚНИНГ ИНДИВИДУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Делинквент хулқли одамлар ўзларининг ички зиддиятларини невротикларга ўхшаб ҳимоя механизмлари билан қўриқлай олмайдилар. Лекин улар шизофреникларга ўхшаб иллюзиялар дунёсига чекиниб, реаллик билан ўз алоқаларини узмайдилар ҳам. Ички зўриқишга бардош бериш учун улар ички касалликка ҳам мурожаат қилмайдилар. Шундай бўлса ҳам улар ҳар ҳолда реаллик билан алоқани узадилар ҳамда таъқиб қилинадиган, давлат томонидан ва қонун йўли билан жазоланадиган таъқиқланган ҳаракатлар содир қилиш йўли билан ўз ички воқеликларидан қутуладилар.

Агар бундай одамларнинг хулқ стереотипларига назар ташланса, уларнинг болалигида психоз ёки психосоматик касаллик билан оғриганларга ўхшаш муносабатларнинг жароҳатловчи бузилишини кузатиш мумкин. Бундай одамларни ёшлигида яхши кўришмаган, суйишмаган. Ҳеч бўлмаганда уларга эътибор беришмаган, уларнинг тарбиясини “қўлдан чиқаришган”, бундай одамлар етишмовчилик экстремал ҳолатини, катталар томонидан мулоқот ва эътибор дефицитини бошдан кечиришган. Бунинг фожиали оқибати эса — руҳий тузилишдаги кучли етишмовчилик бўлган.

Бундай аҳволга яна қўшимча жароҳатловчи ҳодисалар: болаларга нисбатан шафқатсиз муносабат (жисмоний жазо) ёки уларнинг руҳий шафқатсизлик ва бефарқлик шароитида тарбияланишлари ҳам қўшилиши мумкин. Делинквент хулқ тарбияда жазолаш усули билан узвий боғлиқ. Шундай муҳитда ўсган бола жазолаш ва шафқатсиз муомала ҳақидаги билимдан бошқа нарсани ўзлаштирмайди. Бундай тарбия қурбони кейинчалик ўз тажрибасини бошқа одамларга ҳам тарқатади, “агрессор билан идентификация” қилиш ҳодисаси содир бўлади. Жиноятчи ўзи билан болаликда нима қилишган бўлса, ўз қурбонлари билан ҳам шундай йўл тутаети.

Делинквент хулқли шахс руҳий тузилишини ўзлигини йўқотиш кўркуви, бировни яхши кўрмаслик, яккаланиш, маъносизлик, ожиз ғазаб ва умидсизлик билан боғлиқ оғир кечинмали психик ҳолатлар ташкил қилади. Агар бундай шахс ўзига ўхшаган одамлар билан бир гуруҳга бирлашса, ўз шахсий вазиятининг чидаб бўлмаслигини унутиши осон кечаети. Агар улар биргаликда жиноят содир қилишса, бундай жиноят одатда жамият вакилларига қарши қаратилган бўлати. Гуруҳ иштирокчилари энди тарбияни сўзма-сўз тушуниб, бир вақтлар ота-оналари уларга нисбатан қўллаган тарбиянинг қурбонлари бўлишдан қутуладилар. Шу билан бирга улар энди ўзларининг аҳволини қониқтирадиган машғулот билан шуғулланишга йўл қўймаётган турли инстанцияларнинг қурбонлари ҳам эмаслар. Энди улар фаол ҳаркат қилаётган айбдорлардир. Чунки бундай одамлар ўз тасавурида ҳеч бўлмаганда ўз хоҳиши билан қонунни оёқости қилаётганидан ҳам қониқиш ҳосил қилиши мумкин.

Кўп ҳолларда қасос фантазиясига яна улуғлик ва дабдабозлик фантазияси ҳам қўшилати. Делинквент хулқ шахсга ўзини давлат ва жамиятнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларига қарши тура оладиган одам деб тасаввур қилиш имконини беради.

Агар давлат ва жамият чиндан ҳам бирор нарсада айбдор бўлса, буни тушуниш қийин эмас, албатта. Бирок делинквент хулқда кўп ҳолларда шахсий негатив тасаввурни жамиятга кўчириш ҳодисаси содир бўлати, жамият (иллюзор кўринишда) аслидагидан кўра ёмонроқ кўри-

на бошлайди (“ментлар”, “бульдоглар” даражасига туширса бўладиган милиционерлар, воқеани жиддий суриштиришига ва ҳақиқатни юзага чиқаришга ҳеч ким ишонмайдиган юристлар).

Ниҳоят, жинсий жиҳатдан ўзига хос делинквент хулқ ҳақида икки оғиз сўз. Карол Смарт маълумотларига кўра, болаларни ўлдириш, фоҳишалик, дўконларда ўғрилиқ қилиш каби жиноятларни эркакларга нисбатан кўпроқ аёллар содир қилишади. Эркаклар кўпроқ машина олиб қочиш, талончилик, тан жароҳати етказиш, қотиллик ва зўрлаш билан шуғулланишади. Судда кўп ҳолларда аёлларни ақли норасо деб тан олишади ва руҳий касалликлар шифохонасига жўнатишади. Лекин шунга қарамай, сўнгги йилларда эркаклар ва аёллар криминал хулқи ўртасидаги фарқ камайиб бормоқда. Бу соҳада ҳам ўзига хос рақобат жараёни бошланди.

Яна бир кичик факт шуки, қотиллик содир қилганларнинг 90 фоизини биринчи марта жиноят қилганлар ташкил қилар экан. Бу ҳодиса психикада уятчанлик, тортинчоқлик хислари билан боғлиқ. АҚШда ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, қамоқхоналарда сақланаётган рецидивист жиноятчиларнинг 90 фоизи ўзини уятчан, тортинчоқ деб ҳисоблашган.

АЛКОГОЛ ТОБЕЛИК

Психоанализда алкоголь тобелик орал — сўриш хулқининг кечки шакли сифатида қаралади. Шиша ёки стакан она кўкрагига қараганда устунликка эга, чунки у ҳар доим топса бўладиган нарсалардир.

Ичкилик истеъмол қилишга мойиллик алкогольнинг енгил қўзғовчи ва айни пайтда тинчлантирувчи таъсиридан келиб чиқади. Ана шундан кейин кучли ҳавотир ҳиссини ёки руҳий маъносизлик ҳиссини туюётган ичкиликбоз аста-секин ичимлик таъсирига одатланади ва бора-бора ичимлик дозасининг ортиб бориши ва бош оғриғи синдроми алкоголь тобеликни орттиради.

Ичимлик ичкиликбозни чидаб бўлмас ички руҳий ҳолатлардан ҳимоя қилувчи механизм ролини ўйнайди.

Бундай руҳий ҳолатлар қўрқув, айбдорлик, уят ҳисси бўлиши мумкин. Психоз ёки психоматик бузилишларда бундай ҳолатлар ҳимоя механизми ёрдамида қайтарилади, ичкиликбоз эса уларни оддийгина қилиб ичкиликка “чўктириб” юборади. Шу билан бирга, таъқиқ ва маън қилувчи қоидалар ўчирилади, “Юқори-Мен” алкогольда эриб кетади. Одам алкоголь ёрдамида ўзининг депрессив ҳиссини енгади, ўзини қийнаётган ташвишларни унутади.

НАРКОТИК ТОБЕЛИК

Жамиятда гиёҳванд модда истеъмол қилувчилар муаммоси кейинги йилларда янада мураккаблашди. Ичкилик истеъмол қилувчилардан фарқли равишда, героин, кокаин ёки гашиш ва марихуана истеъмол қилувчилар жамиятнинг аксари аъзолари томонидан маъқулланмайди.

Бунда худди делинквент хулққа ўхшаб бир томондан жамият, иккинчи томондан алоҳида гиёҳванд ёки гиёҳвандлар гуруҳи ўртасидаги онгсиз жараёнлар катта роль ўйнайди. Бу ерда биринчи навбатда кўпчилик фуқаролар ўзларининг шахсий салбий сифатларини гиёҳвандларга кўчирадиган проектив жараёнларни назарда тутиш керак. Наркотик тобе одамлар бизнинг шахсий истеъмолчилик хулқимизни акс эттиришади, яъни бирор нарсани хоҳлаш ва хоҳлаган нарсага нима қилиб бўлмасин эга бўлиш, эгалик ва хусусийчилик ҳисси, теппа-тенг равишда ижтимоий совуқлик ва бефарқлик. Биргина мисол, ўзининг ичкиликбозлигини гиёҳванд ўғлини айблаш билан оқлашга уринадиган ота. Жамиятнинг гиёҳвандларга бундай салбий муносабати яна шу билан енгиллашадики, гиёҳванд моддалар сотилиши таъқиқланган ва гиёҳванд хоҳлайдими-хоҳламайдими, уларни ноқонуний йўл билан сотиб олишга мажбур.

Наркотик тобеликнинг иккита тури ажратилади. Биринчиси руҳий тобелик, бунда гиёҳванд модда истеъмол қилиш даражаси назорат қилиб бўлмайдиган интилиш, мания, бартараф қилиб бўлмайдиган хоҳиш, очкўзлик, очофатликка айланади. Жисмоний тобеликда гиёҳванд модда истеъмол қилиш натижасида организмда модда ал-

машинуви жараёни шундай бузиладик, натижада уни истеъмол қилиш ҳаётий эҳтиёжга айланади.

Гиёҳванд модданинг организмга, асосан марказий нерв тизимига токсин-заҳарловчи таъсирини унутмаслик керак. Бу ерда гап ўз-ўзидан кокаин, бензедрин, риталин таъсирида пайдо бўладиган тетиклик, ўз-ўзига ишонч ҳисси ҳақида бормоқда.

Безовталиқ вақтида героин, морфин, валиум, барбитурат ва бошқа седатив препаратлар беморни тинчлантиради, ҳиссиётни бўғади ва умуман ҳар қандай ҳиссиётни йўқ қилиши мумкин. Марихуана ва гашиш кайфиятни кўтаради, уятчанлик, тортинчоқлик ва тутилиб қолишни бартараф қилиш имконини беради. Галлюциногенлар фантазияни қўзғотади, ташқи олам реаллигини четлатиб, ташқи оламни тасаввур ва ҳиссиётлар билан алмаштиради.

Гашиш ва марихуана “юмшоқ норозилиқ наркотиги” ҳисобланади. Героин ва кокаин “қаттиқ” ёки “кучли” наркотик саналиб, улар тафаккурни, ҳиссиёт ва ҳаракатларни кенг кўламда ўзгартиради.

ПСИХИКА ВА НАРКОТИКЛАР

Наркотиклар биринчи навбатда аффектларга, қўрқув, айбдорлик ва уят ҳиссига таъсир қилади. Шу билан бирга гиёҳвандлар таъсири ҳимоя механизмига ўхшайди. Неврозда ҳимоя механизми қиладиган ишни наркотик тобеликда гиёҳванд модда амалга оширади: нохуш тасаввур ва ҳиссиётлар идрок қилинмай қўйилади.

Оддий невротиклардан фарқли ўлароқ, наркотик тобе одамларда қўшимча фармакологик эффе́кт бор — бу ё қўзғалиш ёки тинчланиш.

Соғлом одамлар саргузашт истаб қолса, ўз истақлари орқасидан керакли даврани қидириб топади, агар сокинлик ва тинчлик истаб қолса, керакли дўстлар давраси ёки меҳрибон дўстни қидириб топиши, тинчланиши мумкин. Наркотикка тобе одамлар бундай қила олмайдилар. Улар реалликда ўзларига керак нарсани қидириш қобилиятидан маҳрумдир. Уларнинг онгли идроки учун кечинмалар

тансиқлигини акс эттириш ниҳоятда оғир, шунинг учун улар нима қилиб бўлса ҳам, зарарли бўлса ҳам ўз аҳволларини тоқат қиларли даражага келтиришга интилишади.

Наркотиклар айнан уларнинг ёқимли таъсири туфайли ҳам қимматбаҳо, ижобий объектга айланади.

Шу билан бирга наркотикларнинг зарарли таъсири ё умуман ҳисобга олинмайди, ёки психологик ҳимоя механизмлари воситасида сиқиб чиқарилади. Баъзан шундай бўладики, наркотиклар айнан зарарлилиги учун ҳам истеъмол қилинади. Фикримизча, бу ерда инсон агрессивлиги маълум роль ўйнайди: одамлар онгли равишда бошқаларга зарар келтириши, ўлдириши (айбдор, ижрочи сифатида) ёки ўзлари ўлдирилишлари, жабрланишлари (қурбон сифатида) мумкин.

НАРКОТИКЛАР МУАММОСИ

Наркотикка тобе одамларнинг онгли равишда ўзларига зарар келтиришларини суицид майл, атрофдагиларни айб-лаш функцияси дейиш мумкин: “Сизлар мен билан шундай муносабатда бўляпсизларми, мен учун зарар бўлса ҳам, наркотик истеъмол қилишдан ўзга чора йўқ”. Аслида бундай шикоят бирон-бир жамиятнинг обрўли доираларида ҳеч қандай ҳамдардлик уйғотаётгани йўқ. Гиёҳвандлар ўзларини жамият томонидан тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган, аутсайдер, жамиятдан тобора кўпроқ сиқиб чиқарилаётган одамлар деб ҳисоблашади.

Бунда аслида наркотик тобе одамнинг илк болалигида ўзлаштирган негатив тажрибаси айбдор. Боланинг ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва мулойимликка бўлган қонуний эҳтиёжлари ота-оналар томонидан у ёки бу сабабларга кўра қондирилмаган. Шу жиҳатдан бундай одамларнинг болалиги делинквент хулқли ёки психосоматик касал одамларнинг болалигига ўхшаб кетади: эзуликнинг етишмаслиги ва ёвузлик, зарарқунандалик, ҳақоратнинг кўплиги.

ПЕРВЕРСИЯЛАР

Делинквент хулқ, наркотик тобелик ва перверсиялар жамиятда социал нормаларга мос келмаса а-социал, со-

циал нормаларга қарама-қарши келса, антисоциал хулқ деб қаралади. Перверсияларга жамиятда “нормадан оғиш” сифатида тавсифланадиган ҳаракатлар киради.

Фрейд ўзининг 1905 йилда ёзган “Сексуаллилик назариясидан уч очерк” асарида ҳамма одамлар аввалбошдан “полиморф перверсивлардир”, чунки ҳар бир инсон қуйидаги ҳаракатларга эҳтиёж сезади дейди:

— ўзини яланғоч кўрсатиш, яланғочлигидан лаззатланиш, **эксгибиционизм**;

— ўзи хоҳлаб турган одамнинг ўрнига интим предметлардан фойдаланиш, **фетишизм**;

— унинг кийимини кийиб, қарама-қарши жинснинг ҳолатига кириш, **трансвестизм**;

— ўзини қарама-қарши жинсга мансуб деб англаш, **транссексуализм**;

— бошқаларни азоблаш, жисмоний ёки руҳий камситиш, **садизм**;

— азобланишни, жафо кўришни хоҳлаш, **мазохизм**.

Соғлом, етук сексуаллилик перверсиялар ривожланишининг олдини олади. Лекин бунинг учун шунга мувофиқ тарбия ва айрим қобилиятлар керак: бошқа одамлар билан алоқа ўрната олиш қобилияти, ўзига ишонч, юмор ва қувноқлик, ўзи ва бошқалар билан муносабатда қўрқув билмаслик, дефференциаллашган ҳиссиёт ва одамлар ҳақидаги билимлар.

ПЕРВЕРСИЯЛАР ПАЙДО БЎЛИШINI ТУШУНТИРИШ

Перверсив невроз

Фрейд перверсияларда болалар сексуаллигининг давомини кўрган. Масалан, эркак худди болага ўхшаб атрофдагиларга жинсий органини намойиш қилади, аёл киши бир кийимини кийиб аслида уни ечишни ният қилади. Рок юлдузининг муҳлиси унинг кийимлари деталларидан фетиш ўрнида фойдаланади.

Айрим перверсив ҳаракатларни осон тушунса бўлади. Лекин ҳаракатлари доим хавф билан боғлиқ бўлган экс-

гибиционист, фетиш билан қаноатланадиган бўйдоқ, гомосексуалист, нима қилиб бўлса ҳам бошқаларга азият етказишга интиладиган одамни тушуниш қийин.

Перверсия етишмовчилик неврози

Агар нарцистик невроз, етишмовчилик неврозларини эсга олсак, айрим перверсив ҳаракатлар сабаблари бир мунча ойдинлашади. Чидаб бўлмас ожизлик, тобелик ва нотавонлик ҳисси перверсив ҳаракатларда шундай акс этадики, одам ўзини кучли, мустақил ва улуғвор деб ҳис қила бошлайди. Мисол тариқасида ўқувчини азоблаётган ўқитувчи, хотинини калтаклаётган эр, фоҳиша билан ўзининг ҳар қандай истагини пулга қондираётган, фақат ҳузур-ҳаловатни ўйлайдиган одамни олиш мумкин.

Бу ҳаракатларда йўл-йўлакай бўлса ҳам шахсий улуғворлик ҳисси жонланади, перверсив ҳаракатлар воситасида чидаб бўлмас ожизлик, нотавонлик ва тобелик ҳисси осонроқ кечирилади. Бу нарса садо-мазохистик ҳаракатда яққол кўринади: садо-мазохистда гўёки бир вақтда иккита одам яшайди, унинг шахси иккига парчаланган, биттаси ўта яхши, бақувват ва идеал, иккинчиси ўта ёмон, ожиз, лаънатланган. Агар бошқа одамга шахсининг салбий қисми проекция қилинса, бошқаси дарров ўз кучи, улуғворлигини намоён қилади, садистга айланади, агар ижобий томони проекция қилинса, дарров ожизлик идрок қилинади, одам мазохистга айланади.

Проектив ҳаракат, перверсив муносабат ҳимоя механизми родини ўйнаб, ҳиссий танқислик, ички бўшлиқ, мазмунсизлик ва иложсизлик ҳиссини енгиллаштириши керак. Албатта, бу жараён унга мос шароитда ишлаши мумкин, холос. Масалан, битта одамнинг садистик ниятлари бошқасининг мазохистик эҳтиёжларига мос келгандагина ишлай бошлайди, перверсия амалга ошади.

Перверсия муҳаббатнинг агрессив шакли сифатида

Роберт Дж. Столлернинг таъкидлашича, перверсив ҳаракатларда, асосан садизмда “нафратнинг эротик шакли”

намоён бўлади. Бундай нафрат етарлича кучли ва бошқариб бўлмайдиган бўлади, чунки у кўп ҳолларда реактив ҳолда, перверсив шахс болалигида бошдан кечирган руҳий жароҳатга жавоб кўринишида намоён бўлади. Катта ёшдаги перверсив шахс энди ҳимоядан ҳужумга ўтиб, перверсив акт жараёнида ғалабага эришади, чунки унинг ўзи ҳам қачондир ўз устидан бошқаларнинг ғалабасини ҳис қилган.

Нафрат ёки ҳурматсизлик кўринишлари бошқа перверсив ҳаракатларда ҳам ўзгармайди. Фетишист бошқа одамдан кўра фетишни, унинг ўрнини қоплайдиган буюмни афзал кўради. Эксибиционист аёлга эга бўлишни хоҳламайди, у аёлга ўз эрекция ҳолатидаги жинсий органини намоёиш қилиб, уни қўрқита олиш имкониятига эга бўлганлигидан лаззатланади.

Трансвестит ўзининг биологик жинсидан қониқмай, бошқа жинс вакилининг кийимини кийиб, бошқаларни ва ўзини алдаш билан қаноатланади (трансвестизм). Агар жинсий мансубликнинг жисмоний ўзгаришлари ҳақида гап кетса, унда бу транссексуализм кўринишида бўлади.

Перверсив шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари васвасасига йўлиққанлиги, ортиқча куйинтирадиган ҳаракатлар, истаклари мақсадини келишувчанлик йўли билан қондириш, буларнинг барчаси ўз характериға кўра, мания, наркотик тобелик, психозларға яқин туради. Ўз жинсини реал идрок қила олмайдиган одамлар аслида ақлдан озган одамлардир.

Зўравонликнинг яширин ёки очиқ намоён бўлиши билан перверсив ҳаракатлар гуманизм, инсонийликка тескардир. Шундай бўлса ҳам перверсив шахсларнинг позициясини қуйидагича баён қилиш мумкин: Бундай ҳодисалар болаларни ёшлигида таъқиб қилишганда, азоблашганда, улар билан бўлган муносабатда суиистеъмолға йўл қўйилганида ва уларни яхши кўришмаганда содир бўлади.

Делинквент криминал-жиноятчилик хулқи, алкоголь ва наркотик тобелик, перверсиялар доирасида ҳозирги пайтда бутун инсоният учун глобал муаммоға айланиб қолаётган террористик хулқ психологиясини, унинг таркибий қисми бўлган шахснинг оломон ичидаги хулқи муа-

ммосини кўриб чиқиш лозим. Психология учун алоҳида индивид, конкрет шахс психологиясини тушунтириш катта қийинчилик туғдирмайди. Мавжуд қонуниятлар асосида алоҳида одам хулқини изоҳлаш ва ҳатто типик вазиятларда унинг хулқи қандай бўлишини башорат қилиш ҳам мумкин. Лекин одамнинг яна бир одатдан ташқари, экстремал ҳолатдаги, кўпчилик оломон таркибидаги хулқи ҳам борки, айнан шу муаммо психология учун доимий равишда изоҳлаш нуқтаи назаридан катта қийинчилик туғдириб келади. Вундт, Ле Бон, Мак Дугалл, Сигеле, Тард, Фрейд каби тадқиқотчилар ушбу муаммони “халқ психологияси”, “оммавий психология”, «оломон психологияси» кўринишида ўрганишга, шахснинг ўз халқи, миллати, омма, оломон таркибидаги хулқини изоҳлашга уриниб кўришган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, алоҳида, индивидуал ҳолатда инсон хулқини тушунтириш унчалик қийин иш эмас, лекин айнан ана шу, жамиятда ўз хулқи билан атрофдагиларда ҳеч қандай эътироз уйғотмайдиган, ҳатто баъзан намунали хулқли одам оломон орасида бутунлай қарама-қарши томонга ўзгаради, шафқатсизлик, хунрезлик, бузғунчилик ҳаракатларини амалга оширади. Ҳар ҳолда оломон орасида айрим шахс психикасида қандай ўзгариш содир бўлади? Ле Боннинг айтишича, одам оломон таркибида ўзига хослигини йўқотади, психик устқурма шаклидаги ҳар бир одамда турлича ривожланган «Юқори-Мен» ўчади. Онгсиз пойдевор, ҳар бир одамда унинг ирқидан, миллатидан, жинсидан, ёшидан қатъи назар, бир хил мазмунга эга бўлган майллар тўплами, онгости «У» очилади, ҳаракатга келади. Энг асосийси, ҳар бир оломон иштирокчисининг онгсизлик соҳаси, «У» ягона бир қурилмага бирлашади. Бунинг натижасида, биринчидан кўпчилик орасида эканлиги туфайли одам ўзида енгиб бўлмас қудрат ҳиссини туяди, одамни алоҳида ҳолатда жиловлаб турадиган маъсулият кучи ўчади. Иккинчидан, оломон таркибида юқумлилиқ шу қадар юқори бўладики, у ҳар бир оломон иштирокчисига гипнотик таъсир кўрсатади, ҳар бир ҳаракат, ҳиссиёт шу қадар кучли юқадики, одам осонгина ўз шахсий манфаатларини оломон учун қурбон қилади.

Учинчидан, оломон таркибида одамнинг таъсирга берилувчанлиги ортади, иккинчи шарт — юқумлилик эса, таъсирга берилувчанликнинг ортиши туфайли пайдо бўлади.

Бир сўз билан айтганда, оломон таркибида онгли шахс йўқолади, онгсиз индивид устунлик қила бошлайди, таъсирга берилувчанлик оқибатида бутун оломоннинг фикри ва ҳиссиёти битта йўналишга бирлашади, ҳар қандай юқтирилган ғояни бетўхтов амалга ошириш истаги пайдо бўлади. Одам ўз-ўзига эга бўлмай қолади, у иродасиз автоматга айланади.

Оломон психологиясининг яна бир хусусияти шуки, оломон учун мантиқ мантиқсизликдан иборат. Унинг учун шубҳа ҳам, ишончсизлик ҳам йўқолади. Ҳар қандай образ ассоциатив — ҳар бир одамда бир-бирига боғлиқ равишда пайдо бўлади, ҳар қандай шубҳа ишончга айланади, ҳар қандай антипатия — салбий ҳиссиёт нафрат туғдиради. Бир сўз билан айтганда, оломоннинг айғир ортидан хавфга тикка бораётган отлар уюридан ёки серка ортидан жарга кулаётган қўйлар сурувидан фарқи бўлмайди.

Оломоннинг мантиқсизлиги, ишонувчанлиги унинг кучли авторитетга, алоҳида обрўли шахсга бўйсунувчанлигига сабаб бўлади. Оломон кучнигина ҳурмат қилади, ўз қаҳрамонидан қудратни, куч ишлатишни талаб қилади. Бу ерда гўёки инсон психикасига хос бўлган икки қарма-қарши (амбивалент) ҳиссиёт-мазохизм (азобланиш) ва садизм (азоблаш, шафқатсизлик) барабар уйғонади. Оломон ўзи шафқатсиз, лекин айни пайтда у ўзига эгаллик қилишларини, уни бошқаришларини хоҳлайди. Ўзининг қолоқлиги туфайли оломон ҳар қандай янгиликдан нафратланади ва ҳар қандай анъанага бўйин эгади. Оломонга таъсир кўрсатишни хоҳлаган одам ўз фикрларининг мантиқийлигини ўйламаслиги, ўз фикрини ёрқин ранглар, эҳтирослар билан ифодалаши ва ҳар доим битта фикрни такрорлашига тўғри келади. Ақлга эмас, эҳтиросга мурожаат қилиш, илоҳиёт пардасига ўралган ғайритабиийлик оломонни тиз чўкишга мажбур қилади. Мак Дугалнинг таъкидлашича, оломон психологиясининг энг ҳайратланарли белгиси унинг аффективлиги, қаҳр-ғазабининг жунбушга келишидир. Қонуниятга кўра, ғазабланган одамни кузатиб турган одамда ҳам ўз-ўзидан шунга ўхшаш ҳолат

вужудга келади ва индукция қонунига кўра индивиддан индивидга ўтган сайин ғазаб ҳисси кучайиб бораверади. Оломон аффекти (ғазаби) шу даражага етадики, у ҳеч қандай ижтимоий норма, жиловловчи омилни назар-писанд қилмай қўяди. Оломоннинг ҳар бир аъзоси бошқаларга тақлид қилишга, уларга жўровоз бўлиб ҳайқиришга ҳаракат қилаверади.

Мак Дугалнинг фикрича, оломон ғазабининг ортиб боришига юқумлилик ва тақлидчанликдан ташқари яна оломоннинг алоҳида ҳар бир одамда чексиз қудрат ва бартараф қилиб бўлмайдиган хавф таассуротини уйғотиши ҳам сабаб бўлади.

Шу ерда Иммануел Кантнинг одамлар ўйинни ёқтиришади ва хавфга интилишади, деган ҳикматли гапи беихтиёр ёдга тушади. Ҳақиқатан, одам ўзининг оломондаги хулқини узоқ вақтлардан бери етишолмаётган ўйин сифатида тасаввур қилади ва у ўзини хавф-хатар билан ўйнаша оладиган даражада қудратли деб ҳис қилади. Кўшимча равишда оломон таркибида одамнинг бутун ҳаёти давомида ижтимоий ахлоқ нормалари туфайли сиқиб чиқарилиб келинган, йўл берилмаган агрессияси, алами, ғазаби, нафрати, норозилиги, ҳайқириш истаги вулқон каби отилиб чиқади, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий норма ва қадриятлар тимсоли бўлган «Юқори-Мен», ижтимоий онг “ўчиб қолади”.

Оломон психологиясини ҳозирги кунда бутун инсоният учун даҳшатли воқеликка айланиб қолаётган, тинч аҳоли, давлат қурилмаларига хавф солаётган терроризм ҳодисаси орқали таҳлил қилишга уриниб кўрайлик. Олдиндан шуни айтиш лозимки, ҳар иккала ҳодисанинг моҳияти ва хусусиятлари ҳайрон қоларли даражада бир-бирига ўхшаб кетади, фарқ шуки, оломон ташкиллашмаган, стихияли ташкилот бўлса, террор муҳити эса ташкиллашган ташкилот ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, оломон таркибида одамда бир томондан онгсиз истаклар, майллар уйғонади, иккинчи томондан, иллюзор — амалга ошириб бўлмайдиган орзулар таъсирида кўтаринкилик, руҳланиш, олий мақсадлар пайдо бўлади.

Замонавий террор муҳити лидерлари ва ташкилотчилари оломон психологиясининг ҳар иккала қонуниятини яхши билишади ва ундан усталик билан фойдаланишади. Террор муҳитининг мафкуравий назариётчилари террористларга ўзларини террорчилик ҳаракатида қатнашишларини оқлаши учун иккита баҳона беришади. Биринчидан, террордан мақсад — қандайдир олий ғояларни демократия, инсон ҳуқуқлари, миллий мустақиллик, диний эътиқод кабиларни ҳимоя қилишдан иборат деб тушунтирилади. Иккинчидан, террористлар онгида мавжуд тузум ҳақида шундай жирканч, чиркин тасаввурлар шакллантириладики, натижада ўз-ўзидан бу тузумга қарши курашиш учун ҳар қандай воситани қўллаш мумкин деган таассурот уйғонади. Лекин бунда террорнинг асосий мақсади, давлат тузумини ағдариш ва ҳокимиятга эга бўлиш оддий террорчилардан яширилади. Бориб-бориб, террор муҳити лидерлари «олий мақсад»ни унутишади, ундан узоқлашишади, асосий мақсад ҳомийлардан пул ундириш ва бойлик орттириш бўлиб қолади, оддий террорчилар эса ҳали ҳам «олий мақсад» учун курашяпмиз деган хом хаёл билан жонларини қурбон қилаверишади. Уларни тинчлантириш ва ҳафсалаларини пир қилмаслик учун вақт-вақти билан варақалар тарқатилиб, битта-иккита террористик ҳаракатлар уюштирилиб турилади.

Одатда, террористик гуруҳларга «олий мақсадлар» воситасида ва пул ёрдамида ўзининг етук эмаслиги туфайли радикал миллий, ижтимоий ва диний ғоялар қармоғига осон илинадиган ёшлар жалб қилинади. Чунки катта ёшдагилар «Юқори-Мен», ижтимоий онгининг мустаҳкамлиги туфайли бундай алдовга учишлари қийин бўлади. Ёшларни жалб қилиш учун гиёҳванд моддалар ёрдамида зомбиллаштириш (яъни инсоннинг иродасини бутунлай сўндириб, уни «устоз» ёки «дохий» иродасига бўйсундириш) ва диний, мафкуравий мазҳаблардан фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда айрим ҳурматли олимларимизнинг террористик гуруҳларга асосан тарбияси издан чиққан, назорати сусайган, кўпроқ эркинлик бериб юборилган ёшлар қўшилиб кетяпти деган фикрлари ҳақиқатга унчалик

тўғри келмайди. Бундай гуруҳларга кўшилган ёшларнинг ҳаёти таҳлил қилинса, уларнинг аксарияти одоб-ахлоқли, интизомли, ёшликдан ота-оналарининг қатъий назоратида бўлган, айримлари ҳатто кўй оғзидан чўп олмаган эканликларини кўриш мумкин. Бу ерда ақлга сиғмайдиган ғайритабиийлик йўқ. Фрейд таъбирича, болаликнинг қондирилмаган ҳар қандай майли ўчмайди ва онг остига сиқиб чиқарилади. Доимий назорат, қаттиққўллик шароити болаликнинг нормал кечилишига йўл бермайди. Ота-она, катталар, ўқитувчиларнинг тазйиқи билан бола одобли, интизомли, ахлоқли бўлиб катта бўлади, лекин айнан шу муҳит болани аста-секин ўз ҳиссиётларини яширишига, одамови бўлиб қолишига, муҳитнинг ҳар қандай талабини сўзсиз бажарувчи оддий ижрочига айланиб қолишига сабаб бўлади. Мустақилликнинг йўқлиги, уларнинг ўз фикрини ҳимоя қилиш, қатъийлик кўрсатишларига тўсқинлик қилади. Бундай ёшларнинг ғазаби ҳам, нафрати ҳам, шодлиги ҳам, қувончи ҳам, муҳаббати ҳам ичида қайнайди. Уларда тортинчоқлик ривожлана бошлайди. Бора-бора бундай ёшлар ўзларининг ҳолатларидан норозилик ҳис қила бошлайдилар ва шу ҳолатлари учун аввало ота-оналари, ўқитувчилари, катталарни айблайдилар, бора-бора бу агрессия бутун жамиятга, тузумга кўчирилади, яъни проекция қилинади. Террор мафкураси эса уларга гўёки ўзларига ўтказилган алам учун қасд олишнинг ягона йўли бўлиб туюлади.

Кўпчилик билан доимо мулоқотда бўлган, болаликнинг шўхлигию одобсизлигини бошидан кечирган болалар ҳаёт қадриятлари, кўпчилик билан мулоқот усуллари ни эгаллашади, ҳаётнинг турли қалтис вазиятларига ҳам тайёр бўлишади. Бундайларни йўлдан уриш осон эмас.

Ҳозирда турли «элитар» мактабгача тарбия муассасаларининг кўпайиб бораётганлиги, бундай муассасаларда мурғак гўдакларни ўйин бир ёнда қолиб, тобора ўқитишга зўр берилётганлиги ташвишланарли ҳол. Унинг салбий оқибатларини 10-15 йилдан сўнггина пайқаш мумкин. Болалиги ўғирланган бундай болаларда балоғат ёшида невротик ҳолатлар, унинг оқибатида соматик касалликлар, онгсиз норозилик, қондирилмаган болалик майлларининг ўрнини қоплашга интилиш мойиллигини башорат қилиш мумкин.

Асосий фикримиз, террористик гуруҳлар ташкилотига қайтамиз. Террористик гуруҳ аъзоларининг террористик машқлар пайтида, яширин шароитда узоқ вақт бирга бўлишлари ва уларга нисбатан зомбилаштириш (иродасини сўндириш) махсус психологик таъсир технологиясининг қўлланилиши жиноятчилик руҳига ўхшаган ўзига хос онгли одамлардан ташкил топган махсус террор муҳитининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Бундай муҳит учта ўзига хос хусусиятга эга. Биринчидан, содда, исбот талаб қилмайдиган диний-фанатик дунёқараш туфайли улар террорнинг якуний мақсадларини таҳдил қилишга уринишдан воз кечишади. Иккинчидан, уларда бошқа гуноҳкор бандалардан устунлик ҳиссининг шакллантирилиши террорнинг ҳар қандай мараз усуллариини англашни камайтиради ёки бутунлай бекор қилади. Учинчидан, ўта қийин террористик машқлар ўлдириш ва ҳалок бўлишга тайёрликка йўналтирилиб, ўзи ва бошқаларнинг азоб-уқубатларига бефарқликни шакллантиради.

Террористик ташкилотлар қурилмасини Мак Дугалнинг ташкиллашган омманинг беш хусусияти ҳақидаги фикрига таққослаб, муайян ўхшашликларни топиш мумкин. Бу назарияга кўра, ташкиллашган омманинг **биринчи асосий шарт** унинг таркибининг маълум даражада доимийлигидир. Бундай доимийлик моддий ёки расмий бўлиши мумкин.

Биринчи ҳолатда — айнан бир хил одамлар унинг таркибида узоқ вақт бирга бўлишади, иккинчи ҳолатда — омманинг ичида маълум мансаб, вазифалар ташкил қилиниб, унга бир-бирини алмаштирадиган одамлар тайинлаб турилади.

Иккинчи шарт шундан иборатки, ҳар бир алоҳида одамда оммага нисбатан ҳиссий муносабат пайдо бўлиши учун, унда омманинг табиати, вазифалари, ютуқлари ва талаблари ҳақида тасаввур шакллантирилади.

Учинчи шарт — омма ўзига ўхшаган, лекин ундан фарқ ҳам қиладиган ташкилотлар билан алоқа қилиши ва ҳатто рақобат ҳам қилиши шарт (Изоҳ: ҳар қандай террористик ташкилот маҳаллий криминал, мафиоз, коррупцион гуруҳлар билан бирлашиб, устунлиги туфайли уларни ўз назоратига олади).

Тўртинчи шарт — омма ичида унинг аъзоларининг ўзаро муносабатларига тааллуқли бўлган урф-одат, анъана ва қоидаларнинг мавжудлиги.

Бешинчиси — оммада ҳар бир одамнинг ихтисослашуви ва дифференциациясида ифодаланадиган бўлинмаларнинг мавжудлиги.

Бундай шартлар ва оломон психологиясининг бошқа хусусиятлари ҳақидаги назарияларнинг замонавий террористик ташкилотлар тузилмалари, уларнинг шаклланиш тамойилларига мос келиши ҳақиқатан ҳам ҳозирда халқаро террор муҳитининг ўз мафкураси, фани, матбуоти, маданияти, ўз илмий тадқиқот йўналишлари борлигини исботлайди. Террор муҳити ўзининг қурилиши, ташкилийлиги ва ҳаракатчанлиги жиҳатидан биз тасаввур қилганимиздан кўра хавфлироқ ҳисобланади. Қандайдир мухолифлар, қандайдир гуруҳлар биз кўриб турган оддий ижрочилар, холос. Аслида, уларнинг ортида ўйинни усталик билан бошқариб бораётган, ўта билимдон, тажрибали ташкилотчилар бор.

ПСИХОАНАЛИЗДА ДИАГНОСТИК МЕТОДЛАР

Психоанализдаги энг муҳим диагностик метод суҳбат, диалог ҳисобланади. Аналитик (психолог) пациент билан суҳбатни бошлаб, унга турли саволлар беради ва бунда пациент тилга олган бирон-бир мавзуни ҳам назардан қочирмайди. Шундай қилиб, аналитик билан пациент ўртасида вербал мулоқот вужудга келади. Бундай суҳбатнинг мақсади ташхис (диагноз) қўйиш бўлганлиги учун ҳам у диагностик суҳбат ҳисобланади.

Ташхис биринчи навбатда тадқиқот ҳисобланади ва суҳбат психоанализда терапевтик вазифани ҳам бажаришини эътиборга олиб, ташхис қўйишни ҳар доим суҳбатнинг аниқ мақсадини аниқлашдан бошлаш керак. Шахсий суҳбат билан аналитик ва пациентнинг диалоги ўртасида сезиларли фарқ бор. Шунинг учун аналитик ва пациент қандай суҳбат олиб бораётганликларини яққол тасаввур қилишлари керак, чунки суҳбатнинг нафақат ташқи шакли, балки унинг ички мазмуни ҳам шунга боғлиқ. Ташхис қўйиш учун стандартлашган интервьюдан, яъни пациентга савол бериб, “ҳа” ёки “йўқ” деган жавоб олишдан, ёки ярим стандартлашган, яъни жавоблар “ҳа” ва “йўқ” билан чекланмаган интервьюдан фойдаланиш

мумкин. Бундан ташқари психоанализда суҳбатнинг табиий кечишини чекламайдиган стандартлашмаган ва эркин интерврьдан ҳам фойдаланилади. Лекин ташаббус ҳар доим аналитик томонида бўлади.

Суҳбат давомида пациент туғилган йили ва жойи, касби, ота-оналари тирикми ёки йўқ, оила аъзолари ҳақидаги объектив ва субъектив маълумотларни маълум қилади. Субъектив маълумотларга пациентнинг шахсий кечинмалари, унинг отаси, онаси, хотини ва бошқа қариндошларига нисбатан ҳиссиёти киради. Бундан ташқари, суҳбат давомида аналитикнинг пациент хулқини кузатиш орқали олган маълумотлари ҳам ниҳоятда муҳим.

ПСИХОАНАЛИТИК “ИНТЕРВЬЮ”

Интервью сўзи телевидение ва матбуотда ўтказиладиган сўровни эслатса ҳамки, психоаналитик интервью аслида фақат савол бериб, унга жавоб олиш билан чекланмайди, шунинг учун интервью сўзи бу ерда қўштирноқ ичига олинган. Психоаналитик сўзи эса бундай интервьюда психоаналитик методлар қўлланилишини билдиради.

Фрейд психоаналитик методни фанга бир вақтнинг ўзида ҳам тадқиқот, ҳам психик бузилиш билан азият чекаётган одамларни даволаш методи сифатида киритган. Ҳозирги психоаналитик методларга келсак, улар асосан диагностик вазифаларни бажаради, шунинг учун психоаналитик (психолог) уларни қўллаб туриб, биринчи навбатда, диагностик категориялар билан фикрлайди. Аналитик пациентдан эшитганларини психоанализдаги шахс назарияси ва касалликлар ҳақидаги таълимот билан солиштириб, у ёки бу симптом ортида қандай психодинамика яширинганлиги мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаради.

Бироқ айна пайтда психоаналитик маслаҳат (консултация) ўтказаётиб, бирон-бир назария мавжудлигини унутишга ҳаракат қилади ва ўз олдида ўтирган одамни ҳар қандай тахминийлик эҳтимолидан ҳоли идрок қилади. Психоаналитик интервьюнинг гўёки бир-бирига мос келмайдиган бундай икки шарти, моҳияти бир вақтнинг ўзида соф назарий ва қуруқ амалий ёндашувнинг мавжудлиги

билан изоҳланадиган мантиқсизликни келтириб чиқаради. Агар психоаналитик маслаҳатда назарияга кўпроқ ўрин берилса, шошма-шошарлик билан ташхис қўйиш хавфи пайдо бўлади. Одамга ўша заҳоти у ёки бу “типик” невроз ёрлиғи ёпиштирилади. Бундай маслаҳатнинг қадри унчалик баланд эмас. Бошқа томондан шуни таъкидлаш керакки, ўзини назария билан қийнамайдиган психоаналитик аниқ касаллик белгиларини пайқамай қолиши мумкин. Бундай мураккаб вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли психоаналитик учун илмийлик билан пациентни бевосита идрок қилиш ўрта-сида тўсиқларга чап беришдан иборатдир.

Кўпчилик аналитиклар ўз пациентларини аввало одамгарчилик нуқтаи назаридан қабул қилишади, улар билан яқиндан танишишга ҳаракат қилишади. Бундай нокасбий ёндашув, ҳамдардлик, қайғудош бўлишга тайёрлик бошқа одамнинг тафаккур тарзи ҳақида тасаввур қилиш имконини беради.

Ташхис қўйишнинг муваффақияти учун суҳбатнинг ишончлилиги катта аҳамиятга эга. Афсуски, эркак психоаналитикнинг аёл-пациент ҳиссиётларини адекват идрок қилиш имконияти чекланган, лекин шундай бўлса ҳам, адабиётларни ўрганиш ва ижодий тасаввурни қўллаш орқали бу тўсиқни бартараф қилиш мумкин. Психоаналитик пациентнинг хулқига бутунлай холис, табиий муносабатда бўлиши лозим. Пациентнинг қўпол ҳаракатлари ёки такаббурлиги психоаналитикнинг ғашига тегишидан кўра кўрқинчлироқ нарса йўқ. Шу билан бирга, аналитик ҳар доим ўз ҳиссиётларини назорат қилиши ва улардан пациент чорлаётган муносабат шаклини аниқлаш учун фойдаланиши лозим. Шундан келиб чиқиб, психоаналитикнинг шахсий ҳислари муносабатлар бузилишини диагноз қилишнинг ажойиб қуролига айланади, бу қуролдан интервьюда фойдаланиш пациентдан шахсий ва интим характерга эга бўлган маълумотларни олишга ёрдам беради, бу маълумотларни эса бошқа ҳеч қандай йўл билан олиб бўлмайди.

Бироқ бу тadbирни амалга ошириш тўғридан-тўғри айрим зарурий шартларни бажаришга боғлиқ:

1. Интервьюер маслаҳат пайтида шундай муҳитни яратиши лозимки, бунда пациент очиқ суҳбат учун ўзини эркин

тутсин, психоаналитикнинг ўзи эса суҳбатдошини ҳар қандай тахминларга асосланмасдан идрок қила олсин. Агар аналитик бунга эришса, унда:

2. Пациент суҳбатнинг муваффақиятига ёрдам бериб интервьюерни қўллаб-қувватлаши керак. Бошқача айтганда, аналитикка эшитаётган нарсаларига диққатини жамлашига имкон бериши керак. Бу ерда гап эшитишнинг фаол жараёни ҳақида кетаяпти, бунда идрокнинг уч босқичини ажратиш мумкин.

Интервьюнинг уч босқичи:

1. *Мантиқий сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга яроқли объектив ахборот олиш босқичи.* Масалан, аналитик депрессия уйғонишини пациентнинг бирон-бир қариндоши ўлими билан боғлаши мумкин.

2. *Психологик аниқлик принципига асосланадиган субъектив ахборот олиш босқичи.* Пациентнинг дарди тоғасининг ўлими билан боғлиқлиги ҳақидаги ишончи бунга мисол бўлиши мумкин.

3. *Ситуатив (вазиятли) ахборот олиш босқичи.* Бунга амал қилган аналитик суҳбат давомида пациентнинг хулқини ўргангани, бу унга пациент уни қандай онгсиз муносабат тортаётганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бунинг у ёки бу ташқи вазиятли белгилари — пациент, масалан, ўзини болаларча тутиши мумкин, унга такаббурлик қилиши мумкин ёки уни жинсий алоқага чорлаши мумкин — қачонки, ҳар иккаласи ҳам биттаси бошқасини нима “қилмоқчи” ва “бошқаси” ўзини нима қилишга йўл қўяди, - деган нарсани аниқлаб олганларидан сўнггина равшан бўлади. Интервьюда тўғри йўналиш олиш учун қуйидаги схема ёрдам беради:

Бирламчи интервьюнинг модификациялашган схемаси

А) Пациент психоаналитикка қандай мурожаат қилди?

1. Ким томонидан юборилган? Нима сабабдан?

2. Ўтказилган даволашнинг давомийлиги ва натижалари қандай?

3. Пациент ўтказилган даволаш ҳақида нима деб ўйлайди ва у терапевтларга қандай муносабатда?

- а) уларга қўшилади;
- б) қўшилмайди.

4. Психоаналитик суҳбатни ўз хоҳиши бўйича давом эттиради.

Б) Умумий таассурот.

В) Шикоятлар:

1. Айни пайтда шикоятлар нимадан иборат?
2. Касалликнинг дастлабки тарихи.
3. Пациент ўз касаллигининг психик сабаблари ҳақида нима деб ўйлайди?
4. Пациентни касаллик хуружига солувчи вазият (унинг пайдо бўлиши тадқиқотчининг тахмини билан боғлиқ).
5. Пациентнинг ўз касаллигига эмоционал муносабати.

6. Касалликнинг ташқи белгилари.

7. Унинг иккиламчи оқибатлари.

Г) Биографик маълумотлар.

Д) Ҳозир ишлар қандай аҳволда?

1. Пациент ўзига нисбатан қандай муносабатда?
2. У ўзининг қариндошлари ва яқинлари ҳақида нималарни ўйлайди?
3. Унинг ўз келажаги ҳақидаги қарашлари.

Е) Аналитик пациент билан ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланыпти?

1. Пациентнинг аналитикка кўчириши.

2. Аналитикнинг қарши кўчириши.

Ж) Интервьюнинг алоҳида диққатга сазовор кўринишлари.

1. Пациент муайян ҳиссиётни қачон пайқаган (прогноз қилинаётган вазиятда ёки кутилмаганда).

2. Пациент интервью доирасида шароитни қандай қилиб тўғри баҳолаяпти?

3. Пациентнинг диққатни тортадиган шахсий сифатлари.

4. Пациент аналитик томонидан берилган интерпретацияга қандай реакция кўрсатаяпти?

З) Интервью натижалари ва уларнинг баҳоси.

1. Барқарор объект — муносабатлар уйғондими?
2. «Мен»нинг функционал қобилиятлари қандай («Мен»нинг имкониятлари қанчалик чекланганлиги).
3. Эмоционал муаммолар.
4. Зиёлилик даражаси.
5. Ҳамфикрлиликка қобиллик.
6. Терепевтик иллюзия.

И) Ташхис: психодинамикага мос ҳолда бузилишнинг келиб чиқиши ҳақидаги тахмин.

К) Ташхиснинг терепевтик яроқлилиги.

1. Қисқа терапия учун (асосланмаси билан).
2. Эътироз эҳтимоли.
3. Психоанализ учун (асосланмаси билан).
4. Эътироз эҳтимоли.
5. Психотерапиянинг ҳар қандай шаклини рад қилиш (асосланмаси билан).
6. Даволашнинг бошқа бирон-бир шакли борми?

Л) Касалликни даволаш ҳақидаги конкрет таклифлар.

М) Қисқа терапия танланганда даволашнинг чекланган мақсадини аниқлаш.

Н) Башорат.

ЭМПИРИК АСОСЛАШ

Одатда, психоаналитик интервью доирасида, магнитофон ёки стенографик ёзувлар асосида вербал баённома тузилади ва бундай баённомалар тадқиқот учун аъло даражада яроқли ҳисобланади. Пациентнинг фикрлари, интерпретация ва унинг диагностик аҳамияти терепевтнинг хоҳиши билан истаган пайтда эмпирик қайта ишланиши мумкин. Пациент билан турли вақтларда ўтказилган суҳбатлар, шунингдек турли пациентлар билан ўтказилган суҳбатлар баённомаларини таққослаш имконияти мавжуд. Бундай қайта текширишнинг мақсади интервьюнинг мазмунини таҳлил қилишдир. Бунинг учун ҳам сифат, ҳам миқдор услублари қўлланилади. Интервьюнинг экспертлар томонидан баҳоланиши психоаналитик томонидан суҳбат давомида берилган талқиннинг тўғрилигини текшириш имкониятини беради. Сўнги вақтларда анъана-

вий миқдор услублари билан бир қаторда компьютер тадқиқотлари ҳам кенг тарқалмоқда.

Суҳбат давомида қулоққа чалинган, пациент томонидан қўлланилган иборалар аналитикнинг интервью давомида айнан қандай аффектлар аниқланганлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Кўпчилик аналитиклар шу мақсадда анъанавий маъруза шаклидан фойдаланишади. Маъруза аниқ бир пациентга бағишланган бўлиб, новелла сифатида ўқилади ва пациентни жонли тасвирлайди. Бундай маърузалар етарлича ифодали ҳисобланади ва тасвирланаётган индивиднинг ўзига хослиги намоён бўладиган адабий портретни эслатади. Лекин бунда муаллифнинг ҳаддан ташқари субъектив баҳоси жиддий хавф ҳисобланади. Бундан ташқари, шуни ҳисобга олиш керакки, аналитикларнинг у ёки бу вазиятни идрок қилиш, идрок қилган ва эслаб қолган нарсаларни қайта ишлаш қобилиятлари турличадир. Шу муносабат билан қайта текширишнинг фақат эмпирик усулларига таянадиган тадқиқотчилар олинган маълумотлар ва уларни баҳолаш назорат қилинадиган ва қайта текширишга яроқли бўлган, объектив методларни тан олиб, хотирада тикланадиган баённомаларни тан олмайдилар. Шунга қарамай, конкрет ҳодисалар ҳақидаги маърузалар умуман психоаналитик тадқиқот учун катта аҳамиятга эга. Пациентнинг бундай маърузаларда келтириладиган индивидуал хусусиятлари билан анкета ва тестлар рақобатлаша олмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, биринчидан, агар баённомада психоаналитик суҳбатнинг ҳар бир босқичи аниқ ажратилса, иккинчидан, баённомада суҳбат жараёни ҳақидаги маълумот ва унинг алоҳида босқичлари ҳамда интервью талқини узвий ажратилса, маърузанинг объективлик даражаси ортади. Талқиннинг ҳар бир эпизоди илмий асосланса, объективлик янада ортади.

Психоанализнинг такомиллашган диагностик методларидан бири супервизия ҳисобланади. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, психоаналитик пациент билан суҳбатини тугатиб, ўз таассуротлари ва талқинини эксперт билан ўртоқлашади, эксперт бу ҳодисани таҳлил қила

туриб, ўзини гоҳ аналитик, гоҳ пациентга ўхшатишга ҳаракат қилади. Супервизия методи аналитик томонидан суҳбат давомида йўл қўйилган хатоларни аниқлаш, шунингдек берилган талқиннинг тўғрилигини баҳолашга имкон беради. Супервизияни бир эмас, бир неча эксперт ҳам ўтказиши мумкин. Бунда, албатта, объективлилик даражаси ортади. Битта эксперт томонидан йўл қўйилган ноаниқлик бундай маслаҳат давомида аниқланади. Албатта, битта ёки иккита аналитик томонидан берилган талқинни бешта обрўли супервизор тасдиқласа, унга ишониш учун асос кўпроқ бўлади. Психоаналитик талқиннинг тўғрилигини текширувчи яна бир метод тестдир. Тест методи бу ерда худди рентгенографияга ўхшаб экспертнинг ташхисини тасдиқлайди ёки уни рад қилади.

ПСИХОАНАЛИТИК ТЕСТ МЕТОДЛАРИ

СИФАТ МЕТОДЛАРИ

Сифат методлари ичида энг кенг тарқалгани текширилувчиларга сиёҳ доғларини талқин қилиш таклиф қилинадиган Роршах методи ҳисобланади. Бу методни Рой Шафер психоанализ учун қайта ишлаган. Зарурат туғилганда пациентнинг сўзлари баённомага киритилади. Шундан сўнг пациентнинг сўзлари психоаналитик шахс назарияси ва касалликлар ҳақидаги таълимот асосида талқин қилинган изоҳ тузилади. Бунда: пациент бутун расми изоҳладими ёки алоҳида деталларга эътибор бердими; пациент расмдаги умуман кутилмаган нарсаларни фаҳмладими ёки йўқми сингари жараёнлар ҳисобга олинади. Сиёҳ доғлари пациент томонидан ваҳший ҳайвон, одам, қандайдир дўстона ёки шафқатсиз саҳналар билан боғланиши мумкин. Бу боғланишларнинг мазмуни субъектив (сифат) ва объектив (миқдор) нуқтаи назаридан ўрганилади. Миқдорий тадқиқот деганда текширилувчининг жавоб учун сарфлаган вақти, жавобларнинг умумий сони, тўлиқ ва қисман жавоблар сонини аниқлаш тушунилади. Олинган маълумотлар кўпчилик ўртасида ўтказилган тадқиқот натижаларига солиш-

тирилади ва айнан шу пациент учун ўртача қиймат аниқланади. Бундай метод **ўзига хос кўрқув, ҳимоя механизмлари ва зиддиятларни** аниқлашнинг психоаналитик имкониятларини кенгайтиради.

Масалан, классик невроздан азиат чекадиганлар одатда **сиқиб чиқариш, аффектни изоляция қилиш ва реакцияни шакллантиришнинг** яхши ишлайдиган ҳимоя механизмларини шакллантирадilar. *Шизофреник симптомли пациентлар Роршах тести давомида воқеликни у ёки бу даражада бузиб идрок қилиши намоён бўлади. Ичкиликбозлар ва наркотик тобе одамлар таклиф қилинган расмлардан “бирон нарсани ютиш ёки бирон нарсани олиш” билан боғлиқ образларни топиб, орал — сўриш ҳақида гапиришга асос беришади. Нарцисстик бузилишлар ёки чегарадош ҳолатлар мавжуд бўлган шахслар эса, регрессив тенденция ва аффектацияга мойилликлари билан илк объект муносабатлар бузилишини кўрсатадилар.*

Дастлабки таъхисни тасдиқлайдиган, рад қиладиган ёки тўлдирадиган проектив тестларга яна ТАТ ва ОРТ тестларини қўшиш мумкин. Бу тестларда пациентларга ифвогарлик руҳи рўйи-рост ифодаланган расмлар кўрсатилади. Расмларнинг мазмуни ҳар қандай одамдаги онгсиз инстинктларга яқин бўлади. Булар ҳаммамизга таниш бўлган қайғу, бахтсиз муҳаббат, жанжал, бахт, ўлим кўрқуви, мотам ҳолатларидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, айнан юқорида айтилган тестлардаги ифвогарлик ифодаси туфайли улар ўз мақсадига эришади, яъни онгсизликни тадқиқ қилиш имкони туғилади. “Интервью” камдан-кам ҳолларда ифвогарлик талабини қондириши мумкин, чунки интервьюер пациентга нисбатан ўзини дўстона ва назокатли тутуди.

Интервью натижалари каби тест натижалари ҳам текширилувчининг тест ўтказаетган одамнинг хулқига нисбатан реакциясига боғлиқдир. Текширилувчи нафақат таклиф қилинаётган расмларга, балки тадқиқотчининг шахсига ҳам ўз онгсиз майлларини проекция қилади, кўчиради. Аниқроқ айтганда, бу ерда гап проекциянинг икки даражаси ҳақида бормоқда. Шунинг учун бундай тадқиқотлар натижалари ҳам тўла объектив бўла олмайди.

Шу билан алоқадор ҳолда шарҳларда текширилувчи билан тадқиқотчи ўртасидаги муносабатлар қандай юзага келганлигини баённомада кўрсатиш муҳимдир. Тест вазиятининг ўзи шундай реакция намунасини юзага келтириши мумкинки, бунда тадқиқотчи пациент томонидан имтиҳон олувчи, судья ёки ўқитувчи сифатида, бир сўз билан айтганда, пациентнинг жавобларидан унинг ўзига маълум бўлмаган хулосалар чиқарувчи сифатида идрок қилиниши мумкин. Шунинг учун ҳам худди шунга ўхшаш муносабатлар намоён бўлганлигини билиш муҳимдир. Шу ўринда айтиш керакки, тест тадқиқотлари тадқиқотчи хулқи манерасига мос равишда турлича натижалар беради. Текширилувчининг тадқиқотчи хулқига нисбатан реакцияси тадқиқотчининг реакциясига адекват(мос)дир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, тест тадқиқотлари шундай бир маконки, бунда муҳим ролни икки томонлама кўчириш бажаради. Шунинг учун ҳам тест давомида кечадиган кўчириш ва қарши кўчириш жараёнлари шарҳларда текширилувчи билан тест материали ўртасида кечадиган жараёнлар талқини ва таърифи қаторида алоҳида эътиборга моликдир.

МИҚДОР (САНОҚ) МЕТОДЛАРИ

Энг кўп қўлланиладиган ва амалиётда ўзини оқлаган психоаналитик диагностика методлари ичида *Дитер Бекман ва Хорст Эбергард Рихтерлар томонидан ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилган Гисен тестини* алоҳида кўрсатиш мумкин. Ушбу тест 40 дан ортиқ савол (итема) ни ўз ичига олиб, тадқиқотчига текширилувчининг шахси ҳақида умумий тасаввур уйғотишга имкон беради. Тест давомида текширилувчининг айни пайтдаги субъектив ҳиссиётлари (хусусан депрессия ёки ўзига ишонч), унинг ижтимоий аҳволи, шахсий ҳаёт қирралари ва шахсини характерловчи белгилар (дилкашлик, одамовилик ва ҳ.к) аниқланади.

Гисен тадқиқот гуруҳи томонидан аҳоли турли қатламлари ўртасида ўтказилган тест тадқиқотларининг кўрсатишича, қўйилган саволларга муносабат эркаклар-аёллар, кексалар-ёшлар, тиббиёт ва фалсафа факультет-

лари талабалари, психосоматик касалликдан азият чекувчилар, наркотик тобе шахслар, криминал жинсий бузуқликка мойил шахсларда яққол намоён бўлувчи фарқларга эга, шундай йўл билан олинган маълумотлар келажакда пациент азият чекаётган руҳий касаллик табиатини аниқ белгилаш имконини беради. Тест натижалари интерпретацияси текширилувчига хос бўлган хавотир, ҳимоя механизмлари ва зиддиятлар типларини аниқлайди ва шунинг учун у маълум маънода психоаналитик суҳбат талқинига ўхшайди.

Сўнгги йилларда қуйидаги учта бошқа миқдорий тестлар ҳам кенг тарқалди:

1. “Психосоматик жараёнларни тадқиқ қилиш учун анкета” 1981 йилда Клаус Кох томонидан таклиф қилинган. Унинг асосида психосоматик касалликлар пайдо бўлишининг турли назариялари ётади. Анкетанинг ўнта пунктдан энг муҳимлари фантазия чекланганлиги даражасини баҳоловчи — 2-шахслараро муносабатларнинг эмоционал томонини текширувчи — 3-онгсиз агрессивлик ва унинг тормозланиш даражасини аниқловчи 5- ва 6-пунктлардир.

2. “Нарцистик анкета” 1985 йили Дейнеке ва Мюллер томонидан таклиф қилинган. Унинг ёрдамида нарцистик бузилишдан азият чекадиган одамлар руҳияти хусусиятлари текширилади. Биринчи пункт хавотир, ожизлик ва нотавонлик каби ўзига хос ҳиссиётларни очиб беради. Текширилувчиларга таклиф қилинадиган итема, масалан, шундай бўлиши мумкин: “ Мен тез-тез шундай ички бўшлиқни ҳис қиламанки, гўёки жонсизга ўхшаб қоламан. Бу ҳиссиётни таърифлаб бўлмайди”. Шахснинг ожизлиги ва нотавонлиги бошқа итемада ўз ифодасини топади: “Мен тез-тез ўзимни салга синиб кетадиган шиша идишда тургандек ҳис қиламан”. Ўзини ўзи маҳв қилиш ҳолати қуйидаги итемани тасдиқлашда аниқланади: “Баъзан ўзимдан шундай нафратланаманки бундан ўзим қўрқиб кетаман”. Пациент томонидан муайян итеманинг танланиши ундаги ҳам нарцистик, ҳам чегарадош касалликларга хос бўлган назорат қилинмайдиган агрессив импульслар борлигини (“Баъзан мен шундай дарғазаб бўламанки, ўзимни бошқара олмай қолишдан қўрқаман”) ёки шах-

сий нотавонликни (“Баъзан ўзингнинг ҳеч нарсага арзимаслигинга чидай олмайсан”), ёки ижтимоий яққаланишни (“Мен байрамларни ёқтирмайман, чунки у ерда ўзимни бегонадай ҳис қиламан”), ёхуд ўз-ўзини улуғлашни (“Агар менда қандай истеъдод яшириниб ётганлигини билишганда, ҳамманинг оғзи очилиб қоларди”), ёки бўлма-са нарцистик дарғазабликни (“Агар мен хизматимга яраша тақдирланмасам, қазабдан ёниб кетаман”, “Одамлар билан мулоқотда доим ҳушёр бўлиш керак”) намоиш қилади.

3. “Агрессивлик омилини тадқиқ қилиш анкетаси”. У Фрайбургда ўтказилган шахсни ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари асосида яратилган. Бу анкета текширилувчини ўрганиш пайтидаги мавжуд агрессивлик типини аниқлаш имконини беради. Психологик ва психоаналитик касалликлар назариясига мувофиқ, психосоматик касалликларнинг пайдо бўлишида бўғилган агрессиялар муҳим роль ўйнайди. Бундай касалликларни даволаш жараёнида агрессиялар очиқ кўринишга ўтади ва психосоматик симптомларнинг йўқолишига ёрдам беради. Агрессивлик омилини тадқиқ қилиш анкетаси бу ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради.

Тест ўтказишнинг миқдор методлари психоаналитик диагностикада муваффақият билан қўлланилишига қарамай, улар инсон психикасида кечадиган онгсиз жараёнларни аниқлай олмайди. Бироқ тестлар ёрдамида психоаналитик терапия жараёни назорат қилинади. Шу билан бирга даволовчи психоаналитикнинг субъектив фикрига объектив тадқиқот методлари ёрдамида аниқлик киритилади.

ДАВОЛАШ ВА МАСЛАҲАТНИНГ ПСИХОАНАЛИТИК МЕТОДЛАРИ

Сўнги йигирма йил давомида терапевтик техниканинг қатор янги турлари пайдо бўлди, шунинг учун ҳам психоанализ уларнинг сафида руҳий хасталикларни даволашнинг тенг ҳуқуқли методи ҳисобланади. Ҳозир чет эллардаги психология факультетлари талабалари психоанализ

билан бирга систематик десенсибилизация, ўзига ишонч тренинги, аверсив ва оперант ҳолат каби тушунчаларга кенг ўрин бериладиган хулқий терапияни ҳам ўрганмоқдалар. Бундан ташқари, психологик дастурда сўзлашув психотерапиясига катта аҳамият берилмоқда.

Бундай ҳолат амалда ҳар қандай даволаш методини, шу жумладан нопсихоаналитик методларни ҳам танлаш имконини беради. Бироқ кўплаб психологлар аввал хулқий ёки сўзлашув терапиясини қўллаб кўриб, натижадан қониқмай психоанализга ўтишга қарор қиладилар.

Вужудга келган вазият психоанализ ва даволашнинг психоаналитик методларига янгича кўз билан қарашни тақозо қилади. Шунинг учун аввал хулқий ва сўзлашув терапиясини кўриб чиқиб, сўнг уларни психоанализ билан таққослаймиз.

ХУЛҚИЙ ТЕРАПИЯ

Хулқий терапияга эксперименталь ўрганиш назарияси асос бўлиб хизмат қилади. Вақт ўтиши билан хулқий терапия тушунчаси такомиллашди, ҳозирда у моҳиятан мантиқий, лекин мунозарали бўлган турли амалий даволаш методларини ўз ичига олади.

Ушбу терапиянинг муҳим шартларидан бири даволаш натижаларини эксперимент воситасида қайта объектив текшириш бўлиб, бу ҳолат уни психологиянинг табиий илмий бўлимига кўшиш имконини беради, бу бўлимнинг ажратиб турувчи белгиси эса, умумий қонуниятларни конкрет индивидга нисбатан қўллашдир. Психик бузилиш моделлаштирилади ва оддий йўл билан: истак-реакция схемасига амал қилиниб, лаборатория шароитида бартараф этилади. Шунинг учун ҳам хулқий терапияни ўрганиш осон. Масалан, фобия — хулқ терапиясига кўра, одамга хавф солувчи вазият оқибатида вужудга келган патологик шартли реакциядир, бунда фантазиялар, сиқиб чиқарилган майллар ва ҳимоя механизмлари инobatга олинмайди. Бузилиш сабабини болалиқдан эмас, пациентнинг ҳозирги ҳаётидан қидирилади. Кўрқувга сабаб бўлувчи объектнинг эҳтимол тутилган рамзий аҳамиятига ҳеч қандай эътибор

берилмайди, унга кўрқув уйғотувчи сифатида қаралади, қолган нарсалар эса асабий кўзғолишнинг оқибати деб ҳисобланади. Бунда хулқий терапиянинг мақсади пациентнинг ноадекват хулқини адекват хулқ билан алмаштиришдир.

Психоанализ хулқий терапиядан фарқ қилиб, онгсиз психик жараёнларга катта аҳамият беради. Психоанализнинг тадқиқот предмети инсондир, шунинг учун психоанализнинг ҳамма терапевтик усуллари мураккаб ва нозик бўлган психоаналитик шахс назарияси асосига қурилади.

Жиддий тафовутларга қарамай, хулқий терапия билан психоанализ ўртасида кўпгина умумийлик бор. Иккала метод ҳам оддий бўлмаган психик феноменларни изоҳлашга йўналтирилган ва ижтимоий муносабатларни соғломлаштиришга катта эътибор беради, ҳар иккала метод ҳам тадқиқот жараёнида пайдо бўладиган хатоларнинг муқаррарлигини тан олади ҳамда зарурий шарт сифатида маълумотларни қайта текширишни қабул қилади. Шуни ҳам тан олиш керакки, маълумотларни қайта текшириш психоанализда фақат кейинги вақтлардагина инобатга олина бошлади.

Кўплаб психоаналитиклар, хусусан Ганс-Фолкер Вертманн хулқий терапия билан психоанализ ўртасидаги кескин фарқни кўрсатиб беради, лекин ҳозир ҳар иккала методни синтез қилиш тарафдорлари ҳам кўпайиб бормоқда. Райнер Краузе томонидан таклиф қилинган бу икки метод дудуқликни даволашда яхши самара бермоқда. Психолог Эва Эгги хулқий терапия асосида ишлаб чиқилган когнитив терапия доирасидаги психик бузилишларни фақат ўзига хос "тафаккур хатолари" гина эмас, шу билан бирга иррационал фикрлар ва пациент томонидан англамайдиган, ички зиддиятлар оқибати деб билади.

Э. Ханд хулқий терапия билан психоанализ ўртасида янада кўпроқ ўхшашликни таъкидлайди. У алоҳида инсон эҳтиёжлари, функциялари, мотивациялари ва хулқий бузилишларни изчил тадқиқ қилиб, аҳамияти терапия жараёнида намоён бўлувчи онгли ва "онгли бўлмаган" функцияларни фарқлайди.

Пауль Вахтель ўзининг "Психоанализ ва хулқий терапия, улар интеграцияси ҳимояси учун сўз" китобида пси-

хоаналитик "конструкция" ни тан олишдан қўрқмаслигини таъкидлаган. Мазкур китобида у фобиялар пайдо бўлишининг кучсиз хулқий терапия назарияси билан психоанализни кўплаб муносабатларда синтезлаб, хулқий терапияга қўрқувни келтириб чиқарувчи объектнинг онгсиз аҳамияти тушунчасини киритади.

Психоаналитиклар шуни ҳам ҳисобга олишлари зарурки, хулқий терапия ҳам амалиётда ўзини оқлайди ва онгсизлик бузилишининг аниқланиши дудуқланишдан азият чекадиган беморларни даволашда ёрдам бермаган тақдирда бундай беморни ҳеч иккиланмасдан хулқий терапия билан шуғулланадиган психолог ҳузурига йўллаш керак. Ҳамкорликнинг бундай кўриниши фойда бериши мумкин.

СУҲБАТ ПСИХОТЕРАПИЯСИ

Суҳбат психотерапияси учун хулқий терапия сингари экспериментал психология асос бўлиб хизмат қилади. Суҳбат психотерапиясида клиник феноменларни тасвирлаш қўлланади, даволаш натижаларини қўллашга катта аҳамият берилади ва энг аввало терапиянинг аниқ мақсади белгиланади. Онгсизлик мазмунини очиб бериш терапевтнинг режасига кирмайди. Карл Р.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган учта шарт суҳбат терапиясида катта аҳамиятга эга:

1. *Ҳақиқий инсоний эътибор.*
2. *Пациентни тушуниш ва унга нисбатан самимий муносабат.*
3. *Пациент ҳиссиётини вербаллаштириш.*

Суҳбат психотерапиясида ҳам психоанализдаги каби терапевтнинг шахсий тажрибаси муҳим омил сифатида тан олинади. Суҳбат психотерапиясига кўра пациент ҳиссиётининг яширин мазмунини тушуниш учун "Хулқ модификацияси"га эришиш керак. Хулқий терапиядан фарқли равишда суҳбат психотерапиясида даволашнинг директив методлари қўлланмайди, чунки бу ерда пациент ўзига нима кераклигини ва терапевтик жараён қайси йўналиш-

да ривожланиши кераклигини яхши тушунади. Бу ерда терапевтнинг вазифаси пациентни шу "йўлда" кузатиб бориш ва унинг ҳиссиётини вербаллаштириш, яъни бу ҳиссиётни сўзда ифодалашдан иборат бўлади.

Шу муносабат билан психотерапевтнинг пациент монологуга аралашishi сезиларли аҳамиятга эга. Пациентга турли йўналтирувчи саволлар бериш мумкин: Масалан: "Айни пайтда ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?", "Сизни бирон нарса безовта қилмаяптими?", "Ўзингизни сиздан ҳамма юз ўгиргандай ҳис қилмаяпсизми?". Терапевт пациентнинг жавобларига ишонади. Муқаррарлиги психоаналитик кўчириш концепциясида таъкидланадиган муносабатнинг илк намуналарининг қайта жонланиши суҳбат психотерапиясида четлаб ўтилади ёки уларнинг аҳамияти умуман инкор қилинади. Хулқнинг онгсиз аҳамиятини ёритишга ва шу билан одамдаги у ёки бу англамаган зиддиятнинг мавжудлигини аниқлашга уриниб кўрилмайди. Суҳбат психотерапиясининг ижодкорлари бу тамойилга амал қилиб, психоанализнинг муқаддас тушунчаси — қаршилиқ кўрсатиш, бир фикрни такрорлайвериш, кўчириш ва қарши кўчиришдан халос бўлишди. Психоаналитик нуқтаи назардан суҳбат психотерапияси "ҳеч қандай психик бузилишлар назариясига, аниқ бир касалликка йўналтирилган терапевтик техникага эга бўлмаган суҳбатнинг психологик методикаси, холос."

Шунга қарамай, Карл Р Роджерс 1959 йилда суҳбат психотерапиясининг шахс назарияси билан бирга терапиянинг ўз назариясини ҳам илгари сурди. У хусусан пациент руҳиятида мавжуд бўлган реал ва идеал образлар ўртасидаги зиддиятлардан терапевтик мақсадларда фойдаланиш ҳақида ёзади. Шунга қарамай, бундай тасдиқлашни тўлақонли психоаналитик усул деб аташ мумкин бўлса ҳам, суҳбат психотерапияси ижодкорлари психоанализ билан ҳар қандай ўхшашликни рад этишга мойилдилар.

БОШҚА ПСИХОТЕРАПЕВТИК МЕТОДЛАР

Руҳий бузилишларни даволаш учун қўлланиладиган турли психотерапевтик методлар ичида қуйидагиларни

алоҳида таъкидлаш зарур. Эрик Берне томонидан ишлаб чиқилган *трансактив таҳлил*. Берненинг фикрича, инсон "Мен"ининг учта ҳолати мавжуд: **болалик "Мен"и, катта ёшдаги "Мен" ва ота-оналик "Мен"и**. Инсоний зиддиятларни Берне ўзига хос "ўйин" деб, унинг зарурий шартли қарама-қарши томонлардан биттасининг атайин зиддиятга ундаши деб ҳисоблайди. Инсоннинг хулқи, шундай қилиб, бошқа одамни бирон-бир ҳаракатга ундаш мақсадига эга бўлиши мумкин. Берне хусусан "менга ташлан", "мени ҳайда" каби ғаламисликларни таъкидлайди. Трансактив таҳлилда психоанализдагидек муносабат ва хулқнинг типик намуналари ҳисобга олинади, бундан ташқари трансактив таҳлил пациентга ўзининг "ҳаётининг онгсиз режасини", яъни инсоннинг маълум ҳаракатларини бошқарадиган ўзига хос онгсиз "қоидани" англашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам трансактив таҳлил психоанализнинг адаптациялашган аналоги ҳисобланади.

Образли терапия. Бу назарияга биноан тўсилиб қолган ички резервлар инсоннинг ўзидаги яширин образлар, ҳаёлий шарпалар алоқаси жараёнида намоён бўлади. Агар қаршилиқ феномени бу ерда психоанализга ўхшаб талқин қилиниши мумкин бўлса, онгсизлик мазмунини таъбирлашнинг иложи бўлмайди.

Биоэнергетика у ёки бу вужудий симптомларни тушунишга асосланган руҳий бузилишларни даволаш методидир. Александр Ловен биоэнергетиканинг ҳозирги аҳволини тасвирлаб, психик бузилишларнинг турли жисмоний белгиларини, вужуд тилини мукаммал ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Ушбу назариянинг психоаналитик концепция, хусусан характер таҳлили билан ёндошлиги биоэнергетика вакиллари томонидан тан олинади ва барча муносабатлар бўйича ижобий омил сифатида идрок қилинади.

Бирламчи терапиянинг психоанализ билан кўп жиҳатдан ўхшашлиги бор. Ушбу терапиянинг асосий қуроли регрессия бўлиб, пациент ҳимоя механизмларининг мавжудлиги сабабли бошқа ҳолатларда кириш йўли беркирилган оғриқ, қўрқув, азоб-уқубат, умидсизлик ва ғазабнинг онгсиз соҳасига фарқ бўлади. Бунинг оқибатида илк

болаликнинг фожиали кечинмалари билан боғлиқ бўлган "бирламчи дард, алам" очилади. Нохуш эмоциялар ёки бошқача айтганда "примула"нинг қайта жонланиши пациентга ўзининг тийиб қўйилган "бирламчи дод-фарёдини" очиқ намоён қилишга, яъни уялмасдан йиғлаш, шикоят қилиш, жаҳли чиқиши ва ҳоказога имкон беради. Бу нарса, ўз навбатида, уни безовта қилаётган симптомларнинг йўқолишига олиб келади. Маълум маънода бирламчи терапия психоанализдан ҳам журъатлироқ тадбирдир. Бирламчи терапия доирасида қоронғилаштирилган хоналарда ўтказиладиган узоқ муддатли гуруҳли сеанслар туфайли янада чуқурроқ ва узоқ муддатли регрессияга эришиш, ҳатто психоаналитик сеансларга нисбатан ҳам маълум маънода самаралироқ натижалар бериши мумкин.

Бироқ, шу нарсани яна бир марта таъкидлаш зарурки, юқорида санаб ўтилган терапиянинг барча турлари ҳам қониқарли эмас: хулқий терапия инсон хулқининг онгсиз аҳамияти, кўчириш ва қарши кўчириш муаммоси имкониятини қўлдан беради, суҳбат психотерапияси кўчувчи реакциялар имкониятини ҳисобга олади ва шу билан бирга уларни зарарли деб қабул қилади, фақатгина биоэнергетикага йўналтирилган трансактив таҳлилда ва биринчи навбатда бирламчи терапияда психоаналитик концепция тан олинади. Бу концепцияга кўра, психик бузилишлар одамнинг илк болаликдаги муносабатларидаги фожиали тажрибанинг оқибати бўлиб, қайта жонлантормасдан туриб уларни бартараф қилиш мумкин эмас.

ПСИХОАНАЛИТИК МЕТОДЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚўЛЛАШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТЛАРИ

ПСИХОАНАЛИТИК ТОМОНИДАН ҚўЛЛАНИШИ

Психоаналитик методларни муваффақиятли қўллашнинг муҳим омилларидан бири — терапиянинг ташқи шароитлари билан бир қаторда, психоаналитикнинг ўз шахсидир. Таассуфки, бу факт психоанализга бағишланган адабиётларда жуда кам ёритилган. Мазкур йўналишдаги

фикрни шундай шаклда ифодалаш мумкин: психоаналитик ўзини терапиянинг муҳим субъектив омили сифатида идрок қилиши ва ўзини ўзи англашга интилиши лозим. Айнан шунинг учун ҳам ўқув таҳлили психоаналитик таълимнинг ажралмас қисмига айланади. Ўқув таҳлили терапевтнинг ўзини ўзи ўрганиши, шахсий зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаши ва етарлича ўзини ўзи англашнинг юқори даражасига эришишига имкон беради. Айни пайтда бу ўз шахсини юқори даражада кафолатлайди дейиш учун жиддий асос бор.

Айтилган фикрлар психология факультетини битирган ва тиббий маълумот олган психоаналитикларга бирдек тегишли. Аналитикнинг ўзини ўзи англашига, гуруҳли динамик практикum ҳам ёрдам беради. Гуруҳ атмосфераси туфайли мутахассислар ўз шахсий хулқ манераларини яққол тасаввур қилиш имкониятига эга бўладилар. Гуруҳли динамик практикum қатнашчилари ўз касбдошларига улар шахсининг ўзларига номаълум томонлари ҳақида очиқ фикр билдиришади. Айтилган фикрларнинг объективлик мезони — бу фикрнинг кўпчилик қатнашчилар томонидан қўллаб-қувватланишидир. Шахсий ижобий ва салбий сифатлари ҳақидаги тўла маълумот психоаналитикнинг келажакда пациент реакциясини тушунишига ёрдам беради, чунки пациентнинг реакцияси ҳар доим аналитикнинг хулқига жавоб реакцияси ҳисобланади. Аналитикнинг хулқи эса психоанализнинг бош қондаси — "Ўзини тута билиш" қондасига мос келиши керак. Психоаналитик ўзининг пациентга нисбатан бўлган ҳиссиётини назорат қила олишни ўрганиши зарур.

ПСИХОНАЛИТИК МЕТОДЛАРНИНГ ПАЦИЕНТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАНИШИ

Идеал пациент фақат аниқ белгилар ҳақида шикоят қилибгина қолмай, шу билан бирга, уларни психик кечинмалари билан боғлайди, шунинг учун ҳам у таҳлил қилиш жараёнида фаол иштирок этишга тайёр. Терапиянинг самараси аналитик билан пациент ҳамжорлигининг муваффақиятига ёки пациентнинг асабийликдан ҳоли

"даволаш алянсида" қатнашиш даражасига, пациентнинг аналитикка нисбатан мулоҳазали ва оқилона муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳамкорлик деганда, энг аввало, пациентнинг эркин ассоциация қилишга тайёрлиги, яъни миясига келган фикрни уят, тортиниш, кўрқув ва айбдорликни ҳис этмаган ҳолда гапира олиши тушунилади. Бундай ошкоралик ишончнинг юқори даражасини англа-тади, ишонч эса, таҳлилнинг бошидаёқ уйғонмасдан, аста-секин қурилади.

Куйидаги мисол психоналитик пациентнинг ҳамкор-ликка тайёр ёки тайёр эмаслигини қандай қилиб аниқла-ши мумкинлигини кўрсатади.

Аналитик: Мен сизни тушунишга ҳаракат қилаяпман. Сиз билан ҳамкорлик қилишни жуда ҳам истардим. Бу нар-са бизга сизнинг дардингиз сабабини яхшироқ тушуниш-га ёрдам берган бўларди.

Пациент аёл: Унда нима учун сиз менга ёрдам бермаяпсиз?

Аналитик: Мен шундоқ ҳам ёрдам бераман, фақат шошилиш хулосалар чиқаргим келмаяпти. Мени симп-томлар умуман қизиқтирмайди, балки симптомга сабаб бўлаётган психик муаммолар қизиқтиради. Нима учун сиз ҳам шу нарса билан қизиқишга уриниб кўрмайсиз?

Пациент аёл: Яхши, лекин сизга ёрдам бера оларми-кинман. Менга сабаблар умуман маълум эмасга ўхшайди.

Аналитик: Мен уларни аниқлашда сизга ёрдам беришга тайёрман. Энг муҳими, иккаламининг ҳамкорлигимиз, ҳамкорлик эса битта шартга боғлиқ. Сиз нимани ҳис қила-ётган бўлсангиз менга айтишингиз керак. Шундай қилиб, сизнинг дардингиз нима билан боғлиқ бўлиши мумкин?

Пациент аёл: Меннинг фикримча, бу нарса кўпроқ ме-нинг оилавий ҳаётим билан боғлиқ бўлса керак.

Аналитик: Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлиши мумкин. Биз бу билан шуғулланамиз. Бироқ бошқа нарса муҳимроқ. Сиз никоҳда бахтсиз эканлигингизни тушунасиз, демак, бах-тсизлигингизнинг сабабларини аниқлаш осон бўлади.

ПСИХОАНАЛИТИК ВАЗИЯТ

Энди психоналитик сеанснинг шарт-шароитини кўриб чиқамиз. Вазият азалдан шундай кўринишга эга бўлган:

бемор кушеткада ётади, психоаналитик мижознинг бош томонидаги креслода ўтиради. Пациент психоаналитикни кўрмайдиган бундай ҳолат пациентга эркин ассоциациялар кечишига ёрдам бериши керак. Бироқ илгари эслатиб ўтилган пациентнинг сўзларига бирор бир реакция билдиришдан сақланиш кўринишидаги аналитикнинг вазмин, осойишталиги ва оддий суҳбатдан фарқли ўлароқ, унинг жим қулоқ солиб, фақат савол бериш билан чекланиши пациентда қўшимча фрустрацияга (стимуллашган қондирилмаган майллар билан тафсифланадиган руҳий ҳолат) ва ўзига хос инсоний муносабатлар бўшлиғи атмосферасига сабаб бўлади.

Лео Стаун психоаналитик сеансга хос бўлган, лекин парадоксал шаклда кундалик ҳаётга хос бўлмаган ўзаро ишонч ва интимлилик билан биргаликда мавжуд бўладиган ажралиш ҳолати ҳақида ёзади. Бу парадокс "интим ажралиш" ёки "алоҳида интимлилик" билан ифодаланади. Шу сабабга кўра психоанализ кўпчилик одамларнинг ҳафсаласини пир қилади. Аналитик сеанснинг сунъий вазияти шахслараро муносабатларни қондиришга қобил эмас. Бу ерда фантазиялар кўзғалиб, битта мавзуни тинмай қайтаравериш ҳоллари содир бўлади, бу психикани таҳлил қилишга ёрдам беради, бироқ бу ҳолат ёқимли суҳбатга умуман ўхшамайди. Психоаналитик вазият феномени турли вақтларда нафақат психологиянинг, балки бошқа кўплаб фанларнинг тадқиқот объекти бўлган, шунинг учун мавзудаги бегона фикрлар билан танишиш ҳам маълум мазмунга эгадир.

Лингвистикада пациентнинг ассоциацияларини бадиий адабиётга хос бўлган стилистик услублар билан қиёслаб, субъектив кечинмалар ҳақидаги ўзига хос ҳикоя деб идрок қилишга мойиллик бор. Роман ёзаётган ёзувчи аксарият сюжет учун материални шахсий биографиясидан ёки ўз оиласи ҳаётидан олади.

Социологияда психоаналитик вазият иккита индивиднинг маълум ижтимоий қоидаларга таянган муносабати деб қаралади, бунда пациентнинг мустақиллиги дахлсиз қолади, психоаналитик эса пациентга у ёки бу ички зиддиятларни ҳал қилиш учун ўзининг касбий хизматини так-

лиф қилади, холос. Сеанс давомида юзага келган ва пациентга ўзининг ҳақиқий эмоцияларини эркин намоён қилишига шароит яратадиган ўзаро ишонч муҳити эса аналитикнинг пациент кечинмаларини англаб, фаҳмлашига имкон беради. Умуман олганда, пациент ўз дардининг сабабларини ўзи излаб топишга қобил, лекин бу нарса вақтинчалик қийинчилик туғдиргани учун у мутахассисга мурожаат қилади.

Сиёсатшунослик нуқтаи-назаридан аналитик шак-шубҳасиз, пациентга нисбатан ўз ҳукмини ўтказади. Ана шу қараш доирасида пациент маълум маънода ўз шахсини аналитикка ишониб топширади ва ихтиёрий равишда ўз мустақиллигидан воз кечади деб тахмин қилинади. Бундай муносабатларнинг бўрттирилган кўриниши қудратли аналитик ва ожиз, тобе пациент образини ўз ичига олади. Бахтга қарши буни тасдиқлайдиган фактлар мавжуд. Психоаналитик ҳақиқатан пациентга ўз ҳукмини ўтказиши, ҳатто унга зарар келтириши ҳам мумкин. Бироқ шу ҳолатни ҳам таъкидлаш лозимки, пациент томонидан ассоциацияларнинг эркин кечиши амалга оширилмаган тақдирда аналитик бирон-бир тадбир қўллашга ожиз бўлиб қолади, чунки у ҳар доим ўз хулосаларини пациентнинг сўзларига асосланиб шакллантиради.

Пациентга зарар келтириш эҳтимолига келсак, масалан, Роберт Ланг бу муаммони бирмунча ноанъанавий йўл билан ҳал қилади. Унинг фикрига кўра, терапевтлар ўқув таҳлили давомида ўз шахсий ички зиддиятларини тез англаб, фаҳмлаш кўникмасини шакллантиришларига қарамай, айна пайтда пациентларда мавжуд руҳий бузилишлардан ўзлари ҳам азият чекадилар. Ўзидаги мавжуд руҳий бузилишни тасаввур ҳам қилмайдиган аналитик эса кўчириш феноменидан фойдаланиб, пациентдан шахсий муаммоларини ҳал қилиш учун фойдаланиши мумкин. Бундай “терапевтик” фитна, суиқасд “етарлича” билимга эга бўлмаган ёки етарлича тажрибали бўлмаган терапевтлар амалиётида юз бериши мумкин. Умуман олганда бундай вазиятнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ниҳоятда оз.

ТОР МАЗМУНДАГИ ПСИХОАНАЛИТИК МЕТОД

Психоаналитик методнинг моҳияти кўп жиҳатдан унда иккита жуфт, биполяр: “истак ва қаршилиқ” ва “кўчи-

риш ва қарши кўчириш” концепциясининг бир вақтда мавжуд бўлиши билан белгиланади.

ИСТАК ВА ҚАРШИЛИК

Таҳлил этилаётган пациентлар терапевт билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирадилар, у билан бирга шахсий дардларининг манбаларини аниқлаш учун бор кучларини сарфлашга тайёр бўладилар. Бу истак симптом билан яширин ички зиддиятлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишларини кузатишга тайёрликда намоён бўлади.

Бироқ айни пайтда кўплаб пациентлар психоаналитик сеанс пайтида ўзлари учун нохуш хотира ва вазиятларнинг қайта жонланишига қаршилик қиладилар, чунки бу нарса улар учун фожиали бўлган ўтмиш, масалан, илк болалик ҳолатларининг қайта жонланиш хавфини туғдиради деб ҳисоблайдилар. Хотиралар аксарият ҳолларда чидаб бўлмас даражада аччиқ ва аламли бўлади. Психоаналитик бу аччиқ, аламли хотираларга калондимоғлик билан ва ҳатто истеҳзоли муносабатда бўлиши мумкин деган хавф эса пациентнинг уялишига сабаб бўлади. Шунинг оқибатида ривожланадиган онгсиз қаршилик кўрсатиш эса айрим ҳолларда ҳаётнинг фожиали ва шармандали эпизодларини эслаш қобилиятининг қисман йўқолишига олиб келади.

Тушлар эса, аксинча, ўз ҳолича аламли кечинмаларни онгга олиб чиқаверади, шунинг учун пациентнинг ҳикоясида вақт-вақти билан унутилган эпизодга шама қилиш ҳоллари пайдо бўлаверади. Аналитикнинг вазифаси — эҳтиёткорлик билан ўз ҳаётининг шундай саҳналарини эслашда пациент бошдан кечираётган қийинчиликларни, унинг муҳим, лекин қалтис мавзулардан қочишга аналитик пайқаган уринишларини кўрсатишдан ва ўзининг пациентнинг ҳиссиётларига ҳамдард муносабатини таъкидлаган ҳолда, уни бундай қаршилик кўрсатишнинг эҳтимол тутилган сабаблари билан таништиришдан иборатдир. Кўп ҳолларда пациентлар ўз фикрларини назорат қилишга интиладилар ва суҳбатда “нажоткор” нейтрал мавзудан огиб кетганини пайқаб қолишса, тезда унга қайтишга шошиладилар.

Масалан, пациент аналитикнинг унга етарлича вақт ажратмаётганлигидан жаҳли чиқади, лекин ўз норозили-

гини бирон-бир йўл билан намоён қилишга кўрқади. Бундай қаршилиқ кўрсатиш натижасида мигрень (бош оғриғи) пайдо бўлади. Образли қилиб айтганда қаршилиқ кўрсатиш симптомни “яратади”.

Қаршилиқ кўрсатишни таҳлил қилишдан мақсад айнан пациентга симптом билан сиқиб чиқарилаётган аффект ўртасидаги алоқани кўрсатишдан иборатдир. Сиқиб чиқаришнинг сабаби эса кўрқув ва уятда бўлади.

КЎЧИРИШ ВА ҚАРШИ КЎЧИРИШ

Кўчириш

Пациент эртами-кечми психоаналитик сеанс доирасида ҳал қилинмаган невротик зиддиятлар устунлиги билан таърифланадиган ўзининг илк болалик муносабатларини қайта жонлантириб ёки қайта фаоллаштириб, терапевтни кўчириш жараёнига қўшади. Пациентнинг ҳаётида қачонлардир муҳим рол ўйнаган сезги ва ҳиссиётлар “янгица жонланишга” ва айни пайтда улкан аҳамиятга эга бўлади. Даставвал пациент учун яқин одам билан боғлиқ бўлган ва унинг болалиги учун ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлган аффектлар (кучли ва қисқа муддатли, кескин ҳаракат билан бирга келадиган руҳий ҳолат) психоаналитикка, ҳозир айни пайтда пайдо бўлган муносабатларга кўчирилади.

Асабий бузилиш нафақат кўчиришда намоён бўлади, балки кўчириш орқали синчиклаб таҳлил қилиш мумкин бўлади. Фаол ички зиддиятлар ўз ўрнини худди шундай фаол бўлган ташқи — пациент билан аналитик ўртасидаги зиддиятга бўшатиб беради. Симптоматик невроз кўчириш неврозига айланади.

Аксарият ҳолларда психоаналитикка доим жазолайдиган ёки асабий ўшқириб берадиган қатиққўл онанинг сифатлари кўчирилади. Кўчиришни талқин қилиш эса терапевтга ўз вақтида бу стереотипни таниш, ўз талқини ҳақида пациентга хабар қилиш ва шу билан янги, патологик бўлмаган, ишончли муносабатлар ўрнатилишига ёрдам беради. Кўчиришнинг белгиси аналитик билан пациент ўртасидаги муносабатларда бундай муносабатларга умуман хос бўлмаган ўта мулойимлик ёки душманлик каби

янгича қирралар ҳисобланади. Айнан “ноўринлик”, “одатдан ташқарилик” ва “бўрттирилиш” психоаналитикка кўчиришнинг таъсири ҳақида тахмин қилишга асос беради. Яна шунини таъкидлаш зарурки, кўчиришлар эротик, агрессив, ижобий ва салбий бўлади. Қуйидаги эпизод салбий кўчиришга мисол бўлади.

Пациент: “Менинг автомобилим автоинспекцияга тушиб қолди. У ерда фақат пул олишади, холос. Лекин, нима ҳам қила олардинг. Бензин йўли шундай ўрнатилган эканки, тутун бутун юкхонага уради. Мен жон-жон деб бошқа ерга мурожаат қилган бўлардим, лекин қаерда...”

Аналитик пациентнинг зардасини кўчириш сифатида идрок қилиб, айтилганларни ўз ҳисобига қабул қилади. Пациентнинг автоинспекциядан норозилиги умуман терапиядан ва хусусан терапевтдан норозиликни билдириши мумкин.

Аналитик: “Менга автоинспекцияда бўлган ҳодиса шу ерда, сеансда бўлаётган воқеаларни сизга эслатаётгандек туюлди. Агар шундай бўлса, пул олиб ҳеч нарса қилишмайди деганда мени назарда тутдингизми?”

Пациент: (узоқ вақт ўйлагандан сўнг, бу фикрга қўшилади ва шундай деб қўшиб қўяди.) “Менинг отам ҳам худди шундай қиларди, яъни нотўғри ёрдам берарди”.

Аналитик: “Сиз бензин йўлини тузатишдагига ўхшаган ёрдамни назарда тутяпсизми?”

Пациент: “У ёрдам бериш ҳақида эмас, фақат ўзини ўйларди”.

Аналитик: “Бироқ тушунишимча, отангиз худди юкхонадаги бензин йўлига ўхшаб сизнинг ҳаётингизни заҳарлармиди?”

Пациент: “Тўппа-тўғри. Мен ҳатто, биринчидан, у менинг “ҳаётимни заҳарлаганлиги”, иккинчидан, мендан кўра ўзи ҳақида кўпроқ қайғурганлиги учун ундан кўрқардим. Мен шунга ўхшаш ҳолатни қайта бошдан кечиришни хоҳламасдим. Энди ҳамма нарса бошқача бўлиши керак”.

Психологик мазмунда терапевтнинг пациент томонидан селектив ёки танлаб идрок қилиши кўчиришда ҳукмронлик қилади. Бундай кўчириш албатта стереотиплар ва олдиндан пайдо бўлган нотўғри фикр билан бузилган бўлади.

Қарши кўчириш

Қарши кўчириш аналитикнинг пациентнинг кўчиришига нисбатан реакциясидир. Пациент онгсиз равишда айнан қандай стереотип муносабатларга ўзини тортаётганлигини аниқлаб, психоаналитик ўзига ёпиштирилаётган ролни қабул қилмайди, балки ўзининг қарши кўчириш реакциясида бу ролни ойдинлаштиради. Образли қилиб айтганда, психоаналитик кўчириш “қулфини” қарши кўчириш “калити” билан очади. Аналитикнинг ўзига кўчирилган роль билан идентификация қилиш имконияти анча чекланган.

Хусусан, Генрих Райкер шу муносабат билан кўшимча ўхшатиш ҳақида ёзади. Конкрет ўхшатишдан фарқли ўлароқ, кўшимча ўхшатиш аналитик ва пациент ўртасидаги муносабатларда бевосита иштирок этмаётган учинчи шахсга ўзини ўхшатиш зарурияти билан тўлдирилган.

Тотал (ёппасига) қарши кўчириш ҳодисасида аналитикнинг барча эмоционал ва когнитив (билиш) реакциялари пациент атрофида тўпланган.

1. Психоаналитикнинг кўчиришга реакцияси, яъни тор мазмунда қарши кўчиришнинг ўзи.

2. Аналитикнинг пациентга алоқаси бўлмаган, лекин унинг таъсирида вужудга келадиган ҳиссиёти.

3. Қарши кўчиришнинг янги даражаси, яъни аналитикнинг пациентга (бирламчи) қарши кўчириши. Қарши кўчиришнинг бу жиҳати шундай вазиятни вужудга келтирадики, бунда пациент аналитикнинг онгсиз кўчиришига қарши кўчириш шаклида жавоб беради. Бу нарсани диққатдан четда қолдириш пациент реакциясини тескари талқин қилишга олиб келади.

Бир психоаналитик пациент аёлни таҳлил қилишдан бош тортган, чунки бу аёл унга болалигида ўзини хафа қилган ўз синглисини эслатган. Бошқа бир ҳолатда психоаналитик гуруҳли терапия сеансини ўтказиб ўша ердаги бир аёлга нисбатан тушунтириб бўлмас антипатияни ҳис қилган. Кейинчалик билишича, бу аёлнинг шаддод қилиқлари унга ўз онасининг баъзи қилиқларини эслатган. Бироқ, шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, айрим пси-

хоаналитиклар пациентнинг кўчма реакциясидан қатъи назар, ўзларини агрессив ёки пассив тутишга мойил бўладилар.

Бу ерда гап психоаналитикнинг ўз хулқини қай даражада билиши унинг меҳнат фаолиятида қанчалик муҳимлиги ҳақида бормоқда. Аналитикнинг ўз хулқи ҳақидаги билими унга пациентнинг у ёки бу реакцияси сабабини аниқлашга ёрдам беради. Ўқув таҳлилни мувафаққиятли ўтган юқори малакали психоаналитик кўчиришнинг гетеросексуал, гомосексуал ва агрессив жиҳатларидан унга пациент томонидан зўрлаб ёпиштириладиган муносабатлар стереотипини тушуниш учун фойдаланишга тайёр бўлади. Кўчириш ва қарши кўчириш феноменлари бутун инсоний муносабатлар ёки интеракцияларнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Руҳий таҳлил вазиятида фақат улар яққолроқ намоён бўлади, холос, чунки сеанс атмосфераси ва психоанализ методлари бундай феноменларнинг намоён бўлишини рағбатлантиради. Бироқ кундалик ҳаёт ҳам шунга ўхшаш реакцияларни тадқиқ қилиш учун анча материал беради. Масалан, тез-тез учрашиб турадиган севгилисини идеал ота ёки (она) образи билан ўхшатиш илк болалик муносабатлари стереотипларига йўналтирилган бўлиб, кўчиришнинг таъсири ҳақида гапиришга имкон беради.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, психоаналитик методнинг қуйидаги элементларини ажрата билиш керак:

- 1. Истак ва қаршилиқни таҳлил қилиш.*
- 2. Кўчиришни таҳлил қилиш.*
- 3. Қарши кўчиришни таҳлил қилиш.*
- 4. Пациентнинг эркин ассоциацияларини жорий таҳлил қилиш.*
- 5. Сухбатни таҳлил қилиш.*
- 6. Тушларни таҳлил қилиш.*

Шуни яна бир марта таъкидлаш зарурки, психоаналитик жараённинг самараси тўғридан-тўғри пациентнинг қаршилигини бартараф қилиш, кўчириш ва қарши кўчириш орқали аламли ички зиддиятларни қайта жонланти-

ришга боғлиқдир. Айтиб ўтилган талабларни бажармаслик пациент руҳиятини таҳлил қилиш эҳтимолини амалда йўққа чиқаради. Бундан ташқари, таҳлил муваффақияти учун пациентнинг терапевтик сиқуви остида улар муносабатига кўчириш реакциясининг таъсирини (эҳтимол хоҳламай) тан олишнинг ўзигина етарли эмас. Бу факт ҳам аналитик, ҳам пациент томонидан онгли идрок қилиниши лозим.

Таъбирлаш (талқин қилиш)

Одатда, кўчириш ва қарши кўчиришни пайқашга талқин қилиш, бошқача айтганда, психоаналитик томонидан амалга ошириладиган интерпретация ёрдам беради. Интерпретацияни фақат руҳий таҳлил жараёни ривожланиши тўхтагандан сўнг амалга ошириш мумкин. Ўз вақтида адекват ёзма шаклда амалга оширилган талқин кўчириш ва қарши кўчириш сабабли боши берк кўчага кириб қолган даволаш жараёни доирасини кенгайтиришда аналитикка ёрдам берадиган психоаналитик терапиянинг муҳим қуроли ҳисобланади.

Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, психоаналитик интерпретация туфайли вужудга келадиган ўзгаришлар пациент ва аналитикнинг қарши кўчиришида намоён бўладиган ҳамда терапевтик жараёнга таъсир кўрсатадиган муносабат стереотиплари талқинида аниқ шакллантирилган тақдирдагина “мутатив” — қайта ўзгартирувчи характерга эга бўлади. Бироқ талқин қилишдан олдин бўлиб ўтаётган ҳодисаларни, яъни терапевтик жараённи тушуниш учун олдиндан айрим тадбирларни амалга ошириш зарур.

Тушуниш ва изоҳлаш

Талқин қилишнинг мақсади тушунарсиз нарсани тушунарли қилишдан, образли қилиб айтганда, сирни очишдан иборат. Шунинг учун ҳам психоаналитик интерпретацияга юқори талаблар қўйилади. Психоанализнинг герменевт, талқин қилувчи ёки табиий фанларга тааллуқлилиги

ҳақидаги фикрларнинг бари тенг кучга эга. Фрейднинг ўзи ҳам бу фикрни тасдиқлаган. У психоаналитик ассоциацияларнинг чангалзорларида пациентга ҳамроҳлик қилиши ва айни пайтда ўз тахминларини илмий асослаш имкониятини қидириши лозимлиги ҳақида ёзган эди.

Психоаналитик методнинг у ёки бу илмий доктриналарга тааллуқлилиги ҳақида фикр юритиб, шундай хулосага келиш мумкинки, бу метод худди тангага ўхшаб иккита томонга эга ва ҳар иккала томон ҳам юза томон ҳисобланади. Булар тушуниш ва изоҳлашдир.

Тушуниш психоаналитикнинг пациент шахсининг индивидуал, эндемик қирраларини ва унинг биографиясини пайқай олиш қобилиятидир. Терапевтнинг шахсий тажрибаси, масалан, пациентнинг ҳикояси муҳаббат мавзусида бўлса, терапевтнинг ўз муҳаббати билан боғлиқ кечинмаларини эслаши пациент ҳиссиётларини тушунишда муҳим шахсий мадад бўлади. Бундай тушунишга эришиш жараёни узоқ муддатли бўлади, лекин унинг муддати ҳар доим психоаналитикнинг тушунишга эришиш учун қанчалик куч сарфлашига боғлиқ бўлади. Терапевт билан пациент ўртасида умумийлик қанча кўп бўлса, пациентнинг терапевт томонидан тушунилиш эҳтимоли шунча юқори бўлади. Бироқ, бу қонидани сўзма-сўз тушунган аналитик учун интерпретацияда қатор жиддий хатоларга йўл қўйиш хавфи пайдо бўлади.

Тушуниш психоаналитик томонидан ҳамма одамлар учун умумий бўлган қонуниятларга мос ҳолда шакллантирилади. Хусусан бунда туғилиш, гўдаклик тобелиги, онадан узоқлашиб бориш, учинчи шахс (ота, она, ака, буви ёки бува) билан мулоқот, муносабатларнинг учбурчакли зиддияти, шунингдек тенгдошларнинг турли гуруҳларида кечадиган катта бўлиш, гуруҳдан ажралиш, бошқа одамлар билан алоқа ўрнатиш, бу алоқаларни психик қайта ишлаш кабиларни ўз ичига оладиган, руҳий тараққиётга мос ҳолда тушунишга ҳаракат қилинади.

Психологик қонуниятлардан фойдаланиш аналитикка пациентдаги ҳукмрон хулқ типини, ҳиссиёт ва тафаккурни тасниф қилиш ва шу билан ўз тушунишини илмий нуқтаи назардан асослаш имконини беради. Бундай тас-

нифни амалга ошириш учун турли методлар қўлланилади.

Психоанализда, коммуникацион фанларда, тилшунослик ва социологияда, хусусан, мутахассис билан тадқиқ қилинаётган шахс ўртасидаги суҳбатни магнитофон тасмасига ёзиш методи кенг тарқалган. Кейинчалик магнитофон ёзуви асосида синчиклаб ўрганиб чиқиладиган ёзма хужжат тайёрланади.

Психоаналитик амалиётнинг ташқи шакли яхши маълум, бироқ тўғри талқинни қидиришга интилаётган аналитик руҳиятида кечадиган жараёнлар яхши ўрганилмаган. Клаубер ўзининг “Психоаналитик мулоқот муаммолари” номли китобида талқиннинг манбалари ва унинг психоаналитик жараёндаги мақсади, интерпретацияга ижодий ёндошиш зарурияти ва етарлича муҳим аҳамиятга эга бўлган, ўз-ўзидан юзага келадиган хулосаларга алоҳида диққатни жалб қилади.

Психоаналитик амалиётда “ички ” диалог тушунчаси мавжуд бўлиб, у интерпретацияни шакллантириш жараёнида аналитик онгида кечадиган ва аналитикнинг пациент сўзларига реакциясини акс эттирадиган тушунчадир.

ПСИХОАНАЛИТИКНИНГ «ИЧКИ» ДИАЛОГИДА ТУШУНИШНИНГ ЕТТИ БОСҚИЧИ

Диалогдаги “ички” сифатнинг алоҳида таъкидланиши бежиз эмас, зеро, **диалог магнитофон ёзувида пауза, жим қолиш кўринишида идрок қилинадиган ўзига хос акустик раҳна, тирқиш ҳисобланади.**

Бирон-бир йўл билан психоаналитикнинг ички диалогини ёзадиган ёки бошқа бир механик усул билан хужжатлаштирадиган асбоб кашф қилингани йўқ, шунинг учун тадқиқотчи унга тажрибали психоаналитик тақдим қиладиган бевосита ахборот билан кифояланишига тўғри келади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай маълумотнинг ишончлилиги психоаналитикнинг қанчалик самимийлигига боғлиқ. Қуйидаги тасниф шундай принципиал фикрга асосланадики, талқин билан яқунланадиган босқичма-босқич тушуниш онгсиз равишда кечишига қарамай, пациент

руҳиятида кечадиган бошқа кўплаб онгсиз жараёнларга ўхшаб аналитик томонидан англаниши мумкин.

Психоаналитик жараёни тушунишни алоҳида босқичларга бўлиш қалтис тadbирдир. Олдиндан шу фактга диққатни жалб қилиш лозимки, амалиётда қуйида баён қилинадиган тушуниш босқичлари айнан шу кетма-кетликда алмашмаслиги ёки умуман бир вақтнинг ўзида амалга ошиши мумкин.

Биринчи босқич пациентнинг сўзларини идрок қилишдан иборат. Идрок психологияси бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, инсон ташқи таъсирнинг: унга мурожаат қилиб айтилган сўзлар, ҳаракатлар ва ҳоказоларнинг фақат бир қисмини акс эттиради. Бундан ташқари идрок жараёнининг ўзи информацияни олишдаги ҳолатга (масалан: вақти ва жойига) ва идрок қилаётган одамнинг ҳикоя қилаётган одамга нисбатан ишончи даражасига боғлиқ бўлади.

Иккинчи босқич ўз ичига идрок қилинган информацияни қайта ишлашни, бизнинг тугал фикримизда эса, пациентни психоаналитик тушунишига яқинлашишга биринчи уриниши ҳисобланади. Бу босқичда асосий рол терапевтнинг аналитик мақсадларда, хусусан, ўз шахсий тажрибасидан фойдаланишни англатадиган герменевт ёндашишига ажратилади. Агар аналитик иккинчи босқичдан муваффақиятли ўтса, у пациентни тахминан тушунишга яқинлашади.

Аналитикнинг ўз ҳаётий тажрибасидан фойдаланиши унинг пациент гапириб бераётган нарсани тўғри тушуниш имкониятини сезиларли оширади ва демак, маълум маънода муваффақиятли таҳлил учун зарур бўлган эмпатия (бошқа одам кечинмаларини ҳис қила олиш)га эришишнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

Учинчи босқич олдинги икки босқичдан фарқ қилиб, психоаналитикдан пациентни тушуниш жараёнида “истак ва қаршилиқ” ҳамда “кўчириш ва қарши кўчириш” психоаналитик концепциясидан фойдаланишни тақозо қилади. Бу концепциялар, шунингдек иккинчи босқичда эслатилган эмпатия психоаналитик таҳлилнинг энг муҳим қуроли ҳисобланади. Амалий мазмунда “кўчириш ва

қарши кўчириш”дан фойдаланиш аналитикнинг пациентнинг кўчиришига реакциясидан иборат. Идеал ҳолатда психоаналитик пациентнинг ҳар қандай кўчиришига адекват (мос) жавоб бера олади. Образли қилиб айтганда, қарши кўчиришда фақатгина пациент “чертган торларгина жаранглаши” лозим. Аналитикни мусиқа асбоби билан қиёслашни давом эттириб, кўчиришга тўғри жавоб бера олишнинг иккита зарурий шартини таъкидлаш мумкин: *Биринчидан, пациент чертаётган торлар аналитикда мавжуд бўлиши керак, иккинчидан эса, улар жаранглаши керак. Бузуқ асбоб, маълумки, ҳеч нарсага ярамайди. Бундан ташқари қарши кўчиришни қўллаш принципини ўлчов асбоблари иши билан тенглаштириш мумкин. Аналитикнинг вазифаси — пациентнинг хулқига худди ток кучининг озгина ўзгаришини ҳам қайд этадиган амперметрға ўхшаб жавоб беришдан иборатдир. Аналитик гўёки пациентнинг сенсор-ҳиссий органиға айланиши керак.*

Тўртинчи босқич энг мураккаб босқич ҳисобланади. Бу босқич олдинги уч босқични бирлаштириш ёки синтез қилишдан иборат бўлиб, бу тадбир аналитикка жорий жараён асосида пациентнинг тахминий “ички образини” яратиш имконини беради. Бу “образ” даставвал соф субъектив ва воқеликдан кўра тўқимаға яқинроқ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан тахминий “ички образ” қирраларининг айрим аналитикларнинг ўз истакларини реал деб қабул қилишға онгсиз мойилликлари, шунингдек, терапевтнинг қайси психологик назарияға амал қилишиға боғлиқ эканлигини ҳам эслатиб ўтиш керак. *Психоаналитикларнинг бир қисми, масалан, жароҳатлар назариясига мойил бўладилар, шунинг учун улар ҳар бир пациент сиймосида фожиали шароитларнинг “қурбонларини” кўрадилар. Бошқа аналитиклар майллар назариясига амал қиладилар ва пациентға алдаш ва агрессияға қобил “айбдор” сифатида қарайдилар.*

Бешинчи босқич пациентнинг ички образини психоаналитикка азалдан маълум бўлаган муносабатлар стереотипларининг намоён бўлиш шакллари билан солиштириб кўришдан иборат. Бу усулни қўллаб, психоаналитик ўзининг дастлабки фикриға айрим тузатишлар киритади.

Бу босқичда терапевтнинг ўқув таҳлилида олган маълумотлари, шунингдек пациент тилга олган ҳиссиётлар кечинмалари билан боғлиқ шахсий ҳаётининг тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Бешинчи босқичнинг муваффақиятли ўтиши натижасида аналитик кейинчалик бу аффектларга аниқ таъриф бериш имконига эга бўлади.

Олтинчи босқич бевосита психоанализ назариясига, яъни шахс психоаналитик концепциясига ва касалликлар ҳақидаги таълимотга ўтишдир. Агар олдинги беш босқичда аналитикка психоанализнинг назарий қурилмалари билан шуғулланишга тўғри келмаган бўлса ҳам, олтинчи босқичда у онгли ёки онсиз равишда уларга мурожаат қилади. Тахминий, амалий образ шу соҳага тааллуқли назарий образ билан таққосланади. Шундай қилиб, психоаналитик симптомлар билан унинг ички зиддиятлари ўртасидаги эҳтимол тутилаётган сабаб, оқибат боғланишларига аниқлик киритиш учун қўшимча имкониятга эга бўлади. Шу билан бирга психоаналитик назария ва амалиётнинг бевосита алоқаси амалга ошади.

Бу жараён, одатда, сеанслар оралиғидаги вақт ва фазовий дистанция аналитикка иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳиссиётларни бир четга суриб қўйиб, ўз мулоҳазаларини мантиққа бўйсундирган ҳолда пациентни таҳлил қилиб кўриш имконини берганда содир бўлади. Аналитик қарши кўчириш пайтида унда уйғонган ҳиссиётлар туфайли чиқарган хулосаларни шунга мос назарий қурилмалар билан солиштириб кўради. Агар психоаналитик мустақил равишда у ёки бу қийин таҳлил қилинадиган феноменларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлмаса, касбдошларига ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин. Алоҳида мураккаб ҳолатлар эса психоаналитик анжуманларда муҳокама қилинади.

Шу нарсани кўрсатиб ўтиш зарурки, тушунишнинг олдинги тўрт босқичи герменевтика (тушунтириб бериш, таъбирлаш назарияси)га асосланган ва фақат кейинги иккита босқичгина умумий қонуниятлар ҳақидаги билимларга асосланади ва шунинг учун улар номотетик (қонунчилик саноати, ақлнинг қонун ва қоидалар ўрнатиш фаолияти) босқичлари ҳисобланади. Шундай қилиб,

психоаналитик тушуниш босқичлари психоанализни бошқа назариялардан ажратиб турадиган герменевтика ва мантикнинг синтезини тасвирлайди.

Еттинчи босқич психоаналитик талқиндан иборат. Бу босқичда фақатгина пациент томонидан қаршилик факти тасдиқланиб, бундай реакциянинг тури ва сабаби кўрсатилгандан кейингина амалга ошади.

ТАЛҚИННИНГ ТЎҒРИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

Талқиннинг тўғрилигини текшириш, одатда, у ёки бу даражада мураккаб бўлади. Хусусан, пациентлар аналитикнинг талқинига ҳар хил муносабат билдирадилар. Кўп ҳолларда пациентлар аналитикнинг талқинига рози бўладилар, бироқ баъзан улар “Мен буни тан олмайман. Мен буни тушунмайман. Бунга ишонгим келмайди” ва ҳоказо деб жавоб берадилар. “Истак ва қаршилик” концепцияси психоаналитикка ўз талқинини тан олиш учун пациентда ички қаршилик мавжуд, деб қарор қилишга ҳуқуқ беради. Бундай вазият эҳтимолини рад этмаган ҳолда, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, аналитикнинг талқинини тан олмаган пациент кўп ҳолларда ҳақ бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳалол аналитик доимий қайта текшириш истиқболига олдиндан тайёр туриши керак.

Йорг Зоммер ўзининг “Тадқиқотнинг диалогик методлари” номли китобида талқиннинг тўғрилигини текширишнинг қуйидаги мезонларини кўрсатиб ўтади:

1. Талқиннинг ички мантиқий боғланганлигини англадиган когерантлик мезони.

2. Талқиннинг амалий тасдиғи мезони ёки ундан пациентни даволашда фойдаланиш имконияти.

3. Талқинни диалогик текшириш мезони, яъни пациент ва аналитик томонидан бир хилда тан олиниши.

Санаб ўтилганлардан ташқари психоанализнинг руҳий хасталикларни даволаш методи сифатидаги тараққиёти жараёнида ишлаб чиқилган талқиннинг тўғрилигини текширишнинг асосий принципи ҳам мавжуд. *Агар терапевт томонидан берилган талқин пациентнинг аҳволида (кўчириш, туш кўриш, жисмоний ҳолати, шахслараро муносабат-*

лар ва ҳоказо доирасида) ижобий ўзгаришга сабаб бўлса, унда бундай талқин тўғри деб қабул қилинади.

Экскурс: психоанализ ва хулқий терапиянинг тажриба, экстремал ва аралаш шакллари.

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Психоаналитик суҳбат ва хулқий терапияларни психоаналитик билимларга герменевт ва табиий илмий ёндашувлар мисолида қиёсан таҳлил қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

1-жадвал

Ҳақиқий психоанализ

1. Фақат фантазиялар ва уларнинг яширин мазмуни билан шуғулланадиган герменевт психоанализ.
2. Назарий конструкциялар эътиборга олинган психоаналитик психотерапия сифатидаги психоанализ.
3. Фақат назариягина ҳисобга олиб қолинмасдан, эришилган натижаларни эмпирик қайта текширишга уриниб кўриладиган психоаналитик психотерапия сифатидаги психоанализ.
4. Ўзаро бир-бирини тўлдириш ва ҳамкорликка асосланган психоанализ ва хулқий терапиянинг аралаш шакли.
5. Когнитив (субъект хулқида билимнинг ҳал қилувчи роли) йўналишга эга бўлган, истак ва реакция оралиғида кечадиган “ментал жараёнлар” (психоаналитик “фантазия ва символлар” аналог) мавжудлигини тан оладиган хулқий терапия.
6. Ўз диққатини фақат симптомларга қаратиб, даволаш натижаларини эмпирик қайта текшириш зарурий шарт ҳисобланган онгсиз зиддиятларнинг моҳиятини аниқлаш билан шуғулланмайдиган хулқий терапия. Терапиянинг бу тури учун ўрганиш назарияси назарий асос бўлиб хизмат қилган.

ҲАҚИҚИЙ ХУЛҚИЙ ТЕРАПИЯ

Жадвалнинг биринчи банди натижаси пациентнинг тахминий психик образини тузишдан иборат бўлган, тушунишнинг 1,2,3 ва 4-босқичларини ўз ичига оладиган герменевт психоанализга ажратилган. Бу босқичларда қўлланиладиган методлар 5 ва 6-босқичларда амалга ошириладиган қатъий назарий ёндашувдан фарқ қилиб, юқори даражада интуитив хусусиятга эгадир.

Жадвалнинг 6-бандида ҳақиқий хулқий терапия кўрсатилган, унинг назарий асоси ўрганиш назариясидир.

Герменевт психоанализ билан хулқий терапия оралигида таркибида назарий билимлар ролининг ошиб боришига мос равишда терапиянинг турли ўтиш ва аралаш шакллари жойлашган.

Шу ерда қонуний бир савол пайдо бўлади. Психоанализ билан шуғулланиш деган ҳаёлда ўз амалиётида, хусусан, хулқий терапия методларини қўллаётган психоаналитиклар онгсиз равишда терапиянинг айнан қайси туридан фойдаланишади? Бу масалага аниқлик киритиш қийин. Чунки терапевт метод танлаганда, бевосита кузатиш мумкин бўлмаган яширин, ички жараёнлар ҳақида гап боради. Бошқача айтганда, ҳар бир психоаналитик юқоридаги таснифда кўрсатиб ўтилган терапия турларидан биронтасига озроқ ёки кўпроқ даражада таянган ҳолда ўзининг шахсий методидан фойдаланади.

ПСИХОАНАЛИТИК ТЕРАПИЯНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИ

ПСИХОАНАЛИТИК ПСИХОТЕРАПИЯ

Психоаналитик психотерапияга нисбатан унинг ҳақиқий психоанализга алоқаси доирасида иккита нуқтаи назар мавжуд:

а) психоаналитик психотерапия психоанализдан сифат мазмунига кўра фарқ қилади;

б) психоаналитик психотерапия психоанализдан миқдор мазмунига кўра фарқ қилади.

Биринчи фикрга мувофиқ, психотерапияда аналитик билан пациентнинг фаол иштироки кўзда тутилган психоанализдан фарқли ўлароқ, пациент учун даволанишга муҳтож бемор роли ажратилади.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра, психоаналитик психотерапия психоанализ назариясига таянувчи психотерапия доирасида mavjud бўлган руҳий касалликларни даволаш методи сифатида психоанализдан сеансларнинг давомийлиги ва сони билан фарқ қилади. Терапевтик сеанслар психоаналитик сеансларга нисбатан сони ва кам давом этиши жиҳати билан фарқланади.

Ҳар иккала фикрни солиштириб шундай хулосага келиш мумкин: биринчидан, аналитик психотерапия пациентда намоён бўладиган у ёки бу симптомларнинг онгсизлик мазмунини очишга кўпроқ эътибор бериб, классик психоанализга ўхшаб кетади, иккинчидан, терапиянинг ушбу тури психоанализдан психоаналитик усуллар билан шахсни ёппасига тафтиш қилмаслиги билан фарқ қилади. Терапевт руҳий бузилишнинг пайдо бўлиши ва сурункали кечишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган пациент психикасининг қирраларинигина текширади.

Аналитик психотерапияда белгилаб қўйилган касаллик сабаблари ва симптомларни бартараф қилишдан иборат аниқ мақсад — уни терапевтик метод сифатида расман тан олиниши сабабини изоҳлайди. Масалан, Германияда ҳар бир фуқаро бир йилда 80—160, баъзан 240—300 тагача бепул аналитик сеанс олиш ҳуқуқига эга. Даволанишнинг ушбу методи энг самарали метод сифатида кўплаб мамлакатларда тан олинган.

Терапевт ва пациентнинг даволаш жараёнининг бошидаёқ белгилаб олинган аниқ мақсадларга йўналиш олишлари, шунингдек, эришилган натижаларни изчил равишда қайта текшириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда терапия жараёнини пациентнинг ўзи назорат қилади, чунки унинг аҳволи ва ўзини қандай ҳис қилаётганлиги ўтказилган даволаш курси самарадорлигининг ягона ўлчови ҳисобланади.

Психотерапевт ҳар доим пациентнинг яқин одамлари билан эҳтимол тутилган зиддиятлари ва бу зиддиятли муносабатларнинг оқибатларини фақат пациент нуқтаи на-

заридангина эмас, балки сеансда иштирок этмаётган иккинчи зиддиятли муносабат иштирокчиси нуқтаи назаридан ҳам ҳисобга олишга ҳаракат қилади.

Бундан ташқари Меннингер ва Холзманлар тушуниш учбурчагидан фойдаланиш ҳисобига терапия самарадорлигини оширишни таклиф қилишган. Бунда терапевт долзарб зиддият, яъни пациентнинг ҳозирги муносабатларидаги мавжуд зиддиятни пациентнинг илк болалик муносабатларидаги зиддият билангина эмас, балки аниқланган кўчириш билан ҳам таққослаши керак. Агар ҳамма феноменлар битта йўналишни кўрсатса, терапевтнинг вазифаси енгиллашади.

ҚИСҚА ПСИХОАНАЛИТИК ТЕРАПИЯ

Бу ерда терапевтик фаоллик даражаси оддий психоаналитик терапиядан, ҳатто психоанализнинг ўзидан ҳам юқоридир. Қисқа психоаналитик терапия диққатни пациентнинг қатор патоген зиддиятларига эмас, балки марказий зиддиятга жамлайди, фокуслаштиради (лат. Focus — диққат маркази). Шунинг учун бу терапияни кўп ҳолларда фокусли (ёки концентрациялашган) терапия (Fokal Therapie) деб аташади.

Қисқа терапия сеанслари 10–30 марта оралиғида бўлади. Кўриб чиқиляётган касаллик генезисида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган ва таҳлил жараёнида аниқланмаган зарарли зиддиятлар ҳисобга олинмайди.

Бундай ёндашув яхши ўрганилган, енгил шаклдаги, масалан, классик неврозлардан азият чекаётган беморларни даволашда қўл келиши мумкин. Бироқ касаллик қанча мураккаблашиб борса, терапевтга нисбатан талаб ҳам унга пропорционал равишда ортиб боради ва мураккаб касалликни даволаш учун терапевт механиканинг асосий қонунига биноан қисқа вақт оралиғида катта куч сарфлашига тўғри келади. Бошқача айтганда, даволашнинг жадаллиги қисқа психоаналитик терапиянинг зарурий шартидир.

Шу билан бирга, пациентнинг мавжуд зиддиятни тан олиш ва таҳлил қилишдан бош тортмасликка тайёрлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бошқа томондан терапевтнинг пациент психикасини таҳлил қилиш ва яқин кела-

жақда ижобий ўзгаришларга эришиш учун амалий жиҳатдан зўр бериш йўналиши пациентнинг шу жараёнга тайёрлигига монанд бўлиши керак. Юқоридаги шартларнинг барчаси бажарилган тақдирда қисқа терапиянинг самарадорлиги юқори бўлади, чунки узоқ давом этган "қаршилик" пациентнинг "даволаш альянсида" қатнашишга иштиёқини, шунингдек у ёки бу психоаналитик феноменларни талқин қилишда аналитикнинг тезкорлигини пасайтиради. Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, қисқа терапия маълум маънода таваккалчилик билан боғлиқ ва терапевт зиммасига сезиларли масъулият юклайди. Бундай таваккалчиликка аниқ ижобий натижани кафолатлайдиган ҳамма шартларнинг мавжудлигини сезгандан кейингина қарор қилиш мумкин. Шунинг учун қисқа терапиянинг кам қўлланилишига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

2-ва 3-жадваллар ҳар учала психотерапевтик методларнинг муҳим хусусиятларини акс эттиради.

2-жадвал

Психоанализ, психотерапия ва қисқа терапиянинг тушунчалари ва муҳим хусусиятлари

Фарқлар	Психоанализ	Психотерапия	Қисқа терапия
Тушунча	Психикани таҳлил қилиш	Психика терапияси	Психика қисқа терапияси. Марказий муаммони фокусли таҳлил қилиш
Методларнинг кенг маънодаги тушунчаси	Онгсиз жараёнларни тушунишнинг герменевт методи	Назария ва методлардан танлаб фойдаланиш	Назария ва методлардан фойдаланиш
Аналитик, терапевт ва пациент ўртасидаги муносабат	Ҳар иккаласи ҳам психоаналитик жараёнга бутунлай берилади	Терапевт пациентни психоаналитик йўл билан даволайди	Ҳар иккаласи ҳам фокус зиддиятга эътиборни қаратади
Методлар ва терапевт, аналитикнинг ўзаро муносабати	Аналитик метод	Терапевтик метод	Аналитик метод

Шаклий хусусиятлар Сеанс тартиби	Аналитик креслода, пациент кушеткада	Иккаласи ҳам креслода	Иккаласи ҳам креслода
Давомийлиги	4-ҳафта	1-3 ҳафта	1-ҳафта
Умумий давомийлиги	Узоқ йиллар / 3-5 /	Узоқ йиллар / 1-3 /	—
Сеанслар сони	300 ва ундан ортиқ	300 гача	Кўпи билан 30 тагача

Психоанализ, психотерапия ва қисқа терапиянинг фарқ қилувчи белгилари

Мазмуний хусусиятлари	Психоанализ	Психотерапия	Қисқа терапия
Асосий қоидалардан фойдаланиш	Қатъий	Унчалик қатъий эмас	Танлаб ва фокус зиддият билан чекланган
Эркин ассоциациялар	Идеал	Унчалик идеал эмас	Фокус билан чекланган
Симптомлар	Умуман эътиборга олинмайди	Зиддият билан мустаҳкам алоқада ўрганилади	Худди психотерапиядагидек, асосий диққат бош симптомга қаратилади
Зиддиятлар	Ҳамма бўлиб ўтган, ҳал қилинмаган зиддиятлар ҳал қилиниши керак	Фақат патоген зиддиятлар ҳал қилинади	Фақат марказий зиддият ҳал қилинади
Кўчириш неврози	Тўла намоён қилинади	Қисман намоён қилинади	Муносабатларнинг фақат патоген намуналари

Қайта ишлашлар	Кўчириш неврозини тизимли қайта ишлаш	Кўчириш неврозини нотизимли қайта ишлаш	Муносабатлар намуналарининг патоген соҳасида концентрация- лашган ишланмалар
Умумий хусусиятлар	Психоанализ	Психотерапия	Қисқа терапия
Фантазиялар ва реалликнинг ўзаро муносабати	Фантазиялар ва реаллик	Реаллик фантазиялари	Фантазиялар ва реаллик
Талқин ва ўхшатишнинг ўзаро муносабати	Фақат интерпретация	Талқин ва терапевт билан ўхшатиш	Фокус зиддиятнинг мақсадли талқини ва терапевт билан ўхшатиш
Мақсад	Касалликни даволашдан узоқ	Патоген зиддиятни бартараф этиш ёрдамида касалликни даволаш	Фокус зиддиятни ҳал қилиш
	Ҳар қандай ёлғон тасаллиларсиз ҳақиқатни қидириш, ўз- ўзини англаш	Қисман ўз-ўзини англаш, зарарли ҳаракат сифатида ҳақиқатни қидириш	Зиддиятли соҳаларда ўз- ўзини англаш ва ҳақиқатни қидириш
	Шахсни ялпи таҳлил қилиш	Патоген зиддият соҳасида шахсни қисман текшириш	Жуда чекланган текшириш
	Тўла тушуниш	Қисман тушуниш	Фокус зиддият- ни тушуниш

ПСИХОАНАЛИЗНИ ҚЎЛЛАШ ТИББИЁТДА ПСИХОАНАЛИЗНИ ҚЎЛЛАШ

Кенг мазмунда шифокор ва пациент ўртасидаги муносабат муаммосини фақат аналитик амалиёт учунгина му-

ҳим деб бўлмайди, чунки маълум даражада бу муносабатлар стереотип ҳисобланади.

Ҳатто энг оддий тиббий амалиёт ҳам кучли намоён бўладиган кўчириш билан характерланади. Пациентлар ҳар доим шифокорни жуда содда, гўл тарзда идрок қилишга мойил бўладилар, унга нисбатан худди оила аъзоларига нисбатан бўлгандек муносабат билдиришади. Кўп ҳолларда шифокор пациентнинг ягона энг яқин одамига айланади, шунда пациентлар шифокорни шубҳасиз унинг жавоб реакциясига сабаб бўладиган стереотип муносабатларга тортишади. Бу вазият психоаналитик вазиятдан шуниси билан фарқ қиладики, аналитик ўз реакциясини англайди, шифокор эса англамайди. Кўпгина касалликларнинг онгсиз мақсади эмоционал ёлғизликдан қочиш ва ўз шахсий муаммоларига атрофдагиларнинг диққатини жалб қилишдан иборат бўлади. Бемор ўзининг бу мақсадига камдан-кам ҳолларда эришади, чунки шифокорлар аксарият пациентларнинг "бундай" боғланиб қолишларига янада кўпроқ рецепт ёзиш ва бошқа мутахассисларга йўлланма бериш билан жавоб берадилар. Баъзан ҳатто бемордан бутунлай воз кечиб қўя қолишади.

Баъзи ўта фидойи шифокорлар ўзларига беморнинг отаси ёки онаси ролини олиб, узоқ йиллар унга ғамхўрлик қиладилар. Бироқ, шифокорнинг беморга бундай муносабати ҳар доим юзаки бўлиб қолаверади, чунки шифокор беморга ўз касбий малакаларини қўллаш объекти сифатида қарайди.

Тиббиётда тўлиб-тошиб ётган замонавий техника воситалари даволаш жараёнидаги эмоционал иштирокни истисно қилмайди. Ўз-ўзидан тушунарлики, бемор шифокорнинг "бегона" одам эканлигини ва уни ўз муаммосига яқинлаштириш учун ўзи ҳаракат қилиши лозимлигини тушуниши керак. Шифокорнинг бурчи эса, пациент учун зарур вақтни топиш ва айнан қандай руҳий қийноқ қайси даражада соматик жараёнга таъсир қилаётганлигини аниқлашга уринишдан иборат бўлиши керак. Масалан, Германияда 1987 йил 1 октябрдан бошлаб даволаш жараёни самарадорлиги даражасини ўлчаш учун ягона (ўлчов)лар қабул қилинган. Булар ичидан қуйидагиларни алоҳида ажратиш мумкин:

— сурункали касалликларнинг кечишига таъсир кўрсатадиган терапевтик тадбирларни режалаштириш ва муҳокама қилиш;

— беморда (масалан, жинсий соҳада) муаммолар мавжудлигида унинг жисмоний ва руҳий ҳолатини муҳокама қилиш;

— у ёки бу оғриқли психосоматик ҳолатнинг моҳиятини равшанлаштирадиган аниқ ташҳис қўйиш;

— даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида пациентлар билан мулоқотлардан самарали фойдаланиш (хусусан суҳбат орқали таъсир кўрсатиш).

Шифокор томонидан беморга нисбатан кўрсатилган эмоционал инсоний ғамхўрлик беморни тузалишга бўлган имкониятини сезиларли даражада оширади. Кўплаб мутахассислар худди шундай фикрда яқдилдилар. Масалан, германиялик психоаналитик Балинт гуруҳларида ҳар бир шифокор бемор билан мулоқотида дуч келган муаммоларни касбдошлари билан муҳокама қилиш имкониятига эгадир. Бу нарса шифокорга ўзи билан бемор ўртасида кечаётган онгсиз жараёнларни тасаввур қилиш имконини бериб, терапиянинг самарадорлигини оширади. Айнан ана шундай муҳокамалар туфайли шифокорлар ўзларининг касбларига нисбатан йўқотган қизиқишларини қайта тиклайдилар, беморлар эса бундай мутахассислар қабулида ўзларида ўнғайсизлик ҳис қилмайдилар. Шу тариқа шифокор фақат пациентга эмас, балки ўзига ҳам ёрдам беради.

Шифокорнинг бемордан жаҳли чиқиши керак эмас ва унга рецепт ёзишда давом этиши керак, ўзига эса шундай савол бериши керак: “Беморга нисбатан бу жаҳл қаердан келяпти? Нима учун бу муаммони бемор билан муҳокама қилиш керак эмас?” Бундай ташаббус албатта муайян мардликни талаб қилади. Фақатгина шифокор кабинетида эмас, балки оддий шароитларда /танишлар даврасида, ишда ва ҳоказо/ ўз ҳиссиётларини муҳокама қилишга ҳар ким ҳам қодир эмас. Лекин бу ҳол ташаббус кўрсатиш имкониятини инкор ҳам қилмайди.

ПСИХОЛОГИЯДА ПСИХОАНАЛИЗНИ ҚўЛЛАШ

Умуман психология доирасида психоанализнинг назария ва методлари кўпроқ оилавий ва эр-хотин ўртасидаги зиддият-

ларни ҳал қилиш, шунингдек касбий кризислар ва стрессларни бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган психотерапия ва маслаҳат соҳасида қўлланилади. Бироқ психоаналитик методлардан фойдаланишнинг долзарблиги ортиб бормоқда, айниқса, ўз ҳаётларининг мазмунсизлигини ҳис қилаётган ишсиз ёшларга ёрдам борасидаги роли беқийсдир.

Психоанализни психологик амалиётда қўллаш самарадорлигининг зарурий шarti — тиббиётдаги каби психологни ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини англаш гуруҳларидаги иштирокига боғлиқ бўлган касбий лаёқатлилиги ҳисобланади, бундан ташқари клиник психологияда мутахассислар томонидан маслаҳат суҳбатларини назорат қилиш ва супервизия-тафтиш қилиш муҳим роль ўйнайди. Баъзан психология факультетлари талабалари ишини кузата туриб, уларнинг ўз пациентларига нисбатан касбий ва шахсий муносабатларини ажратишда қанчалик қийналаётганлигини кўриш мумкин.

Бироқ шу нарсани таъкидлаш керакки, психологик амалиёт билан банд бўлган муассасалардаги мавжуд тартиблар кўп ҳолларда психоаналитик методларни маслаҳат жараёнида эркин қўллаш имконини бермайди. Психоанализни психологик амалиётга "қуйидан", муассасанинг қаршилигига қарамасдан жорий қилиш уни буйруқ йўли билан жорий этиш каби кам самара беради.

Ёш бир йигит билан ишлашда психоанализдан фойдаланишга қарор қилган психолог бош врач ёки раҳбариятнинг қаршилигига дуч келиши мумкин. Психоанализни "яширин" қўллаш эса маълум ҳаракат эркинлигини таъминласа ҳам, психологнинг обрўсига путур етказиши мумкин. Шунинг учун психоанализни психотерапияда муваффақиятли қўллаш учун фақат психолог билан пациентнинг тайёрлигигина эмас, шунингдек клиника раҳбариятининг розилиги ҳам зарур. Бундай муассасаларнинг ўз иерархияси, ўз стереотип ва қоидалари мавжуд. Бунақа пайтда реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бу имкониятлар шунчалик озки, психоанализни қўллаш масаласи баъзан ҳатто кун тартибига қўйилмайди. Айрим муассасаларда психоанализни умуман ёқтиришмай-

ди. Ўзларининг салбий муносабатларини тинчлантириш лозим бўлган мижознинг яширин зиддиятларини очишни истамаслик билан изоҳлашади. Бу ёндошувни образли қилиб "яхшиси, ухлаётган итни уйғотмаган маъқул" кўри-нишида ифодалаш мумкин.

ГУРУҲЛИ ТЕРАПИЯДА МЕТОД ВА НАЗАРИЯЛАР

Психоаналитик ва бошқа шаклдаги гуруҳли терапия бўйича кўплаб адабиётлар унинг назария ва методларини қисман кўриб чиқиш имконини беради. Гуруҳ — бу албатта индивид эмас, лекин гуруҳ аъзоларига хос бўлган индивидуал ички зиддиятлар эртами-кечми, албатта, гуруҳ ичидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади. Гуруҳ қандай мақсадларни кўзлашидан қатъи назар, унинг доирасида устунлик қиладиган зиддиятлар одатда онгсиз бўлади. Шу муносабат билан гуруҳни унинг социологик йўналиши, функциялари, тобелик муносабатлари, умумий қарор қабул қилиш усуллари ва ҳоказо бўйича ташқи ўрганиш етарли бўлмайди. Психоаналитик истиқболда гуруҳнинг алоҳида аъзолари ўртасида ва умуман гуруҳда кечадиган онгсиз жараёнлар тадқиқот предмети бўлиб хизмат қилади.

Онгсиз жараёнлар деганда биз ана шу жамоанинг ҳамма аъзоларига истисносиз тааллуқли бўлган онгсиз фантазияларни тушунамиз. Бундай жараёнларни психоаналитик жиҳатдан тадқиқ қилишнинг иккита усули мавжуд:

— *психоанализда пациентни ўрганиш каби гуруҳнинг алоҳида аъзосини ўрганиш. Бу ҳолда гуруҳ индивидни кенг кўламда ўрганишига имкон берадиган умумий фон бўлади;*

— *гуруҳни индивид сифатида ўрганиш, бунда аналитик гуруҳга нотаниш одам сифатида қараб, уни ўрганиш жараёнини энгиллатиш имкониятига эга бўлади.*

Таассуфки, тилга олинган ҳар иккала усул ҳам бизни у ёки бу гуруҳга хос онгсиз жараёнлар ҳақида тўла маълумот билан таъминлай олмайди, чунки гуруҳ тадқиқот учун фон бўлолмайди, бунинг устига гуруҳ мустақил мавжудот эмас. Зигмунд Генрих Фулкес бу вазиятдан чиқишнинг шундай йўлини таклиф қилган: гуруҳни таҳлил қилиш

ўрганилаётган гуруҳ аъзосини таҳлил қилишни ўз ичига олиши лозим.

Гуруҳни унинг алоҳида аъзоларидан ажратиб ўрганиш мантиқан тўғри бўлмади. Шундай қилиб, гуруҳ психоанализда индивиддан фарқ қиладиган ўзига хос алоҳида ўрганиш предмети ҳисобланади. Бундан ташқари гуруҳнинг ўз психоаналитик қонуниятлари мавжуд бўлиб, уларнинг социологияга, яъни Курт Левиннинг майдон назариясига алоқаси йўқ.

ҚАТЛАМЛИ ВА ПРОЦЕССУАЛ МОДЕЛЛАР

Хилма-хил гуруҳли онгсиз жараёнларда йўналиш олиш учун бир қатор психоаналитик моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни "қатлам" ва "процессуал" моделларга ажратиш мумкин. Кўплаб қатламли моделлар Зигмунд Фрейд томонидан таклиф қилинган топографик моделларга таянади. Гуруҳли жараёнлар босқичлари процессуал моделларда ўрганилади. Масалан, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, гуруҳли жараёнларнинг иккита асосий босқичи мавжуд: гуруҳ аъзоларининг тортиниши билан характерланадиган сеанс ўтказаетган терапевтга тобелик босқичи ва шахслараро муносабатлар намоён бўлиши билан бошланадиган мустақиллик босқичи. Мустақиллик босқичининг кескин кўриниши ҳар қандай авторитет (у терапевт бўладими ёки "катталарнинг" абстракт ҳокимияти бўладими бундан қатъи назар), таъсирга тобеликдан нима қилиб бўлмасин қутилиш истаги бўлади. Яширин онгсиз гуруҳли зиддиятларни ўз вақтида пайқаш ва амалий ҳал қилиш жамоа деструктивлиги кескин шаклларининг олдини олиш имконини беради.

Филип Слатер томонидан ишлаб чиқилган процессуал моделга кўра, гуруҳли жараёнларнинг уч асосий босқичи фарқланади:

- биринчи босқич — гуруҳ раҳбарини илоҳийлаштириш;
- иккинчи босқич — гуруҳ раҳбари билан рақобатлашиш;
- учинчи босқич — янги гуруҳли муносабатлар ўрнатиш йўли билан келишувга эришиш.

Слатер модели Уилфред Р. Байон томонидан таклиф қилинган гуруҳ мавжудлигининг уч шароити пиринципига

мос келади. Бу шароитлар онгсиз гуруҳли жараёнлар таъсирида шаклланади. Масалан, гуруҳ раҳбарига бўйсунушни хоҳламаган ёки у билан курашишга мойил гуруҳ аъзолари ўзига ҳамфикрлар "қуйи гуруҳини" ташкил қилиб, унга онгсиз равишда бирлашадилар. Шу муносабат билан Дитер Занднер ва Петер Куттерлар процессуал моделларини ҳам эслатиб ўтиш керак. Бироқ шу нарсани албатта ҳисобга олиш зарурки, қайси моделга йўналиш олинганлигидан қатъи назар, психоанализда сабаби бир қарашда бир лаҳзаликдек туюладиган, кўриниб турувчи хулқ ортига яширинган муносабатларнинг сексуал ва агрессив стереотиплари аҳамияти таъкидланади.

Қатлам моделлари гуруҳли жараёнларни бир вақтда мавжуд бўладиган бир неча даражаларга (қатламларга) бўлади, улардан биринчиси — шахслараро ёки гуруҳ динамик қатлами ўз ичига оддий, умум томонидан қабул қилинган, гуруҳли сеанс аъзолари ўртасидаги анча юзаки муносабатларни олади. Бир қават пастда жойлашган иккинчи даража ёки қатламда эдип комплекси билан боғлиқ зиддиятлар устунлик қиладиган онгсиз жараёнлар кечади. Янада чуқурроқ, учинчи даражада бола билан она ўртасидаги илк муносабатлар учун хос бўлган хронологик жиҳатдан эдип зиддиятларидан олдин келадиган нарцистик зиддиятларнинг қайта жонланиши амалга ошади. Гуруҳ динамикасида санаб ўтилган муносабатлар стереотипларидан қайси бири устунлик қилишига қараб гуруҳлар ҳам ажратилади. Буни билган кўпгина терапевтлар бир хил таркибли қатнашчилар гуруҳини тўплашга ҳаракат қилишади.

Бироқ шу муносабат билан энг қулай танлаш "олтин ўрталик" ҳисобланади. Ҳаддан ташқари гомоген (бир хил) ёки гетероген (турли-туман) гуруҳлардаги терапевтик жараёнларнинг кечиши ўзининг самарадорлиги жиҳатидан "ўртача" гуруҳлардан паст туради.

ГУРУҲЛИ ТЕРАПИЯНИ ҚЎЛЛАШГА ДОИР КЎРСАТМА

Терапиянинг бу турини қандайдир гуруҳда етилган зиддиятни бартараф қилиш талаб қилинганда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Гуруҳли терапия вазиятида бу зид-

диятларнинг шак-шубҳасиз реактивацияси зиддиятнинг гуруҳ аъзолари томонидан англаниши ва ижобий ўзгаришларга келиш учун шароит яратади.

Шу билан бирга гуруҳ жараёнларида ижобий ўзгаришлар табиати бўйича бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан Лондон аналитиклар уюшмаси ходимлари бу терапиянинг ижобий натижалари болалиқдан бошланадиган зиддиятларнинг қайта жонланиши ва қайта ишланишига эмас, балки гуруҳ аъзолари ва асосан унинг раҳбарларининг янги, самимий муносабатлар имкониятларини қидириб топишга тайёрликларига боғлиқ деб ҳисоблашади.

Бу фикр билан келишиш қийин, чунки психоанализ назариясига кўра, агар аналитик жараён давомида муносабатлар онгсиз стереотиплари реактивацияси ва англаниши амалга ошмаса, ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар бўлмайди. Шунинг учун даставвал болалиқ ёки бутунлай ўтмишдаги фожиали муносабатларнинг гуруҳ вазиятида қайта жонланишининг психоаналитик аҳамиятини рад қилиш учун жиддий асослар йўқ. Фақат қайта тикланган онгсиз зиддиятларни ҳал қилгандан кейингина гуруҳ долзарб зиддиятларни ҳал қилишга киришиши мумкин.

ОИЛАВИЙ ТЕРАПИЯДА НАЗАРИЯ ВА МЕТОДЛАР

Психоаналитик оила терапияси умуман мавжуд эмас дейиш учун айрим асослар бор.

Психоанализ пайдо бўлган вақтдан буён ушбу соҳа мутахассислари фақат индивид психикасига эмас, шу билан бирга сунъий ва табиий гуруҳларда кечадиган жараёнларга ҳам катта эътибор беришган. Табиий гуруҳнинг энг ёрқин ифодаси оила ҳисобланади. Жон Карл Флюгелнинг 1921 йилда чоп этилган "Оилани психоаналитик тадқиқ қилиш" номли китобида ёзилишича, тадқиқот предмети сифатида биринчи марта ўз фантазиялари билан бир-бирларидан ажралиб қолган болалар ва ота-оналар эмас, тўлиғича оила хизмат қилади.

Бироқ классик психоанализнинг оилага қизиқишининг ҳозирги шакли ҳақиқий психоанализдан катта фарқ қилади.

Сўнгги вақтларда кўплаб оила терапевтларининг "Оилавий терапия тараққиёт жараёнида психоанализдан ҳам

методологик жиҳатдан узоқлашди" деган фактни тан олишга мойилликлари тасодифий эмас.

Оила терапияси бўйича замонавий адабиётларни кўриб чиқиб, бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Кўчириш ва қарши кўчириш психоаналитик концепциялари оила терапиясида аллақачон Грегори Бейтсон ва Паоло Альто гуруҳи гипотезалари, шунингдек коммуникацион назария ва тизимлар назарияси тушунчалари билан алмаштирилган. Шу муносабат билан у ёки бу оиланинг замонавий муносабатлардаги реал муаммолари факти, оила терапиясида, терапевт томонидан унинг аъзоларини ўзларининг қарама-қаршилик ресурсларини сарф қилиб юборишга имкон берадиган очиқ суҳбатга рағбатлантирса ҳам, ирреал ва онгсиз зиддиятларни кейинги ўринларга суриб қўйди. Шунини айтиш керакки, оила терапиясининг "одиллик принципи" ёки "хизматларни компенсация қилиш" каби тушунчалари психоанализдан узоқ тушунчалардир. Ҳақиқатан ҳам, аналитикнинг бутун диққатни фақат оилга қаратиши қандайдир беъмани бўлиб туюлади. Оилавий алоқаларнинг ижтимоий ва инсоний аҳамиятини рад этмаган ҳолда шунини кўрсатиб ўтиш керакки, терапевт баъзан психоанализ бўйича айнан бартараф қилиниши лозим бўлган шахслараро муносабат қирраларини оила терапиясида рағбатлантиради. Масалан, оилавий муносабатларни терапевтик гуруҳ аъзоларига проекция қилиш, кўчиришни тўғридан-тўғри патологик ҳодиса деб баҳолаш мумкин. Регрессия терапевтик усул сифатида тараққиётга хизмат қилса ҳам, ҳар қалай терапиянинг вазифаси муносабатларнинг илк стереотипларини мустаҳкамлаш эмас, балки янги, имкони борича нопатологик муносабатларни ривожлантириш бўлиши керак.

Ҳар қандай амалиётчи психоаналитик ўз ишида пациентнинг оилавий муаммолари билан тўқнашади. Баъзан терапия доирасини кенгайтириш ва унга таҳлил қилинаётган шахснинг қариндошларини қўшиш зарурияти пайдо бўлади. Шунга ўхшаш фаолиятга қўл урган аналитик оила терапияси билан шуғуллана бошлайди. Бироқ, аналитик одатда оила терапиясига хос бўлган "симптомларни ёзиб бериш" ёки "парадоксал интервенция" каби усуллардан фойдаланмайди.

"Симптомларни ёзиб бериш, тайинлаш, белгилаш" ва "парадоксал интервенция" тушунчалари одамга қандайдир ўзи учун нохуш бўлган, ўзи хоҳламаган нарсани қўшиб, белгилаб қўйиладиган вазиятни ифодалайди. Бу усул терапиянинг мақсадига оддий психотерапевтик усуллар билан эришиш мумкин бўлмаганда қўлланилади.

Бироқ пациент ва унинг қариндошларида кўпроқ ёки озроқ даражада намоён бўладиган қаршиликни бартараф қилиш учун аналитикнинг узоқ сабр қилишига тўғри келади.

Баъзан замонавий оила терапиясига айнан сабр-тоқат етишмаётганга ўхшайди. Психоанализнинг асосий қоида-сига кириб қолган бирон-бир натижага эришиш учун анча узоқ кутиш зарурати оила терапевтларига хуш келмайди. Аксарият оила терапевтлари содир бўлаётган ҳодисани шоша-пиша баҳолашга мойил бўлишади. Оила терапияси доирасида турли оилалар табиатини образли тасвирлайдиган тушунчалар яратилади. Хавотир ва невротик атмосфера билан ифодаланадиган оилалар "санаторий", параноидал ҳолатга яқин атмосферали оилалар "цитадел", истерик белгилар намоён бўлувчи оилалар эса "театр" тушунчалари билан аталади. Бироқ онгсиз фантазияларнинг чуқур мазмунини очиш ва пайқаш оила терапиясида ажратилганига нисбатан кўпроқ вақт талаб қилади.

Оила аъзолари, биринчи навбатда, инсон ва инсон сифатида "тизим элементлари" тушунчасига тенглаштирилишлари мумкин эмас. Бундан ташқари оила терапиясида қўлланиладиган методлар ҳаддан ташқари директив ҳисобланади, терапевтнинг хулосаси камдан-кам шубҳа остига олинади.

Айрим тест методлари, масалан, "Ўз оила аъзоларининг ҳайвонлар кўринишидаги расмини чиз" деб аталувчи тест болалар учун мўлжалланган бўлиб, яширин оилавий зиддиятларни очиш имконини беради, бу зиддиятлар гуруҳли терапияда аниқланадиган зиддиятларга жуда ҳам ўхшаб кетади.

Шунинг учун истиқболда оила терапияси ва консультацияси учун қўллаш мумкин бўлган психоаналитик методлар қаторига гуруҳли терапияда қўлланиладиган учта методни, гуруҳ сўзини оила сўзи билан алмаштириш шарти билан қўшиш мумкин. Унда бу ёндашувлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

— индивидни оиладан ташқарида ўрганиш;

- оилани индивид сифатида ўрганиш;
- оила ва индивидни биргаликда ўрганиш.

Учинчи ёндашув алоҳида индивид ва оила аъзоларида намён бўладиган истак ва қаршилиқ, кўчириш ва қарши кўчириш феноменларини ўз вақтида пайқашни таъминлайди. Индивидни таҳлил қилишдан қолишмайдиган ва тушунишнинг етти босқичини ўз ичига оладиган оилани изчил ва сабр-тоқат билан ўрганиш оилавий онгсиз жараёнлар табиатини очиб бериш имконини беради.

АМАЛИЁТ ТАЖРИБАСИДАН

Академик ўз оиласидан бегоналашиш ҳиссидан шикоят қилади. У жуда банд одам бўлиб, хотини ва болаларига вақти етмас эди. Ишдан чарчаб келиб, у оиласидан "нажот" қидирган ва ҳар доим ҳафсаласи пир бўлган. Аналитик жараёнга хотини ва болаларини қўшиш психоаналитикка қўшимча маълумот берди. Хусусан, маълум бўлишича, бунчалик банд одамнинг хотини ва болалари ўзларини тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган деб ҳис қилишган. Шунинг учун улар ўзига хос оилавий "кичик гуруҳ" ташкил қилиб, мустақил тарзда ўз ғамлари ҳақида ўзлари қайғуришга қарор қилишган. Муаммони бундай ҳал қилиш уларда невротик симптомларни келтириб чиқарган: хотин билан мигрен ва депрессиялардан азият чеккан, иккита ўсмир фарзанд тенгдошларига қўшилмасликка ҳаракат қила бошлаган.

Ушбу ҳолатда даволаш жараёнида эр-хотинни алоҳида ва биргаликда сеанс олиб борилганлиги учунгина ижобий натижага эришиш мумкин бўлмаган. Ижобий ўзгаришларнинг муҳим қуроли марказий фигура — отани индивидуал психоанализ қилиш бўлди. Муваффақият яна шу билан изоҳландики, сеансларни амалга оширган аналитик оила терапиясига йўналиш олмаган, балки вазифаси онгсиз жараёнларни англашдан иборат бўлган психоанализ билан шуғулланган.

ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ТИПОЛОГИЯЛАРИ ПАВЛОВ ВА ГИППОКРАТ ПСИХОФИЗИОЛОГИК ТИПОЛОГИЯСИ

Павлов ўзининг марказий нерв тизимининг хулқнинг динамик хусусиятларига таъсири тўғрисидаги назариясига

асосан тизимнинг уч асосий хусусиятини — қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучи, мувозанатлилиги, ҳаракатчанлиги ва олий нерв фаолиятининг тўртта типи кўринишидаги шу уч хусусиятнинг учта бирикмасини аниқлади:

1. Кучли, мувозанатли, ҳаракатчан.
2. Кучли, мувозанатли, мўрт.
3. Кучли, мувозанатсиз.
4. Кучсиз.

Бу тўртта тип Гиппократ аниқлаган темперамент типларига мос келади.

1. *Сангвиник* — юқори фаоллик, серғайратлик, ҳаракатларнинг жонлилиги ва бир нарсани англатувчи ҳаракатлар ва мимикага бойлиги. Дилкаш, бир машғулотни бошқасига осон алмаштиради. Муаммоли вазиятларга адекват ва фаол муносабат билдиради, одатда, яхши ўқийди. Ноқулай шароит ва тарбиянинг йўқлигида сангвиникда ҳовлиқмалик, юзакилик, муомаласида енгилтаклик, илтифотсизлик шаклланиши мумкин.

2. *Флегматик* хотиржамлик ва босиқлик билан характерланади. Одатда у сусткаш ва мулоҳазали. Мимика ва ҳаракатлари суст ва маъносиз. Иш олдидан узоқ иккиланади, лекин тоқатли ва изчил.

3. *Холерик* — фаол, серғайрат, илдам, шиддатли, кескин, тийиқсиз. Одатда, кайфияти тез ўзгаради, жиззаки, эмоционал портлашга мойил, баъзан агрессив бўлади.

4. *Меланхолик* — психологик фаолликнинг паст даражаси, ҳаракатларининг сустлиги, нутқнинг сиполиги ва тез толиқиш. Меланхоликни юқори эмоционал фаоллик, кучсиз намоён бўлувчи эмоцияларининг чуқур ва мустаҳкамлиги ажратиб туради. Одамовилик, гап кўтаролмаслик хусусиятлари ривожланиши мумкин.

Фаолият жараёнида кўпроқ характер акцентуацияси бор одамлар билан ишлашга тўғри келади. *Характер акцентуацияси — норманинг психопат билан чегарадош вариантини билдирувчи характер айрим сифат ва сифатлар тўпламининг ҳаддан ташқари кучли намоён бўлишидир. Характер акцентуацияси психопатлардан уларга хос бўлган учта белгининг бир вақтда намоён бўлмаслиги билан фарқланади. Бу белгилар: Вақт мобайнида характернинг барқарорлиги ҳамма*

вазиятларда ёппасига намоён бўлиши ва ижтимоий дезадаптация (кўниколмаслик). Характер акцентуациясида одам психопатга ўхшаб психик жароҳат етказадиган ҳамма таъсирдан ҳам ранжийвермайди, балки айрим “нозик ерига тегиб кетадиганларига” жавоб бериб, бошқаларига эътиборсиз қолади. Характер акцентуациясининг очиқ ва яширин (латент) шакллари мавжуд бўлиб, оила тарбияси хусусиятлари, ижтимоий муҳит, касбий фаолият, жисмоний саломатлик каби муҳим рол ўйновчи омиллар таъсирида осонгина бир-бирига ўтиб туриши мумкин. Характер акцентуацияси ўсмирлик даврида шаклланиб, вақт ўтиши билан силлиқланиб, компенсация қилинади. Фақат характернинг “бўш бўғинига” узоқ вақт таъсир қилувчи мураккаб психоген вазиятларда ўткир аффектив реакциялар, неврозлар, ҳатто психопатик тараққиёт шаклланиши мумкин.

Характер акцентуацияси мос равишда психопатик бузилиш турлари билан чегарадош бўлганлиги учун, унинг типологияси психиатрияда атрофлича ишлаб чиқилган психопатлар таснифига асосланади, бироқ бу тасниф айни пайтда психик соғлом одам характери хусусиятларини ҳам акс эттиради. Турли таснифлар асосида характер акцентуациясининг қуйидаги асосий типлари ажратилган:

1. Циклоид — яхши ва ёмон кайфият босқичларининг турли пайтларда алмашиб туриши.

2. Гипертим — доимий кўтаринки кайфият, бир йўла бир неча ишга ёпишиш хусусияти ва фаолият чанқоқлиги билан бирга келадиган юқори психик фаоллик, бошланган ишни охирига етказмаслик.

3. Лабил — вазиятга қараб кайфиятнинг кескин ўзгариши.

4. Астеник — тез толиқиш, жаҳлдорлик, депрессия ва ипохондрияга мойиллик (депрессия — руҳий сиқилиш, ипохондрия — ваҳима).

5. Сензетив — юқори таъсирчанлик, ҳадиксираш, шахсий тўлақонли эмаслик ҳиссининг кучайганлиги.

6. Психостеник — юқори хавотирлилик, бадгумонлик, журъатсизлик, доимий шубҳа ва мулоҳаза, ўз-ўзини таҳлил қилишга мойиллик, ритуал ҳаракатлар ва обсессия (иримчилик) хусусиятлари.

7. Шизоид — бошқалардан ажралиш, яккаланиш, интроверсия, ҳамдардликнинг йўқлиги ва эмоционал му-

носабатлар ўрнатишнинг қийинчилигида намоён бўладиган эмоционал совуқлик, мулоқот жараёнида интуициянинг етишмаслиги.

8. Эпилептоид — (баъзан шафқатсизлик элементлари билан) газабдан кутуриш ва қаҳр хуружи кўриниши тарзида намоён бўладиган агрессиянинг тўпланиши билан дарғазаб — ғамгин кайфиятга мойиллик, жанжалкашлик, тафаккурнинг эгилувчанлиги, ғоят даражада педантизм (ўтакетган расмиятчилик).

9. Тутилиб қолувчи (параноял) — юқори даражадаги шубҳаланувчанлик ва касаллик даражасидаги аразчилик, салбий аффектларнинг собитлиги, устунликка интилиш, бошқалар фикрларини қабул қилмаслик натижасида ўта жанжалкашлик.

10. Намойишкор (истероид) — тан олинишга эҳтиёж қониқтирилмаганда «касал бўлиб олиш», манманлик, қалтис ишларга қўл уриш билиш ифодаланадиган, ўзига диққатни жалб қилиш учун фойдаланиладиган ёлғончилик, фантазёрлик ва муғамбирлик, субъект учун нохуш бўлган факт ва ҳодисаларни сиқиб чиқариш хусусияти.

11. Дистим — тушкун кайфиятнинг устунлиги, депрессияга мойиллик, ҳаётнинг ғамгин ва қайғули томонларига берилиш.

12. Беқарор — атрофдагиларнинг таъсирига енгил берилишга мойиллик, доим янги таассуротлар, давралар қидириш, кишилар билан осонгина юзаки муносабат ўрната олиш.

13. Конформ — бошқаларнинг фикрларига ҳаддан ташқари боғлиқлик ва бўйсунувчанлик, танқидийлик ва ташаббускорликнинг етишмаслиги, консерватизмга мойиллик.

“Тоза” типлардан фарқли равишда характер акцентуациясининг аралаш шакллари кўпроқ учрайди. Масалан, бир вақтнинг ўзида бир неча тип хусусиятлари ривожланган оралиқ типлар, характернинг шаклланган структураси устига янги сифатлар қатлами тушиши кўринишидаги, аниқ қонуниятлар асосида ҳосил бўладиган амальгам типлар.

Ҳаётда кўпроқ норма ҳамда патология оралиғида турган одамлар билан ишлашга тўғри келади. Сир эмас, кўплаб раҳбарлар, менежерлар, артистлар, рассомлар, ёзувчилар, олимлар у ёки бу психик оғишга мойил бўлишиб, ўзларининг хулқлари, ноҳўя қилиқлари ёки ҳаёт фаолиятлари-

нинг зид шакллари билан атрофдагиларни лол қолдиришган. Бундай одамлар руҳий соғломлик ва касаллик чегарасида туришади. Улар озодликда оддий одамлардан кескин фарқ қилишади, агар ихтиёрий ёки қонун йўли билан руҳий касалликлар махсус муассасасига тушиб қолишса ҳам, улар бошқалардан кескин фарқ қилишади.

ПСИХОАНАЛИТИК ТИПОЛОГИЯ

Бу типологияда бешта асосий тип фарқланади:

Орал — бошқаларга кучли тобелик, бундай одамларнинг пассив майли очкўзлик ёки ҳаддан ташқари саҳийлик каби сифатлар билан бирга келади.

Анал — асосий сифатлари тежамкорлик, қайсарлик, тартибни севиш.

Уретрал — шуҳратпарастлик, уятчанлик бирга қўшилиб кетадиган рақобатчилик руҳи билан характерланади.

Фаллик — қатъийлик, ўзига ишонч ва собитқадамлик билан ифодаланади.

Генитал ёки мувозанатли.

ХЕЙМАНС — ЛЕ-СЕНН ТИПОЛОГИЯСИ

Бу типология бўйича характер учта асосий таркибий қисмнинг ҳар хил миқдордаги тўпламидан иборат.

1. Эмоционаллик (Э+ ёки Э- кўринишида белгиланади).

Гап айна вазият одамда қандай осонлик билан эмоционал ҳолат (эмоция ёки ҳиссиёт) уйғота олиши ҳақида бормоқда.

Айрим одамларда ҳар куни бўлиб турадиган ҳодисалар (ташвиш, муваффақиятсизлик, хатолар ёки аксинча, яхши янгиликлар, тақдирланишлар, муваффақият ва ҳ.к) кучли эмоция уйғотади.

Бошқалар секинроқ, совуққонроқ муносабат билдиришади.

Совуққон одамларни ички эмоционал характерга эга бўлганлар билан аралаштириб бўлмайди. У ташқи намоён бўлмаслиги билан ҳам муҳимдир. Кузатувчан одам уни айрим белгиларига (юзнинг қизариши, оқариши, индамаслик, титраш ва ҳ.к) қараб сезиши мумкин.

2. Фаоллик (Ф+ ёки Ф- кўринишида белгиланади).

Фаоллик — бу ҳаракатга, режа ёки фикрни амалга оширишга эҳтиёждир.

Баъзи одамлар бекорчиликка тоқат қила олмайдилар. Уларга нима биландир машғул бўлиш ёқади. Улар тез қарор қабул қиладилар, қийинчиликдан қўрқмайдилар, уларни тушкунликка тушириш қийин. Улар ҳақида “эшикдан ҳайдасанг, тешикдан киради” деб гапирадилар. Лекин ҳаракат қилишдан олдин узоқ ўйлайдиган, ҳатто ҳаракат уларнинг кучини қирқиб қўядиган инсонлар ҳам бор. Улар вазиятни ҳал қилишдан кўра уни ўйлашга кўп вақт сарфлайдилар. Лекин бу шундай одамлар албатта дангаса бўлишади, дегани эмас.

3. Бирламчилик ва иккиламчилик (Б ва И кўринишида белгиланади.)

Бизнинг қарашларимиз, ҳиссиёт ва мақсадларимиз бизга узоқ ёки қисқа муддатли таъсир ўтказади. Баъзи одамлар узоқ вақт бошдан кечирганларининг таъсирида юрадилар, улар худди аккумуляторга ўхшайдилар: зарядга тўйиб оладилару, лекин уни секин сарфлайдилар. Улар, масалан, ўзларини ғазабга солган вазият таассуротини узоқ унута олмайдилар. Хафа қилган одамни узоқ вақтгача унутмайдилар, қадрли нарсани йўқотганда узоқ қайғурадилар, муваффақият ёки бахтли ҳодисани эслаганда тўлқинланиб кетадилар.

Уларнинг кайфияти аксарият бир текисда бўлади. Уларни камдан-кам тушкун ёки кўтаринки ҳолатда кўриш мумкин. Улар камдан-кам аччиқланишади, лекин сабр косалари тўлиб-тошганда ғазаблари даҳшатли бўлади. Улар ўз одатлари, тамойилларига содиқ бўлишади. Улар камдан-кам ўзгаришади, уларга бирор фикрни уқтириш қийин. Улар алоҳида мақсадларга эришиш учун тер тўкишлари мумкин. Улар сабр-тоқатли ва тиришқоқ бўлишади. Булар иккиламчи одамлардир.

Бошқа бир тоифа одамлар, аксинча, бошларидан кечирган ҳодисалар, ўз ҳиссиётлари таъсирида узоқ вақт қолишмайди. Улар албатта ҳиссиётларини тўкиб солишади. Улар бугунги кун билан яшашади, “иккиламчилар”дан фарқли равишда ўтмиш ёки келажакка берилишмайди. Шунинг учун улар янги шароитга осон мослашишади. Бундай одамлар “бирламчи” деб аталади. Агар улар мақ-

садга тез эришолмасликларини кўришса, ундан осонгина воз кечиб қўя қолишади. Улар катта, лекин узоқ муддатли бўлмаган интилишга қобил. Тиришқоқ меҳнатга тоқатлари йўқ. Улар кутилмаган саргузаштларни яхши кўришади, икир-чикирлардан ижирганишади.

Эмоционаллик (+ ёки –), фаоллик (+ ёки –), бирламчи ва иккиламчиликнинг турли бирикмалари бўйича характернинг саккиз асосий хусусиятини кўрсатиш мумкин.

1. Э + Ф — Б — Асабий.
2. Э + Ф — И — Сентиментал.
3. Э + Ф + Б — Жуда фаол, жўшқин.
4. Э + Ф + И — Эҳтиросли.
5. Э — Ф + Б — Сангвиник.
6. Э — Ф + И — Флегматик.
7. Э — Ф — Б — Аморф ёки беғам.
8. Э — Ф — И — Апатик.

Булар албатта “тоза” типлар бўлиб, воқеликда камдан-кам учрайди. Лекин уларга мўлжал қилиб, аралаш типларни осонгина тасаввур қилиш мумкин.

Э + Ф — Б — Асабий.

Кучли, тартибсиз эмоционаллик: асабий одам — “ҳозир”нинг қули. У доимий эмас, шафқатсизликка ва гумонсиришга мойил. Лекин у тез муросага келади.

Унинг ақли тийрак, лекин услубий эмас, импульсив, бир текис ва доимий бўлмаган фаоллик мавжуд.

Асабий одам таъсирчан, лекин эмоциялари ўткинчи бўлади. У фақат мақсадлари зарурият билан мос келгандагина ишлай олади.

Кучли ва кўзгалувчан, у ҳар доим янги ва кучли туйғуларни қидиради. У уйда зерикади, шунинг учун уйдан ташқарида кўплаб турли дўстларга эҳтиёж сезади. У ўтмиш билан кам ҳисоблашади ва айни пайтда ўзига маъқул бўлган нарсани қилади ва гапирди. Шунинг учун у кўпроқ ёлғончиликка мойил. У ҳақиқатни ўзининг лаҳзалик кайфият ва истакларига бўйсундиради.

Бадгумон, чунки бошқалар ҳам шундай деб ҳисоблайди. Ўзидан кўнгли тўқ, бошқалар ҳам шу тасаввурда бўлишини ёқтиради.

Унинг гуруҳга таъсири кучсиз. Иш жараёнида уни доимий бир қолипда ушлаб туриш керак, нимани қандай қилиш кераклигини кўрсатиб туриш керак, у билан тўқнашишга боришдан кўрқмаслик керак, чунки у осонгина муросага келади. Бир маромдаги ишни ёқтирмайди.

Э + Ф — И — Сентиментал.

Сентиментал одам ҳам ҳиссиётга берилувчан, лекин асабий, ўз таассуротларидан тез узоқлашса, сентиментал ўз қувонч ва ташвишларини узоқ эслаб юради ва доим уларни қайта бошдан кечираверади.

Бу чуқур ҳаёлпараст ва доимий одамдир. У ёлғизликни ёқтиради, битта ёки иккита дўст билан кифояланади.

Сентименталнинг иккиламчилиги ўзи билан содир бўлаётган ва унга айтилаётган гапларни чуқур бошдан кечиршига, кўнглига яқин олишига сабаб бўлади.

Кайфиятидаги ўзгаришлар секин, лекин чуқур. У вазиятни соғлом баҳолашга ҳаракат қилади. У ўтмишини яхши эслайди ва келажак ҳақида ўйлайди. Ўз одатларига содиқ, ўзгаришларни ёқтирмайди.

Сентименталнинг кучли эмоционаллиги ва айтилганларни ҳисобга олиб, у билан эҳтиёткор бўлиш керак. Қўпол муомала унинг тундлашишига, ёрилмаслигига сабаб бўлади. Журъатсиз ва нўноқ, ҳадиксировчи ва нозиктаъб бўлганлигидан ўзига юмшоқ ва ҳайрихоҳ муносабатни талаб қилади. У билан суҳбат ва муомалада адолатли бўлиш керак. Ҳар доим у билан ҳисоблашаётганларини намойиш этиб туриш керак. Унинг одатлари ва ишқибозликларига қарши бормаслик керак.

Э + Ф + Б — Жўшқин ва фаол.

Бирламчилиги туфайли бу характер катта куч, жасурлик, топқирлик ва тўла эркинлик билан ажралиб туради. Унинг аффективлиги баъзан қутурган характерга эга бўлади.

У импульсив, ишқибоз одам, унинг мустақиллиги баъзан анархия билан аралашиб кетади.

У хизматга тайёр, бошқаларга ҳамдардлик билан муносабатда бўлади ва ўз симпатияларини яширмайди. Очкўк кўнгил, лекин ўзгарувчан, қувноқ ва ҳар доим яхши кайфиятда юради. Ёрқин, жамиятнинг жони, ҳаёлпараст, лекин баъзан қўпол ҳам бўлади.

Уни тўсиқлар кўрқитолмайди, у ўз топқирлиги туфайли уларни айланиб ўта олади. Мақтанчоқ, ҳамма нарсани бўрттиришни яхши кўради. Ишонувчан, инжиқ эмас, кек сақламайди.

У жамоа ишида бажонидил деб иштирок этади, нима буюришса шуни қилади. У ҳатто танбеҳда ҳам симпатия ҳис қилиши керак. Уни кўпчилик олдида койиб ва ерга уриб бўлмайди, узоқ эслаб юрмайдию, лекин ўша пайтда қаттиқ ғазабланиб кетиши мумкин. У ишга ғайрат билан киришиши мумкин, лекин доим унинг қизиқишини кўллаб туриш керак.

Бундай одамга унча муҳим бўлмаса ҳам, лекин дарров бажариладиган иш топшириш керак. Унинг фавқулудда яшовчанлигидан фойдаланиш керак, лекин унинг чалғиб кетишини ҳам унутмаслик керак.

Э + Ф + И — Эҳтиросли.

Бундай одамлар ишга бутун эҳтирослари билан бериладилар. Тартибни ёқтиришади. Реакциялари журъатсиз. Агар жўшқинликлари тез-тез ва узоқ вақт тийиб турилмаган бўлса портламайди. Акс ҳолда улар адолатли ғазабларини кўрсатишади. Ақллари топқир ва ишончли. Муваффақиятларни тинч ва камтарона қабул қилишади, ўз эътиқодларини алмаштиришни ёқтиришмайди. Бундай одамни тавсия этаётганда унинг нуқтаи назари раҳбариятнингига тўғри келишини текшириб кўриш керак. Акс ҳолда зиддият келиб чиқиши мумкин. Шунингдек иккита эҳтирослига бир хил ишни топшириб бўлмайди, улар келишолмасликлари аниқ.

Э — Ф + Б — Сангвиник.

Бу омилкор, ишбилармон тип. У осон ва тез мослашади. Гапга кўнадиган ва оптимист, эпчил, корчалон. У оз кўзғалади ва бирламчи, шунинг учун хотиржам ва журъатли. Унинг ақли кенг, умумлаштиришга мойил, лекин аниқликни, асослилик ва объективликни яхши кўради. Унинг мулоҳазалари равшан ва ҳар қандай муаммо учун очиқ. Топширилган ишга катта масъулият билан ёндашади.

Э — Ф + И — Флегматик.

Бу характернинг энг муҳим белгиси совуққонлик ва унинг оқибатидаги ўта вазминликдир.

Флегматикнинг саломлашиши виқорли, совуқ ва ҳиссиётлардан ҳоли. У ўртоқлашишга мойил эмас, ёлғизликни маъқул кўради.

Кўп гапирмайди, суҳбатни асосий масалани ойдинлаштиришга буради. Баъзан илҳоми келса қўпол ҳазил қилади.

У ўзига ва яқинларига содиқ. Жуда иложсиз қолганда ёлгон гапириши мумкин. Ишда тартибни яхши кўради ва уни вазмин ва бир маромда бажаради. Покизаликни яхши кўради, баъзан бу одат маняга, педантизмга айланиши мумкин. Ўзига фойдали бўлса жон-жаҳди билан ишлашдан қўрқмайди. Ақли имиллаб ишлайди, лекин ишончли, чунки бу имиллаш ҳодисанинг сабабини билиш истаги билан боғлиқ. Флегматикни фақат далиллар билан ишонтириш мумкин.

Ундан, яхшиси, ишни лойиҳалаш ва тайёрлаш босқичида фойдаланиш керак. Бу босқичда унинг ташкилотчилик қобилиятлари, вазмин ва мувозанатлилиги қўл келади.

Э — Ф — Б — Аморф.

Аморф — инерт, мўрт. У буюрилганидан ортиғини қилмайди. Ақли топқир эмас. У бугунги ишни эртага қолдиради. Унинг муомаласи оддий аниқликка ҳам эга эмас.

Э — Ф — И — Апатик.

Апатик қилаётган ишига бефарқ. У аниқ тартибни талаб қиладиган кундалик ишни қониқарли бажара олишга қобил.

Кайфияти ҳар доим бир текис, ёлғизликдан маълум даражада лаззатланади.

Бундай характерли шахслар хизматбарор эмас ва бошқаларга бефарқ.

Юқорида тасвирланган характерлар кам учрайди. Булар тоза типлар. Ҳақиқатда улар ҳар учала хусусиятнинг кўп ёки озлигига қараб кўшилиб кетади. Бундан ташқари маданий ва ахлоқий омиллар характернинг бу қирраларига шароит ва унинг талабларига қараб ё кучайтириб, ё худ сусайтириб таъсир кўрсатади.

ШЕЛДОННИНГ КОНСТИТУЦИОНАЛ ФАРҚЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Шелдон темперамент фарқларини ажратиш учун тип эмас, компонентни асос қилиб олди. У 4000 нафар коллеж талабаларининг яланғоч ҳолда олдидан, ёнидан ва орқасидан олинган фотосуратларини ўрганиб чиқиб, ҳамма учун умумий бўлган учта вариантни ажратди.

Биринчиси умумий сферик шакл, юмшоқлик, жуда катта қорин, елка ва белда қалин ёғ қатлами, юмалоқ бош, катта ички органлар, шалвираган қўл ва оёқлар, тараққий этмаган суяк ва мускуллар билан ажралиб туради.

Иккинчиси учун кенг елка ва кўкрак қафаси, мускуллари яхши ривожланган қўл ва оёқлар, тери ости ёғининг минимал миқдори, оғир, салмоқли калла хосдир,

Учинчиси озғин одам, чўзиқ юзли, баланд пешона, ингичка қўл ва оёқлар, тор кўкрак қафаси ва қорин, тараққий этмаган мускуллар, тери ости ёғ қатламининг йўқлиги, яхши ривожланган нерв тизими билан ажралиб туради.

Шу белгилар асосида Шелдон гавда тузилишининг учта бирламчи компонентини ажратди ва уларни мос равишда: эндоморф, мезоморф ва эктоморф деб номлади. Биологияда ўша даврдаги тассавурларга кўра эндодермадан ички органлар, мезодермадан суяк, мускул, юрак, қон томирлари, эктодермадан соч, тирноқ рецептор аппарати, нерв тизими ва мия ривожланади, деб қаралган.

Шелдоннинг иккинчи янгилиги шу бўлдики, у алоҳида индивидда ҳар бир компонентни миқдорий баҳолаб чиқди. Бунинг учун у 7 балли баҳолаш шкаласини қўллади (1 абсолют минимум, 7 абсолют максимум ифодаланганлик тарзида). Шундай қилиб, ҳар бир индивид гавда тузилиши учта рақамдан иборат баҳода акс этди. Гавда тузилишини бундай баҳолаш тизими самототиплаштириш деб номланади. 3 рақамдан иборат айни одам гавда тузилиши компонентларининг намоён бўлиш даражаси одам самототиби деб аталади.

Масалан, 4—6—1 самототипли индивид ўртача даражада эндоморф, юқори даражада мезоморф ва эктоморфнинг бутунлай йўқлиги, тўла эндоморф 7—1—1 формуласи билан, тўла мезоморф 1—7—1, тўла эктоморф 1—1—7 формуласи билан ифодаланади.

Шелдон темперамент компонентларини аниқлаш учун шахс ёки унинг характерини аниқловчи 650 та сифатни ажратди. Мукамал таҳрирдан сўнг бу сон 50 тага қисқарди.

Шундан сўнг Шелдон 33 та одамни турли методикалар, суҳбат, анкеталар, сўровномалар, касбий фаолият таҳлили ва хулқини кузатиш, атрофдагилар билан ўзаро муносабатлари орқали ўрганди. 50 сифатдан ҳар бирини 7

балли тизимда ранг бўйича ҳисоблаб, ҳар бир индивидда унинг намоён бўлиш даражасини аниқлади.

Шелдон корреляция ёрдамида ҳамма сифатлар бўйича олинган баҳоларни солиштириб, ҳар бир гуруҳ ичида 0,6 ва ундан юқори корреляция ижобий коэффицентини тўплаган учта гуруҳни ажратди.

Ҳамма гуруҳлар бўйича сифатлар 22 тани ташкил қилди.

Шелдон аниқланган гуруҳлар "темпераментнинг бирламчи компонентларига" тўғри келади деб ҳисоблади ва ҳар бир гуруҳга **висцеротония, самототония, церебротония** деб ном берди (висцеротония — овқат ҳазм қилиш органларининг функционал устунлиги, самототония — ҳаракат апаратининг функционал ва анатомик устунлиги, церебротония — олий нерв маркази фаолиятининг устунлиги).

1. Висцеротония	2. Соматотония	3. Церебротония
1. Ҳаракат ва гавдани тутишда шалвираган	1. Ҳаракат ва гавдани тутишда ўзига ишонч	1. Ҳаракат ва унинг услубларида сиполик, гавдани эркин тутмаслик
2. Маиший қулайликни яхши кўриш	2. Жисмоний машқлар ва саргузаштларни яхши кўриш	2. Ҳаддан ташқари физиологик реактивлик, ташқи таъсирга ҳозиржавоблик
3. Реакциянинг сусайганлиги, секинлашганлиги	3. Сергайратлик	3. Реакция тезлигининг ортганлиги
4. Овқатни яхши кўриш	4. Ҳаракатга эҳтиёж ва ундан лаззатланиш	4. Интимлиликка мойиллик
5. Овқатланиш эҳтиёжининг ижтимоийлашганлиги	5. Ҳукмронликка интилиш, хокимиятга чанқоқлик	5. Ҳаддан ташқари ақлий зўриқиш, диққат кучининг ортганлиги, хавотир
6. Овқат ҳазм қилишдан лаззатланиш	6. Таваккалчиликка мойиллик	6. Ҳиссиётни яшириш, эмоционал сиполик
7. Мулойим муомалани яхши кўриш	7. Ҳаракат услубининг қатъийлиги	7. Кўз ва юз ҳаракатларининг нотинчлиги
8. Социофилия— кўпчилик билан бўлишга интилиш	8. Жангда жасурлик	8. Социофобия— ёлғизликни ёқтириш
9. Ҳамма билан хушмуомалалик	9. Мусобақада агрессивлик	9. Ижтимоий муносабатлар ўрнатишда қийналиш

1. Висцеротония	2. Соматотония	3. Церебротония
10. Мақтов ва маъқул-лашга чанқоқлик	10. Психологик ҳис-туйғусизлик, эмоционал бағритошлик	10. Янги одатларга ўрганиш қийинчилиги, кучсиз автоматизм
11. Одамларга интилиш	11. Клаустрофобия—торликдан қўрқиш	11. Бировларнинг эътиборини йўқотишдан қўрқиш—агорафобия
12. Ҳиссиётлар намоён бўлишининг барқарорлиги	12. Раҳм-шафқатсизлик ва одобсизлик	12. Бошқа одамларнинг ўзига муносабатини олдидан кўра олмаслик
13. Сабр-тоқатлилиқ	13. Баланд овоз	Паст овоз, шовқин уйғотишдан қўрқиш
14. Беташвиш лаззатланиш	14. Оғриққа спартанча бепарволик	14. Оғриққа ҳаддан ташқари сезгирлик
15. Чуқур уйқу	15. Умумий тўполончилик, бақироқлик	15. Кам уйқу, сурункали толиқиш
16. Иродаси сустлик	16. Ташқи кўринишнинг қаримсиқлиги	16. Ташқи қиёфа ва ҳаракат услубларининг ўспирилларча жонлилиги
17. Мулоқот ва ҳиссиётни намоён қилишда энгилтаклик, висцеротонча экстроверсия	17. Муомалада экстроверсия, эмоция ва ҳиссиётларни яшириш, соматотоник экстроверсия	17. Церебротоник интроверсия
18. Мастлик ҳолатида дилкашлиқ ва юмшоқлик	18. Мастлик ҳолатида агрессивлик, қаттиқ туриш	18. Алкогол таъсирига чидамлилиқ
19. Оғир дамларда одамларга эҳтиёж	19. Оғир дамларда ҳаракатга интилиш	19. Оғир дамларда ёлғизликка интилиш
20. Болаликка ва ўзаро оилавий муносабатларга интилиш	20. Ўспиринлик мақсадлари ва вазифаларига йўналиш	20. Ҳаётнинг кечроқ даврларига йўналиш

Шелдон шундан сўнг тўрт йил давомида янги сифатларни қидирди ва бошқа гуруҳ хусусиятлари билан юқори ижобий корреляция хусусиятларини текширди. Бу маълумотларга у дастлабки рўйхатдаги қандайдир сифатлар гуруҳи ёрқин намоён бўлган индивидларни тасвирлаш ва таҳлил қилиш орқали эришди.

Натижада ҳар бир гуруҳнинг сифатлар рўйхати 20 тага етказилди. Шундай қилиб, темпераментнинг ҳар бир

компоненти 20 та сифат билан аниқланди. Бунинг учун ҳар бир сифат 7 балли тизимда баҳоланди ва барча 20 та сифатнинг ўртача арифметик баҳоси шу компонентнинг намоён бўлиш даражасини англатади.

Ҳамма компонентлар (60 сифат) бўйича баҳоланган индивид ўз темпераменти индексини олди.

Тўла висцеротоникнинг индекси 7—1—1, соматотоникники —1—7—1, церебротоникники 1—1—7 бўлди.

Ниҳоят, Шелдон соматотип билан темперамент ўртасидаги алоқани аниқлашга уриниб кўрди. Бунинг учун у беш йил давомида 200 та балоғатга етган эркакни тадқиқ қилиб, ҳар бир индивид учун самототип ва темперамент индексини аниқлади.

ОИЛАВИЙ ПСИХОТЕРАПИЯ ҚОИДАЛАРИ

1. Эр-хотинлик бахтини барбод қилишнинг энг қулай усули

Бир вақтлар Франция императори — буюк Наполеон Бонапартнинг жияни Наполеон III дунёдаги энг гўзал аёл, графиня Мария Евгения Игнасия Августина де Монтихони севиб қолди ва унга уйланди. Унинг маслаҳатчилари бу қиз ҳеч кимга маълум бўлмаган испан графининг қизи холос деб уқтиришга уринишди. Наполеон бу гапларга "Хўш, нима бўпти? Мен ўзим севган ва ҳурмат қилган аёлни менга номаълум аёлдан устун кўрдим" деб жавоб берди.

Наполеон ва унинг хотинида ҳамма нарса: соғлиқ, бойлик, ҳокимият, шуҳрат, гўзаллик, ўзаро сидқидил муҳаббат бор эди. Гўёки уларнинг оиласидан кўра бахтли оила бўлмаслиги керак эди.

Минг афсуски, бу оиланинг бахти кўп ўтмасдан сўна бошлади. Наполеон Евгенияни ўз эрига нисбатан тирноқ орасидан кир қидириш одатидан маҳрум қила олмади.

Евгения шубҳалар гирдобига берилиб, рашк ўтида қоврилиб, Наполеонга ҳатто давлат ишлари билан шуғулланиши учун ҳам бир дақиқа ёлғиз қолишига имкон бермай қўйди. У ҳатто унинг кабинетига бостириб кириш, унинг музокараларини барбод қилиш, уни ҳақорат қилишгача бориб етди. Охир-оқибат Наполеон ярим тунда яхши дўсти-

ни олиб, шаҳар кўчаларини ёлғизлик илинжида кезиш одатини чиқарди.

Граф Лев Толстой билан хотини дунёда энг бахтли яшашлари мумкин эди. Толстой бой-бадавлат, машҳур ёзувчи эди. Аста-секин у бойликдан нафратланиб, ўзи ёзган китобларидан уяла бошлади. У барча бойлигини деҳқонларга бўлиб берди, ёғоч косада овқатланиш, чипта ковуш кийиш, ўз хонасини ўзи йиғиштиришни одат қилди. Буларнинг ҳаммасига хотинининг бойликка ўчлиги, пул, зеб-зийнатни яхши кўриши сабаб бўлди. Хотини хатто Толстойнинг ҳар бир нашр қилинган китоби учун гоно-рар талаб қиларди, Толстой эса бундан нафратланарди.

Оқибат, Толстой 82 ёшида совуқ октябрнинг қорли тунида уйдан чиқиб кетди ва 11 кундан кейин кичкина темир йўл станциясида вафот этди. Унинг сўнгги васияти хотинини ёнига қўймасликлари ҳақидаги илтимоси бўлди. Хотини ўз умрининг сўнггида, жон бераётиб, қизларига айтгани "Отангизнинг ўлимига мен сабабчи бўлдим" деган сўзлар эди.

АҚШ Президенти Авраам Линкольннинг хотини Мери Тодд бутун умр эрини эговлаб келди. Унга эрининг ҳали юриши, ҳали ўтириши, ҳали қулоғи, тиззасининг эгилиши ва ҳоказолари ёқмас эди. Унинг шаллақилиги бутун кварталга аён эди. Унинг айрим ақлсизликлари ҳатто ҳозир ҳам одамларни ҳайратга солади.

Эҳтимол ўқувчилар Наполеон, Толстой, Линкольн хотинларининг тирноқ орасидан кир қидиришларига ўзлари сабабчи бўлган бўлса керак, дейишлари мумкин. Бўлиши мумкин. Лекин уларнинг мана шу ҳаракатлари оила бахтини мустаҳкамлашга хизмат қилдими ёки уни янада ёмонлаштирдими?

Бирининг тунда қочишни одат қилишига, бирига қариганда уйдан кетишига, бирини ойлаб уйга қайтмаслик баҳонасини қидиришга мажбур қилди.

Демак, агар оилавий бахтингизни тезроқ, оз-оздан барбод қилмоқчи бўлсангиз, эрингизнинг тирноғи остидан кир қидиринг ёки, аксинча, **оилавий бахтингизни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, тирноқ остидан кир қидирманг. шубҳа қилманг.**

2. Севинг ва бошқанинг ҳам яшашига имкон беринг

Дизраели айтган экан: "Эҳтимол, мен ҳаётимда кўп ҳа-тога йўл қўйишим мумкин, лекин мен ҳеч қачон севиб турмуш қурмайман".

У шундай ҳам қилган, 35 ёшида ўзидан 15 ёш катта бева аёлга уйланган. У бу аёлга фақат бойлиги учунгина уйланган. Бир қараганда бу нарса қандайдир бачканалик-дек туюлади, лекин уларнинг 30 йиллик биргаликдаги ҳаётида бу аёл фақат эри учун яшади. У ҳатто бойлигининг ҳам эрига қулайлик яратишга ёрдам бераётганлиги учун қадрларди.

Бу аёлнинг на илмда, на уй туттишда укуви бор эди, лекин у эри билан муомала қилишда даҳо эди. У 30 йил давомида фақат эрини мақташ, уни кўкларга кўтаришдан чарчамади.

Дизраели ҳаётидаги энг қимматбаҳо нарса хотини эканлигини яширмасди. Мери Энн дўстларига ҳар доим "эримнинг ғамхўрлиги туфайли менинг ҳаётим тўла бахтдан иборат" деб кўп қайтарарди. Баъзан Дизраели хотинига "Биласанми, барибир мен сенга бойлигинг учун уйланганман" деб ҳазиллашарди. Шунда хотини жилмайиб: "Биламан. Лекин яна менга уйланишингга тўғри келса, энди севиб уйланардинг, шундай эмасми?" деб жавоб берарди.

Генри Джеймс таъкидлайди: **"Бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда шуни унутмаслик керакки, уларнинг ўзлари хоҳлагандек бахтли бўлишига ҳалақит қилмаслик керак"**.

Ёки **"Никоҳнинг муваффақияти бу лойиқ одам топишдагина эмас, бу ўзингнинг ҳам шундай одам бўлишга қобиллигингда"**.

Демак, оилавий ҳаётингизда бахтли бўлмоқчи бўлсангиз, ўз турмуш ўртоғингизни ўзгартиришга ҳаракат қилманг.

3. Танқид қилманг

Дизраелининг ижтимоий фаолиятдаги энг зўр рақиби Гладстон эди.

Бу иккала рақибнинг ҳаётда битта ўхшашлик томони бор эди. Иккаласи ҳам оилавий ҳаётда ниҳоятда бахтли эди. Гладстон хотини билан 59 йил бирга яшади ва 59 йил бахтли умр кечирди. Бунинг сабаби у ҳеч қачон уйдаги-

ларни танқид қилмас эди. Агар у эрталаб ошхонага кириб, ҳамманинг ухлаб ётганлиги, нонушта тайёр эмаслигини кўрса, овозини баландлатиб, Англиядаги энг банд одам пастда ўз нонуштасини кутаётганлигини ашула қилиб айтар эди. Одамларга илтифотли ва меҳрибон бўлган бу инсон оила даврасида танқиддан ўзини тиярди.

Екатерина, агар унга ошпаз куйиб кетган гўшт берса ҳам, иштаҳа билан овқатланиб, ошпазга миннатдорчилик билдирар экан.

АҚШда У.Ливингстон Ларнеднинг "Отанинг тавбаси" ҳикояси доимий нашр қилиниб келинади. Бу отанинг ўз ёш ўғли олдидаги сидқидилдан тавба қилиши ҳақидаги ҳикоядир.

"Келин салом" видеофилмининг охириги сериясидаги эр-хотин суҳбати эпизодини эсланг. Агар эр хотинининг "нимага ҳаммангиз менга айбдордек қарайсиз?"— деган саволига, "ҳаммасига сен айбдорсан"— деб ҳақиқатни айтганида хотин ўзини ҳимоя қилиш мақсадида бошқаларни айблай бошларди. Бунинг ўрнига унинг "Кечир, мен сени бахтли қила олмадим"— деган сўзлари хотиннинг ўз айбини тан олишига ва оиланинг тикланишига сабаб бўлди.

Демак, агар **оилавий бахтни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, танқид қилманг.**

4. Ҳаммани бахтли қилишнинг энг тез усули

Одатда, эркаклар аёлларни тез-тез бирга овқатланишга таклиф қилиб туришади. Агар жамиятда озми-кўпми маълум бир мавқени эгаллаб турган аёл таклиф қилинса, эҳтимол у бутун овқатланиш давомида фақат ўз ишидан гапиради. Турли мавзуларда маъруза ўқийди, ҳатто овқат пулини ҳам тўламоқчи бўлади.

Натижада бундай аёл бир умр ўзи овқатланишига тўғри келади. Баъзан оддий, маълумотсиз аёл ҳам овқатланиш пайтида диққат билан кулоқ солади, яна "менга ўзингиз ҳақингизда яна бирон нарса айтиб беринг"— деб сўрайди. Шундан сўнг эркак ўз дўстларига "бу аёл унчалик гўзал эмас, лекин мен ундай ажойиб суҳбатдошни кўрган эмасман" — дейди.

Эркаклар аёллар учун энг муҳим нарса кийим ҳисобланишига эътибор бермайдилар. 90 ёшга кириб кўздан

қолган аёл 40 ёшдаги расмида қандай кўйлақда эканлиги билан қизиқиши мумкин.

Агар эркак ва аёл кўчада бошқа эркак ва аёлни учратишса, аёл эркакдан кўра кўпроқ бошқа аёлнинг қандай кийинганлигига эътибор беради.

Эркаклар беш йил олдин қандай кўйлақ кийганлигини умуман эсидан чиқариб қўйишади. Француз ўғил болаларини бир кеча давомида бир неча марта аёл кишининг кўйлаги, шляпасини мақташга ўргатишар экан.

Бир деҳқон аёл эркаклар ишдан чарчаб келишса, олдиларига бир боғ пичан қўйибди. Улар аччиқланишса, аёл "Сизлар буни хашак эканлигини пайқамасиз дебман. Мен сизларга 20 йилдан бери овқат пишираман, ҳеч бўлмаса бирор марта хашак емаётганликларингни айтмагансизлар" — дебди.

Демак, тўртинчи қоида шуки, **оилавий бахтингизни сақлаб қолиш учун бир-бирингизга сидқидилдан миннатдорчилик билдиринг.**

5. Аёллар учун бу жуда муҳим

Аёлларнинг битта муҳим хусусияти шуки, улар нимагадир туғилган кунларни яхши эслаб қолишади. Бунинг сири ҳозирча номаълум.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, баъзан оддий, майда-чуйда одатлар: масалан, "ишга яхши бориб келинг, яхши бориб келдингизми" каби сўзлар, кутиб олиш, нарсани дарров қўлдан олиш каби одатлар оилани мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга экан.

Мана бу қоидани ҳамма ўзига ёзиб, эслаб қолиши керак: **Мен бир марта ҳаётга келаман. Шундай экан, қандайдир одам зотига нисбатан меҳрибонлик кўрсатишим, яхшилик қилишим керак. Мен яхшилик қилиш имкониятини қўлдан чиқармаслигим керак, чунки ҳаётга бир марта келаман."**

Демак, бешинчи қоида шуки, **оилада бир-бирингизга озгина бўлса ҳам диққат-эътибор кўрсатинг.**

6. Агар бахтли бўлмоқчи бўлсангиз, бу қоидага бепишанд бўлманг.

Мулоимлик оилада энг муҳим фазилат. Агар аёллар ўз эрларига бегона эркакларга кўрсатган мулоимликларини кўрсатишганда эди, ҳамма оилалар бахтли бўлар эди. Ҳар қандай эркак кўпол аёлдан қочиб кетади.

Биз бегона одамга ҳеч қачон "Яна шу гапни қайта-республи? Қанча қайтариш мумкин" — деб айтмаймиз. Ҳеч қачон бегона одамнинг чўнтагини, шахсий буюмларини, хатларини титкиламаймиз. Энг яқин одамларимизга эса буларнинг барчасини раво кўришимиз мумкин.

Маълум бўлишича, бизга энг қўпол, аччиқ сўзларни айтадиганлар ўз оила аъзоларимиз экан. Баъзи одамлар ўзининг тушкун кайфиятини ҳеч қачон уйдагиларга билдиришмайди. Айримлар эса кўчадаги барча кўнгилсизликлар учун бор дардларини уйдагиларга тўкиб соладилар.

Аслида ҳар бир эркак ўз хотинига ширин гапирса, унинг ҳамма нарсани қилишини билади. Масалан, агар эр хотинига ўтган йилги кўйлагида қандай гўзал кўринишини айтса, у бу кўйлагини охириги модадаги кийимга алмаштирмаслигини билади. Агар хотинига унинг қандай яхши бека эканлигини айтса, унинг қанчалик рўзғор учун жон куйдира бошлашини ҳам эр билади.

Ҳар бир аёл ҳам эрига бу нарсаларнинг маълум эканлигини билади, чунки аёлнинг ўзи эрини бу ҳақда тўла информация билан таъминлаб қўйган. Ва аёл ҳеч қачон эри нима учун ширин гапириб ҳамма нарсага эга бўлиш ўрнига, қўпол гапириб, эвазига хотини пулини, бойлигини совуришига йўл қўйишини билмайди.

Демак, олтинчи қоида шуки, **илтифотли бўлинг.**

7. Эр-хотинлик муносабати масалаларида саводсиз бўлманг.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, никоҳнинг бузилишига асосан тўртта нарса сабаб бўлар экан.

1. *Жинсий номутоносиблик.*
2. *Дам олиш вақтини қандай ўтказиш фикридаги фарқ.*
3. *Молиявий қийинчиликлар.*
4. *Психик, жисмоний ҳамда эмоционал бузилиш.*

Эътибор беринг: жинсий масала биринчи ўринда, молиявий масала эса, фақат учинчи ўринда турибди.

Джон. Б.Уотсон айтадики: *"Секс инсон ҳаётида ҳамма тан олган энг муҳим нарса ҳисобланади. Ҳамманинг тан оли-*

шича, айнан шу нарса кўпчилик эркак ва аёллар бахтининг барбод бўлишига сабаб бўлади."

XXI асрда, одамларнинг аксарияти маълумотли ҳисобланган даврда, уларнинг кўпчилиги жинсий масалада саводсиз эканлиги баъзан оғир оқибатларга олиб келади.

Оила қураётган ёшларнинг кўпчилиги ҳозирда жинсий масалада саводсиз ҳисобланади. Натижада бу нарса баъзан психологик импотенция ёки фригидликка сабаб бўлади, натижа эса баъзан фожиали бўлиши ҳам мумкин. Деярли оммавий жинсий саводсизлик шароитида ажралишларнинг фақат 16 фоиз эканлигидан хурсанд бўлиш керак. *Кўпчилик оилалар расман ажралишмаган бўлсаларда, аслида никоҳда ҳам турмайдилар, улар ўзига хос аросатда яшайдилар.*

Доктор Баттерфильднинг айтишича: *"Жинсий муносабатлар эр-хотинликда қониқиш пайдо қиладиган бир қатор омилларнинг биттаси ҳисобланади. Лекин шу нарса жойида бўлмаса, бошқа ҳеч нарса жойида бўлмайди.*

Демак, охириги қоида: **Жинсий муносабатлар ҳақида ёзилган яхши қўлланмаларни ўқиб чиқинг.**

ПСИХОЛОГНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ КОДЕКСИ

Психологнинг касбий фаолияти у қайси соҳада (таълим тизими, ишлаб чиқариш, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот, оила хизмати ва ҳоказо) ишлашидан қатъи назар, мижозлар олдидаги ўта масъулиятлилиги билан характерланади. Психолог уларга ёрдам бера олиши учун уларнинг ишончига муҳтождир.

Психологнинг вазифаси инсониятнинг билимларини кенгайтириш, бу билим ва кўникмаларни айрим индивид ва бутун жамият фаровонлиги учун қўллашдан иборатдир. Психолог инсон шахси дахлсизлиги ва фазилатлари ҳамда одамнинг фундаментал ҳуқуқларини ҳурмат қилиши шарт.

1. Психолог ўз касбий фаолиятида ҳалоллик намоён қилишга ва унга билдирилган ишончни оқлашга мажбур.

У ҳар доим жамият олдидаги бурчини ёдида тутиши лозим, чунки унинг ҳаракатлари одамлар ҳаётига сези-

ларли даражада таъсир кўрсатади. Психолог ҳар бир одамнинг ўз қарашлари ва эътиқодларига мос ҳаракат қилиш ҳуқуқини тан олиши ва ўз касбий фаолиятида объективликка ва тахмин, фаразларга асосланиб фикр юритмасликка интилиши лозим.

2. Психологнинг масъулиятли касбий фаолияти унинг ўз соҳасида ўта билимдон бўлишини талаб қилади. Психолог виждонан тайёргарлик кўриш йўли билан ўз фанининг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиши шарт. Шу билан бирга у касбий фаолиятини тартибга соладиган қоидаларни ҳам билиши керак. Психолог ўзи зарур билим ва малакага эга бўлган хизмат турларинигина таклиф қилиши мумкин. У ўз ишида илмий ва синаб кўрилган методларни қўллайди. Психолог илмий фаоллик принципига амал қилиши ва олинган натижаларни текшириб кўриши керак.

ПСИХОЛОГНИНГ МИЖОЗЛАР ВА ПАЦИЕНТЛАРГА НИСБАТАН ХУЛҚИ

1. Ўзаро ишончли муносабатлар. Психологнинг миждоз ёки пациент билан ўзаро муносабатлари ҳар иккала томоннинг бир-бирига тўла ишонч ўрнатилиши зарурати туфайли ҳам алоҳида характерга эга. Психолог ўртадаги ўзаро ишонч йўқолган тақдирда касбий мажбуриятни ўз зиммасига олмаслик ёки уни тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Аниқлик киритиш мажбурияти. Психолог миждоз ва пациентни ҳар бир муҳим қадам ёки даволаш характери ҳақида хабардор қилиши шарт. Клиник шароитда психолог беморнинг диққатини эҳтимол тutilган тавакқалчиликка ва даволашнинг муқобил методлари а қаратиши лозим.

2. Холисликни сақлаш. Клиник психолог ўз миждозлари билан ҳар қандай шахсий муносабатларга киришишдан сақланиши лозим.

3. Индивидуал маслаҳат олиш ва даволаниш ҳуқуқи. Миждозлар психологнинг маслаҳатини олиш ва даволанишда учинчи шахснинг иштирок этишини рад қилиш ҳуқуқига эга. Миждозлар шундай хоҳиш билдиришганда психолог уларга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

4. Клиник психологнинг алоҳида мажбуриятлари. Агар психолог клиникадаги даволаш жараёни ижобий натижа бермаслигига ёки миждознинг соғлиги учун хавф туғдиришига ишонч ҳосил қилса, дарҳол таъсир кўрсатишни тўхтатиши лозим.

ПСИХОЛОГНИНГ ҲАМКАСБЛАРИ ВА БОШҚА СОҲА ВАКИЛЛАРИГА НИСБАТАН МУНОСАБАТИДАГИ ХУЛҚИ

1. Ҳамкасабаларига нисбатан муносабатидаги хулқи. Психолог ўз ҳамкасабаларини ҳурмат қилиши ва уларнинг касбий ҳаракатларини асоссиз танқид қилмаслиги шарт.

Психолог ўз ҳаракати билан ҳамкасабасининг ишсиз қолиши ёки ўз фаолият соҳасидан сиқиб чиқарилишига йўл қўймаслиги лозим. Агар психолог, ҳамкасабаси ўз касбига нолайиқ ҳаракат қиляпти деб ҳисобласа, биринчи навбатда бу фикрни унинг юзига айтиши керак.

2. Бошқа касб вакилларига муносабатидаги хулқи. Бошқа соҳа вакиллари билан муносабатда психолог тоқатлилиқ, ёрдам беришга тайёрлик, холислик фазилатларини намоян қилиши керак. Бошқа касбларни даражаси бўйича бўлиш ярамайди.

Одамларни ишга қабул қилишда психолог ўз билимдонлиги доирасида мустақил ҳаракат қилиши ва қонун талаб қиладиган касб сирини сақлаш мажбурияти ҳақида эслатиб ўтиши лозим.

Психолог унга касбий раҳбарлик қилишни фақат ўзига ўхшаган психолог амалга ошириши мумкинлигини эслатиб ўтиши лозим.

Шу билан бирга психолог яна ўзидан талаб қилинадиган нокасбий ва ахлоқсизлик характеридаги талабларни бажара олмаслигини ҳам эслатиб ўтиши шарт.

МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

1. Психологик хизматлар тижорат принципларига эмас, фақат касбий принципларга бўйсунитиши лозим.

2. Психологлар ўзлари яхши эгалламаган ёки самаралилиги касбий ёки илмий жиҳатдан шубҳали бўлган мах-

сус муолажа, методикалар ёки бошқа услубларни таклиф қилмасликлари керак.

3. Агар психологга унга маълум бўлмаган қандайдир имкониятларни билиши ҳақида маълумот хабар қилинса, у бундай маълумотни рад қилиши лозим.

4. Психологлар мижозлар ёки пациентларга ўзлари кўрсатаётган хизматнинг самаралилигини муболаға қиладиган маълумот бермасликлари лозим.

ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ

Психологик тадқиқотлар унда одамларнинг текширилувчи сифатида иштирок этишига боғлиқ. Психолог тадқиқотчи билан текширилувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат ва бундан келиб чиқадиган масъулият спецификасини англаши текширилувчи шахсининг яхлитлиги ва нуфузига зарар етказмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим. У текширилувчиларнинг хавфсизлиги, хотиржамлиги, бардамлигини таъминлаш ва пайдо бўлиши мумкин бўлган таваккалчилик имкониятини минимумга тушириш учун ҳамма чораларни кўриши керак.

Психологик тадқиқотда иштирок этиш ихтиёрийдир. Текширилувчиларга тадқиқотда иштирок этиш ҳақидаги қарор қабул қилишлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқотнинг хусусиятлари ва эҳтимол туғилган таваккалчилик ҳақидаги билимлар уларга тушунарли шаклда хабар қилиниши лозим. Текширилувчиларга яширин кузатишнинг ҳар қандай шакли хабар қилиниши керак. Тўла информация бериш ўтказилаётган тадқиқотнинг мазмунига тўғри келмайдиган айрим ҳолатларда уларга амалга оширилаётган дастур ҳақида тўла маълумот бериш имконияти йўқлигини айтиш зарур. Мумкин бўлган ва текширилувчиларга зарар етказмайдиган айрим ҳолларда тушунтириш ишлари эксперимент тугагандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Психолог текширилувчиларнинг жисмоний ёки психологик ҳолатига зарар етказишга олиб келадиган таъсирларни қўлламаслиги керак. Текширилувчида кутилмаганда стресс реакцияси пайдо бўлса, эксперимент ўша заҳоти

тўхтатилиши шарт. Психологик эксперимент алоҳида шароитларда ўтказилиши лозим.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПСИХОЛОГЛАРИНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ

1. Психолог ҳал қиладиган масалалар доирасига фақат психологик усуллар билан ечилиши мумкин бўлган меҳнат шароити, ижтимоий муносабатлар ва ходимларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ муаммолар киради.

2. Психологнинг мақсади корхонада алоҳида шахслар, шунингдек жамоани ҳимоя қилиш ва унга ёрдам қилишдан иборатдир. Шундай қилиб, у ходимлар билан маъмурият ўртасидаги зиддиятли ҳолатларда умумий манфаатлар билан ҳар бир алоҳида шахс манфаатлари ўртасидаги мақсадга мувофиқ мувозанатни сақлаши лозим. Психологнинг вазифаси корхонадаги меҳнат ижодий, самарали ва мароқли бўлиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишдан иборатдир.

3. Психолог ўзининг жамоадаги мақомига ва шахсий фаолиятининг моддий шароитларига нисбатан ўз мажбуриятини бажариши учун мақсадга мувофиқ шарт-шароитларни таъминлаши лозим.

4. Психологнинг асосий мажбурияти — амалий ёрдам кўрсатишдир. Шу мақсада у пайдо бўладиган муаммоларни энг яхши кўринишда ҳал қилишга имкон берадиган маъмурият ва бошқа ҳимоя соҳаларининг амалиётчи-мутахассислари билан фаол ҳамкорлик қилиши лозим. Бундай мутахассисларга саноат корхоналарининг тиббий маслаҳатчилари, маъмурият ходимлари ва инженер-техник ходимлар киради. Психологнинг улар билан муносабати тенг ҳуқуқлилик асосида бўлиши керак.

5. Психолог ўзининг иқтисод ва ташкилотчилик назарияси соҳасидаги, шунингдек ўзи банд бўлган ишлаб чиқариш соҳаси бўйича билимларини такомиллаштириб бориши лозим.

6. Бевосита ишлаб чиқаришда ишлаётган ёки корхонада тадқиқот ўтказётган психологлар тадқиқот бошланишидан олдин текширилувчиларга натижаларнинг корхона маъмуриятига хабар қилинишини айтишлари шарт. Янги

ходимларни ишга қабул қилишда ва уларнинг касбга лаёқатлилигини текширишда психолог текширишнинг мақсадларини айтиб, уларнинг текширишга ўз розиликлари билан келишларини таъминлаши зарур.

7. Манфаатдор шахсларни тадқиқотнинг психологик натижаларидан хабардор қила туриб, психолог баён қилинаётган информациянинг текширилувчига руҳий жароҳат етказувчи омиллари бўлмаслиги учун шакл ва ҳажм жиҳатидан мулоҳаза қилиб кўриши шарт.

8. Бошқа мутахассисларнинг хулосалари текширилувчига фақатгина шу мутахассисларнинг расмий розилиги бўлган ҳолдагина айтилади.

9. Корхона янги қабул қилинаётган ходимни касбий лаёқатлилиги бўйича йўллаганда эксперт психолог салбий хулосага келса, ана шу шахс учун касбий фаолият олиб бориш мумкин бўлган бошқа соҳаларни кўрсатиши керак.

Агар текшириш пайтида психолог текширилувчини психиатрик (ёки ҳар қандай бошқа тиббий) кўриқдан ўтказиш ёки даволаш зарурлигини пайқаса, у бу ахборотни мумкин бўлган шаклда ё текширилувчига, ёки унинг учун жавобгар шахсга айтиши лозим.

10. Ҳар қандай психологик кўриқ ундан ўтувчи ҳеч нарсани яширмаганда муваффақиятли ўтади, психолог кўриқдан ўтувчини у баён қилаётган шахсий маълумотлар сир сақланишига ишонтириши лозим. Психологнинг ҳисоботи шундай тузилиши керакки, унда кўриқдан ўтувчининг шахсини аниқлаш мумкин бўлмасин.

Кўриқдан ўтказиш ҳақида фармойиш берган маъмурият кўриқ билан боғлиқ маълумотларни сир сақлаш унга ҳам тааллуқли эканлиги ҳақида огоҳлантирилиши керак. Маъмуриятга кўриқ натижалари ва ўз хулосаларини маълум қилаётганда психолог хизмат вазифаларига, корхона манфаатларига ва ходимнинг ўзига тегишли бўлмаган маълумотларни очишдан ўзини сақлаши лозим.

Агар кўриқ жараёнида психолог магнитофон, яширин микрофон ёки яширин визуал кузатиш мосламасидан фойдаланса, бу маълумотлар турли ноқобил шахслар кўлига тушмаслигига ишонч ҳосил қилиши шарт. Психолог тўстлар ва бошқа психологик тадқиқот материалларининг бегона одамлар кўлига тушиб қолмаслиги учун бевосита

масъул. Бундай материалларни у фақат ўзига ўхшаган психолог-мутахассисгагина бериши мумкин.

11. Психологнинг ҳисоботида фақат шартномада кўзда тутилган маълумотларгина акс этиши лозим. Ҳисобот уни нотўғри тушунишга ёки нотўғри қўллашга асос бермаслиги керак.

12. Индивидуал ёки жамоавий тадқиқотлар ўтказилганда, шунингдек, жамоадаги (ҳамкасблар, бошлиқ-бўйсунувчилар ўртасидаги) муносабатлар баҳоланганда психолог бу маълумотларни қанчалик очиқ маълум қила олиши ва бу маълумот қандай реакция уйғотиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб кўриши керак.

13. Ҳар қандай шартнома тузаётганда психолог маълумотларни нашр қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бироқ корхона ҳақидаги маълумотлар маъмуриятнинг оғзаки ёки ёзма розилиги бўлгандагина нашр қилиниши мумкин.

14. Психологик маълумотга эга бўлмаган кўпчилик одамлар учун мўлжалланган, яъни оммавий нашрларда (маъруза, оммабоп мақолалар) баъзи методларни (тестлар ва ҳоказоларни) ёритмаган маъқул. Мутахассис бўлмаган шахслар бу методларни қўллаб, шахс психикасига зарар етказиши мумкин. Бундай маълумотларни фақат мутахассислар учун мўлжалланган маъруза ва мақолаларда ёритиш мумкин.

15. Психолог ўз мижозларининг диний ва ахлоқий эътиқодларини ҳурмат қилиши ва касбий аралаштириш учун зарур бўлган сўровда ҳисобга олиши зарур.

Психологик тадқиқотларда ҳар доим индивиднинг шахсиятига, эътиқодларига, интим вазиятларга ҳурмат билан қаралиб, сексуал хулқ, қариялар, беморлар ва жиддий руҳий жароҳатни бошдан кечирганлар тадқиқ қилинганда камтарлик ва олижаноблик намоён қилиниши лозим.

РЕКЛАМА ПСИХОЛОГИЯСИ

Психологнинг реклама хизмати осойишта, вазмин тарзда, касб малакаси ва лозим бўлган жойда қўллаган методларни кўрсатган ҳолда амалга оширилиши керак. Кафолатлар бериш, касбий ютуқларни кўкларга кўтариш ва муваффақиятли ҳолатларни санаб ўтишдан доимо сақланиш лозим.

Бирон бир йўл билан (реклама, ташриф қоғозлари, ёрлиқлар, дастурларда) ўзи ҳақида нотўғри, тақдим қилин-

маган илмий даража, унвон ва ҳоказоларни маълум қилиш мумкин эмас. Бундай маълумотлар нотўғри тушунча ҳосил бўлишига олиб келиб, касб этикасини кўпол равишда бузиш ҳисобланади.

ИШ ШАРОИТИНИ ТАЪМИНЛАШ

1. Психолог ўз вазифасини самарали бажаришига имкон берадиган меҳнат шароитининг яратилишига эришиши лозим.

2. Психолог ҳозирги замон психология фани ва амалиёти нуқтаи назаридан бажариш мумкин бўлмаган муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилиши мумкин эмас.

СИР САҚЛАШ БЎЙИЧА ПСИХОЛОГНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Психолог касби бўйича ўзи билан алоқада бўлган текширилувчиларга тегишли бўлган барча маълумотларни сир сақлаши шарт (Текширилувчилар деганда психологга маслаҳат ёки ёрдам сўраб мурожаат қилган, индивидуал ёки гуруҳли кўриқдан ўтказилган барча шахслар тушунилади). Психолог ўзи ишлаётган ташкилотнинг хизмат сирларини сақлашга мажбур.

2. Психолог оғзаки ёки ёзма илмий маълумот бераётганда касб сирини сақлаши шарт. У ўзига маълум бўлган шахсий маълумотларнинг мақола, ҳисобот ёки маъруза орқали ноқобил одамларга маълум бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилиши керак. У кўриқдан ўтган шахсларнинг исми-шарифлари яширин қолишига эришиши лозим.

3. Психологнинг касбий сирини сақлаш мажбурияти кўриқда, маълумотларни қайта ишлашда қатнашаётган, шунингдек амалиёт ўтказаётган, яширин маълумотларни ўқиши мумкин бўлган ҳамма шахсларга тегишли. Психолог бу ҳақда уларни керакли пайтда ва мумкин бўлган шаклда огоҳлантириши лозим.

4. Агар жамият ёки фуқаро ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурати туфайли маълумотлар бошқа шахс ёки расмий идораларга берилиши керак бўлса, манфаатдор томонлар бу ҳақда хабардор қилиниши лозим.

ПСИХОАНАЛИТИК АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУФАТИ

- **Агрессия.** Кимгадир зарар етказиш учун йўналтирилган жисмоний ёки вербал (нутқли) хулқ. Лаборатория экспериментларида агрессия деганда ҳиссиётга таъсир қилиш учун электр токи билан зарба бериш ёки сўз билан нафсониятга тегиш тушунилади. Агрессиянинг бундай социал-психологик таърифига кўра, одам агрессив бўлмаган ҳолда қайсар бўлиши мумкин.

- **Адаптация даражаси феномени.** Кўзговчиларнинг аниқ даражасига мослашиш ва оқибатда айнан шу даражада содир бўладиган ўзгаришларга жавоб бериш ҳамда диққатни қаратиш.

- **Альтруизм.** Кимгадир онгли шахсий эгоистик манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган ёрдам кўрсатиш истаги.

- **Анал босқич.** Психосексуал тараққиётнинг иккинчи босқичи бўлиб, унда бола ичаклар фаолиятини назорат қилиш ва лаззатланишни ахлатни тутиб туриш ва ўз вақтида чиқаришга жамлайди.

- **Анал характер.** Фрейднинг анал босқич тараққиётида тутилиб қолган шахс типи ҳақидаги концепцияси. Бундай характерга эга бўлган одам бахил, қайсар, ҳамма нарсани гамловчи (анал — ушлаб турувчи тип) ёки қаҳрли, тартибсиз ва шафқатсиз (анал — агрессив тип) бўлади.

- **Антикатексис.** Инстинктларнинг қондирилишига имкон бермайдиган тўсқинлик.

- **Атрибуциянинг фундаментал хатоси.** Кузатувчиларнинг хулққа вазиятнинг таъсирини камситиб, диспозиция (ички шахсий сифатлар) таъсирини бўрттириб баҳолаши (Шунингдек, у мос келиш ишончи деб ҳам аталади. Биз аксарият одамнинг хулқи унинг диспозицияларига мос келади деб ҳисоблаймиз).

- **Ахлоқий хавотир.** Индивидуумнинг Эгоси ("Мен"и) Супер- Эго (Юқори-Мен) томонидан жазоланиш хавфи туғилганда у ҳис қиладиган уят ва айбдорлик ҳисси.

- **Баҳолаш кўркуви.** Бизни бошқалар қандай баҳолашларидан хавотирланишимиз.

- **Бидъат.** Гурӯҳ ёки унинг алоҳида аъзоларига нисбатан асоссиз салбий установа.

- **Бирламчи жараён.** Туғма эҳтиёжларни фантазияда қондириш. Асосий эҳтиёжни қондириш билан ассоциация қилинадиган объект

образини шаклантирганда индивидуумнинг кескинлиги камайишини изоҳлайдиган психологик феномен.

• **Бихевориал медицина.** Саломатлик ва касалликлар ҳақидаги бихевориал ва тиббий билимлар биргаликда фойдаланиладиган фанлараро соҳа.

• **Бихевориал тасдиқ.** Ижтимоий кутишлар одамларни айрим ҳаракатлар қилишга мажбур қилади, натижада уларнинг хулқи бошқаларни шу кутишларни тасдиқлаш учун ундашга сабаб бўлади.

• **Гендер роли.** Эркаклар ва аёллар учун улардан кутиладиган хулқ (норма) намуналари тўплами.

• **Гендер.** Психологияда «эркак», «аёл» тушунчасига аниқлик киритувчи социал-биологик тавсифнома. Жинс биологик категория бўлганлиги учун социал психологлар аксарият ҳолларда биологик асосланган гендер фарқларини «жинсий фарқлар» сифатида қарашади.

• **Генитал босқич.** Психосексуал тараққиётнинг тўртинчи ва охириги босқичи бўлиб, бунда етук гетеросексуал муносабатлар шаклланиди (босқич ўсмирликдан умрнинг охиригача давом этади).

• **Генитал характер.** Фрейд томонидан идеал психик саломатликни белгилаш учун киритилган атама. Характернинг бундай типи сексуалликнинг меъерий даражасига эга бўлган, бошқалар билан интим муносабатларга қобил, ўз сермахсул фаолияти билан жамиятга ҳисса қўшадиган индивидуумларда учрайди.

• **Гетеростаз.** Одамлар шахсий ўсишга интилиш, стимул (рағбат)ларни қидириш ва ўз-ўзини амалга оширишга интиладилар, деб тасдиқлаш.

• **Гомеостаз.** Одамлар зўриқишни камайтиришга ва ички мувозанат ҳолатини сақлашга интиладилар, деб тасдиқлаш.

• **Гуруҳ ичида.** Гуруҳга мансублик, умумий бир хиллик ҳиссига эга бўлган «Биз» — одамлар гуруҳи.

• **Гуруҳ.** Бир неча дақиқадан кўпроқ вақт мобайнида бир-бири билан ҳамкорлик қиладиган, бир-бирига таъсир қиладиган, ўзини «биз» сифатида идрок қиладиган икки ва undan ортиқ шахслар.

• **Гуруҳли кутбланиш.** Гуруҳ таъсири туфайли унинг аъзоларидаги азалдан мавжуд хусусиятларнинг кучайиши; гуруҳ ичида фикрлар бўлиниши ўрнига ўртача тенденциянинг ўз кутбига тортилиши.

• **Дезинформация самараси.** Ходисанинг содир бўлишида иштирок этган одам у ҳақда ёлгон ахборот олади ва кейинчалик бу дезинформацияни бўлиб ўтган ҳодиса ҳақидаги ўз хотирасига киритиб қўяди.

• **Дейндивидуализация.** Ўз-ўзини англашнинг йўқолиши ва баҳолаш қўрқуви; анонимликни таъминлайдиган ва алоҳида индивидга диққатни тортмайдиган гуруҳли вазиятларда пайдо бўлади.

• **Депрессив реализм.** Енгил депрессия ҳолатида (ўз «Мен»и фойдасига эмас) объектив мулоҳазалар, атрибуция ва башоратлар туза оладиган одамлар тенденцияси.

• **Детерминизм.** Бизнинг бутун хулқимиз қандайдир ҳодисалар таъсирига боғлиқ ва шунинг учун эркин намоён бўлмайди деб тасдиқлаш.

• **Душманлик агрессияси.** Нафрат туфайли уйғонадиган ва шахсий мақсадга айланган агрессия.

• **Дўстлик-муҳаббат.** Ҳаёти бизнинг шахсий ҳаётимиз билан чамбарчас боғлиқ одамга нисбатан ҳис қилинадиган мулоқимлик.

• **Ёлгон ноёблилик самараси.** Қобилиятлар ва ўринли ёки самарали хулқ кенг тарқалганлиги фактини етарлича баҳолай олмаслик хусусияти.

• **Ён бериш.** Ташқи таъсирлар ижтимоий босимга мос келса ҳам, ички норозилик иштирок этадиган конформизм.

• **Ид.** Мазмуни наслий йўл билан олинган омиллардан иборат бўлган шахс тузилишининг қирраси. Ид ўта сезгир, иррационал ва ҳар қандай чеклашлардан ҳоли.

• **Идентификация.** Боланинг ўз шахсий хавотиридан озод бўлиш ва ички зиддиятларини сусайтириш учун бошқаларнинг, биринчи навбатда ота-онасининг характер хусусиятларини ўзлаштириш жараёни.

• **Ижтимоий репрезентациялар.** Ҳамма томонидан қабул қилинган эътиқодлар. Бизнинг қарашларимиз ва маданий мафкурамизни ўз ичига оладиган, кўпчилик томонидан маъқулланадиган ғоя ва қадриятлар. Бизнинг ижтимоий репрезентацияларимиз бизга дунёни изоҳлашга ёрдам беради.

• **Ижтимоий таққослаш.** Ўз фикр ва қобилиятларини ўзини бошқалар билан таққослаш орқали баҳолаш.

• **Ижтимоий ўрганиш назарияси.** Ижтимоий хулқни кузатиш ва бажариб кўриш воситасида, мукофотлаш ва жазолаш билан таъсир кўрсатиб ўрганамиз, деб ҳисобловчи назария.

• **Ижтимоий қизиқиш.** Шахсий мақсадлардан кўра кўпроқ жамият манфаатлари учун бошқалар билан ўзаро ҳамкорликда намоён бўладиган инсониятга нисбатан муҳаббат ҳисси.

• **Ижтимоий ялқовлик.** Одамларнинг умумий мақсад учун ўз кучларини бирлаштирганларида индивидуал масъулиятга нисбатан камроқ жон куйдиришлари.

• **Иккиламчи жараён.** Психоанализ назариясида индивидуумга ўзига ва бошқаларга хавф келтирмасдан, инстинктив эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган когнитив — перцептив малакалар.

• **Иккиламчилик самараси.** Вақт бўйича охирги ахборот кўпроқ таъсир кўрсатади. Иккиламчилик самараси бирламчилик самарасига нисбатан камроқ учрайди.

• **Инградация.** Бошқа одамларни ўзига мойил қилишга интилиш мақсадида, масалан, мақтовга ўхшаган усуллардан фойдаланиш.

• **Индивидуализм.** Гуруҳ мақсадларига нисбатан ўз шахсий мақсадларига устуңлик бериш концепцияси. Бунда ўз-ўзини идентификация қилиш ўзини гуруҳ билан ўхшатиш орқали эмас, балки шахсий атрибуциялар воситасида амалга оширилади.

• **Интерпретация.** 1) Илмий интерпретацияда шакллантирилдиган модел назарий бўлиб, маълумотларни умумлаштириш, ўзаро боғлиқликда изоҳлаш; 2) Когнитив интерпретацияда модель ақлий схема бўлиб, унинг таркибидаги барча стимуллар аниқланади, таснифланади ва унга нисбатан реакция пайдо бўлади.

• **Инстинкт.** Туғма, организм тўқималари даражасида локаллашган, ташқи намоён бўлишга ва кескинликни бартарф қилишга интиладиган қўзғалиш ҳолати. Фрейднинг фикрича, инстинкт организм туғма қўзғалиш ҳолатининг майллар шаклида ифодаланадиган психик намоён бўлишидан иборат.

• **Инстинктив хулқ.** Ўрганиш билан боғлиқ бўлмаган, шу турнинг ҳамма вакилларида намоён бўладиган туғма хулқ.

• **Инструментал агрессия.** Қандайдир бошқача мақсадга эришиш воситаси бўлган агрессия.

• **Информацион таъсир.** Бошқа одамларнинг реаллик ҳақидаги мулоҳазаларини қабул қилиш натижасида пайдо бўладиган конформизм.

• **Ирқчилик.** 1) Алоҳида ирқ вакилларига нисбатан индивидуал нотўғри установақалар ва камситувчи хулқ ёки 2) алоҳида ирқ вакилларига тобелик ҳолати мажбур қилинадиган институционал амалиёт.

• **Кастрация қўрқуви.** Кастрация — лотинча атама, эркаклар уругдони ёки аёллар тухумдонини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш, бичиб қўйиш. Психоанализда эркаклар ташқи жинсий органини кесиб ташлаш — ёш ўғил болаларда отаси унинг жинсий органини онасига нисбатан жинсий рақобати учун кесиб ташлайди деган қўрқув ҳисси.

• **Катарсис.** Эмоционал бўшаниш. Агрессияни катарсис орқали шундай тушунтириш мумкин: индивидуум агрессив энергияни ёки агрессив ҳаракат воситасида ёки тасаввурдаги агрессия ҳисобига «озод қилганда» агрессив қўзғалиш сусаяди.

• **Катексис.** Психик энергиянинг объект, гоё ёки хулққа йўналганлиги.

• **Клиник психология.** Психологик қийинчиликларни ҳис қиладиган одамларни текшириш, ташхис қўйиш ва даволаш.

• **Когнитив диссонанс.** Бири-бирига қарама-қарши бўлган иккита фикр пайдо бўлганлигини англаш вақтида пайдо бўладиган зўриқиш. Масалан, биз етарлича асосга эга бўлмай туриб, ўзимизнинг установақаларимизга қарама-қарши ҳаракат қилганимизда ёки мантиқ бошқасини талаб қилиб турганда бошқа вариант фойдасига қарор қабул қилганимизда диссонанс пайдо бўлади.

• **Компетентлилик.** Ўзининг шахсий муваффақияти ва фойдасидан келиб чиқиб, атрофдагилар билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш қобилиятини англадиган куч ва ишончда ифодаланадиган психосоциал сифат.

• **Конфликт.** Идрок қилинадиган ҳаракат ва мақсадлар номувофиқлиги.

• **Конформизм.** Гуруҳнинг реал ёки тасаввурдаги босими остида хулқ ёки эътиқодларни ўзгартириш.

• **Корреляцион тадқиқотлар.** Ўзгарувчи қийматлар ўртасида пайдо бўладиган табиий алоқаларни ўрганиш.

• **Кўчириш.** Агрессияни фрустрация манбаидан бошқа нишонга ўтказиш. Янги нишон одатда ижтимоий жиҳатдан маъқулроқ бўлади.

• **Лаззатланиш тамойили.** Реалликнинг чеклашлари ёки талабларига қарамасдан ҳар қандай истак ва эҳтиёжларни шу заҳоти қондиришни талаб қиладиган йўналиш.

• **Латент давр.** Либидонинг мудроқлик ва диққатнинг ўз жинсига мансуб тенгдошлари билан муносабатларда қизиқиш ва малакаларни ривожлантиришга жамланадиган даври.

• **Либидо.** Асосан жинсий хулқдан лаззат қидирадиган психик энергиянинг бир қисми (сексуал энергия).

• **Лидерлик.** Алоҳида аъзолар гуруҳ фаолиятини мотивлаштирадиган ва ўз орқасидан эргаштирадиган жараён.

• **Маъқуллаш.** Ижтимоий босимга мос ҳаракат ва эътиқодни ўз ичига оладиган конформизм.

• **Маданият.** Одамларнинг катта гуруҳи учун умумий бўлган, авлоддан-авлодга узатиладиган тушунчалар, майллар, одатлар ва хулқ хусусиятлари.

• **Меъёрдан ташқари ғамхўрлик.** Болаларда ўз-ўзини назорат қилишнинг ривожланиши ҳақида етарли даражада ёки умуман қайгурмайдиган ота-оналар хулқини ифодаловчи атама.

• **"Мен".** Фалсафий тушунча бўлиб, шахс ўзига ҳисоб берадиган ва масъулиятни ҳис қиладиган, режалаштирилган характер субъектини билдиради. "Мен" онгсиз майллар пайдо бўлишининг цензори ҳисобланади. Цивилизация ва ижтимоий муносабатлар тараққиёти давомида "Мен" маданият томонидан шакллантирилади, яъни жамиятдаги маданий ва ахлоқий муносабатлар ҳар бир одамга таъсир қилади, у билан қўшилиб кетиб, субъектив "Мен" ни ташкил қилади.

• **"Мен"-структура.** Одамнинг ўз-ўзига тааллуқли бўлган маълумотни қайта ишлашни ташкил қиладиган ва йўналтирадиган ўз-ўзига ишонч.

• **Мудроқлик самараси.** Хабарнинг кечиккан таъсири; биз хабарни эслаймизу, унга ишонмаслик сабабини унутганимизда пайдо бўлади.

• **Мукофотловчи истаралилик назарияси.** Кимнинг хулқи биз учун фойдали бўлса ёки ким биз учун фойдали воқеалар билан боғлиқ бўлса, шу одамлар бизга ёқиши ҳақидаги назария.

• **Назорат иллюзияси.** Аслида назорат қилиб бўлмайдиган ҳодисаларни шахсий назоратим остида ёки яна ҳам кучлироқ назорат қилиняпти деб идрок қилиш.

• **Назорат локуси.** Одамлар ўз ҳаётларини шахсий интилишлари ва ҳаракатлари орқали «ичкаридан» ёки тасодифлар ва ташқи кучлар орқали «ташқаридан» назорат қилинади деб идрок қилишлари даражаси.

• **Невротик хавотир.** Эго назорат қилиб бўлмайдиган инстинктив майллар таҳдиди остида бўлганда индивид томонидан ҳис қилинадиган қўрқув кўринишидаги эмоционал жавоб (Ид — (У онг ости) дан келаётган импульслар Эгога нохушлик келтиради деган қўрқув).

• **Нормалар.** Умум томонидан қабул қилинган ва кутиладиган хулқ қондаси. Нормалар «тўғри» хулқни талаб қилади.

• **Норматив таъсир.** Одамнинг эътибор қозониш учун бошқаларнинг истаklarини қондириш истагига асосланган конформизм.

• **Онг олди.** Ҳар қандай (айни) пайтда индивидуум англамайдиган, лекин озгина қийинчилик ёки умуман қийналмасдан (масалан, туғилган кунингиз) англаниши мумкин бўлган фикр ва ҳиссиётлар.

• **Онгсизлик.** Ижтимоий ножоиз зиддиятлар ва майлларни ўзида жамлаган психика соҳаси. Бу зиддият ва майллар эркин ассоциациялар ва тушларни таъбирлаш ёрдамида онг соҳасига олиб чиқиши мумкин. Одамнинг ўзи англамаган ҳолда, автоматик тарзда бажарадиган, уйқу, гипноз, лунатиклик ҳолатидаги ҳаракатлари онгсиз ҳисобланади. Онгсизлик диалектиканинг биринчи қонунига кўра онгга антогонистик, сиқиб чиқарилган табиий туғма ҳаракатларнинг макони ҳисобланади. Онгсизлик туғма бўлиб, одамнинг бутун хулқини белгилаб беради.

• **Орал босқич.** Қизиқиш ва лаззатланишнинг асосий манбаи оғиз бўлган психосексуал тараққиётнинг биринчи босқичи.

• **Орал характер.** Фрейднинг тараққиётнинг орал босқичида тугилиб қолган шахс типи ҳақидаги концепцияси. Шундай типга эга бўлган шахс типи пассивлик, тобелик, ишонувчанлик (орал — пассив) ёки негативизм (бошқаларнинг таклифларига қаршилик кўрсатиш — пассив негативизм ёки кўрсатма ва буйруқларга тескари ҳаракат қилиш — актив негативизм), бошқаларни эксплуатация қилиш ва сарказм (бошқаларни ерга уриш, устидан кулиш), орал — садист (бошқаларга оғриқ ва азият етказишдан лаззатланиш) сифатлари билан ажралиб туради.

• **Пенис (эркаклар жинсий аъзоси)га рашк қилиш.** Психоанализ назариясида қизалоқнинг пенисга эга бўлиш майли ва ўзида шундай аъзо йўқлигини анатомик кашф қилиши.

• **Плюралистик саводсизлик.** Бошқа одамларнинг реакциялари, хиссиётлари ва фикрлари ҳақида нотўғри тасаввур.

• **Прайминг.** Хотирада махсус ассоциацияларни фаоллаштириш.

- **Проекция** — индивидуум ўзининг ножиоз истакларини бошқаларга тегишли деб ҳисоблайдиган ҳимоя механизми.
- **Просоциал хулқ.** Ижобий, конструктив, ижтимоий фойдали хулқ; антисоциал хулқнинг тескараси.
- **Психиканинг ижтимоий-маданий асосга проекция қилиниши.** Фрейднинг бу назарияси марксистлар томонидан кескин танқид қилинган. Дарвин назариясига таянганда, “онтогенез филогенезнинг қайтарилиши” ҳисобланади, яъни организмнинг индивидуал тараққиёти бутун турнинг тараққиётини қайтаради. Шундай қилиб, одамнинг тараққиётини кузатиб, жамиятнинг қандай ривожланишини айтиб бериш мумкин, чунки инсоннинг тараққиёти жамият тараққиётини айнан такрорлайди.
- **Психоанализ.** Фрейд томонидан яратилган тараққиёт, динамика ва ўзгаришларнинг шахс қурилмаси ҳақидаги назария. Психоанализда хулқни бошқаришда биологик ва англамайдиган омилларга катта эътибор берилади. Шунингдек инсон хулқи ўз асосига кўра иррационал ва Ид (У-онг ости), Эго (Мен-индивидуал онг) ва Супер- Эго (Юқори-Мен, ижтимоий онг, маданият)нинг ўзаро ҳаракати натижасидан иборат деб тасдиқланади.
- **Психодинамик назария.** Англамайдиган психик ёки эмоционал мотивларни инсон хулқининг асоси деб таъкидлайдиган назария.
- **Психологияда эволюцион йўналиш.** Табиий танланиш қонунларига асосланган хулқ эволюцияси таълимоти. Бу таълимот табиий танланиш алоҳида шароитларда у ёки бу генларнинг сақланиши ва тарқалишига шароит яратадиган ахборотни идрок қилиш усули ва хулқ шаклини яратади деб ҳисоблайди.
- **Психосексуал тараққиёт.** Шахс тараққиётини индивидуумнинг биологик мавжудлигидаги ўзгаришлар тили билан тушунтирадиган, Фрейд томонидан яратилган назария. Ҳар бир босқичдаги ижтимоий тажриба шу босқичда ўзлаштирилган установакалар, шахс хусусиятлари ва қадриятлар кўринишида из қолдиради.
- **Рад қилиш.** Индивидуумнинг атрофдагилар туфайли унга таҳдид солаётган кечинмалардан уларнинг мавжудлигидан ўзини четга тортиш йўли билан ҳимояланишида намоён бўладиган ҳимоя механизми.
- **Рационализация.** Индивидуумга ўз муваффақиятсизликларини ҳақиқатга яқинроқ оқлашга имкон берадиган ҳимоя механизми.
- **Реактив қурилма.** Бир хил импульс ва ҳиссиётларни чеклаш, уларга қарама-қарши импульс ва ҳиссиётларни кучайтириш йўли билан хавотирланиш даражасини пасайтиришга имкон берадиган ҳимоя механизми.
- **Реалистик хавотир.** Таҳдид ёки атроф борлиқдаги реал хавфни идрок қилишдан пайдо бўладиган эмоционал жавоб.
- **Реаллик тамойили.** Мос келувчи объект ва/ёки шу эҳтиёжни қондириш учун шароит топилмагунча инстинктни қондиришни кечроқ муддатга суриб туришни кўзда тутадиган йўналиш.

• **Регрессия.** Стрессни бартараф қилишга уринишда бирмунча соддароқ жавоблардан фойдаланиш; индивидуумнинг бирмунча эртароқ, хавфсизроқ ва ёқимлироқ тараққиёт босқичига қайтишидан иборат ҳимоя механизми.

• **Рефлектор ҳаракат.** Иднинг қўзғалиш манбаига ўша заҳоти жавоб бериш йўли билан тарангликдан озод бўлишдан иборат жараён.

• **Роль.** Айни ижтимоий позицияда одамлар ўзларини қандай тутишлари кераклигини аниқлаб берувчи нормалар тўплами.

• **Саломатлик психологияси.** Психологиянинг бихевориал тиббиётга берадиган ёрдамни таъминлайдиган бўлими.

• **Сексуал инстинкт.** Фрейднинг "одамлар сексуал қониқиш ёки лаззатланишга интилишади" деган ғояси.

• **Сиқиб чиқариш.** Нохуш фикр ва импульсларни онг даражасига етиб боришга тўсқинлик қиладиган ҳимоя механизми.

• **Стереотип.** Одамлар гуруҳининг шахсий сифатлар ҳақидаги фикри. Стереотиплар ҳаддан ташқари умумлашган, ноаниқ ва янги информацияга резистент бўлиши мумкин.

• **Структуравий модел.** Фрейд томонидан белгиланган шахс қурилмасининг Ид, Эго ва Супер — Эгодан иборат уч даражаси.

• **Сублимация.** Иднинг импульслари ижтимоий маъқул фаолликка йўналтириладиган ўрин алмаштириш шакли.

• **Супер — Эго.** Интериоризациялашган маданий-ижтимоий нормалар. Психоанализ назариясида шахс қурилмасидаги этик ёки ахлоқий қатлам; жазолаш ва рағбатлантириш воситасида ота-онадан олинган ижтимоий норма ва хулқ стандартларининг индивидуум томонидан интернализация қилиниши (интернализация — эътиқод, қадрият, установка, амалиёт, стандарт ва ҳоказоларни ўзиники деб қабул қилиш ёки уларга мослашиш).

• **Тасодифий танлаш.** Ҳар бир одам тенг танланиш имкониятига эга бўлган сўров процедураси.

• **Тасодифий тақсимлаш.** Эксперимент шартларига мос равишда текширилувчиларни шу шароитларга тушишнинг тенг имконияти билан тақсимлаш (Сўровда тасодифий танлаш билан экспериментда тасодифий тақсимлаш ўртасидаги фарққа эътибор беринг. Тасодифий тақсимлаш бизга сабаб ва оқибатни аниқлаш, тасодифий танлаш эса бутун турга нисбатан умумлаштиришлар қилиш имконини беради).

• **Тафаккурнинг гуруҳлашуви.** Бирдам гуруҳ учун консенсусни қидириш устунлик қилиб, у муқобил ҳаракат усулини реал баҳолашни инкор қилишга мойил одамларда пайдо бўладиган тафаккур режимидир.

• **Топографик модель.** Фрейд томонидан тасвирланган психиканинг уч даражаси модели: онг, онг олди ва онгсизлик.

• **Торлик.** Битта одамга тўғри келадиган майдоннинг субъектив етарли эмаслик ҳисси.

• **Трансфер.** Психоаналитик терапиянинг муҳим ҳодисаси бўлиб, пациентнинг ўтмишда бошқа муҳим объектларга (одатда ота-она-

дан бирига) нисбатан ҳис қилган ҳиссиётларини терапевтга кўчиришини англатади.

- **Тушларни таъбирлаш.** Туш рамзларини талқин қилиш восита-сида пациентларга уларнинг касаллик симптомларини ва зиддият-ларини тушунишларига ёрдам берувчи психоаналитик усул.

- **Тушунтириш усули.** Ҳаёт ҳодисаларини изоҳлашнинг одатий усу-ли. Изоҳлашнинг салбий, пессимистик, депрессив усули муваффа-қиятсизликларни барқарор, глобал ва ички сабабларга боғлайди.

- **Туғилиш тартиби.** Ҳаёт услубининг шаклланишида муҳим роль ўйнайдиган индивиднинг оиладаги кетма-кетлик позицияси (маса-лан, биринчи фарзанд).

- **Тўлақонли эмаслик ҳисси.** Болаликда пайдо бўладиган ва кейин-чалик балоғат ёшида бошқалардан устунлик учун курашга асос бўлиб хизмат қиладиган шахсий тўлақонли эмаслик, беўхшовлик ва но-қобиллик ҳисси.

- **Установка (аттитюд).** Фикр, ҳиссиёт ва мақсадга йўналтирил-ган, хулқда намоён қилинадиган, нимагадир ёки кимгадир нисба-тан ижобий ёки салбий баҳоловчи реакция.

- **Установкаларни эмлаш.** Кейинчалик янада кучлироқ ҳужумга қаршилиқ учун замин ҳозирлаш мақсадида одамларнинг установа-каларига кучсиз ҳужум усули.

- **Фактларга қарши тафаккур.** Содир бўлиши мумкин бўлган, лекин содир бўлмаган, тасаввурдаги муқобил сценарийлар ва натижалар.

- **Фаллик босқичи.** Жинсий органлар лаззатланиш ва ҳузур қилишнинг асосий манбаига айланадиган психосексуал тараққиёт-нинг учинчи босқичи.

- **Фаллик характери.** Тараққиётнинг фаллик босқичида тутилиб қолган шахс типининг Фрейд томонидан берилган таърифи. Бун-дай шахс типига эга бўлган катта ёшдаги одам қўполлик, эксгиби-ционизм, ўта мағрурлик ва рақобатчилик билан ажралиб туради. (эксгибиционизм — умумий мазмуни доимий диққат марказида бўлишга интилиш; жинсий мазмуни — ижтимоий номаъқул шаро-итларда ўз жинсий органини намойиш қилишга интилиш).

- **Фиксация.** Фрустрация ёки ота-оналарнинг бепарволиги туфайли шахс тараққиётининг илк психосексуал босқичда тўхтаб қолиши.

- **Фрустрация.** Психоанализда она томонидан эҳтиёж ва истак-ларнинг қондирилишига йўл қўйилмаслиги. Шунингдек, шахсий мақсадларга эришишнинг тутилиб қолишида ҳам пайдо бўлади. Мақсадга йўналтирилган хулқнинг тутилиб қолиши.

- **Характер тип.** Фрейд томонидан одамларни психосексуал та-раққиётнинг аниқ даражасида тутилиб қолишга мос ҳолда тасниф қилиниши.

- **Ҳиндсайт хатоси.** Бирон-бир одамнинг натижа маълум бўлиб бўлгандан сўнг ўзининг олдиндан кўра билиш қобилиятини бўртти-риши, шунингдек, «мен шундай бўлишини билардим» феномени сифатида ҳам машҳур.

• **Шахсий майдон.** Биз ўз атрофимизда сақлаб туришни маъқул кўрадиган буфер бўшлиқ. Бу бўшлиқнинг ўлчами ёнимизда турган одам билан қанчали яқинлигимизга боғлиқ.

• **Шахсий мониторинг.** Ижтимоий вазиятларда ўзини тақдим қилиш ва керакли таассурот уйғотиш мақсадида хулқни бошқариш усулларини ўрганиш.

• **Шахсий самарадорлик.** Шахсий компетентлилик ва самарадорлик ҳисси. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва шахсий обрў ҳиссидан фарқ қилади. Масалан, юқори шахсий самарадорлик ва ўз-ўзини паст баҳолаш бўлиши мумкин.

• **Шунчаки кўз ўнгида туриш самараси.** Илгари нотаниш бўлган кўзговчилар бир неча марта кўз ўнгимизда пайдо бўлгандан сўнг уларга кўпроқ мойил бўлиб, ижобийроқ баҳо беришимиз.

• **Ўз-ўзини идрок қилиш назарияси.** Шахсий установакалардаги ишончсизлик бизни улар ҳақида «ўзимизни кузатиш» — установакалар намоён бўладиган вазиятлар ва хулқимизни текшириш орқали хулоса чиқаришга мажбур қилади деб ҳисобловчи назария.

• **Ўз «Мен»ни фойдасига мойиллик.** Ўз-ўзини қойилмақом идрок қилишга интилиш.

• **Ўз гуруҳи фойдаси учун қайгуриш.** Бегона гуруҳ аъзоларининг ижобий хулқини маълум оқлашлар билан тушунтириш; салбий хулқини уларнинг диспозициялари билан тушунтириш (ўз гуруҳининг айни шундай хулқини оқлаш).

• **Ўз-ўзини англаш.** Онгнинг диққатни ўз-ўзига йўналтирилгандаги ҳолати. Бу нарса одамларнинг шахсий установакалари ва диспозицияларига сезгирлигини оширади.

• **Ўзаро бир-бирини тўлдириш.** Гўёки иккита одам ўртасидаги ўзаро муносабатлар чоғида хар иккаласининг бир-бирини тўлдириш ҳолати пайдо бўлади. Ўзаро бир бирини тўлдириш ҳақидаги мунозарали фараз, айнан қизиқишлари турлича бўлган одамлар бир-бирларига интилишади, чунки бу нарса уларга бир-бирларини тўлдиришга имкон беради деб тасдиқлайдилар.

• **Ўзаро боғлиқлик иллюзияси.** Индивид томонидан аслида йўқ ўзаро муносабатларни идрок қилиш ёки ўзаро муносабатларни аслидагидан кўра яқинроқ деб идрок қилиш.

• **Ўзаро ҳаракат.** Битта омилнинг (масалан, биологик) бошқа омилга (масалан, атроф-муҳитга) таъсири самараси.

• **Ўзаро ўз-ўзини ошкор қилиш.** Ишончли суҳбат пайтида ўзаро ошкоралик уйғониши.

• **Ўзгарувчанлик.** Индивиднинг бутун ҳаёти давомида шахс бетўхтов ўзгаришга учраб боради деб тасдиқлаш.

• **Ўзига бино қўйиш феномени.** Аниқликдан кўра кўпроқ ишониш хусусияти, яъни ўз эътиқодларининг тўғрилигига ортиқча баҳо бериш.

• **Ўзини ошкор қилиш.** Бошқа одам олдида яширин кечинма ва ҳиссиётларини ошкор қилиш, ёрилиш.

• **Ўзини оқлашнинг етарли эмаслиги самараси.** Ташқи оқлаш «етарли бўлмаган» ҳолатда ўз хулқини ички оқлаш йўли билан диссонансни камайтириш.

• **Ўзлаштирилган чорасизлик.** Одам ёки ҳайвон доимий қайтарилаётган нохуш ҳодисаларни назорат қила олиш имкониятини ҳис қила олмаган ҳолатларда ўзлаштириладиган чорасизлик ва мутелик.

• **Ўз-ўзига мурожаат қилиш самараси.** Ўзимизга тааллуқли бўлган информацияни яхши эслаб қолиш ва самарали қайта ишлаш.

• **Ўз-ўзимиз учун қурадиган тўсқинликлар.** Ўз шахсий муваффақиятсизлигини оқлаш йўли билан Мен-образи ни ҳимоя қилиш.

• **Ўз-ўзини тақдим қилиш.** Ўз-ўзини намоеъ қилиш ҳаракати ва кимнингдир идеалларига мос тушадиган таассурот ёки ёқимли таассурот уйғотиш учун йўналтирилган хулқ.

• **Ўз-ўзини ҳурмат қилиш.** Шахсий гурур ҳисси ёки одамнинг ўз-ўзига кенг қамровли баҳоси.

• **Ўлим инстинкти.** Фрейднинг "одамлар ўз-ўзини вайрон қилиш ва ўлим истаги билан фаолашишади" деб аталувчи ғояси (аксарият ташқи томондан агрессия кўринишида ифодаланади).

• **Ўрин алмаштириш.** Моҳияти ҳақиқий объект томонидан ўч олиниш эҳтимоли туфайли ҳиссиёт ва импульсларни бутунлай бошқа одамга йўналтиришдан иборат бўлган ҳимоя механизми. Масалан, ўқитувчи томонидан танқид қилинган талаба ўз ғазабини ётоқхонадаги кўшнисига сочади.

• **Ўртачага қайтиш.** Энг юқори натижалар ёки ўзига хос хулқ ўртача кўрсаткичга қайтишга интилишини билдирувчи статистик кўрсаткич.

• **Ҳаёт инстинкти.** Фрейднинг "одамлар ўз-ўзларини сақлашга интилишади" деган ғояси.

• **Ҳамкорлар.** Рақобат талаб қилмайдиган ишни алоҳида-алоҳида бажарадиган, индивидуал, бир вақтда ишлайдиган одамлар гуруҳи.

• **Ҳамкорлик нормаси.** Одамлар уларга ёрдам берганларга зарар келтиришдан кўра, кўпроқ ёрдам беришади, деб кутиш.

• **Ҳимоя механизмлари.** Индивидуумни хавотир ва айбдорлик ҳисси каби нохуш эмоциялардан ҳимоя қилувчи англалмаган реакциялар. Одамга хавф солувчи импульсларни беркитувчи ёки бузиб кўрсатувчи эго — ҳимоя хусусияти.

• **Қаршилик кўрсатиш.** Сиқиб чиқарилган материалнинг очилишига терапия пайтида қаршилик кўрсатиш; шунингдек, психотерапияни муддатидан олдин тўхтатиш йўли билан ҳимоя хулқи моделини сақлаш.

• **Қиёсий депривация.** Ўзининг аҳволини бошқаларга нисбатан ёмонроқ деб идрок қилиш.

• **Эътиқодлар мустаҳкамлиги.** Бирон-бир одамнинг бирламчи тасаввурларининг мустаҳкамлиги. Эътиқоднинг асоси дискредитация қилинганда (обрўсизлантирилганда) ҳам, эътиқоднинг ҳақиқий бўлганлигининг изоҳи сақланиб қолаверади.

• **Эго — идеал.** Ота-оналар томонидан болага ўргатилган ўз-ўзини такомиллаштиришнинг аниқ стандартларидан иборат Супер — Эгонинг бир қирраси. Индивид ўз-ўзини баҳолаш ва мағрурлик ҳиссининг ўсишига олиб келадиган мақсадларга эришишга интилганда Эго — идеалдан фойдаланади.

• **Эго.** Психоанализ назариясида ижтимоий дунё билан самарали ҳамкорлик қилиш учун зарур бўладиган идрок, тафаккур, малака ва психик фаолликнинг бошқа ҳамма кўринишларини ўз ичига оладиган шахс қурилмасининг қирраси.

• **Эгоизм.** (Эҳтимол ҳар қандай хулқнинг асосида ётадиган) шахсий фаровонликни яхшилашга интилиш. Бошқаларнинг фаровонлигини яхшилашни мақсад қилиб қўядиган альтруизмга тескари.

• **Эдип ёки Электра комплекси.** Фаллик босқичда пайдо бўладиган, боланинг қарама-қарши жинсдаги ота ёки онаси билан жинсий қўшилишга интилиши, ўзи билан бир жинсдаги ота ёки онаси томонидан таҳдидни ҳис қилиши ва вақти келиб зиддиятни ўзини ўзи билан бир жинсдаги ота ёки онаси билан идентификация қилиш орқали бартараф қилишидан иборат жараён. Бола қарама-қарши жинсдаги ота ёки онасига нисбатан эротик ҳиссиётни, ўзи билан бир жинсдаги ота ёки онасига нисбатан эса рашкни бошдан кечиради.

• **Экспериментал тадқиқот.** Бир ёки бир неча омиллар (мустақил ўзгарувчан қийматлар) ни манипуляция қилиб ва бошқаларини назорат қилиб (ўзгаришсиз қолдириб), сабаб-оқибат ҳақидаги маълумотларни аниқлайдиган тадқиқот.

• **Электра комплекси.** Фрейд назариясидаги Эдип комплексининг аёлларга нисбатан версияси.

• **Эмоционал қайта ўрганиш.** Даволашнинг охириги босқичида қўлланиладиган, пациентга ўзи англаган нарсани кундалик ҳаётида ўзгартиришга эришиш учун фойдаланишига ёрдам берадиган психоаналитик усул.

• **Эмпатия.** Бошқа одамнинг ҳис-туйғуларини жўшқин равишда кечириш; ўзини унинг ўрнига қўйишга ҳаракат қилиш, ҳамдардлик.

• **Энтропия.** "Ҳар қандай энергетик тизим мувозанат ҳолатига интилади" деб тасдиқловчи термодинамика қонуни. Психоанализ назариясида энтропия ҳар қандай тирик мавжудотга ўзлари пайдо бўлган жонсиз ҳолатга қайтишга интилиш хос, деган маънони англатади.

• **Эпигенетик тамойил.** Одам ўз тараққиётида албатта бутун инсоният учун умумий бўлган қатъий кетма-кетлик босқичларидан ўтади, деб тахмин қилиш. Ҳар бир босқич биологик етилиш ва айна босқич томонидан одам олдига қўйиладиган ижтимоий талаблар билан бирга келадиган инқирозда намоён бўлади.

• **Эркин ассоциация.** Индивидуум қанчалик абсурд, шармандали ва мантиқсиз бўлмасин, калласига нима келса, шуни эркин гапириши жараёнида онгсизликни ўрганадиган психоаналитик усул.

- **Эроген зоналар.** Баданнинг ички ва ташқи тўқималари бирлашадиган ва таранглик ҳамда қўзғалиш манбаи бўлган нуқталари.

- **Этноцентризм.** Ўз этник гуруҳи ва маданиятининг устунлигига ишонч ва мос равишда бошқа гуруҳларни назар-писанд қилмаслик.

- **Эҳтимол-"Мен".** Келажакда биз орзу қиладиган ёки шундай бўлишдан қўрқадиган образлар.

- **Эҳтиросли муҳаббат.** Бошқа одам билан алоқага кучли мойиллик ҳолати. Эҳтиросли севишганлар бир-бирлари билан бутунлай банд бўладилар, севганларининг муҳаббатига эришганларида экстаз ҳолатига тушадилар, уни йўқотганларида эса ғам-андуҳларининг чегараси бўлмайди.

- **Яқинлик.** Географик қўшнилик. Яқинлик (яна ҳам аниқроғи «функционал масофа») боғлиқлик ҳиссининг уйғонишини тақозо қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И. А.* Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «FIDOKOR» газетаси мухбири саволлариға жавоблар, 2000 йил 8 июн.

2. Аналитическая психология и психотерапия /Сост. и общая редакция В. М.Лейбина . — СПб.: Питер, 2001.—512с. — (Серия «Хрестоматия по психологии»).

3. *Артур Ребер.* Большой толковый психологический словарь. Том 1—2. ВЕЧЕ АСТ., Москва, 2001.

4. *Зимбардо Филипп.* “Застенчивость”. Пер.с англ. Педагогика, 1991—203с.ил.

5. Курс практической психологии, или как научиться работать и добиваться успеха: Учебное пособие для высшего управленческого персонала (Автор-сост. Р.Кашапов).-Ижевск: Изд-во Удм. Ун-та, 1996 — 448с.ил.

6. *Куттер Петер* “Современный психоанализ” Пер. с нем. С.С.Панкова под общ.ред В.В.Зеленского — СПб, “Б.С.К”, 1998 — 348с.ил.

7. *Лаплани Ж., Понталис Ж. Б.* Словарь по психоанализу/ Пер. с франц. Н.С. Автономовой. — М.: Высш.школ.,1996—623с.

8. *Лейбин В.М.* “Психоанализ и философия неофрейдизма” М. Политиздат, 1977—246 с.

9. *Майерс Д.* Социальная психология. 6-е изд., перераб. и доп. — СПб: Питер, 2001. — 750с.: ил. — (Серия «Мастера психологии»).

10. *Менегетти Антонио* “Практическое руководство по имагогике” Л. ЭКОС и Ленинградская ассоциация по онтопсихологии, 1991 — 112 с.

11. “Психоанализ и наука о человеке” (Сост. Е.В. Филиппова, М.Шуаре).- М. Прогресс — Культура, 1997—416 с.

12. *Рудестам К.* Групповая психотерапия. — СПб.: Питер, 2001. — 384 с.: ил. — (Серия «Золотой фонд психотерапии»).

13. *Фернхем А., Хейвен П.* Личность и социальное поведение. — СПб.: Питер, 2001. — 368 с.: ил. — (Серия «Мастера психологии»).

14. Франкл Виктор. Человек в поисках смысла. Сборник: Пер. С англ. и нем (Общ. ред. Л.Я.Леонтьева. — М. Прогресс, 1990. — 368с. Ил. — (Б-ка зарубежной психологии)

15. Фрейд Зигмунд. Введение в психоанализ. Лекции (Авторы очерка о Фрейте Ф.В.Бассин и М.Г.Ярошевский) — М. Наука 1991. —456с. — (Серия “Классики науки”)

16. Фрейд Зигмунд. “Я” и “Оно”. Труды разных лет. Пер. с нем. кн. 1,2. Сост. А. Григорашвили. Тбилиси: “Мерани”, 1991. — 398 с.

17. Хьел Л., Зиглер Д. Теории личности — - СПб.: Питер, 2001. — 608 с.: ил. — (Серия «Мастера психологии»).

18. Jung C. G. (1968). Analytical psychology: Its theory and practice (The Tavistock Lectures). New York: Pantheon.

19. Adler A. (1964). Superiority and social interest: A collection of later writings. H. L. & R. R. Ansbacher (Eds.). Evanston, IL: Northwestern University Press.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Шахс назариясида психоаналитик йўналиш.....	3
Фрейднинг маданиятшунослик ва психосексуал назарияси.....	12
Психоанализда инсон образи.....	22
Неврозлар ҳақида психоаналитик назария.....	26
Делинквент хулқ.....	34
Психоанализда диагностик методлар.....	51
Психоаналитик тест методлари.....	58
Даволаш ва маслаҳатнинг психоаналитик методлари.....	62
Психоаналитик методларни муваффақиятли қўллашнинг зарурий шартлари.....	68
Топ мазмундаги психоаналитик метод.....	72
Қиёсий таҳлил.....	85
Психоаналитик терапиянинг бошқа шакллари.....	86
Психоанализни қўллаш.....	91
Гуруҳли терапияда метод ва назариялар.....	95
Психологияда шахс типологиялари.....	101
Оилавий психотерапия қоидалари.....	114
Психологнинг касб этикаси кодекси.....	121
Психоаналитик атамаларнинг изоҳли луғати.....	128
Адабиётлар.....	141

Отажонов М.

Психоанализ асослари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма.— Т.: Ўзбекистон, 2004.—144 б.

ББК 88 я73

Тузувчи-муаллиф М. Отажонов

ПСИХОАНАЛИЗ АСОСЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти — Тошкент — 2004

Муҳаррир *Г. Каримова*

Бадий муҳаррир *У. Солиҳов*

Тех.муҳаррир *У. Ким*

Мусаҳҳиҳ *Ш. Мақсудова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Босишга рухсат этилди 4.02.2004. Қоғоз формати 84x1081/32. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоқ 7,56. Нашр табоғи 7,14.

Тиражи 1000. Буюртма 288. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 72-2003.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. 700194, Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.